

# Кўк Турклари асири

© Инглизчадан Аъзам Обидов таржимаси

Ноуман Смайлз

2001

## Фавкуллда сўзбоши

Мен ушбу кўлёмани деярли икки йил бурун, 11 сентябрдан олдинроқ олгандим. Бироқ, эндиликда ушбу сананинг мудҳиш сояси остида ҳамма нарса ўзгариб кетди, кўлёмма у куннинг турфа, керак бўлса, даҳшатли қирраларини очиб берди. Келинг, дастлабки норозилигингизни унутинг-да, яхшиси, нотаниш ном ва жойлар чакалакзорига ўзингизни уринг, алал оқибат ўзингиз кутмаган тарзда мукофотга сазовор бўласиз, қолаверса, бугунги дунёнгиздан бутунлай фарқланувчи қандайдир бошқа бир оламни, аввалги тасаввурларингизга мос келмайдиган ўзгача бир дунёни англай бошлайсизки, булар ўша пайтда менинг дўстим Эми Спёрлинг томонидан бир неча сатрларда қуйидагича қоралаб қўйилган:

«Бу одамни бўшаштириб юборадиган асардир.

Унда биз фақатгина ўқий оладиган жойлар . Монголия, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Гуржистон, Ўзбекистоннинг юқори кенгликларию, баъзан Венеция ва Венага саёҳатлар ўрин олган. Ҳикоянавис-таржимоннинг иши ҳамма жой билан таништириш бўлганидай, биз у билан нафақат курраи заминнинг бир бурчидан иккинчи бурчи бўйлаб узок саёҳатга, балки инсониятни ўйлантираётган энг муҳим масалаларга жавоб излашга отланамиз. Асар бирмунча мураккаб эса-да, лекин жуда моҳирона ишланган, воқеалар тизими турли Замонлар ва Цивилизациялар орқали ўхшаш тарихларни бир-бирига боғлайди. Асарда шунингдек, уруш, табиат тасвири, романтик ҳолат, жумбоқ, жосуслик ва сиёсий хийла қабилар ўз аксини топган. Булар орқали кўз ўнгимизда замонамизнинг ва ўтмишнинг трагикомедияси намоён бўлади. Ҳурмат, эътиқод ва шафқатсизлик, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бюрократларнинг турмага тикилгани нозиклик билан қаламга олинган. Асардан ҳар ким ўзи учун керакли бўлган нимадир олади, донишманд халқ тафаккурининг меваси бўлмиш қадимий мақоллар бугунги кунда ҳам ҳар биримиз учун ўз долзарблигини йўқотмаган. Ва ниҳоят, муаллиф турфа ҳикояларнинг барини ажойиб йўсинда ўзаро боғлаган, шу йўсинда китоб сарлавҳасининг ҳам жумбоғи очилади. Эми Спёрлинг. Ёзувчи.»

Ноуман Смайлз

## Сўзбоши

Гарчи ушбу китобнинг муқовасида менинг номим зикр этилган бўлса-да, аслида бу матн Алтоир Маъдий исмли кишига тегишли. Буни менга ВВС Жаҳон Хизматининг Марказий Осиё ва Кавказ Бўлимида хизмат қилувчи жаноб Ҳамиджон Исмоилов келтириб берди. Ўзининг «кескин вазиятли нуқталарига» сафаридан қайтар экан, жаноб Исмоилов

деярли ўқиб бўлмайдиган инглизча хуснихатли бир қўлёмани қўлимга тутқазди. Дўстим Мисс Эми Спёрлинг билан биргаликда бир оз тахрир қилиб чиқдик бу қўлёмани: ҳикояларни жой-жойига қўйдик, асосий қаҳрамонлар рўйхатини туздик, чунки англис ўқувчисига бу номлар бутунлай нотаниш эди, қолаверса, асарда жудаям кўп исмлар учрайди. Биз асар услубини ўзгартиришга уринганимиз йўқ, лекин муаллифнинг тилшунослик қоидаларидан чекинган ўринларига қўл теккизганимиз, баъзи жумлаларни тушунарли ҳолга келтирганимиз бўлди. Қуйида асар ҳақида қисқача ҳикоя қилган ҳолда, матнни жойлаштирганимиз йўлни намойиш этаман: Рўмонни ҳикоя қилувчи шахс Марказий Осиёдаги (балки Шинжонда) ҳарбий экстремистик гуруҳ томонидан гаровга олинган таржимондир. Унга жангариларнинг баёнот ва мурожаатларини таржима қилишга рухсат берилади, асарда у бузук инглизчада ўзининг гапларини баён этади, унга кўра, жангарилар тушунмайдиган ягона тил шу эди. Ҳикоячи нима сабабдан у ерда эканини англашга интилар экан, ўз ҳаётининг кейинги икки йилини эсга олади. Икки йил бурун биринчи бора у Шинжонга Лук исмли америкалик олимга тилмочлик қилиш учун келган эди. Бу олим Кўк Турклари– Марказий Осиёдаги қадимги халқ, дунёдаги зардуштийлик, манахеизм, иудаизм, буддизм, ислом, шоманизм каби барча динларга амал қилган халқ билан қизиқарди. Шинжонда Лукни ҳибсга олишади. Тилмоч бир мўъжиза туфайли ўлимдан сақланиб қолади. У тилмочлик ишини давом эттиради, унинг ҳаёти, замонавийроқ қилиб айтадиган бўлсак, футболдан шоу-бизнесгача бўлган барча айқаш-уйқашликларини акс эттирарди. Рўмоннинг иккинчи қатлами Кўк Турклари ҳақида аввалроқ тадқиқот олиб борган кишиларнинг ғаройиб ва сирли тақдирлари борасидаги ҳикояларни ўз ичига олади. Лук билан қандай воқеа содир бўлганини билиш мақсадида, ҳикоячи ана шундай тадқиқотчилардан: яҳудий Зев, рус роҳиб Валаамов, буддист Тензиг ҳамда мусулмон Ат-Тоҳарийларни ўрганади. Бу йўлда у художўй турклар тўғрисида кўплаб маълумотлар йиғади, лекин ҳикоячи ўша туркларни тадқиқ этган кишиларнинг ҳаётлари фожеа билан туггани, яъни ё ўлдирилганлари ёхуд сазойи қилинганларини аниқлайди. Лекин нима учун, деган савол орқали ҳикоячи ўз тақдирини англай олишида ёрдам бера оладиган бирор жавобни излайди. . .

*Рўмоннинг учинчи қатлами аввалги икки қисми билан боғланган ҳолда Кўк Туркларининг ўзлари ҳақида ҳикоя қилади. Туркларнинг ҳукмдори султон Билга-Ҳоқон, қаҳрамон шаҳзода Кул-Тегин ҳамда Донишманд, Кекса Тонгюқуқлар биргаликда Тинч океанидан Қора денгизга қадар чўзилган заминда дашт салтанатини барпо этдилар. Бироқ шаҳзода Кул-Тегин вафот этиб, унинг жанозасига қўшни мамлакатлардан элчилар кела бошлашади. Жанозадан сўнг ҳоқон уларга қарата шундай дейди: «Умрим бино бўлиб, қанча-қанча маконни ўз тасарруфимга олдим, аммо замонни енгиб бўлмас экан. Мана биродаримдан айрилдим. Энди сизнинг қўмагингизга таяниб, абадийлик устидан галаба қозонмоқчиман. Ўзингизда мавжуд бари ақлу-заковатни ҳузуримга келтиринг!» Шундай деб ҳоқон уларни гаровга олади ва уларнинг ҳар бири ўз Муқаддас Китобларини таржима қилишга киришадилар. Гарчи китоблар муқаддас бўлса-да, лекин элчилар барча қатори одам; бири иккинчисини заҳарлайди, учинчиси тўртинчисини сотади, бешинчиси олтинчиси билан зинога қўл уради... Салтанат чириб, тағ-туғи билан қулайди. Алал-оқибат султоннинг ўзини хоинлар ўлдириб кетишади. Биргина Оқил Тонгюқуқ ҳамма нарсани тушуна билади; Салтанатни сақлаб қолишининг имкони йўқлигини англагач, у қандай қилиб галабага эришиши йўлини топади. У бунга Буюк Қайтарув дея номлайди. Тонгюқуқ элчиларни уларга ўхшаш кишилар билан алмаштириб, ҳар бирини ўз сафдошлари билан бирга турли мамлакат, ирқ ва этник одамлар орасига юборади. Ҳеч ким бу шидан хабар топмайди. Буларнинг бари тарихнинг биз билмаган саҳифаларини ташкил этади, чунки улар гайритабиий, Кўк Турклари эдилар, шу боис, кимда-ким бу сирни қисман бўлса-да ошкор этар экан, у ўлимга маҳкум эди.*

Магар кейинчалик сизга маълум бўладики, бу каби барча нарсалар тўғрисида тилмочнинг ўз айтар гаплари ҳам бор. . . Балки нима учун бу лойиҳа устида иш бошлаганимни билмоқчидирсиз. Яхши, айтсам айтибман-да, мен жаноб Исмоилов билан кўп йиллардан бери ошна-оғайниман, у менинг даярли унутилаёзган китобим «Одатлар ва қолиплар» ни

Ўзбекчалаштирганди. Шундан буён жаноб Исмоилов мени ўзининг «Мажолисун-нафоис» адабий-фалсафий гуруҳининг фахрий аъзолигига лойиқ кўрди. Муҳтарам ўқувчи бу тўғрида куйидаги сайтдан тўлиқроқ маълумот олиши мумкин:

<http://www.ferghana.ru/another.html/> Nobless oblige, яъни шароит шуни тақозо этади, дейишади французлар. Шунга ўхшаб, Ҳамиджон менга кўлёмани бераркан, уни ўз номим ёки Мисс Эйми Спурлинг номи остида чоп этишни илтимос қилди, йўқса, деди у, — «сахродан чиққан садога ҳеч ким кулоқ тутмайди». У балки ҳақ эди. Ўзимга келсак, бу борада ҳеч бир муаммом йўқ. Юқорида тилга олганим китобда шундай ёзганманки, муаллифлик бу фақат иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, унинг ижодкорлик билан мутлақо алоқаси йўқ. Аллоҳ ҳамма мавжудот меники дея, уммонлар барча дарё менга тегишли деб ва дарахтлар тўкилган барглари устидан ҳокимликни даъво қилмайди. Магар буни бир ўйин деб ҳам ўйламанг. Мен бузуқ инглизчага бунчалик даражада тақлид қила олмаган бўлардим, агар қила олганимда, ўзимни «Мажолисун-нафоис» аъзосидан юқорироқ санаган бўлур эдим.

Ноуман Смайлз, Ҳартфордшир. Ҳикоя иштирокчилари: Лук — Хитойда ҳибсга олинган кўк туркларини тадқиқ қилувчи америкалик католик

Зев — Кўк Туркларитадқиқотчиси, яҳудий, хитойлик суюқоёқ қизнинг ошиғи Роҳиб Валаамов — Хитойдаги рус миссионер, кўлёмалар билимдони Тензиг — Тибетлик роҳиб, Валаамовнинг дўсти Ли — тилмочнинг гаровга олинган хитойлик шериги

Фиона — Лукнинг жазмани, тилмоч севиб қолган қиз Билга Ҳокон — Кўк туркларнинг Замонни енгилга аҳд қилган ҳокони Кул-Тегин — унинг кичик укаси, жангда ҳалок бўлган қахрамон Тонгюк — Ҳоконнинг кекса маслаҳатчиси, унинг қайнотаси

Побека — унинг қизи, Ҳоконнинг хотини Элчи Лянг Фармузд Макрач ва Ўғуз-билга

Тардуш-Инончи Удар-Сангун — Кул-Тегиннинг жанозасига келган ва гаровга олинган турли мамлакат элчилари Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Шуни айтишим керакки... маъзур тутгайсиз, буни инглизчада айтмасам бўлмайди. Биламан, менинг инглизчам бузуқ, жайдари, ҳашаки инглизча, лекин дунёнинг ярмидан кўпи мана шундай инглизчада гаплашади-ку дея ўзимни овутаман. Нафсиламрини айтганда, мен буни инглизчадан бошқа кўпгина тилларда етарлича гўзал ҳикоя қилиб беришим мумкин эди. Афсуски, бу борада анча чегараланганман. Шу кунгача мен инглизчада «Мен буни жуда яхши кўраман» эмас, «Мен буни яхши жуда кўраман» деб келдим. Сизга айтмоқчи бўлганим шуки, нотиклик ёки услубнинг аҳамияти йўқ мен учун. Қолаверса, тил грамматикага амал қилиш эмас, балки муомала воситасидир, шундай эмасми? Ўзимизникилар айтганидай, айтсам тилим, айтмасам дилим куяр. Мана шу нарса мени ҳикояни бошлашга руҳлантирди. Ва ниҳоят инглизча менинг тасарруфимдаги ягона бир тил эдики, уни атрофимдаги кишилар мутлақо тушунмасди... 1. Деярли бир ой олдин мени гаровга олишди. Ўшандан бери қанча вақт ўтганини аниқ айта олмаслигимга сабаб тоғлар орасидаги кичик метеорологик уйчадаги тутқунликда вақтни аниқлашнинг имкони йўқ эди. Биз бунда икки кишимиз: мен ва Ли исмли бир хитой йигит, ён атрофда ўз мустақиллиги учун курашаётган жангарилар гуруҳидаги турли-туман одамлар. Умуман олганда, улар бизга ўзларини яхши кўрсатишга интилишади, сабаби, биз чет элликмиз, магар баъзан ҳукумат уюмлари улар устига бомба ташлаш учун ёпирилиб келганда, жудаям кўпол ва ёқимсиз бўлиб кетишади. Бундай пайтда улар бизни ушлаб, бошимизга қоп кийгизиб, яқинроқдаги ғор ёки бошқа пана жойга судраб кетишади. Биз эса кун билан туннинг фарқига бормай ётамиз. Бомба тушишини ҳисобга олмаганда, ҳаётимиз, агар уни ҳаёт деб аташ мумкин бўлса, бир-бирига боғланган ҳолда бир хилдаги бошпана остида ухлаш, қачон берилишини кутиладиган овқат — асосан музлаган картошка, сувда қайнатилган макарон, баъзан эса дудланган гўшт, қотган нон ҳамда Хитой кўк чойидан иборат. Ҳожатхона ташқарида бўлиб, бизни егулигимизга қараб қунига икки-уч маҳал бошимизга ҳалигинақа қопларни ўраб-чирмаб, у ёққа олиб чиқишади. Бошқа пайтлар биз фақат ўтираемиз, баъзан китоб ўқиймиз, сўзлашишга руҳсат йўқ, лекин қочиб кетган баъзи метеорологистлардан қолган шоҳмотни ўйнамоқ мумкин. Қизик, лекин одам

зоти ҳар нарсага кўнар экан, фақат тақдирим шу экан-да дея ўйлансагина, бундай турмушга кўниш осон кечади. Миянгиз бўш, на кўрқув ва на умид ҳисси мавжуд. Ёлғиз яланғоч ҳолдаги бемаъни умр. Бошқа ҳолларда сиз бундай шароитда бўлиш қанчалик ҳаяжонли экани ва унинг мавжудлик борасидаги тажрибангизни не қадар бойитиши ҳақида ўйлаган бўлардингиз. Ҳафсалангизни пир қилишга тўғри келади. Ён атрофда нукул бир-хиллик. Тўғриси айтганда орадан фақат бир ой ўтиб, ўзимга нима бўлганилиги ҳақида ўйлашга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилияпман. Нега мен бу ерга тушиб қолдим? Дунёдаги энг баланд тоғлар орасида, номаълум бир жойнинг қоқ ўртасида, қандайдир сабаб билан урушиб юрган ғазабнок одамлар орасида нима қилиб юрибман ахир? Мен ўзи кимман? 2

Бундан икки йил аввал Шинжон — Уйғуристонда Индианадаги католик институтидан келган америкалик исломшунос олимга тилмоч эдим. Шинжон қаерда жойлаганини биласизми? Бу Хитойда, Тибет билан Марказий Осиё оралиғида жойлашган. Шундай қилиб биз Шарқий Туркистоннинг борган сари хитойлашиб бораётган турли ўлкаларига бордик. Биз қадимги кўлёмаларни ахтариб юрардик. Балки ғоят кенг саҳронинг бир қанча воҳаларини кезиб, исталган динга оид кўлёмаларни топиш мумкин демоқ ҳам тўғри бўлар, негаки америкалик дўстим айтганидай, қадимги уйғурлар ва уларнинг аجدодлари — қадимги ёки Кўк Туркларибарча динларга эътиқод қилганлар. Лук Америкадан олиб келган бир неча буддист таржимон билан бир қаторда биз ҳам Хўтандан 17-сасрга тааллуқли кўлёмма сотиб олдик. Бу дастлабки Манихей матнларининг тўплами эди. Қашғар томонга жўнар эканмиз, бир жуфт Исломга оид китоб ҳам топиб олдик ва... Узр, алахсияпман... Биз Турфонни саёҳатимизнинг сўнгги нуқтаси дея белгилаб олдик. Лукнини айтишича, Турфон ўзининг жойлашиш ўрни билан машҳур. У денгиз сатҳидан тахминан 150 метр пастда жойлашган. Лук яна бундай пастликларнинг дин ва диний кўлёмалар билан қандайдир алоқаси мавжуд эканлигини айтди. У бизникидан-да куйирок бўлган Ўлик денгизни мисол қилиб келтирди.

Келишувимизга кўра, мен олдинроқда бориб, баъзи нарсаларни аниқлашим, алоқа боғлашим ва учрашув ташкиллаштиришим лозим эди. Эрта азонда Лук Урумчи музейига, мен эса турист сифатида олти нафар хитой (назаримда уларнинг бари хавфсизлик хизмати ходимлари эди) билан Турфонга қараб кетдик. Шу бўйи Лукни қайтиб кўрмадим... 3

Ўша куни ҳавонинг авзойи ҳаддан ортиқ бузуқ, қаттиқ шамол эсар, қумлар уюмининг саҳро ва пасттекисликлар орасида учиб юриши табиий бир ҳолдай эди. Ҳар ҳолда энди ярим йўлга етганимизда кучли шамол машинамиз билан бирга кўтариб четдаги шағалликлар устига учуриб юбордики, қандайдир мўъжиза туфайли ҳайхотдай саҳронинг қоқ ўртасида бир ўлимдан сақланиб қолдик. Шу ернинг ўзида каттакон кўзойнак таққан ва ўзини севгилисини бағрига босаётгандай қилиб кўрсатаётган махфий агентнинг сири очилиб қолди — у соф инглиз тилида менга сўзлай кетди. Салгина ғурур билан шуни англагандай бўлдимки, у қандай бўлмасин ақалли менинг ҳаётимга жавобгар эди. У \*севгилиси\*нинг сумкасидан чўнтак телефонини тортиб чиқараркан, қизни бутунлай эсанкиратиб қўйди, чунки у нима қилишини билмай қолди, на ўзини чўнтак телефонга уланган кулоқларидаги икки жиннича эшитгич орқали плеерини эшитаётган қилиб кўрсатишни ва на шеригининг идора билан сўзлашаётганини тўсиб туришни билмас, нима бўлганда ҳам, мен уларнинг ғалати хитойчаларини тушуна олмадим.

Чанг-тўзон ва туманли Турфонга кириш олдидан барчамиз қондошларга айлангандик. У катта қора кўзойнагини бирор марта бўлсин ечмади. Жон исмли (менимча Зянь деган исмининг бузиб айтилиши) гонконглик хитой ўз \*компания\*сининг машинасини тоқзорга қараб буришни буюрди. У ерда мени мазали уйғур таоми билан сийлашди. Тоғ оралаб оқувчи дарё бўйидаги узумзор соясида бир муддатга хожатга ўтиб, шу баҳонада бир уйғур йигитдан уларнинг кўлёмма сотувчилари ҳақида сўрашга муваффақ бўлдим. Унинг айтишича, Ўлик Шаҳарнинг нариги томонида бир дарвиши девона бўлиб, ўшанда бирор нима бўлиши мумкин экан... Шундан кейин биз Ўлик Шаҳарга келдик. Мен ашаддий турист эмасман, шу боис қадимдан қолган қудуқ ёхуд ғайриоддий узум запасларининг мен учун катта аҳамияти йўқ, бари бир гўр. Мен ҳаттоки Жон-Зянь томоша қилиш учун арзигулик дея қамоли эҳтиром билан таклиф қилган баъзи машҳур масжидларга ҳам қизиқмадим. Магар Ўлик Шаҳарга келганда... У чиндан ҳам

бўлакча эди. Таржимон сифатида жуда кўп тарихий жойларда бўлганман, лекин лой вайроналарни деб ҳеч бир жойга телбаларча ошиқмаган эдим: бу шундай бир Замин эдики, бир кун барпо этилиб, яна бир кун тупроққа айланиши учун вайрон этилган замин. Ташвиш шамоли бор унинг бошида... Ҳам осмонда хира, қора, кераксиз қуёш... Таажжубки, қуёш ва унинг иссиғи Жон ва унинг командасини менинг ортимдан эргашмасликка мажбур қилиб қўйди. Улар буни сираям ёқтирмасликларини чин кўнгилдан тан олиб, мен бу Йўқлик бўйлаб ёлғиз кезгуним ва кўргунимгача машинада қолишга қарор қилишди. Бироқ мен Урумчидан сайру саёҳат илинжида келган бу туристларнинг бу каби ғаройиб жойларни кўришни рад этаётганларидан таажубда эдим. Кейинги сафар, дейишди улар. Унда янаям яхши, дедим ўзимга-ўзим ва олов пурқаётган лой вайроналар орасидаги сўқмоқдан йўлга тушдим. Қуёш қизитгандан қизитиб келар, мен кўринмас соям устидан қадам ташлаб борарканман, Тарих ёки Вақт оралаб кезаётгандай эдим. Шаҳарнинг нариги томонида таёқни милтиқ қилиб ўйнаётган болалар ёнидан ўтдим, уларнинг ёнига яқин келиб, нарироқда қуруқ дарахт тагида шумшайиб ўтирган қарияга кўзим тушди. Билмайман, нимага буни дарахт деб ўйлаганимни, балки чолнинг таёғи ерга суқиб қўйилгани ва кир-чир ёпишқоқ белбоғи таёқнинг учига илиб қўйилгани учундир. Мен чолга салом бердим. У худди ўзимизнинг эртақлардагидай: \*Саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим!\* дея жавоб берди. На қулишимни, на кўрқимни билмай туриб қолдим. Аниқроғи, кўрқиб кетдим ва ўзимни йўқотиб қўяёзим. \*Мабодо қадимий ақлу заковатни излаб юрган бўлсанг, анави ёққа юр...\* – шундай деб у чанг-тўзонда ўйнаётган болалар томонга ишора қилди. \*Мен бунда ўзим учун юрганим йўқ...\*, зўрға овоз чиқардим. \*Биламан, – деди у, ўн йил аввал яхудий бир йигит ҳам шу мақсадда келиб эди\*, – деди чол ва чанг босган юзини ўгириб оли. Ўлик Шаҳардан узундан-узоқ шамол эсарди. 4

Кун охирлаб қолганда бир кўлёманинг парчасини топдим. Бу қоғоз бўлаги эмас, балки каттакон тошга ўйилган қадимги битиклар эди, мен дарҳол уни расмга олдим. Бу ёзувни ўқий олмай, ҳалиги қариядан умид қилдим, у эса тошни аввал ҳеч ким кўрмаганини айтди, бунга сабаб, минг йиллардан бери тош ёзув қисми пастга қараган ҳолда ётарди. Чол жойнамосини унинг устига ёйганди, силлиқ қора тош унинг остида кўздан йўқолди. Ундан тафсилотларни сўраб ўтирмадим, икки кун ичида билағон америкалик дўстимни бу ерга олиб келишим лозим эди. \*Мана буни ўқиб кўрсин-чи\*, дея кир муқовали бир дафтарни тутқазди кўлимга. Мен хитойлик ҳамроҳларимни эсладим ва дафтарни дарҳол терлаб кетган кўйнимга яширдим. Кейинроқ бу ақлдан озган чолни алдаганга ўхшаб қолдим: биз уни ҳам, ҳалиги тошни ҳам кўргани бормадик. Бунга мен эмас, Лукнинг Урумчида ғойиб бўлгани сабаб бўлди. \*Хунгшиан Бингуа\* меҳмонхонасида Лукни зудлик билан мамлакатдан чиқиб кетганини айтишди, лекин бу чиндан ҳам шубҳали эди. Қолаверса, у менга на бир хабар ва на ишим учун бир чақа қолдирган эди! Тошнинг сурати туширилган плёнкани ювдириш учун ўз ҳамёнимдан пул тўлаб, ғурбатхонада бошимни ушлаганча яқка ўзим унинг эртага тайёр бўлишини кутиб ўтирарканман, тугмаланмаган куйлагим сабаб кўйнимдаги бояги дафтарча ерга тушиб кетди. Ақалли бу нарсани ўқишга маънавий ҳаққим бор-ку, дея ўзимни овутгандай бўлдим ва дафтар муқовасини йиртиб уни оча бошладим. Афсуски, бу қадимий кўлёмна эмас, балки кундалик бир дафтар бўлиб, унинг биринчи саҳифасида 7 декабрь 1990 йил санаси кўрсатилган эди. \*Мен ушбу ҳар икки ишни орқага суришга мажбур бўлдим, бундан кўзланган мақсад, бирмунча аввалроқ бошлаган ва тугалланиш арафасида бўлган лойиҳа устида ишламоқдан иборат. Менинг қадимий кўк туркларининг сири ҳақидаги китобим ниҳоясига етди ва ҳозирда уни чоп этиш учун ношир излаб юрибман — бу иш ўтган йилдаги кўпгина вақтимни олди (ўтган йил ёзидан ҳозиргача). Бу борада бир неча қомусий мақолаларим ва 6-аср Турк хонлиги ҳақидаги учта чоп этилмаган мақолам бор. Мен ўша давр кўк туркларининг сеҳрли оламига батамом берилиб кетдим, ҳозир умид қиламанки, уларнинг диний ва шоҳона ҳаётига оид китоб ва мақолаларни келгуси ёз охиригача тартиблаб бўламан. Ана ундан кейин навбатдаги лойиҳага ўтишим мумкин...\*

Мен бу гапларни тўғри ўқиганимга шубҳаланиб қарайдим. Тўғриси айтганда, қўлда ёзилган хатларни ўқишга нўноқроқман. Бу ҳуснихат ҳам шу қадар кичик ва тушунарсиз

эдики, мен ўзимни қийнамасликни маъқул кўриб, охириги вараққа кўз югуртирдим. Унинг сарлавҳаси \*6 февраль 1991 йил\* эди. \*Сўнгги икки ой ичида ҳаётим қанчалик ўзгариб кетганигидан таажубдаман. Бу ерга икки ой аввалроқ келган эдим, ўшанда келажакдан умид қилса бўларди. Ҳозир хавфли вазиятга тушиб қолдимки, бу ҳақда эслатиб ўтиш жудаям яхшидир. Ҳаётим Шиа Чангникидай тартибсиз бўлиб кетди. Унинг оиласи фақатгина анъаналарининг кучлилиги учун яшаб турибди. Афсуски, биз ўзгаришлар қилиш учун ўзимизда куч топа билавермаймиз. Бир ой олдин қанчалик гўл бўлган эканмиз-а! Унинг вазиятни қандай қабул қилаётганини билиш мен учун жудаям қизиқ. Шунингдек, унинг бу вазиятдаги шахсий ўрни ҳақида ҳам ташвишдаман. Эртага мен уни Турфонда кўриш учун отланаман. У мени оиласи билан танишишга таклиф қилган. Қизиқ, негадир бу учрашувдан хайиқиб турибман... бу Турфонда топганим яширин матнни хотиримга соляпти...\*

Яна бир қарра мен ушбу ёзувларни тўғри ўқиганимга ишоналмай турдим, лекин уни тугатишга ҳам, қайта кўриб чиқишга ҳам вақтим йўқ эди, сабаби, бу пайтда кимдир хонам эшигини тақиллатарди, мен дарҳол у сирли дафтарчани қўйнимга тикиб, эшикни очишга турдим. 5. Қаршимда келишган хитой аёли турарди. Аввал айтганимдай хитойчани мутлақо билмайман, шунга қарамай, хижолатдан кутулиш мақсадида ўзимни ҳама нарсага тайёрдай қиёфага солдим. У майин ва мусиқий хитойчада гапирарди — буменга форсча бир шеърни эслатди: \*Ёрим туркийда сўзлар, афсус, туркча билмайман, Ё Рабки, унинг тили менинг оғзимда бўлса...\*

Хитой аёли хонамдаги нимагадир ишора қилди. Уни ичкарига таклиф қилдим. Остона хатлаб кираркан, кўнғирокдай овозда бир нималар деб ногаҳон чўмилиш хонасига бошлади ва мени ҳам орқамдан юр дегандай имлади. Ўша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур қилинг! Бегона юрт, мен билмайдиган тил, ишончсиз аёл, кутилмаган таклиф ва айтиб бўлмайдиган вазият — бундай пайтда нима қилишим керак эди у ерда? Дарҳол миямга икки нарса келди: биринчиси — бу аёл мени ўлдиргани келган, иккинчиси — бу ажойиб, хаёлий бир имкониятдан фойдаланиб қолиш. Афсуски, хомхаёл қилибман. Аёл аввал совуқ сув, кейин иссиқ сув жўмрагини буради, улардан отилиб сув чиқди, бир муддат ўтгач, вишиллаган овоз чиқди ва сув тўхтади. \*Шу-шу\*, тушунтирган бўлди аёл, \*Шу-шу\*, жавоб бердим мен ҳам. Кейин у қўлидаги соатни кўрсатиб, бир-икки рақамларни кўрсатди ва мусиқий бир нималар дея хонамни тарк этди. Эшик ёнига суянган кўйи узун корридорда бу хитой аёлининг кўздан ғойиб бўлгунича, нима бўлганини тушунишга ҳаракат қилиб, серрайиб қараб қолдим. Кошки билолсам эди. 6. Муҳаббат ва Ўлим доим бирга юради, — ўйладим мен икки кун ўтгач уйда Зев исмли яҳудий йигитнинг кундалигини ўқиб ўтирарканман. Ажнабий бўлганим учун кўпгина сўзларни ҳарфма-ҳарф тушунаман, яъни масалан мени инглизчадаги \*always\* (ҳар доим) сўзининг вақт билан алоқадорлиги эмас, балки макон билан боғлиқлиги \*all ways\* (барча йўллар) қизиқтиради. Бундай дейишимга асос бор. Яқинда бир ҳалокатли таҳдидга учрадим. Жуда қисқа фурсат ичида жуда катта тажриба мужассам, шндай эмасми? Лекин англадимки, баъзан ҳаёт деганлари водопровод жўмрагидан оқиб тушаётган сўнгги томчиларга ўхшаб кетади... Шу боис, бутунлай ўзни унутганим ҳолда кимнингдир кундалигини муккадан кетиб мутолаа қилишга ҳаракат қилдим. Айтганча, ҳалокатли таҳдид хусусида айтмоқчийдим. Келинг уни бир тарозига солиб кўрайлик. Ўша куни зудлик билан, секингина, ҳеч қандай кескин ҳаракатларсиз Хитойдан ўз юртимга қайтиб келдим. Эртасига эрталаб мени америкалик тадқиқотчига таржимон сифатида ишга ёллаган компанияга етиб бордим. Улар меиннг ўз мижозларисиз кўрганларидан нечоғли таажубга тушишгани табиий. Англадимки, улар мижозлари тўғрисида ҳеч нарса билишмайди. Нима бўлганда ҳам ҳаммасини аниқламагунларича менга бир тийин ҳам тўламасликларини айтишди. Шунда Ўлик Шаҳардаги тошни суратга олганим плёнкани унутиб қолдирганимни эсладим. Ҳай майли, шунга шунчами? Ушбу бюро менга тез кунда яна иш таклиф қилишга ваъда берди. Шу дақиқада қанчалик хато кетган эдим-а мен! Уйга келиб кундаликни ўқишга тушдим. Декабрь тунларининг бирида Зев Шиа Чанг билан танишадиган маълуму машҳур \*Хунгшиан Бингуа\* меҳмонхонаси қаршисидаги такси тўхташ жойига етганимда кимдир менга кўнғирок қилди. Бу дўстим эди. Яна бир бор инглизчамдаги чегараланишни

сезиб қолдим. Аслида \*дугонам\* дейишим керак эди, лекин у шунчаки дўстим ва шунчаки бир қиздир. У сафарим ҳақида сўради ва жавобимни ҳам кутмай, бирдан йиғлашга тушди ва зудлик билан хузурига кириб ўтишимни илтимос қилди. Умуман олганда мен бу каби

аёллар фожиасини ҳечам хуш кўрмайман. Лекин нимадир мени шаҳарни кесиб ўтиб у билан кўришишга ундарди. У давлатниг юқори маҳкамасида бўлгани, у ерда мени ўлимга маҳкум қилингани тўғрисида маълумот олганини айтди. Аввал бошда, бу менга кулгили туюлди, лекин у йиғлай бошлагач, вазиятнинг жиддийлигини англадим. Мен ундан қайси ташкилотни назарда тутаётганини сўрадим. У ўзини ҳеч кимга ҳеч нима айтмаслик ва мен билан ҳам мулоқотга киришмаслик ҳақида огоҳлантиришгани айтди. У яна улар менинг барча режаларимдан хабардор эканликлари, Францияга кетаётганим, лекин ҳеч ким менга ёрдам бера олмаслиги ва қаерда бўлмай, барибир мени топиб олишлари ҳақида сўзлади... Мен дўстимдан бошқа бирор нарса ололмадим ва умидсизликка тўлиб уйдан чиқиб кетдим.

Шу алфозда кундалик устида ўйлаб ўтирардим. Мен Шекспир драмаларида одамларнинг осонгина ва тез-тез ўлиб туришларига таажуб қиламан. Бошқа бир романда эса биргина ўлим саҳнасига барча тафсилотларини намойиш этиб юзлаб саҳифа ажратилади, магар Шекспирнинг услуби алоҳида: Ҳамлет урушиб ҳалок бўлади, Ромео курашиб ўлади, ўнлаб бошқа одамлар ҳам курашда ҳалок бўлишади ва бу ўлим биргина сатрда ифодаланади-кўяди. Жудаям содда. Ва бирдан ушбу соддалик мени даҳшат ичра ўраб олганини ҳис қилдим. Бир оз чалғиш мақсадида, яна бир неча варақни очдим. \*Колумбия Университетидаги уйғур ва туркшуносликнинг янги инқирози чиндан ҳам ачинарлидир, бироқ ҳақиқатнинг кўзига тик қарамоғим керак. Марказий Осиё ва Уйғуристон Америкада анча шов-шувга сабаб бўлган, магар университет бўлимларида уни бир макон сифатида ривожлантиришни исташаётгани сезилмаётир...\* Бемаънилик! Лук ғойиб бўлди, Зев асфаласофилинга кетган чамаси, мен эса хавотирдаман... Жин урсин! Бас!\*9 январь Мен ўтган асрнинг сўнггида бу ерга келган рус роҳиби Ефрем Валаамов (Валаамов?) нинг охириги мактубини топиб олдим. Тахминим тўғри чиқди. Уни заҳарлашганди. Мана унинг мак...\* Узр, телефонимни автоматик жавоб бериш қурилмасига ўтказиш ёдимдан кўтарилибди. Кундаликни очик ҳолда қолдириб, гўшакни кўтаришга турдим. Бу мени Лук учун ишга ёллаган фирманинг бошлиғи экан. \*Биласизми, – деди у, — сиз учун иккита янгилик бор, ёмони шуки, Лукни кўпорувчилик ҳаракатлари учун ҳибсга олишибди, яхши янгилик эса, сиз айна шу фалокатдан қочиб кутулибсиз, қандингизни уринг эркинликда. Яна бир бошқа хабар ҳам бор, лекин бунинг сизга алоқаси йўқ, деб ўйлайман. Сиз Урумчидан чиқиб кетган кун бешта жойда оммавий портлашлар юз берган.\* Мен учун иккинчи янгилик муҳимроқ эди: бу билан бошлиқ менга бир мири ҳам тўламаслигига ишора қилди. Лекин шундай бўлса-да, менинг бутун хаёлим бошқа бир рус роҳибида эди... 7.

Кейинги 2 ҳафта ичида Салмон Рушдийнинг ҳаётини яшагандай бўлдим: мен Хитойга кетган дўстимнинг квартирасига кўчиб ўтиб, ҳар тун унинг велосипеди билан эшигимни баррикада каби тўсаман, ҳар лаҳза ўлимимни кутиб ётаман. Ниҳоят Францияга виза олдим ва асарларини ўзимизнинг тилимизга ўгирганим дўстимникига етиб келгачгина, шу ерда, яъни Фонтенеблода яқин ўтган кунлардаги ҳаётим ҳақида ўйлашга имкон топдим. Чарм креслода сокингина ўтирарканман, айна пайтда, инсон фалокат ва сокинликка жуда тез кўникаркан, дея ўйлардим. Кеча устаси фаранг жинойтчидай бекиниб юриб эдим, бугун эса бировнинг кундалигини, сўнгги мактубини ўқиш имконим бор.

*«Милостивый государь, смею надеяться, что сие послание застанет Вас в добром здравии и благополучии, дарах наименее ценимых, покуда судьба не коснется своей шершавой десницей...»*

Ҳа, хат русчада битилган ва Зев уни таржима қилиб ўтирмай нусха кўчириб олган эди. Мен ҳам 19-асрга оид бу услубни сақлаган ҳолда таржима қилолмасам-да, бошланишини уриниб кўраман: *«Марҳаматли Жаноб, умид қилишига ҳаддим сиздики, ушбу хабар сизни соғлом ва фаровон ҳолда топажас, энг қадрсиз иқтидорлилик, тақдир ўзининг беўхшов ўнг қўлини сизга теккизгунга қадар...»* Русчада бу янада жимжимадор ва антика. Шунчалик беўхшовки — баъзи фалсафий нарсалардан сўнг у яна ёзади: *«Фонусда нурни сақлаб турганингиз учун ташаккур. Менга юборганингиз В. Томсоннинг*

охирги китоби ниҳоятда қимматли мукофот бўлди. У энг қўрқинчли вазиятларда ҳам яшашим учун куч-қувват бериб турибди. Назаримда у бир неча характер ва сўзларни таҳлил қилишида хатога йўл қўйган, лекин умуман олганда у жуда зўр бир ишни ниҳоясига етказди. Айниқса, менга Кул-Тегинниг сўнги парчаси маъқул келди: “Si Ku-tegin n'avait ete, un grande nombre d'entre vous auraient trouve la mort. Mais mon frere Kul-tegin perit, moi-meme je me desolai...”

Агар Кул-Тегин бўлмаганда, ораларингиздаги минглаб кишилар ўлим топган бўлурдилар. Кичик укам Кул-Тегин вафот этди, мен унинг учун гам-гуссага ботдим. Кўрар кўзим кўрга айланди, билган илмим номаълум бўлиб қолди. Ўзим эса андуҳ ичраман. Парвардигор вақтни яратди, инсон эса ўлимга маҳкум. Кўп йиллар дарду алам мени ўртади. Кўзларимга ёш келиб, юрагимга қил сизмади. Наҳот икки шаҳзода, ёш биродарларим ва ўғилларимнинг, қўмондонларим ва одамларимнинг кўзу қошлари йиғидан озор топса, дея ўйлаб гуссага ботдим.

Йиғлагувчилар ва азадорлар каби, Сутан ва Табаби аҳолиси Удар-сенгунга тегишлидир. Хон Табгач Ичи Лиангга тааллуқлидир. У кўплаб совга-салом ва нокарак олтину кумуш келтирди. Тибет хонидан булон келди. Ортидан, зарбдаги кунботар томондан, Сўгд, Форс ва Бухородан уларнинг хони Ниан-сянг келди. Ўн-ўқ ўғилларимдан, Турғузхондан денгиз мушуги овловчилар Мақрач ва Ўғуз-Билга келди. Қирғизхондан Тардуш Инончи Чўр келди. Мақбара қуриши, тошга ўйиб ёзиши учун Хитой Императорининг устаси Чян-сенгун келди.

Кул-Тегин Кўй Йилининг ўн еттинчи куни гойиб бўлди. Унинг жанозасини тўққизинчи ойнинг йиғирма еттинчи куни ўтказдик. Ва биз ушбу абадий тошни ўрнатдик...»

Рус роҳиби давом этди: Мен гўё ўзимнинг жанозамда ҳозир бўлгандай ҳис қилдим ўзимни. Бироқ меники анча қисқа давом этса керак. Ҳеч қандай тош ва унинг устидаги ёзувсиз албатта. Рашидиддиннинг Ат-Тоҳарийдан келтиришича (бу кишини қайсидир бир саҳрода бошларидан жудо қилишган), баъзи яширин ёки йўқотиб юборилган матнга кўра, Несториалик роҳиб ҳам улар билан бирга бўлган. Баъзида, ёлғизлик онларимда мен гўё бу воқеани ва уни жуда яхши биладигандай ҳолга тушаман. Магар яхшиси бас қила қолдим. Қадрли дўстим, Исо Масих йўқотиб юборишни сўраган идиш менинг қўлимда, уни ажойиб бир тарзда сақлаётирман, шундай қилиб суҳбатимиз ниҳоясига етади. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, дуо қилиб туринг...»

8. Жудаям таъсирчан одамман-да. Бу сўзни тўғри ишлатдимми-йўқми, ҳарқалай аввал ишлатмоқчи бўлганим «ишонувчан» дан кўра яхшироқ бу сўз. Айтмоқчиманки, мени ишонтириш жудаям осон. Янги газетанинг ҳар бир сони фикримни ўзгартириши мумкин. Ушбу мурожаатномани Ефрем Валаамовдан ўқиш учун, нечоғли таъсирланганимни тасаввур қилаверинг. Жудаям инсофли одамман шекил, лекин ҳар бир чакириқ ўзимни айбдордай ҳис қилишимга мажбур қилади, гўёки вазиятга кўра ҳаракат қила олмаяпгандайман. Фонтенеблодаги шоҳона паркда ҳайрат ичра сайр қила туриб, унинг чеккароқдаги қисмига келдим ва қадим дарахтлар остидан оқаётган эрта кузакнинг тип-тиниқ жилғасига тиззалаб эгилдим. Илк сариқ баргчалар сокин оқаётган сув юзасида ўйнар, бу менга саҳродаги воҳанинг аста-секин емирилиш жараёнини эслатди. Ғамгин бўлиб қолдим. Йўқ, ўзим учун эмас, балки ўзим билган неча одамларнинг умри учун. Гўёки нафақат ўзимнинг жанозамда, балки барчамизнинг умумий ҳаётимиз жанозасида қатнашаётгандай чуқур қайғу ичра қолдим... 9.

Дарахтнинг тўкилган барги мисол сирли Ўлимнинг жилғаси аро сурилиб борар эдим. Ким мени ўлдирмоққа қасд қилди? Нега? Наҳот, маълум бир нуқтадан, яъни Лук билан ҳамкорликни бошлаганимдан бери ҳаётимдаги ҳар бир нарса ўлим ҳақида кечган бўлса? Қандай хато ўтди ахир? Бу саволларми ёхуд қизиконлигим, билмайман, мени кўлимда мавжуд барча маълумотларни текширишга ундаган нарса нима экан, ҳар қалай ўшандан бери ватимнинг асосий қисмини Париж кутубхоналари ва музейларида ўтказдим. Аввал Ефрем Валаамовдан бошладим. Мен унинг бир қанча мактублари, мақолалари ва хатто Тибет тарихига бағишланган китобини топдим. Буларнинг аксариятини ўқиб чиқиб, аста-секин унинг қиёфасини қайта тиклай бошладим. У Русия вилоятларидан бирида туғилган бўлиб, ота-боболарининг келиб чиқиши татар миллатига мансуб бўлган. (Шу ўринда бир машхур



гапни билиб кўйсангиз ёмон бўлмасди: «Хар бир руснинг сирини кўчирсанг, тагидан татар чиқади». У «сири кўчмаган» руслардан эди.) 19-аср бошида дорилфунунни тугатгач, у ўзини рухоний бўлишга тайёрлади ва кейинроқ роҳиб бўлди. Гарчи у роҳиб бўлса-да, ҳеч қачон турмушни диний ёки дунёвий деб иккига ажратгани йўқ. Александр Пушкин унинг дўстларидан бири эди. 19-аср адоғида уни православ делегациясининг аъзоси сифатида Марказий Осиёга, кейинчалик эса Тибетга юборилди ва у бу ерларда маҳаллий тилларни ўрганиб, кўлёмалар йиғиш билан машғул бўлди. Сафари сўнггида у Петербургга 15 карвонга юк бўлгулик китоблар келтирди. Номаълум сабабларга кўра, Або Ефрем мансабидан четлаштирилиб, Валаам Роҳибгоҳига жўнатилади ва у шу ерда Валаамов деган шариф олади. Бир неча йил у шарқ кўлёмалари устида иш олиб борди. Кейинчалик рус ҳукумати унинг режаларини Марказий Осиёни кенгайтириш ва колонизация мақсадларида ишлатиш учун бу шарманда роҳибдан фойдаланишни, уни яна бир бор ярим-махфий юмуш билан ўша узоқ ўлкаларга аюборишга ақарор қилади. Мен Або Ефремнинг жосус бўлган-бўлмагани ҳақида беҳабарман, лекин унинг бир қанча кўлёмаларни рус ва француз тилига ўтиргани, Марказий Осиё тарихи ва турмуши тўғрисида бир жуфт илмий китоб эълн қилгани маълум. Шу тариқа уни Уйғуристонда, аниқроғи, Қошғарда ҳибсга олишган ва у бунда қандай вафот этгани маълум эмас. Шекспир айтганидай, ана шунақа кечди унинг ҳаёти. 10.

Лукдан ҳеч бир хабар бўлмади. Гарчи Урумчидаги портлашлар анча ғавғога сабаб бўлса-да, менга шундай туюлдики, Лук билан умуман ҳеч ким қизиқмади. Ҳеч ким унинг учун қайғургани йўқ. Магар Лукнинг ўзи мисол учун Зев тўғрисида бирор нима билар эдимиз? Дарвоқе, Зевга нима бўлди? Лукка етказишим керак бўлганим кундалик дафтарни ҳар тун ўқиб чиқарканман, илмий қоғозларни ҳисобга олмаганда, у асосан, Зевнинг Ксиа-Чанг исмли ярим хитой, ярим уйғур қизга ошиқ бўлиб қолганлиги ҳақидаги ишқ-муҳаббат ёзишмаларидан иборат эди. Гапнинг лўндасини айтганда, у кизни машхур «Хангшен Бингуа» ёнидаги такси турар жойида учратганди. Ўшанда у бўм-бўш «Ҳолидей Ин»да кечки овқат қилиб қайтаётганди, шу ерда унга бир италян конструктори маҳаллий аҳолининг хиёнаткорлиги хусусида уни огоҳлантириб эди. «Улар кулиб туриб, бошингиздан айириб кетишлари ҳеч гапмас», деган эди саккиз йилдан бери шунда яшаб келаётган италян. Такси турар жойида Зев меҳмонхонанинг нариги тарафидан шошиб келаётган қизга кўзи тушди. Улар айна бир таксининг олдида бир-бирларига урилиб кетай дейишди, шунда Зев унга илтифот билан йўл берди, бунга жавоба қиз уйғур тилида унга ташаккур айтди. Зевнинг ёзишича, у уйғурчани жуда зўр билмаса-да, лекин ўша лаҳзада уйғурча нимадир чиройли гап айтишнинг уддасидан чиқа олган. Бундан қиз ҳайратга тушган. Уларнинг шарқ шеърлятига меҳри баландлигини билган Зев агар бир-икки дақиқа вақтини аямаса қизга уларнинг қадим бир шоирлари тўғрисида қизиқ бир ҳикоя айтиб беришини илтимос қилган. Қизга бу гап ёқиб тушиб, «жоним билан» дея унга қулоқ тутган. У бу ўринда ёлғон ишлатган, чунки у ҳикоя қилмоқчи бўлгани уйғур эмас, балки турк (гарчи иккиси ҳам бир) шоири Фузулий эди. Кунларнинг бирида Фузулий кўзасига қудуқдан сув олаётган бир араб қизини учратиб қолибди. Унинг гўзаллигидан ҳайратга тушган Фузулий сўрабди: Менинг кимлигимни билсанми, эй жонон? Мен туркийда шеърлар битадиган буюк шоирман. — Мен туркчани билмайман, дебди гўзал. Уч кун ичида Фузулий араб тилида бир шеърини девон тартиб бердики, у бошдан оёқ ана шу гўзалга бағишланган эди. «Икки дақиқада бу ҳикояни сизга айтиб бердим, магар уч кун ичида мен ҳам Фузулий каби сизга бутун бир китобни бағишлаган бўлардим», хулосалайди ўз сўзини Зев. Қиз хаҳолаб кулиб юборади. Ўша тун улар биргаликда «Хуншанг Бингуа» рўпарасида турган таксига ўтириб, атрофни томоша қилишга кетишди. 11.

*Мовий осмон остида ва қизгиши ернинг устида одам яралган. Менинг боболарим Буминхон ва Истамихон неча халқлар устидан ҳукмронлик қилиб ўтишди. Улар туркий халқлар бирлигини мудом сақлаб келишди. Дунёнинг тўрт тарафи ёғий эди. Улар бутун дунёни заб этиб, унда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини таъминлашган. Елкаларига бош қўйганга қуллуқ қилиб, тиз чўкканнинг қаришисида эгилишди. Улар шундай оқилу доно ва ботир хон эдилар, уларнинг ишлари ҳам ақлга мувофиқ ва қўл остидаги одамлари мард ва*

жасур эдилар. Шу боис улар узоқ ҳукмронлик қилишди. Сўнгра эса абадий уйқуга кетмишлар. Аза кунда кунчиқар томондан, табгачлар, тибетликлар, аварлар, романлар, қирғизлар, учқўрғонлар, ўтиз-татарлар, Ситанлар, татабилар, сон-саноқсиз одамлар йиғи ва азага тўпланишди. Улар ана шундай улуг хон эдилар. Шундан кейин уларнинг инилари, сўнгра уларнинг огаларининг ўғли хон бўлишди. Кичик укалар катта акалари каби эмасдилар, ўғиллар оталарига ўхшамасди. Нооқил хонлар ҳукмронликни бошлашди, ҳокимият қўрқоқ хонлар қўлига ўтди, уларнинг тартиби ҳам маънисиз ва одамларида жасоратдан учқун йўқ эди. Турклар ўзларининг покиза эркагу аёллари билан табгачларга асир бўлмишлар. Мен-да бир Хон бўлдим, фақат бадавлат халқ устида эмас, балки на ичи овқатга ва на таши киймга ёлчиган бир халққа. Шундоқ, бир камбагал ва беЧўра халққа хон бўлдим. Кичик укам Кул-тегин билан суҳбат қуриб шундай хулосага келдикки, аждодларимизнинг номи ва шавкати сақлаб қолиш мақсадида, мен туркий халқларнинг саодати дея тунлар мижжа қоқмадим, кунлар ҳузурга берилганим йўқ. Кичик укам Кул-тегин билан ўла-ўлгунча меҳнат қилдик... Мен бутун дунёни ўзимга бўйсундирдим ва барча халқлар менга бош эгди... О, туркий халқлар, эшитяпсизми? Айтмоқчи бўлганимнинг барини ушбу абадий тошга ўйиб ёздирдим... Билга-хон... 12.

Кеча биринчи марта қаерда эканимизни ўз кўзим билан кўрдим. Ҳатто асирликда ҳам кишига ҳордиқ кунини ёдга соладиган кунлар бўлар экан. Қуёш янада ёрқин ва илиқ нур сочяпти, кун анча сокин ва ёқимли. Атрофингиздаги одмлар ҳам бир қадар хушқайфият. Гарчи буни метеоролик бошпаданан кўриш имкони йўқ эса-да, лекин ҳис қилиш мумкин. Икки соатча кейин мени яна ўша бир хил ҳис қоплади — кўрикчиларимиз шахмат ўйнашар, Ли ва мен китоб ўқиб ўтирардик, лекин бирдан самода ҳарбий самолётларнинг овози эшитилди ва шу билан якшанба кунимиз ўз ниҳоясига етди. Кўрикчилар дарҳол бизни ушлаб, бошимизга қоп кийгизишди-да, бомбадан сақланадиган бошпамага судраб кетишди. Бу орада мен яқинлашиб келаётган хуштак овози ва жудаям яқинимизда бомба портлаганини эшитдим. Ҳаммаси бир лаҳзада содир бўлди: отишма, портлаш, тошларнинг ҳар томонга сочилиши — дўзахни эслатувчи манзара, ҳозир мен уни бирма-бир таҳлил қилияпман: мен Лининг бақирганини эшитаман, тошларнинг кулаши, қояларга отилган танам, хуштак овози, эриб бораётгандайман... Лекин ўзим ҳақимда ўйлашга фурсат етмайди, магар шуни аниқ биламанки, миямга келган фикр шу эди: Ли ўлди! Йўқ, у тирик эди, уни судраб бораётган жангари тош босиб ўлганди. Шундай қилиб, биз ҳали бошпамага етиб улгурмагандик, секин силжиб борарканмиз, кимдир Лини туртар, бўралаб сўқар ва лаънатларкан, бошқа бир иккитаси мени тепа бошлади, Мен ғужанак бўлиб олдим, баданимнинг зирқираб оғриши ҳали тирик эканимдан дарак берарди. Кейинроқ бизни бошпанамизга олиб келишди ва бошимиздаги қопларимиз билан шу ерда қолдиришди. Жангарилар бошлиғи келиб бизни бўшатишни буюрди. Мен юзимни кўролмасдим, лекин Лини анча моматалоқ қилиб кўйишганди. Юзимдан, йўқ, соқолимдан қон оқаётганини сездим. Командир ювиниб олишимизни буюрди, кейин кўрикчиларимиздан бири ҳалок бўлганини эълон қилди. Улар ибодат қила бошлашди. Нигоҳлари бургутникидай ўткир, хушбичим, сийрак соқолли келишган командир имомликка ўтди. Сўнг улар чиқиб кетишди, бир муддатдан сўнг бир чопар келиб, командир бизни ҳам кўмиш маросимига олиб боришни буюрганини айтди. Бир ой ичида илк бор бошимиздаги қопсиз юришга рухсат беришди. Шундай қилиб, жанозага, оғриққа ва келгусида бўладиган кўркувга қарамай, ўша кун якшанба эди. Гарчи атрофимиздаги қоялар мовий-қора, устимиздаги музликлар ва чўккидаги қор кўзни камаштирадиган даражада оппоқ, ортимиздаги қуёш ортга қарашга қўймайдиган даражада ёрқин нур сочаётган бўлса ҳам. Бизни қоплаб олган қора-мовий осмон муздек ҳаводан нафас олган каби вужудимизга чуқур сизиб кирди. Мен шунда жангарилар йиғисини кўрдим. Ўлган биродарлари учун уввос солиб йиғлашар эди улар. Кейин қичқириб осмонга қарата ўк отишди, сўнг командир бизга болға ва қалин ўткир пичоқ беришни, менга инглизчада, Лига эса хитойчада, ҳалок бўлган биродарлари исми, туғилган ва ўлган йилини қоятошга ўйиб ёзишни буюрди... 13. Зевнинг кундалик дафтари менга ёд бўлиб кетди. Ундан Шиа Чангнинг биринчи бор уни ташлаб кетгани, эртасига интизорлик билан қизнинг қўнғироғини

кутиши, қиз эса бир кун ўтиб кўнғироқ қилгани, уларнинг тунги извошда кўришишгани, Зевнинг қизни ўпгани-ю, алданиб қолгани ҳақидаги тафсилотлар аён эди менга. Бу чиндан ҳам айтса арзигулик ҳикоядир. Нвбатдаги учрашувда Зев қиздан уйига келишини қаттиқ туриб илтимос қилди. Аввалига қиз синглисини баҳона қилиб кўнмади. Лекин дарҳол нимадир харид қилиш Зевдан пул бериб туришни сўраб, таксига ўтирдди-да, магазинга кетди. Зев унинг қайтишини сабрсизлик билан кутди, орадан беш дақиқа ўтди, ўн дақиқа ўтди, бироқ қиз қайтиб келмади. Улар зим-зиё қоронғиликда шаҳар ташқарисидagi кимсасиз бир жойда эдилар, 15 дақиқа ўтгач, Зев безовта бўла бошлади, чурқ этмай турган ҳайдовчи бирдан тоқати тоқ бўлиб, соатига ишора қилди. Зев ундан қиз қаерда қолди, деб сўради инглизчада. Ҳайдовчи инглизчани билмаса-да лекин савол мазмунини илғади ва имо-ишора билан қизнинг кетиб қолганини тушунтирди. Кетган бўлса қайтардир, сўради у яна. Йўқ, деди ҳайдовчи. Ундай бўлса, нега бу ерда қакқайиб турибмиз? Зевнинг кайфи тушиб кетди, қандай бемаънилиқ, деди у. Ҳайдовчи елкасини қисиб қўйди. Эртаси куни қизга кўнғироқ қилганда, у ёмғирдан кейинги осмондай тоза ва бокира эди. Зев уни на пул ва на алдангани учун айблади, биргина яна қачон кўришамиз, деб сўради. Қиз тайинли бир кунни айтди, лекин бу сафар тунги клубда учрашишга келишдилар.

14. Гарчи улар ўчиб кетган матнига ишора қилишган бўлса-да, на Зев, на роҳиб Валаамов Култегин жанозаси тўғрисидаги ҳикояни давом эттирди. Шунингдек қўшимча қилишим керакки, Або Ефремнинг китобларидан бирида Шахзода макбарасининг таърифини учратгандим. У тўрт юз фут майдонни эгаллаган хитойча услубдаги бинодан иборат эди. Асосий дарвозаларнинг икки тарафида бир-бирига қаратиб қўйилган қўчқорларнинг мармар ҳайкали қад ростлаган. Ичкарига томон кетган тор йўлакнинг охирида ҳовуз бўлиб, унинг ёнида ўйиб ёзилган машҳур тош бор эди. Бу тош каттакон мармар тошбақа устига ўрнатилганди. Орқа томондаги макбаранинг ўзи ҳам ажойиб меъморчилик услуби билан шоҳ санъат асари каби кўрилмишди. Кул-тегин ва унинг аёлига бағишлаб ишланган сурат ва ҳайкаллар ибодатхонанинг ички томонини безаб турарди. Ташқи томонда муқаддас қадамжонинг атрофида Кул-тегин жангу жадалларда ўлдирган минглаб одамларга ўрнатилаётган тош ҳайкалларни кўриш мумкин эди... Бироқ Карпини китобига ёзган шарҳида роҳиб Валаамов Абулғозихон ва Ат-Тоҳарийни Манихей ва Зардуштийларга оид матнларни таржима қилган алломалар сифатида алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у хитой қўлёмалари, жумладан, Ган-му ва бошқалар хусусида тўхталадикки, кўпларининг номи эсимда қолмаган. Шу ерга келганда, Або Ефремнинг айтишича, ҳикоя қутилмаган бир услубда давом эттирилади, у «яширин» деган сўзни қўллайди бу борада. 15. Мен Абулғозихонни ўқигандим, лекин Ат-Тоҳарийнинг «Газкиратул-ғаройибатул-қадим»ига тааллуқли ҳикоянинг бошланишини топиб олдим. Яна қаерда денг, Парижда эмас, Фонтенблдан кўчиб ўтганим Бавариянинг Бамберг шаҳрида. Католикшунослик бўлимида мижозим бўлмиш Лук АҚШга кетишидан олдим ўша Газкиранинг нусхасини берди. Бу ҳақда кейинроқ айтиб берарман. Аввал Кул-тегин азасидан сўнг нима содир бўлганидан сўзласам. Ат-Тоҳарий жуда исломий, бадийий бир йўсинда аза ҳикоясини қуйидагича давом эттиради:

*«Саккизинчи кун Билга-хоқон ўзининг оппоқ шоҳона чодирда барча меҳмонларини жамлаб, уларга ҳамдардликлари учун миннатдорчилик билдирди, сўнг у доно вазири Тонгюқуққа мурожаят қилиб деди: «Мен дунёнинг тўрт бурчини ишғол қилдим, магар суюмли жигарим Кул-Тегиндан жудо бўлганимдан буён, бу ишдан қониқиш ҳосил қилмай қўйдим. Мен курраи заминда неча ўлкаларни ўз тасарруфимга олдим, мен маконни қўлга киритдим, лекин замон тутқич бермади. Сиз тўрт томондан келган энг ақлли кишиларсиз, вақт устидан қандай қилиб галаба қозониш мумкинлигини айтишингизни истайман. Бу ишни ўзингиз бошлаб беринг. Сиз атрофимдаги ўнта чодирда қолиб, йўқотиши нелигини билмайдиган ирли бир душман билан олишгайсиз. Шу тариқа жаҳоннинг бори донолигини менга билдиргайсиз ва мен уни абадий тошларга ўйиб ёзгум...»* Доно Тонгюқуқ чуқурдан чуқур гам-андух ичра жим қолди...»

Кейинчалик ёзмишларида Ат-Тоҳарий Билга-хонни бутпарастликда айблади, Билга, деб ёзади у, туманлик ва жаҳолат ичра яшарди, магар у дунёнинг турли бурчидан жанозага йиғилганлар — Удар-сенгундан

келган Ситан ва Татаби, Табѳоачхон номидан кераксиз олтину кумуш келтирган Ичи Лянг, Тибетхон тарафдан ташриф буюрган булонларнинг тақдири нима кечгани тўғрисида ҳеч нарса демайди. Орқа тарафдан, ғарбдаги кунботардан, Сўғд, Форс ва Бухородан келганларнинг, Нянь-сянь хоннинг ўғли, Тургишхон тарафдан Он-окнинг ўғиллари тамғачилар Макрач ва Ўғуз-билгаларнинг аҳволи не кечди? У ҳатто бу кишиларнинг гаровга олинганлиги хусусида ҳам лом мим демайди. 16. Баъзан Гумбазли Ибодатхонага қараган дераза ёнида ўтириб ўша одамлар ҳақида ўйга чўмар эканман, менга шундай туюладики, улар ҳақида қанча кўп маълумотга эга бўлсам, шунча кам биладиганганга ўхшайвераман. Одам сенга қанча яқин бўлса, уни шунча яхши билмайсан, деганлари тўғрими ё? Мана, масалан, ўзим мени шу турклар билан овораи сарсон қилиб кўйган Лукни яхши биламанми ўзи? Афсуски йўқ. Бамбергдаги меҳмонхонада Исо Масих ҳақидаги китобни ўқир эканман, Лукнинг оиласига мактуб ёзишга қарор қилдим. У тўғрисидаги энг сўнгги хабарларни ҳисобга олмаганда, балки улар Лук ва Зев ҳақида бирор янги нарса дея олишар. Чунки Лукнинг тақдири Зевники билан жуда ўхшаш бўлиш эҳтимолдан холи эмас. Ўшандан кейин, эртаси куни Зев меҳмонхона яқинидаг тунги клубга боради. Қизил кийимдаги киши уни ктиб олиб, пастга бошлашди. Саёҳатларга бой ҳаётида Зев кўплаб тунги клубларда бўлган, лекин буниси бўлакча эди. Балки хитойча мусиқа, шарқона атир ҳиди ва ёки Шиангнинг кутилмаганда қоронғилик ва сирлилики ичра ушбу клубнинг ғаройиб эгаси каби пайдо бўлишими, ишқилиб, нимадир уни бутунлай эсанкиратиб қўйди. Томирларида оқаётган тоза якудий қонмиди ёхуд ажнабийга хос туйғуми уни яхшиси бу ерга келмагани маъқуллигини айтиб турган. Шианг уни алоҳида хонага бошлаб кириб, хизматкорга Хитой виносидан келтиришни буюрди. У хўп деганча чиқиб кетди. Хизматкор столни тузата бошлар экан, Зев бир-икки сўм пули учун Шиангни айблагани ёдига тушиб, анча хижолат бўлди. Қиз жудаям сахий бўлиб кўринди унга. Столга хилма-хил Хитой мева-сабзавотлари ва турли-туман винолари қўйилди. Аввал қиз илик сўзлар айтди ва бирга қадах кўтаришди. Хитой виноси анча аччиқ экан. Зевнинг боши айланиб кетаёзди. \*Шу ҳайҳотдай жой сенга қарашлими?\* – сўради у овозини кўтариб. \*Йўқ, мен бунда шунчаки бир раққосама\*, – жавоб берди қиз. \*Хўш, ким учун рақсга тушасан?\* – сўради Зев дарҳол. \*Сенга ўхшаганлар учун\*. Бу ҳақоратмиди ёки рағбат? Зев жим қолди, чунки унинг кўз ўнгида беҳаё романлардаги яланғоч ҳақиқат намоён бўлган эди. 17. Бир ҳафта ичида мен Лукнинг севгилисидан мактуб олдим. Ҳа, бу ҳозирги кунда ҳам тез-тез учраб туради. Мен севгилиларни назарда тутяпман. Бунинг устига, қиз америкалик лейди бўлиб, ота-боболари муқаддас ғарбдаги Шаҳзода ота ва она бўридан тарқаган туркларнинг энг қадимий манзилгоҳлари саналмиш Олтойдан бўлишган. Қиз буни фахр билан ёзибдики, унинг севгилиси изланиш олиб борган халқлар тарихи билан кизиқишимдан бирмунча хабари бор эди. Унинг ёзишича, афсуски Лукдан ҳеч бир хабар йўқ, у ҳали ҳам таъқиб остида ва гарчи Америка Элчихонаси Хитой ҳукуматида протест билан мурожаат қилган эса-да, у билан кўришишга ҳеч кимга рухсат берилмаётган эмиш. У мен билан кўришиш истагини билдирибди, чунки улар учун Лукни ҳибсга олишларидан аввал у билан охириги марта кўришган инсон мен эдим. Мен қизга факс юбордим ва ҳафта ўтиб у билан Нью-Йоркда кўришдик. Аввал бошдан мен ўзимни айбли сеза бошладим, чунки у билан кўришганимиз ондан бҳаёларча қизни ўзимга қаратишга уриндим. Менинг ўрнимда бошқа киши бўлганда ҳам шундай қилган бўларди: келишган жононлар каби қиз мендан баландроқ, ҳаддан зиёд гўзал ва сарвқомат эди. Яна денг у мен билан кўришгани келди. Айни пайтда мен бу қизни маликадай ҳаёл қилдим, ўзим эса сўлаги оқиб ётган оч бўридай бир алфозда эдим. Уятим ҳам қолмабди! Уят-э ўзимга, чунки бирдан барча ишимни унутиб, ақлу ҳушимдан айрилдим, фақат қизга қулоқ тутарканман, унинг нима деётганини тушунмай, ғунчадек лабларига ва унга уйғун равишда ёниб турган қароқларига суқланиб қараб турардим. Ҳатто қаерда турганимизни ҳам унутиб қўяёзиман.

18. Жумладан, мен рус роҳиби Ерем Валаамовни бутунлай ёдимдан чиқардим. Эртасига Фиона (Лукнинг маъшукаси исми шундай эди) Уйғуритонга кетмай туриб Лук ўтказган сўнгги тадқиқот хусусида сўзлар экан, мен бу ҳикоя Або Ефрем ҳақида

эканилигини англай олмабман. Аслида ҳам шундай эди. Бу роҳиб диний юмуш билан Хитой ва Тибетга юборилгач, у бунда маҳаллий роҳиб билан танишади ва уни православ насронийликка даъват этади. Тензиг Дацаонинг (роҳибнинг исми шундай эди) деярли Муқаддас Учликка эътиқодини ўзгартиришга муваффақ бўлинган маҳалда унинг қиёфодоши қадим китобларда ўқигани бир ҳикояни айтиб берди. Бир неча сар бурун насроний миссионерни бу юртларга келиб, содда бир одамни учратади ва уни Худо ҳамда Унинг Самовий салтанатига ишонтира бошлайди. Содда киши Абадий Ҳаётга мушарраф бўлганига бир баҳя қолганда, бирдан айниб қолади, чунки, ўзининг айтишича, насронийликда отнинг сутидан тайёрланган қимиз ичиш маън этилгани ёдига тушиб қолади. Мен ҳам ўшанга ўхшадим, деди роҳиб Тензиг. — Сизнинг динингизда ўлганлар руҳини озод қилишга рухсат берилмаган. Або Ефрем бу билан нима демокчилигини сўраганда, у ўзидаги Муқаддас Китобни кўрсатиб, ундан бир неча оят ўқиб беради. Роҳиб Ефрем Валаамов ўзи эшитган оятларнинг маъносига шу қадар қизиқиб қоладики, ҳаттоки нега бу юртларга келганини-да унутиб, роҳиб Тензиг ёрдамида ўша Муқаддас Китобни русчага ўгиришга тушади. Ушбу ҳикоянинг Лук билан боғлиқ томони аниқ эсимда йўқ бўлса-да, кутилмаганда уни ўзим билан боғлиқлигини сездим: гўёки меннинг ўлик руҳим янги бир ҳаётга ўрлаётгандай эди... 19. Ҳарқалай Фиоан итаган одам мен эмас деб ўйлагандим, лекин аксинча мен унга керак бўлиб чиқдим. Буюк шоирларимиздан бири ёзганидек: \*Мени мен истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас\*. Биз Нюренбергдан Бамбергга ўтишга келишдик, чунки мен унга ҳўв ғаройиб дарвишнинг Лукка бериб юборган Зевнинг кундалиги ҳақида гапирмоқчийдим. Тўғриси айтсам, бу ўйлаб топганим бир тузоқ бўлиб, кундалик дафтар сумкамнинг ичида турган эди. Шунга қарамай, иложи борича самимий тарзда қизни таклиф этдим, гўёки кундалик мен биланми-йўқми эсимдан чиқаргандай эдим, бироқ, кўриб турганингиздай, ниятим бузуқ эди. Эсимда, ёшлигимизда оғайниларимдан бири кундалигини ўқишга рухсат беришини баҳона қилиб, университет қизларини йўлдан урарди. У биринчи ўлжасини қандай қилиб қўлга туширгани воқеаси бутун бир ҳикоятдир. Қисқаси мен ҳам ўшандай қилмоқчи бўлдим шекил. Лекин балки мен анча тажрибалироқ чиқдим чамаси. Нимага дейсизми? Майли, айтиб бера қолай. Ҳали Нюнбергдалигимда собиқ Иезуит Институти Католик бўлимида қадимий кўлёмалар устида ишлашимда яқиндан рдам берган ижара уйимнинг хўжайини ва дўстим касалхонага тушиб қолди денг. Ўша куни у уйимизнинг калитини ташлаб кетиш эсидан чиқибди. Шу боис биз Олмониянинг чеккароқдаги энг қадимий ва гўзал шаҳарчасидаги замонавий меъморчиликнинг ойнаси саналмиш кўп қаватли касалхонага боришга мажбур бўлдик. Биламан, тил имкониятим Бамбергни тасвирлаб беришга ожизлик қилади, бас, шундай экан, уфқдаги тепаликлар ва Алтенберг минорасини нақадар жозибадор, гумбазнинг тўрт минораси антиқа, Мишелберг ибодатхонаси бирам фусункор, десам ишонаверинг. Дўстим ошқозон касали билан ётган клиниканинг ўн учинчи қавати ойнасидан бу манзара янада гўзал кўринади. Биз унга янги газеталарни қолдириб, калитни олиб чиқарканмиз, бирдан негадир юқорига кўтарилиб, Бамбергнинг кунботардаги қиёфасини томоша қилишни таклиф қилиб қолдим. Фиона рози бўлақолди ва орқамдан юрди. Ёнғин пайтида чиқишга мўлжалланган бўм-бўш зинадан юқорига кўтарилаканмиз, иш вақти тугаганиданми ёки беморлар овқатланишаётганиданми, ҳарқалай атрофда ҳеч кимса кўринмас эди. Энг юқориги қаватда мен қизга ўзим ёқтирадиган жойни кўрсатдим. Биз ойнабанд деворга яқин келдик, лекин бир-биримизга янада яқин эдик, нафасимиздан тиниқ ойнани ҳам туман қоплади, кўзларим чакнаб, бир муддат жимликдан сўнг қизни ўпишдан бошқа яхши нарса топмадим. У қаршилиқ қилгани йўқ. Айни пайтда елкамга осиглиқ сумкам билан Фионага ёпишиб турганим жуда кулгили эканлигини тушундим. Ишонгим келмайди, нахотки шу ишни қилган бўлсам: мен уни ўпдим, кўкрақларини ва унинг учларини силадим (кўполлигим учун маъзур тугайсиз, бу сўзларни шундай эшитганман), қўлларим янада нозик жойларга томон сирғалиб тушди, кўйлақларини юқорига кўтардим, бармоқларим иштони остида қолди ва ниҳоят елкамдаги сумкамдан қутулишга қарор қилдим, уни четга улоқтиргандим, бориб икки мрамор зинанинг орасидаги

тешикка бориб тушди, бироқ пастки қаватдаги ҳеч ким бизни сезмади. Қизнинг иштони жуда тор эди, айниқса, икки оёқлари ораси. Унинг баланд бўйи яна қўл келди, интим аъзоларимиз айни бир-бирининг қаршисига тўғри келди. Қиз иштонини пастроққа туширишимга рухсат берди ва мен энди ўзимни мутлақо тутиб туrolмадим, унинг қайноқ лабларидан ақлимни йўқотдим. Яна қайтараман: шу ишни қилганимга ишонмаяпман, лекин клиниканинг зиналарида қуёшнинг сўнгги нурлари остида мен у билан ковушганим рост. Бироқ бундай ғайритабиий саргузаштдан хурсанд бўлишим керакми ёки хиёнаткорлигим ва телбалигим учун ўзимни айблашим лозимми, мутлақо билмасдим.

20. *Билга-хоқоннинг чодир атрофида тўққиз рангли чодир қад ростлади ва доно Тонюқуқ қуролланган тилмочларига ишга керакли нарсаларни тайёрлашни буюрди. Хитой қозоғи ва Сурия сиёҳи, Сўғдиёна шамлари-ю Форс патқаламлари барчаси дунёнинг тўрт бурчидан келган ажнабийлар учун тахт қилиб қўйилди. Ўз қарашларини тошларга ўйиб ёзишга одатланган турклар доно Тонюқуқ билан ажнабийларнинг шошиб қолганларини кўриб, уларни мазах қилишди. Шунга қарамай, иш бошлаб юборилди. Эрта азонлаб қуёш даштлик четидаги Отукан ўрмони устида кўрина бошлаганда, Форсдан келган зардушт руҳоний Авестодан қўшиқлар куйлай бошлади, тибетлик Булен сирли зикрини айтишга тушди, Табгач генерали Ичи Лянг кунни жанговар санъати билан бошлади, Сўғддан келган шаҳзода ўтов ичидаги безакларга, қайрилма шохлару ипак баргларга қараб, чуқур тафаккур қилишга ўтирди. Тардуш Инончи Чўр дўмбирасини қўлига олганди, бутун даштлик бўйлаб шамолларни ёдга солувчи маҳзун наволар янгради, генераллар орасидаги биринчи несториялик насроний ва несториялик насронийлар орасидаги биринчи генерал, қилич ва ўқ-ёйдан бошқасини билмайдиган Удар-Сенгун Исо Масихнинг қиёфаси бўлмаган кичик хочга қараб қўлларини бир-бирига қовуштирди, бу ерга Ибн-Қутайбанинг отларида келган Ислом динининг яширин билимдони, бухоролик шаҳзода Нянг-сянг эса Аллоҳга ибодат қилиш керакми-йўқми билмай, Конфуция анъанасига содиқ Хитой Императори бундан хабар топишидан кўрқиб турарди...* Фақат Ўн-ўқ тамгачилари, Макрач ва Ўғузгина Билга-хоқон ва унинг тилмочлари буйруғига қарамай, ухлаб ётишар, маҳаллий шомон Удегҳе уларнинг уйқуда учиб юрган руҳини сақлаб турар эди.

21. Асирнинг тушлари. Ўтган кеча Лига суянганим ҳолда, бир мирим ҳам йўқлигини билсам-да, бир неча йилдан буён давом этиб келаётган кечки курсларим учун пул тўлашим кераклиги ҳақида туш кўрибман. Деярли яланғоч ҳолда эдим, ички кийимимдан нимадир кидираётган кўринаман. Отини эсимдан чиқариб қўйганим ўгай отамнинг ҳовлисига яқин эшик қаршисида эшак миясини еб турган телбани учратдим, у менга ҳовли эгаси дўкондор экани ва ақлдан озганидан бери касал ҳолда ётишини айтди. Мен бу телбадан ўгай отамнинг исмини сўрашга ор қилиб, уни тушунган мисоли бошимни қимирлатиб қўйдим. Эшикни очиб, каттакон ҳовлига кўзим тушди, у кишлоқ спорт майдони ёнида экан, пахса девор уни очик ва ёниб кетган майдондан ажратиб турарди. Мен ўгай отамни чақирдим. Ҳовли тўрида ит эмас, нақ бир занжирбанд шер уйғониб кетди. Мен орқамга тисарилгандим, бироқ шерхон жим бўлиб қолди. Шу пайт эшик очилиб, ўгай отамнинг қораси кўринди. Бирдан шер эмас, балки бир гижинглаган от занжирларини узиб, худди цирк саҳнасидаги каби ҳовли бўйлаб ёввойиларча чопа бошлади. Ўгай отам бир бақирган эди, орқасида ўғли пайдо бўлди. Лекин от ўз шижоатидан боши айланган дарвиш каби телбаларча югурарди. Мен унинг ўгай отам овозидан ёқимлироқ бўлган туёқ товушларини эшитдим. Уни тутмоқчи бўлиб қилинган барча ҳаракат зое кетди, ҳовлидаги тупроқ пахса деворлардаги чанг билан қоришиб, тўзон бу ақлсиз жониворнинг узун думи каби айланар эди.

Ниҳоят, мустанг бу ҳалқадан чиқиб кетиш учун етарли куч тўплаб, бирданига қўшимча эшик қаршисида менга аҳужум қилишга қарор қилди. Мен дарҳол ҳимоя ҳолатига кирдим ва ўнг оёғимни унинг башарасига томон кўтаргандим, у тўхтаб чунонам бир кишнадик, худди шу пайт ўгай отам уни тутиб олди. У бўралаб сўкар, \*Кейинги сафар сениям мана бу ўлик эшакка ўхшаб таъзирингни бераман!\* дея жигарранг териси тупроққа беланиб ётган эшакка ишора қилди. У мустангни жиловлади ва от олдинги оёқларига ётиб, бошини тупроққа қўйди. Умрим бино бўлиб бу жиловланган отнинг бошидан-да ғариб бир нарсани кўрган эмасман. Шундан сўнг ўгай отам олдимга келиб

кутилмаганда менга пул узатди: \*Ма ол, кечки курсларингга тўларсан\*. Тавба, пулим йўқлигини қаердан билдийкин? Мен ҳеч нарса сўрамай, етарли пулим бор, дея уни қайтаришга тушдим, лекин отам мажбурлагач, пулни олдим ва \*Синглимга бериб қўярман\* дея пичирлаган бўлдим... Тонгга яқин Ли ҳаммаёқни тепиб одатий каратэсини бошлади, қўриқчиларимиздан биринг муздай сувнинг устимиздан сепиб юборганидан менинг уйкум ҳам бузилиб кетди. Томас Стернс Эллиот айтганидай: \*Одам шарпаси келмай уйғотинг, сўнг чўкайлик\*...

22. Ўтган давр ичида кашф этганим шу бўлдики, асирга тушиш курортда дам олган билан баб-баробар экан. Мен тушлар нуқтаи назаридан айтяпман. Қанча кўп роҳатлансангиз, шунча узок ўтмишдаги хотиротлар тушингизда намоён бўлади. Яшаб турган кунингизни-да тамоман унутиб қўясиз — гўёки руҳингиздаги энг яширин тугунларни ечиб юборадиган чуқур бир кечмишлар ичига шўнғигандай бўласиз. Ҳарқалай, менда шундай кечди. Мен Бамбергга Фиона билан қилган гуноҳимни эсладим. У билан кўчалар ва йўллар бўйлаб аксимизни гоҳ дўкон ойналарида, гоҳ дарёларда кўрганча пиёда юрганимиз, ҳаётнинг ўзи каби ноаниқ мавзуларда суҳбат қурганимиз, тез орада Зевнинг акаси икки ойча археология музейи аъзоси сифатида яшаб турган Кот-д-Азур томондаги Антибсга келиб қолганимиз ёдимга бир-бир кела бошлади. Тушимга нима кирганини англай олмасдим: кумли пляжлар, ислиқ денгиз, арзон ва мазали ресторанлар, Авлиё-Маргарет ва Авлиё-Ҳоноре деб аталмиш ёввойи оролларга саёҳатимиз, ёхуд жазирама тунлардаги тонг ва муҳаббат оралиғидаги орзуларим, куёш тиғида чанг ва иссиқ тупроқ кечган болалик йилларим, ёхуд балки Ноам ҳар иккимизга айтиб берган тарихий ривоятлар, Фиона ҳақидаги хотиралар...

Ака-укалар ўзларининг биродарликлари ҳақида болаликдан бўлак нимаям билишарди? Опа-сингиллар-чи? Деярли ҳеч нима. Биз Ноамга укасининг кундалиги ҳақида оғиз очмадик. У Зев ошқозон касалидан чет элда вафот этган деб юраркан. Лекин мутахассис сифатида у бизга шундай бир нарсани сўзлаб бердики, бу Зевнинг бутун кундалигидан ҳам қимматлироқ эди. 23. «Аловуддин» ресторанида у бизга талабалик йиллари ҳақида гапириб берди. Ўша пайтларда у Қуддусда эмас, балки Ленинградда яшар, исми ҳам яширинча Ноам эмас, оддийгина Никита эди. Шунингдек, у Зев билан қондош бўлган. Отаси рус эди, шу боис унинг асрлар оша сайқаллашган, қадимий яхудий қони алал-оқибат рус қонига аралашиб кетган ва бу Ноам ҳаётидаги барча муаммоларнинг сабабчисига айланди. Археология институтининг бешинчи курсида улар ёзги амалий дала ишини Монголия даштларида ўн-ўқ уруғига қарашли қадимги кишиларнинг кўрғонини кавлаш билан ўтказишади. У одамларнинг жанговар табиатини ҳисобга оладиган бўлсак, қабиланинг бундай номланиши у қадар ажабланарли эмас. Ўн ўқ бўлса бўпти-да. Гарчи Никитка мактанчоқлигини тан олса-да, биз унинг уятчанлигини билардик. У дарҳол мавзуни йигирма йил аввалги Қуддус воқеаларига аўзгартирди. У ўша жойда топиб олган қўлёмза билан тилла шохни ўғирлади. Шох-ку бир нави, лекин у қўлёмзанинг на баҳоси ва на маъносини биларди, магар у бир кунмас бир кун ушбу қўлёмза қайсидир институт жавонларида сарғайиб ётмасдан, ўз ўрнини топажагини ич-ичидан ҳис қиларди. Лекин Никита ҳозирча фақат тилла шохни қандай қилиб сотиш ҳақида бош қотирар ва ниҳоят баъзи ўртачи кишилар орқали уни Ленинграддаги бир араб консулига сотишга муваффақ бўлди. Фақат Исроига кўчишга рухсат берилгандан сўнггина, у қимматбаҳо қўлёмзани қайта эсга олди ва уни ўрганишга киришди. Бунинг натижасида қилган кашфиёти қоғознинг материали баҳосидан минг карра қимматлироқ бўлиб чиқди. Ушбу қоғозда Аллоҳ Синойда Мусо алайҳиссаломга юборган Ўн Буйрукнинг нусхаси эди. Бу Ўн-Ўқ қабиласи дея номланувчи инсонлар тарихида мутлақо янги бир саҳифа очди. Профессор Ноам Шатский ўша қабиланинг номи Ўн Ўқ эмас, балки Ўн Аҳд эканини исбот этди. 24.

Бу кашфиёт Зевни усмонли турклар маданияти ҳақидаги изланишларини тўхтатиб, қадимги туркларни ўрганишга руҳлантирди. Шуларни айтар экан, Ноам Қуддусда кўрсатишга арзигулик бошқа нарсалар ҳам борлигига ишора қилди ва иш одами сифатида дарҳол иккимизни икки ойга «Турфа динлар Анжумани»га таклиф қилди. Мен дабдурустдан

рози бўлишдан тийилиб турар, чунки сезишимча, у менинг ишимдан кўра Фионага кўпроқ кизиқиб қолганди. Фиона эса дархол рози бўлди. Бирдан кайфим учиб кетди, анча ўзимни йўқотиб қўяёздим: менинг рашким келар, лекин бу рашк бошқа бировнинг ёри учун эди. Одам қариганда шароитга нечоғли тез кўникиши мумкинлиги ажабланарли эмасми? Бир ой аввал ўлим билан олишиб юрувдим, ҳозир эса Фионани Қуддусга бормасликка қандай кўндириш мумкинлигини ўйлаяпман ва бунга фақат Ноам ҳам қизга ёқиб қолди шектл, дея ўйлаётганим сабаб.

Кейинроқ арзон «Тропико» меҳмонхонасидаги бир кишилиқ хонамизда мен қизга Зевнинг кундалигидаги куйидаги парчани кўрсатдим: «Биз узок муддат хитойча мусиқа жўрлигида вино ичиб ўтирардик. Шиа Чанг билан бирга ўткзаетган вақтим анча хузурбахш эди. Лекин бирдан қизил куйлакли официант олдимизга келиб, хонимнинг кулоғига нимадир дея пичирлади. Хоним хитойча жавоб бераран, узр сўраб, бир муддатга мени тарк этишини айтди. Мен уни қанча кутиш лозим бўлса, шунча кутишга тайёрлигимни билдирдим. Бироқ ярим соатдаёқ зерика бошладим. Мени ёлғиз қўйишгани йўқ: қизил куйлакли официант ҳар дақиқа бирор нима керакми дея мўралаб турди. Бир сафар мен унинг исмини сўрадим. У Шиа Чангнинг укаси эканини айтди. Ундан мулойимлик билан кизнинг қаерга кетганини сўраганимда, у айна пайтда кизнинг бошқа мижоз олдиға кетганини айтди. Хушим учиб кетди. Йўқ, бу йигитнинг одатий йўсинда гапираётганидан эмас, балки айна пайтда тушунишни истамаётганим нарсани англаганимдан шу ҳолға тушдим. Шиа Чанг чиндан ҳам фоҳиша экан! Мен эса у билан ишқий ўйинларға берилиб кетибман... Нақадар бачкана воқеа! 25.

Бунга жавобан Фиона менга Лук ҳақида гапириб берди. Умуман олганда, унинг Кўк Туркларибилан кизиқиши қўлёмалар боисидан эмас, балки фақатгина ўша туркларнинг деярли барча динларға эътиқод қилганлари сабабидан эди. Лук турли динларни солиштирар экан, улар аввало тилни, кейинча инсоннинг менталитетини ўзгартириши фактини аниқлашға ҳаракат қилди. Унинг фикрига ёки ўзи айтганидай, «назария»сига кўра, дунёда яҳудий ва араблар каби «Худо танлаб олган» халқлар бор. Аллоҳ улар билан бевосита гаплашаверади. Қолганлар эса бошқаларнинг йўл-йўриғига «Худо унут» тиллари-ю ўй-фикрларини мослаштиришлари лозим. У бу назарияни деярли барча динларға эътиқод қилган қадимги турклар мисолида исботлашға қарор қилди. Турфа динларнинг «зуғуми» остида халқларнинг тили қанчалиқ ўзгарганини солиштириш мақсадида ишни турли муқаддас матнларнинг қадимги туркийча таржималарини тўплашдан бошлади. Бу борада ислом, насроний, буддист, Манихей ва шаманизмға оид матнларнинг инглизчасини осонгина топди-ю, бироқ унинг мақсади бу матнларни асл туркийдаги мқобилларини солиштиришдан иборат эди. Шу тариқа бир неча йилни қадимги туркчани ўрганишға сарфлади. Улар бир-бири билан танишишди. Фионанинг ота-боболари олтойлик бўлиб, у Лукка бувисидан қолган жуда кўп нақлларни айтиб берар ва фурсати билан Лук йўлиққан асосий муаммоларни таъкидлаб ўтарди. Лук таққослаш асосларини яхши билмасди. Барча муқаддас матнлар қачонлардир таржима қилинганди. Магар муқаддас турк тилининг «табиий», «нейтрал» ҳолати қандай эканини Лук билолмади. Қизнинг эртақ ва афсоналари таъсири ўлароқ, у шуни кашф қилдики, қадимги туркларнинг қадим Худоси — Тангрига эътиқод қилувчи бир қатлам мавжуд бўлган. Шундан кейин у аста-секин Тангри деган сўз бор қўлёмаларни излашға тушди. Шу йўсинда мен уни учратиб қолдим.

Фиона менга Анғиз Ер тўғрисида гапириб берди, у Мовий Само Инсоният Ўғлонларига нимадир берганини айтганди (мен бунинг нелигини унутиб қўйдим), қисқа қилиб айтганда бу бизнинг ўзаро муносабатимизда худди Ноамға ўхшаш бир нимадир эди ва шу боис мен чалғиб кетдим... Ўша пайт мен на Ўлик Шаҳардаги дарвиш ва на Урумчида қолдирганим плёнка ҳақида унга сўзладим, лекин шуни ҳис қилдимки, биз айна пайтда Лук билан айна бир томонда эдик. Мовий само ёрқин куёшға ҳам, қора булутға ҳам бирдай тааллуқли бўлганидай, Лук номидан менинг рашким келиб турарди.

26. *«Покиза жаннатий тартиб илмлари ичида мавжуд эканмиз, биз — икки асосий ва уч ўзгарувчан қоидалар — жаннатий борлиқнинг ёрқин асосини ва дўҳахнинг зим-зиё тубини биламиз. Ҳали осмон ва ер мавжуд бўлмаган вақтда, нима бўлган дея, сўрарканмиз,*



раҳмоний ва шайтоний кучларнинг нима сабабдан тўқнаш келганини, ёруғлик ва зимистон кучларининг учрашганини, ёруғлик ва қоронғулик қандай қилиб бир-биридан ажратилганини ва ундан кейин нима бўлганини билардик...» Сўзднинг Манихей Шаҳзодаси ушбу парчани Берке тилмочга тушунтираман деб қийналиб кетди. Умри бино бўлиб Берке икки бора Хуросонни ишғол қилишга борганди ва гарчи у мақсадига эришолмаган бўлса ҳам, бир қанча асирларни қул қилиб оладик, уларнинг бари Отуканга боришидаги узоқ йўлда ҳалок бўлишади. Шу боисдан Берке Сўзд Шаҳзодасининг энг яхши тилмочи саналарди. У бир неча юз сўздча сўзларни билар, лекин Мани динининг ҳамма учун ҳам тушунарли бўлмаган безакли ёзувлари мазмунини унга тушунтириб бериш осон иш эмасди. Ёруғлик ва қоронғулик ўртасидаги муносабатни унга қандай қилиб тушунтирса бўлади? Шаҳзода Мани динига эътиқод қилувчиларнинг ибодатномаси «Хуастуанифт»нинг энг осон парчасини тўғри таржима қилганига унчалик ишонмаётганди, шунинг учун ундан қайта-қайта ўғирлишни сўрайверди. Беркенинг бунга сабри чидамади, жаҳли чиқди, лекин у Билга-хоқон ва унинг фаросатли маслаҳатчиси Тонгюқуқнинг дунёдаги энг ақлли сўзларни хузурумга келтиринг, деган буйругини бажариши лозим эди. Мулойимлиги уни ушбу лаънати сўзни қайта таржима қилишга мажбур қилди, йўқса, бу йигит бир қиличи зарби билан бошини танасидан жудо қилиши ҳеч гапмас. У «Тангри» деди ва осмонга ишора қилди, «ариг» дея одам қандай қилиб қўл ювишини намоёни этди, сўнгра ўша сўзларни қайтариб, уларнинг биргаликда қўлланиши, яъни Аллоҳнинг поклиги маъносини айтди. Шундан кейин у эски асирларидан бирдан илиб олган яна бир сўзни айтди — «номуз» — «буйруқ». Ушбу сўз Шаҳзодага тушуна оладиган ва роҳат қиладиган ягона сўз эди. «Мен биламан» — деди Берке сўздчада. «Биз биламиз» дея тўғирлади уни Шаҳзода. Берке уни тушунди, бошини қимирлатиб, ўз тилида нимадир деди, лекин Шаҳзода Беркенинг «Биз биламиз» дедими ёки Шаҳзодага ишора қилиб «Сиз биласиз» дедими, тушунмай қолди. Шаҳзода икки бора уларнинг ҳаммалари билишига ишора қилди ва Билга-хон ва Тонгюқуқнинг номларини эслатди. Берке эса яна бошини қимирлатди — Худо билади нега — ва сўзд тилида «Яшасин» деди. Шаҳзода ҳозиргина эшитгани барча сўзларнинг маъносини чақишга уринди. Берке уни хурсанд қилишга ва бу қургур машгулотни тезроқ тугатишга интилди, қанийди ҳозирнинг ўзида очик сақрога, боши оққан томонга қочиб қутула қолсайди... Бу каби ҳар хил ўйлар қуршовида иккилари ҳам Ўн-ўқ қабиласидан бўлган Макрач ва Ўғуз-Билганинг хахолаб кулаётганини эшитишди... 27. Фиона ҳақида ўйлаш учун вақтим етарли эди. У ақллилиги билан бошқа аёллардан фарқ қиларди. Мен ўзимни аёлга ўч одам деб ҳисоблашларини истамайман, лекин нимани назарда тутаётганимни тушунтириб берсам, мени тушунасиз, деб ўйлайман. Турк уруғларидан ташқари Фионанинг ўтмишда немисларга боғлиқ жихати ҳам бўлиб, ё бобоси, ё отаси немис бўлган. У фалсафий тафаккурни — мен билган аёллар орасида кам учрайдиган очиклилик, самимийликни мерос қилиб олганди. Ҳа, менимча, аёлларнинг асосий кучи ақллиликда эмас ва Фиона туркларга хос ёввойилиги боис бундай тоифа ҳайвонларнинг энг яхши ва мулойим бир намунаси эди. Фақат, аввал айтганимдай, мен уни севишдан эмас, балки суқротона суҳбатлар куриб ўтиришдан кўпроқ завқ олардим. У менга кўп нарсани ўргатди. Масалан, овчи ва унинг ўлжаси назариясини олайлик. У Лукни овчи, ўзини эса ҳайвон бўлганини айтади. Лук ҳаётида бир нарсани: ўз ўлжасини керакли маҳал ва айна жойида ушлашни яхши кўрарди. Фиона ҳам ҳар доим у ерда бўларди. Лекин отишдан аввалги айна сўнгги лаҳзада доимо ўққа учмасликнинг уддасидан чиқар ва овчи уни бошқа жой ва вақтда яна мўлжалга олишга уриниб кўрарди... Ҳозир эса Фиона уни пойлаб юрибди. У менга бутунлай бошқа бир ҳикояни сўзлаб берди. Биз Канн яқинидаги Авлиё Маргарет оролидаги арча бўйлари анкиб турган ўрмонда сайр қилиб юрардик, бирдан у қабртошига ўтириб, ўрхун ёзувларини қандай қилиб ўқишганини билиш-билмаслигимни сўради. «Роҳиб Ефрем Валаамовнинг дўсти рус сайёҳи Ядринцев ўрхун тошларини топганда, нидерландиялик тилишунос Вильгельм Томсен («Мен уни биламан!») уларни суратга олиб, хитойча варианты билан солиштириб кўрди ва ундаги ўзига хосликларни ўргана бошлади. Энг аввал у Ўрхун тоши 38 та қайтариладиган турли хил ҳарфлардан иборатлигини аниқлади. Кейин у бу алифбода унли ҳарфлар борми-

йўқлиги, агар бор бўлса, уларнинг қайси эканлиги устида иш олиб борди. Унинг фикрича, масалан, «х-у-х» ундош-унли-ундош кетма-кетлиги бўлиши мумкин ёки аксинча. Шу тарзда у бошқа тилишунослик қондасига кўра унли товиш эканини билдирувчи бир неча белгиларни топди. Шу билан бир қаторда у бу унлиларнинг турли ундошлар билан боғланиши йўлларини излай бошлади. У топган қоидалар излаётган тилининг унлилар уйғунлигига эга эканига ишонч ҳосил қилдирди. Матндаги энг кўп қайтариладиган сўзларни таҳлил қилар экан, улардан бири икки унли сўз эканини аниқлади, бу «Тангри» деган сўз эди. Иккинчи энг кўп ишлатилган ва хитойчага аслига яқин қилиб таржима қилинган сўз «Кюэҳ-ти-кин» бўлиб, узоқ ва оғир меҳнатдан сўнг Вильгель Томсон бунинг ҳақиқий номини аниқлади: «Кул-Тегин» ёхуд Фаровонлик Шаҳзодаси. Ушбу сўзлар учини бир кўп фойдаланилган сўзни ўқиш имконини берди: «Турк». Шундай ўйлиб, «Тангри», «Кул-Тегин» ва «Турк» сўзлари тошдаги ўқилган биринчи сўзлар бўлди. Қандайдир рамзий маъно борга ўхшамаяптими?» Фиона ҳикоясини тўхтатиб, жилмайганча деди: «Баъзида шундай туюладики, гўёки мен ҳам бир унли товушман ва ҳаёт мени қоронғу ундошлар ичига пуфлаб туради»...

28. Бу Томсон шарҳи тўғрисидаги ҳикоянинг сўнгги эмас эди. Фιονанинг гапига қараганда, Або Ефрем — Ядринцев шарҳнинг қиёсий усулини танқид қилган. У Кул-тегинга бағишланган бир хил тошдги туркий ва хитойча матнларнинг бошланишини бирлаштирди. Фиона ёндафтарчасини олиб, қуйидагиларни ўқиди: *«Юқорида мовий осмон ва қуйида кўнғир ер яратилгач, уларнинг ўртасида инсон боласи вужудга келди».* Энди хитойча муқобилини эшитинг: *«Оҳ, осмон бунча мовий! Сенинг ҳимоянда бўлмаган ҳеч бир нарса йўқ! Осмон ва инсонлар уларнинг орасига қўйилган ва коинот бир жинслидир...»* Иккимиз ҳам бирданга хахолаб юбордик. Бошимиз устидаги қушлар бир чўчиб тушиб, ғалати овоз чиқарганча қоронғу дарахтзор томон учиб кетди. 29. Тан олишим керак, Фиона кин кунлардаги ҳаётимдаги асосий ва энг илиқ хотира бўлиб қолди мен учун. Бир-биримиз билан қанчалик осон топишган бўлсак, шунчалик тез йўқотиб ҳам қўйдик. Аниқроғи, мен уни йўқотдим. Ҳаммаси аниқ, мен бу ерда ҳар бир нарсани аниқлашга, тартибга туширишга ва ҳамма нарсадан мантиқ қидиришга уринмоқдаман, айниқса, ўйлаш учун фурсат бўлганда, яна шуни англадимки, ҳаёт у қадар ўткинчи нарса ҳам эмас экан. У лойга ўхшаб, истаган шаклга кира олади. Кунларнинг бирида эрталаб уйғониб қарасам, ёнимда Фиона йўқ. Миямга келган биринчи гап ш бўлди: у Хитойда Лукни ташлаб кетганидай, мени ҳам ҳеч бир огоҳлантиришсиз қолдириб кетаверган. Доминик — биз турган меҳмонхона хўжайини кўли билан ишора қилиб «Хоним жуда эрта чиқиб кетди» деди. Ваҳима кўтарганим йўқ. Антибга бордим, шумшайиб қолган Пикассо музейида анча вақт ўтказдим, кимсасиз қирғоққа бордим, лекин кўнглим қайтариб бўлмас нимадир содир бўлганлигини сезарди. Одатга кўра, тушликка иккимизга ҳам ёқиб қолган мўъжазгина «Ла котэ а л-ос» ресторанига келдим, бизни таниб қолган официант чиройли хоним тез орада келадими дея сўрагани, унга жавобан қизил винодан кўпроқ келтиришни илтимос қилдим... У ўзи режалаштириб юрган Монакога кетиб қолган дея ишонишга уриндим, ақалли у Ноам билан бирга бўлиши керак, магар вақт ўтаверар, ундан эса дарак бўлмади. Кот д-Азурда нгидан-янги узрла ахтариб яна икки кун қолдим: у Лукнинг севгилиси бўлган, у мендан узунроқ эди ва иккимиз турганимизда жуда қулгили туюларди, унда Ноамга нисбатан симпатия уйғонди, бундан буён гуноҳим камроқ бўлар, ва ҳоказоларни ўйлаб ташладим. Бирдан бор пулимни ишлатиб бўлганим эсимга тушди ва ҳеч бир умидсиз йўловчи машиналарда саёҳат қилиб Бамбергга қайтдим. Фиона айтганидай, учар унлиларнинг шаффофлигисиз, лойга қоришган ундошлар каби борардим...

30. Мен ҳамма нарсанинг бир сабаби бор-ку, дея ўйлашга ўрганганман. Агар ёр ташлаб кетса, драма бошланиши керак эди, бироқ менинг ҳолатимда бундай бўлмади, балки бу вақтнинг белгисидир: у қаерга келишни хоҳласа келарди, кимни ташлаб кетишни истаса, ташлаб кетаверарди. Икки ой бурун усиз ёлғиз, ўзим билан ўзим оввораи сарсон эдим. Икки ой ўтиб эса яна ўша ҳолга тушдим, яна бирор нарса қўшиладими, камаядими, мутлақо беҳабар эканман. Алал-оқибат, бир пайтнинг ўзида ўша нимадир қўшилди ва яна кўздан

ғойиб бўлди. Аввалги ишимни давом эттиришга уриниб кўрдим: Фионадан қолган қоғозлардан Валаамов, Ат-Тоҳарий ҳақида ўқидим, фақат ғалати тақдиримга сабабчи бўлган дея Зевнинг кундалигига текканим йўқ. Аммо асосан уринишларим яқин кунлардаги ҳаётимнинг муҳофазасига қаратилганди. Бу орада Олмония ва Франциядаги турли таржима ва сайёҳлик компанияларига ўзимнинг Осиёнинг узоқ ўлкалари бўйлаб олиб юриш ва таништириш бўйича тажриба ва малакаларимни таклиф қилиб мактублар ёздим. Доимо нима биландир банд бўлишга интилдим. Лекин, балки сиз \*синиш\*нинг маъносини билмассиз, мен гўё узлатга чекинаётгандай эдим. Ҳатто об-ҳаво ҳам менга қаршидай: ёғаетган ёмғир остимга, йўқ, устимга, янаям аниқроғи, вужудимни кесиб ёғарди. \*Ёмғир шаҳарга эмас, кўнглимга ёғмоқда\* дея унинг эски манзилига мактублар битдим, телефонини топишга уриндим, магар ҳеч бири самара бермади: у жисму борлиғимдан бутунлай ғойиб бўлиб кетди.

31. *Қитанлик Удар-сенгун, биринчи Нестория генерали, бошқа дипломатик-диний асирларга нисбатан яхшироқ шароитда яшарди. Гап шунда эдики, марҳум Шаҳзода Кул-Тегиннинг бениҳоя гўзал хоитин Кўрк-хотин насроний динининг ишқибози эди. Узоқ йиллар аввал отасининг ўтов-қасрида ёшгина шох қизи бўлиб юрган кунларда бир армани роҳибни кўрган, у тилла билан тикилган узун куйлак, қимматбаҳо тошлар ва товус пати билан безатилган гаройиб тож кийиб олганди. Роҳибнинг бир қўлида оғир тилла хоч ва иккинчисида атир тўлдирилган идиш бор эди. Қиз отасининг олдида роҳиб ижро этган рангин ва мунгли қўшиқлардан шу қадар таъсирланганки, эртасигаёқ отасидан у билан кўришишига рухсат олган. Қиз роҳибнинг кулбасига бири боздан, бири тоғдан келадиган саволларини уларнинг беўхшов қўпол тилларига таржима қилиб берадиган тилмоч билан қўшиб жўнатилади. У Биби Марям ва унинг одамлар учун азоб чеккан, бир кун қасос учун қайтиб келадиган ўғли ҳақидаги энг яхши ҳикояларни айтиб беради. Гарчи Кўрк хотин Биби Марям ҳақидаги гапларни тўлиқ тушунмаса ҳам, лекин унинг бир кун қайтиб келадиган қутқарувчи ўғли саҳровий кўнглини ишғол қилиб олганди. Тез орада ботир Шаҳзода Кул-Тегин номидан ўз отаси олдида қизининг қўлини сўраб совчилар келганда, чин ошиқ кўнгли билан ўша қутқарувчи ўғилдан совчи келганига ишонди. Магар энди ўз Қутқарувчисидан айрилгач, у қандайдир мўъжиза юз беришини кутар, бу гўё ҳалиги армани роҳибнинг қовушмаган тилмоч орқали унга ваъда берганига ўхшарди. Шу боис у бир хизматкорини насронийликда қандай янги нарса кутилаётгани тўғрисида бирор нарса билиб келиш учун Удар-сенгуннинг олдида юборади. Генерал жуда яхши, бироқ мураккаб бир шароитда эди. Аслида, художўйлигини ҳисобга олмаганда, у ҳақиқий насроний эмасди. Бахт унга кулиб боқди, чунки Қитан армиясининг масиҳий гояларга бой бўлган бошлиги агар ҳокимиятни қўлга киритишса, ўз ўрнига уни тайинлашга ваъда берди. Лекин ботир ва ақлли жангари Удар-сенгун ҳамма нарса унинг фойдасига ўзгариб кетганини сезди. Ягона муаммо кучларни бир жойга тўплаш ва уларни муҳим йўналишга солишдан иборат эди. У Кўрк-хотинга ўзи юборган хизматкор орқали хабар жўнатиб, Инжилнинг нухаси кераклигини, уни кўк туркларнинг каттакон салтанати чегарасида бирор роҳибгоҳнинг армани роҳибидан олиш мумкинлигин илова қилиб юборди. Қолган ишни ўз зиммасига олди. 32.*

Ли оз-моз французча биларди. Умуман олганда, улар бир-биримиз билан суҳбатлашишга рухсат беришмасди, лекин жаноза ва ундан олдинги қонхўрликдан кейин ўзларини бизга яқин олиб, илиқ муносабатда бўла бошлашди. \*Энди бизнинг тақдиримиз — бу сизнинг тақдирингиз\* деди кунларнинг бирида жангарилар командири, Ли икковимиз эса бу гапнинг маъносини чақишга уриндик. Ё уларга нима бўлса, бизга ҳам ўша бўлади, ё улар ҳам биз каби асир бўладилар. Ҳарқалай энди бизни илгаригидай қаттиқ кўрикламайдиган бўлишди, балки бизнинг қочишимиздан наф йўқ, ҳукумат тинимсиз равишда ҳаво кучлари билан зарба бериб турган бўлса, бундай шароитда қочиш асир ўтиришдан ҳам хавfli деб ўйлашган. Биз бирга шахмат ўйнашимиз, суҳбат қуришимиз мумкин эди, лекин бунда тансоқчиларимизга фикримизни синхроник таржима воситасида тушунтирардик. Иккимиз ҳам шароитдами ё командирлар тафаккуридами, қандайдир бир нохуш нарсани сезгандай

бўлди. Умримиз кутиш билан ўтди. Шукрки, вақти вақти билан бўлиб турадиган бомардимонлардан бошқа нарса содир бўлгани йўқ. Фақат командир ўзларининг аввалги ва ҳозирги юришларининг барча баённомасини инглиз ва хитой тилларига таржима қилишни илтимос қилгани ёмон бўлди. Улар бизга қалин дафтарларни тутқазишди, уларда метеоролог бўлган салафларимиз ҳавонинг даражаси ва музликлар ҳолати бўйича кузатувлари акс этган. Мен бу ёзувларни таржима қиларканман, улар аввалги ёзувлар каби қисқартирилган ҳолда бўлиши керак эди, шу боис номлар ҳам бош ҳарф билан ёзилмаган. Ли французчада анча муваффақиятга эришиб, баъзи сўзларнинг маъносини мендан сўрарди. Ўзимин икки карра асирдай ҳис қила бошладим: биринчиси — жангарилар асири, иккинчиси — Лининг яхши ниятлари асири.

33. Ростимни айтсам, Фиона ҳаётимни остин-устун қилиб ташлади. Уни деб ташлаб кетган тўғарақларимга ҳам боролмай қолдим. Бу дунёда нима ҳам қилардим? Ҳатто эшлашга ҳам мадорим йўқ. Ўлимга маҳкум қилинганлигим тўғрисидаги фактнинг ҳам аҳамияти қолмади. Ким? Нима? Қачон? Қаерда? Нега? Бемаъни саволлар. Қудукқа зинама-зина тушиб бораётган кишини хаёлингизга келтиринг, у ё ҳаёт манбаига дуч келади, ё ўзининг қора аксига. Бир қалқиса, бу чуқур ва қоронғу сувга юмалаб тушади. Мен ҳам шундай бўлиб қолдим. Ҳар қадамимни эсга олишга уриндим: Лук-дарвиш-Зев-Валаамов-Ат-Тоҳарий-ноаниқлик... ва Фиона. Ҳофиз ёзганидек: \*Ки ишқ осон намуд аввал вале афтод мушқилхо...\* Ҳаётимнинг охири ва янги муқаддимаси. Бошимга аввалгидан-да баттар нохушликлар ёғдираётгандайман, балки ўлимга маҳкумлик дегани шудир ва у аллақачон амалга ошириб бўлинган балки?!

34. Қудук ичидаги Юсуф ҳақидаги ҳикояни ҳойнаҳой эшитгансиз. Ўткинчи йўловчилар уни Мисрда қул қилиб сотиш учун сувидиш билан бирга қудукдан тортиб олишади. Қудукдаги кишандан қулликдаги кишанга. Шунга ўхшаб, АМИП Олимпиа деган бир француз фирмаси собиқ совет Марказий Осиёсида съёмка қилишни мўлжаллаётган кино гуруҳига экскурсоводликка таклиф этди. Бу пайтда Фиона берган қоғозларнинг ярмини ўқиб бўлган, фикрлар қуршовида ақлдан озай деб қолган эдим. Шу боис, озроқ молиявий томонни ўйлаб, кўпроқ ўзимни асраб қолиш мақсадида бу ишга рози бўлдим. Ишимиз ҳақида кўп вайсаб ўтирмайман, у одатий бир нарса эди: бир жазоирлик ёки покистонлик кўзойнакли режиссёр ўз бошлиқларини турли маданиятга таалуқли одамлар гуруҳини худо билади қаёққадир юборишга кўндиради. Бунга сабаб унинг чексиз нафси ёки баъзи ноаниқ оилавий можаролар, яъни уларнинг ота-боболари энг катта қитъанинг қоқ ўртасидан келганлари ҳақидаги масалага бориб тақаларди... Ва уларнинг ишлаган фильмлари: гитарага ўхшаган чолғу асбоблари билан бузиб талқин этилган шарқона мусиқа, исломий дид ва ғарбона келажак, насихат ва эртақ... ва даъво, даъво, даъво... Тўғриси айтсам, бунақа янгилик-пангиликка ҳечам ҳушим йўқ, агар пул учун бўлмаганда, ўрислар айтганидай, бундайлар билан кенг далада ҳожат учун ҳам бирга ўтирмаган бўлардим. Улар гўшингни кийма-кийма, суягингни майда-майда қилади, қонингни томчи-томчилаб ичади ва ниҳоят кулингни бир қошиққа олиб, бутун дунё бўйлаб янгилик сифатида ёйиб юради... Юрагимнинг уриши уларнинг зилзиласидан минг карра кадрлироқ мен учун. Келинг унутайлик шуларни. Сизга тасвирлаб бермоқчи бўлганим бу кузги сахро: елкаларида зил-замбил осмонни кўтариб турган шамолли чексиз ер юзаси. Бошқа ҳеч нарса. Ва бу икки вертикалликни бир-бири билан боғлаб турган ягона нарса — Инсон боласи. Ҳаётимда биринчи бор бу кўнгил ва фикрингга мос икки бўшлиқ қандай қилиб бу қадар ширин ёлғизликни келтириб чиқара олганлигини ҳис этдим. Йўқлик. Кераксизлик. Оввораи сарсонлик ва руҳнинг шамоли... 35.

*Доно Тонгюқуқ даштнинг ўртасида умрининг 86 кузида туриб эди. Қуёш уфқда сўниб борар, қизғинликнинг сўнги тилчаларигина қолган эди. Ҳаёт шундай кечарди. У вақтдан ютдимми-йўқми, барибир ҳаёт охирлаб борарди. Кўк Турклариорасида унга \*Тулки овчиси\* деб лақаб қўйиб олишганди, чунки у энг ақлли ва айёр душмандан ҳам оқилроқ ва уддабурророқ эди. Туркларнинг Кўк Турклари дея ном қозониларига ҳам у сабабчи бўлган. У Хитойда тугилган ва шу ерда катта бўлган. Шу боис у Ўрта Қиролликнинг урф-одатларини, яшаш тарзини ҳаммадан яхши биларди. У нафақат мамлакат, балки ҳар бир фуқаро чегарасини*

ҳам қойилмақом ўзлаштирганди. Магар Тонгюққунинг саҳровий қони энди буларга бефарқдай эди. Унинг чегараси уфқдан пастга оғган, ҳаёт йўли бетўхтов ва унинг ўзи мусаффолик келтирувчи саҳро шамолидай барчага бирдай очиқ эди. Турклар ўзларининг ўлдирилгани, вайрон этилгани, деярли йўқ қилиб юборилаёзганини унутмадиларми? Улардан сўнгги етти юз киши ўрмонларда тентираб юрганида, мана шу Доно Тонгюққу уларни бирлаштирган ва Элтуришини хоқон ёхуд туркларнинг хони этиб тайинлашга қарор қилган. Лекин бу ишда у: агар бўлажак хоқон ҳўкизнинг қай бири ориғу, қай бири семиз эканини билмаса, у хоқон бўлиши кракми, дея иккиланади. У бир оз иккиланиб туради ва шунга қарор қилади: Тангри унга ақлу заковат берибдими, у Элтуришини хоқон ва ўзини вазир этиб тайинлаяжак. Шундан бери у тунлар мижджа қоққани йўқ, кунлар эса кайфу сафога берилмади. Ориқ шохни эғши осон бўлади. Мулойим нарса синдириши ҳам осон дейишади. Лекин агар ориқ нарса кейинчалик қалинлашиб кетса, уни букиши қийин бўлади. Мулойим нарса қўполлашса, уни синдириши қийин дейишади. Шундай қилиб у туркларни бир жойга тўплади ва турк хоқонин билан бирга Отукан ўрмонига бошлаб борди. Тунлар бедор, кунлар роҳатсиз, қизил қонини оқизган ва қора терга ботган ҳолда ўн етти бор хитойликларга, етти бора қитанларга, беш марта ўғузларга қарши кураш олиб борди. У туркий қавмларни узоқ юришилларга жўнатди ва улар жангу жадаллар натижасида сон-саноқсиз тилла, қумуш, гўзал қиз ва бевалар, ўрқачли туялар билан уйга қайтишди. У на бирор душманга Кўк Турклари орасидан қутулиб кетишига ва на бирор ёввойи отнинг бетизгин кетишига йўл берарди. Мана ҳозир унинг шарофати билан Кўк Турклари дунёнинг Тўрт Бурчида ҳокимлик қилишмоқда. Агар у голиб бўлмаганда эди, на давлат ва на халқ бўлган бўлур эди. Унинг муваффақияти туфайли Кўк Туркларигуллаб яшнагандан яшнайверди.

Мана энди у қариб қолди, йиллар мадорини қуритди, энди ўзининг шарафли галабаларини эмас, балки оғриқли яраларини санайди холос. Қачонлардир Элтуриш-хоқон тирклигида Тонгюққу Ўн-ўқ қабиласига қарши юришга чиққан. Ўшанда у одатий услубларидан шундай хулоса чиқарганди: душа нимани ният қилган бўлса ўшани қил, фақат ундан олдинроқ. Шу пайт хоқон тарафдан бир жосус келган ва ҳеч қаяққа жилинмасин деган буйруқ келтирган. Лекин Тонгюққу хоқоннинг бошқа қўмондонларга хабар юборганини айтишади: Доно Тонгюққу зolim ва маккор. Унга эргаша кўрманг! У билан бирор масалада сулҳ ҳам тузмангиз! Лекин Тонгюққу ўз қарорида қатъий эди ва улар ҳеч бир сўғмоқсиз Олтой тоғига тирмаишишади, ҳеч бир кечув жойи бўлмаган Ертиш дарёсидан кесиб ўтишади, жанг қилиб, Ўн-ўқ қабиласини батамом тор-мор этишади.

Элтуриш-хоқон ўлганда, унинг атрофидагиларнинг бари қони қайнаб турган Кул-Тегин томонидан қатл этилган. У ўз иниси Билгани ҳокимият тепасига кўтариб, уни хоқон деб эълон қилган. Доно Тонгюққу буни олдиндан сезганди. Шу сабабдан ҳали шаҳзодалигидаёқ қизи Побекани Билгага никоҳлаб беради. Гарчи бошида бир оз хижолат қилган бўлса-да, кейинчалик куёви Билга-хоқон уни ўзига вазир қилиб олади. Йўқ, биргина ёш Кул-Тегиннинг қайноқ қиличи эмас, балки кекса Тонгюққунинг ёрқин ақлу заковати Турк давлатини ҳозиргидай кучли ва энгилмас айлади... Ҳозир эса у яна ёлғиз. Тарозининг икинчи палласи ҳам оғиб кетди. Кул-Тегин ўлди, доно Тонгюққу эса ўзини бўрининг тилларанг боши тасвирланган байроқ остида одамларни бирлаштирган ботир бўридай сезмаяпти, йўқ, қайтанга у ўз ўқидан азоб кўрган қари мазлум каби бўлиб қолганди. У Билга-хоқоннинг энг охирги қарори — дунёдаги жамики динларни бирлаштириши ҳақида ўйларди. Бир неча йил аввал, худди шу Билга-хоқон ўзини бошқа Хитой Императори дея даъво қилишга қарор қилганида ва бутун даишти Буюк Девор билан ўраб олиши ҳамда Будда ва Лао-Цзига бағишланган ибодатхоналарни барпо қилишини ният қилганида, ўз куёвига шундай деган эди: «Кўк Турклари хитойлик эмаслар, улар ўт ва сувга эътиқод қилиб, фақат ҳарбий ишлар билан машғулдирлар. Улар кучли бўлган маҳалда зафар учун олга интилишади, агар заифликларини сезишса, катта йўқотишларга йўлиқмаслик учун ортга чекинишади. Қолаверса, Будда ва Лао-Цзининг таълимотлари одамларни урушқоқ ва кучли эмас, балки шафқатли ва заиф қилиб қўяди». Ҳозир гап фақат Будда ёки Лао-Цзи ҳақида эмас, балки жиддийроқ нарса устида кетяпти. Тулки Овчиси ушбу фурсатда ҳам бутун умр бўйи

эришгани каби муваффақиятга эришадими? Кўк-қора осмонда юз минг туманлари билан кўринган ҳилол сўнги қилич мисол чархланиб турарди. 36. Таажжубки Лук билан Фиона икки йил аввал айна бир жойда бўлишганди. Мен Ўрта Осиёни назарда тутаяман. Лекин мендай интервью уюштириши, вақт ва тўловларни назорат қилиши, режиссёр ва суҳбатдош оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзни таржима қилиши билан шуғулланишмаган улар. Лук одатий иши — кўчманчи ва ўтроқ аҳолига хос одатларни бир-бири билан солиштириши билан банд бўлган. У кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли тафаккуридаги фарқларни кўрсатиб ўтган бир муаллифнинг «Йўл ва мақом» мақоласидан мисоллар келтиради. Ўша муаллифнинг айтишича, маҳаллий ўтроқ аҳоли шеърят деганда аёлларга муҳаббатни тушунган, кўчманчиларнинг шеъряти эса биродарларча севгидан иборат эди. Мисол тариқасида у Билга-хоқоннинг мархум биродари Кул-Тегин вафотига бағишлаган аза қўшигини келтиради.

«Ёшгина укам Кул-Тегин ўлди, мен унга аза тутаман. Кўрар кўзим ожиз, билар илмим нотаниши бўлди. Ўзим андуҳ ичраман. Худо Инсон боласи вақтни ўлиши учун яратади. Мен чуқур қайғудаман. Кўзимга ёш келганда, кўнглимга ғам ингганда, мен уларни ёндирдим, азобландим. Қайғуга ботиб ўйладимки, икки шахзода ва ёшгина укамнинг, ўғилларимнинг, кўмондонларим ва халқимнинг кўзу қошларига йиғидан зиён етгай». Мен эса ўзимга қандай шеърят ёқишини жуда яхши билардим. 37.

Мен мақола муаллифи бўлмиш аллақайси Абдулҳамид Исмолийни топишга ҳаракат қилдим, бироқ уни қувғинда деб айтишди. Қайсидир маънода мен бунга тайёр эдим. Ҳақиқатда ҳам ушбу оддий факт съёмка орасида мени изланишни қайтадан бошлашга мажбур қилган бўлиши мумкин. Алалоқибат — мен воқеалар нуқтаи назаридан айтаяман — Турфанга Шиан Чанг оиласини кўргани бориш кутилмаган нарса бўлди. Бу ҳақда аввалроқ айтган эдим. Яна турли хил ёзувлар, шифрланган, яъни кўплаб қисқартиришлар билан ёзилган матн (масалан, Ф.Ефр. учрашди 1.т. Тенз. ўзининг кўпл. ва дек...) бор эди, лекин унда нима дейилганини аниқлашга муваффақ бўлдим. \*Роҳиб Валаамов ўлимига сабаб бўлган ҳолатни аниқладим. Бу таажжублаанарли бир ҳикоядир. Мисрликларнинг Ўликлар китобидан ташқари тибетликларнинг ҳам айна шундай китоби борлигини Тенгиз Дацаодан ўргангач, буларни қийслашга киришган. Аниқроғи Тензигни ўз жойида сўнги бор учратган киши Або Ефрем бўлиб, у узоқ Тибет сафаридан кейин турли эътиқодлар ва Ҳотандаги ҳаётни бир-бири билан солиштиришига уриниб кўришини таклиф қилган. Икки роҳиб бир қаландарга дуч келишади. У \*Оч юзим гассол, будам, Ёруз жаҳонни бир кўрай\* дея қўшиқ куйларди. Улар қаландарга эргашадилар ва у қабристонга бошлаб боради. Ўзи яшашга одатланган кечки бўм-бўш қабристонда қаландар бир қабртошига ўтириб, камтаргина кечки овқатга — ҳалиги қўшигини айтиб топган бор-будига таклиф этади. Роҳиб Валаамов ўз мақсадларини айтади. Қаландар хуржунидан дўмбирасини олиб, қўшиқ айта бошлайди. У мунгли бир товушида узун ҳикояни куйлар экан, баъзи ўринларни айтиб бериши учун ўқтин-ўқтин тўхтаб кўярди. У Ер-Туштук деган қаҳрамон ҳақида куйлар, бу қаҳрамон эса ўзининг сеҳргар хотинини излаб, ернинг энг чекка бурчигача борган ва у ерда ерости бир салтанатнинг эшигига яқинлашади. У бу эшикдан кириб, Қиролликнинг биринчи қатламида кўради ўзини. Қари кампир қиёфасидаги ялмоғиз уни кутиб турарди. Йигит унга салом беради. \*Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим\*- дейди ялмоғиз. Йигит унга ўз упаси, тароғи ва ойнасинигина ташлаб кетган сеҳргар хотинини излаб юрганини айтади. Қари ялмоғиз бу нотаниши кишининг сўзига қулоқ солмас, уни қандай пишириб ейшини ўйларди. У йигитдан кўпроқ ўтин келтиргунича каттакон қозон тагидаги оловга қараб туришини сўрайди. Ер-Туштук ҳаёти хавф остидалигини сезиб, қочшига қарор қилади. Кампир унинг қочаётганини сезиб, ортидан қувади. Етай-етай деганда, йигитнинг қўлидаги уна тушиб кетиб, улар ўртасида ҳайҳотдай сахро пайдо бўлади. Шу тариқа йигит ер остининг иккинчи қатламига тушиб қолади. Бирдан ўткир шохли ҳўкиз таъқиб қилаётганини сезади. Ҳўкиз энди шохига илинтириб тепага кўтарман деганда, йигит қўлидаги тароқни ерга ташлайди ва ўртада қалин, қоронғу ўрмон пайдо бўлади. Ер-Туштук

кейинги қатламда кўради ўзини. Бу ерда аждаҳодай баҳайбат илон уни тишламоқчи бўлганда, ойнани ерга ташлайди ва ўртада чексиз кўл ҳосил бўлиб, йигитни хужумдан асрайди. Ерости Қироллигидаги уч қатламдан ўтаркан, Ер-Туштук қизил бугулар тўдасига учрайди ва кўрқиб турганига қарамай, бугулар унинг чуқурроқ қатламга тушишига ёрдам беради. Сўнгра Қора Тулки ўзининг изини ва бутун танасини Қора Тунда яшириб, йигитни у ерда ёлғиз ташлаб кетади. Ниҳоят, Ер-Туштук энг сўнги тоғнинг чўққисидан бир зорни кўради, у ерда Тепакўз йигитнинг йўқолган сеҳргар хотинини ушлаб турарди... Зев ёзмишларининг биринчи қисми шу ерда қирқилган ва мен иккинчи қисм учун тоқат қилолмасдим. Билмадим, Зев нимани назарда тутган экан, лекин Ер-Туштукнинг характерини ўзимда акс эттириб кўрдим. Қатлам кетидан қатлам, мен одавий заминий ҳаётимдан сояларнинг зимистон дунёсига тушиб кетгандай эдим. Фақат кимни излаб? 38.

Мен ҳатто ўша гуруҳ ичида репортёр бўлиб юрганимни ҳам эшлашни истамайман. Яна, режиссёр худди ўз Инжилини сақлагандай авайлаб юрган \*Дунё бир кун ичида\* китобини ҳам умуман ёдга олмасам дейман. Бир куни иш жадвалини излаётиб, стол устида очиқ ҳолда турган ўша китобга кўзим тушди ва қизикқонлигим боис ундаги сариклик тўла майдон суратига кўзим тушди. Ундаги тушунтирилишича, бир кун ичида инсоният чиқарадиган чиқинди Луизиана стадионини 19 метр чуқурликда кўмиши мумкин экан. Юқорида барча одамнинг олтига контейнерга юк бўлган чиқиндиси бор эди. Ҳайратда қолдим. Йўқ, ўлчовларни деб эмас... билмайман нимага. Кейинроқ баъзи таҳлиллардан сўнг ақалли икки сабаб борлигини тушундим: биринчиси — инсониятга био-масса сифатида қараш, иккинчиси — ўша био-масанинг бир қисми сифатида ҳар бир инсон, ўзимни ҳам ҳисоблаганда, бу фактдан жуда хафа бўлган бўларди. Инсон зоти борки ўз шахсиятини, яъни ўз чиқиндиси, сийдигини ҳимоя қилишга интилади. Умуман биз киммиз? Катта-катта майдонларни ўз чиқиндилари билан булғовчи, учта Нью-Йоркка тенг бинодаги нонни еб ташлайдиган ва манийлари билан бутун галактикани бойитадиганларми? Киммиз ўзи? Яхши-ёмон, катта-кичик, баланд-пастни барбод қилувчиларми? Киммиз? Бизнес картамизда ёхуд газета сарлавҳасидагидай гўнг устида ўрмалаётган қуртларми?.. Киммиз ахир? Матлуботнинг кули, ҳар беш йил, йил, олти ой, бир ой, икки ҳафта, бир ҳафта, ҳар сония нафси ҳакалак отганларми ё? Ким, ким? Дўзах деб аталмиш майдонни еганларини қусиб тўлдирадиганларми?.. 39. Метеорология марказида ўйга берилиб ўтирган эдим, бирдан жангарилар жаримизнинг шундоққина оғзида хужум қилишга қарор қилишса бўладими. Ўтган кеча улар буни биздан сир тутишмаган, бизни ўзларига қарашли кишилар деб ҳисоблашар ва хавфсизлигимиз билан ҳам қизикмай кўйишди. Бироқ улар бу борада хато кетдиларки, бизнинг борлигимиз учун ҳам қарши тараф музокарага рози бўлади деб ўйлашганди. Улар бизни хавфсиз йўлак ёки бўлмаса ақалли бу ерда қишлоқ учун озиқ-овқат захирасига сотмоқчи эдилар. Эшитишимча, улардаги озиқ-овқат камайган, шу боис Ли икковимиз улар учун кераксиз нарсага айланган, биздан кутилиш осон эмас, улар билан қолишимиз ҳам бир тийин фойда келтирмасди. Шунда мен бизни отиб ўлдиришлари ҳам мумкин деган ўйга бордим, чунки вазият тобора кескинлашиб борарди. Улар хужум қилиш ё музокарага чиқиш устида баҳслашишарди. Кўмондонлардан бири бошқасини кўрқоқликда айблаганди, иккинчиси бизга шундай ғазаб билан қарадики, гўёки уларнинг тортишувига биз сабабчи бўлгандик. Лекин мен бошқа бир нарсдан кўрқайтгандим: биз унинг заифлигига гувоҳ бўлдик ва жангарилар (фақат улар эмас) буни осонгина эсдан чиқаришмайди. Бироқ кейинги кун кечқурун ноҳақ эканимни англадим. Эртаси кун бомдод намозидан кейин, жуда эрта бошланди. Жангарилар қуролларини олиб, бизни ҳеч бир соқчисиз бошпанамизда қолдиришди. Ҳатто бир-биримизга боғлаб ҳам кўйишмади. Лини билмадим лекин мен ўзимни анча хўрлангандай ҳис этдим. Улар бизни бир уюм ахлат каби ҳеч бир гап-сўзсиз ташлаб кетишди. Улар билан бир ойдан ошиқ бирга бўлдик, ҳамма нарсани бирга бўлишдик, ўлим олдида теппа-тенг бўлдик ва ниҳоят улар бизни бу ерда унутиб қолдиришди... Қуёш кўтарилиб, тонгги шабада милтиқларнинг аниқ-тиник овозини келтирди. Ҳеч бир сабабсиз Ли иккимиз ўрнимиздан ирғиб туриб метеорологик минора ўрнатилган платформага томон югурдик. Совуқ қояларга тирмашиб, торгина ғорнинг оғзини,

бир неча танк ва зирхли машиналар тоғларга қарата ўт очаётганини ва қоялар ортига бекинаётган жангариларнинг кичкина жуссаларини кўрдик. Танклар яқинлашиб келар ва биз турган жойимиз жангни кузатиш учун жуда қулай эди. Ли имкониятдан фойдаланиб ҳукумат кучларига биз у ердалигимизни билдириш учун сигнал беради деб ўйлагандим, йўқ, у чурқ этмай турди. Қизиқ, ҳаётимда биринчи марта ҳақиқий урушни кўриб турган бўлсам-да, лекин аввалги бомба тушишлари сабабми ё ўлим барчамизга яқин бўлиб қолгани учунми, бу ерда ўзимни анча эркин тутдим ва пастда кечаётган уруш куёшли кун, мусаффо осмон ва осуда табиат туфайли қандайдир беўхшов кўринарди. Шундан сўнг кутилмаган воқеа содир бўлди: зирхли машиналар тор йўлакнинг оғзига яқин келганда, кечаги ваҳший кўмондон жангнинг барча қонун-қоидасини бузиб, танкнинг олд томонига ўтди-да уни граната отиб портлатиб юборди. Унинг гуруҳидаги беш нафар жангари ортидан юриб, ёнаётган танкдан қочаётган жангариларни ўққа тута бошлашди. Бироқ бошқа томондан учиб келган олов рақибимни ер тишлатди. Снайперлар ҳар томонда бекиниб туришганди. Турган жойимдан ирғиб туриб қочишимдан аввал кўрганим шу эдики, учиб келган граната снайперлар яширинган жойга келиб, у ернинг кулини кўкка совурди. Ли иккимиз қалтираб қолдик. Қўрқув, ҳаяжон, музлаш — хабаримйўқ. Балки буларнинг бари. Биз бу жарликдан қочиб кетолмасдик — пастда урушаётган жангарилар, юқорида — сокин музликлар ва уйимиз — метеор марказ эса ўртада. Биз орқага уй томонга юришга қарор қилдик. Жангарилар анча кеч қайтишди. Ёвуз кўмондонимиз улар орасида кўринмасди. Билдикки, у ҳалок бўлган. Унинг кечаги рақибни йиғлар, қўлида илма-тешик бўлиб кетган Қуръон нусхаси бор эди. Китоб ичидан марҳум кўмондоннинг қизи ёзган мактубни олди. Бола қўли билан чизилган пальма дарахтининг расмини ҳам ўқ тешиб ўтганди. Бир кун олдинги шубҳам учун ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим ва қайғуга ботдим. Барибир, ўша маҳал ҳам улар бизни тирик қолдиришди.

40. Ёзишларимни бошлаганимда шунга ишончим комил эдики, тилшунослик манбаларининг йўқлиги сабабли, фақат ишга оид услубдан фойдаланаман, тасвирни яширадиган лирик чекиниш ва шунга ўхшаш безаклардан йироқроқ бўламан, деб эдим. Кўп йиллар давомидаги таржимонлик тажрибамдан биламанки, тилнинг бойлиги воқеаларни очишдан кўра яширишга хизмат қилади. Мақсад-моҳиятни тушунмаган бўлсангиз, уни таржима қилиш учун қанча сўзларни ишлатиб кўрасиз? Ҳали ҳикоянинг сўнги кўринмаса-да, борган сари ҳаяжонланиб кетяпман. Очирокроқ бўлишим керак. Ўрта Осиёга қилган сафаримни сизга нима учун айтяпман? Чунки мен у ерда Фионага хиёнат қилдим. Бу Фарғона водийсида рўй берганди. Бошида биз Марғилон деган жойда энг катта диний арбобни учратдик. У шу қадар таъсирли эдики, дарҳол Ўлик Шаҳардаги дарвиш ёдимга келди. Леонардо да Винчига ўхшаган, оппоқ либосда жойнамоз устида ўтирган кимсани ҳаёлингизга келтринг, фақат сизнинг суҳбатингизгина уни ер устида ушлаб турибди, йўқса у бир зумда жаннатга учиб кетган бўлурди... Ҳа, мен дарвишимни эсладим ва ундан Кўк Туркларихақида бирор нарса билишини, бирор жойда ўқиганини сўрадим. У оддийгина қилиб, бу туркларнинг ғафлат ва туманликда ҳаёт кечирадиган одамлар бўлгани, лекин улар орасида бир киши ҳақиқий мусулмон эканини айтди, фақат унинг исмини яширди. Унинг исми Фаридиддин Атторнинг \*Тазкиратул-авлиё\* асарида бор. Шу пайт унинг ўғли келиб намоз вақти бўлганини айтди ва улар кетишди ёки биз кетдик, аниқ эсимда йўқ. Шундай қилиб яна бир бор фитнага учрадим ва бу фитна аввалгиларига қайтарадиганга ўхшаб кўринди. Ўша куннинг иккинчи қисмини ва тунни Шоҳимардонда — тоғ бағридаги ажойиб дам олиш масканида ўтказдик. Аслида бу жой дам олиш маскани эмас, балки муқаддас зиёратгоҳ бўлиб, у ерда Имом Алининг 12 қабрларидан бири жойлашган дейилади, лекин шўролар у ерда зинокорлиги учун тошбўрон қилиб ўлдирилган гуноҳкор бир шоирнинг қолдиқларини қўйишган ва кўнгилочар жойга айлантиришган. Барибир, ғарблашган маҳаллий йўлбошловчимиз севгилиси билан бизни у ёққа бошлаб чиқди ва жилға бўйида шу ернинг арағидан керагича урдик. Биласиз, ичиб олгач, бошқача ҳаракатлар қила бошлайсиз. Шу орада йўлбошловчимизнинг севгилиси билан икки-уч бор кўзимиз тўкнашиб кетди. У ажнабийлар билан банд эди. Кейин ҳаммамиз ухлашга турдик, тўғриси



айтсам, у ерда ётишга каравотлар йўқ эди, шунинг учун кимдир машинада, ким мезбонимиз берган кўрпачада, яна кимдир менга ўхшаб деворга суянган кўйи ухлаб қолди. Совуқдан жунжикиб уйғониб кетганимда соат тунги бир бўлганди. Тишларим таккиллаб бир-бирига тегмай қалтирардим. Сақраб ўрнимдан турдим ва машқ қилаётган кўйи ҳаракат қилдим. Бироқ суякларим қотиб қолгандай эди, шу боис ташқарига чиқиб юришга қарор қилдим. Ҳовли зим-зимистон, бедор жилғанинг товушидан бўлак ҳеч қандай сас йўқ эди. Хуррак товушини ҳисобга олмастиз деб ўйлайман. Қоронғиликда тентараганча дарвоза ёнига келдим ва унинг ёпиқлигини сезиб, ундан ошиб ўтиш учун тирмашдим. Кўзим осмондаги ёрқин юлдузларга тушди. Ҳовли тўла дарахт бўлиб, энди мен тоғ ва унинг орасидаги тор жарликлар томонга олиб борадиган йўлни бемалол топа олардим. Балки ҳалиям кайфим бор эди, лекин нечундир тоғнинг тепасига, табаррук зот билан гуноҳор шоир ором топган жойга чиқишга қарор қилдим. Худо билади, ниманидир ўйлаб тоққа кўтарилар эканман, бирдан жарликнинг нариги томонида қаршидаги тоғнинг яқинида тургандай каттакон бир юлдузга кўзим тушди. Ҳеч қачон бу қадар катта ва шунчалик пастдаги юлдузни кўрган эмасман. Ё Худо, деб ўйладим, қанчалик қудратлисан-а, юлдузларингни тоғларнинг ортига ўрнатиб қўсанг. Лекин ҳайратим кўркувга айланди, худди \*тоғлар увададй учиб кетади\* оятига ўхшаш ва шу онда икки тоғ китоб варағи каби мени ва ёрқин юлдузни ичига олиб бир-бирининг устига шундай ёпиладики, зудлик билан юқорига чиқиб, очиқ ва хатарсиз осмонда бўламан дея ўйладим. 41.

Тоғнинг тепаси бўм-бўш эди. Бу кўпроқ тоқ бағридаги текис кенгликка ўхшар, чунки чўққига ҳали анча бор, қалин ўсган дарахтлар ортида яшириниб турарди. Лекин бу ер боя юлдуз кўрганим жойдан анча хавфсиз эди. Ҳақиқатда, ҳаяжонга тушмай айтишим мумкинки, бу тунда кўрқидиган ҳеч нарса йўқ эди, фақат шоирнинг қабри олдидаги қандайдир бир шарпадан чиндан ҳам жуда кўркиб кетдим. Нимани ўйладим? Не ҳам ўйлар олардим? Фаришта, пари, шоирнинг имонсиз руҳими? Йўқ, бу йўлбошловчимизнинг севгилиси эди. Уят-э, ҳатто бу қизнинг исмини ҳам билиб олмабман. \*Ёлғизликни излаб юрибман\*, – деди у айбдорлардай. \*Мен эса сенинг изингдан кузатиб юрибман\*. Ё қиз бу ерга чиқишим сабабини тушунди, у ҳам мендай ўйлаётганди, буни билмайман. Ҳарқалай мени кузатиб юрган деб ўйлаб, бир оз ноқулай аҳволга тушдим. Лекин ҳалиям кайфим тарқамаган, ўзимнинг ёлғизлигимни иккимизнинг бирга ёлғиз бўлишимиз учун қурбон қилишга тайёрлигимни айтишга куч тополдим. Ўйлашимча, қиз ҳам етарли отиб олган, бу каби кўпол муомалага лаққа тушгандай эди. У кулди. Сиз кейин нима бўлганини англаш учун шарқ қизларининг табиатини билишингиз керак бўлади. Улар учун сўзнинг жуда катта аҳамияти бор. Бошқача қилиб айтганда, ғарблик қизларга қараганда сўз улар учун анча муҳим нарса ҳисобланади. Шу боис бу ерда ётган шоир ҳатто ётган жойида ҳам жуда машҳурдир. Қолаверса, қиз ўша шоирдан қандайдир шарқона сатрлар келтирди: Ўйласам бу дилбарим маккорга ўхшайди-ку, Раҳми йўқ бир бевафо хунхорга ўхшайди-ку... Қиз буни овоз чиқариб эмас, балки пичирлаб ўқиди, умуман, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ва қалтислиги боис биз пичирлаб гапирардик. Бир ножўя қадамни деб пастимиздаги тубсиз жарга кулаб тушиш мумкин эди. Мен унга пастдаги водий ва бошимиз устидаги юлдузларни томоша қилишни таклиф этдим. Биз текисроқ бир жой топиб ўтирдик ва бу жимликда тезда совуқ кота бошладим. Яна бир ноқулайлик тобора бўшангим қистаб кетаётгани эди. Жин урсин, деб ўйладим, нахот ҳаётингдаги энг ажойиб дақиқалар шу каби эҳтиёжлар туфайли барбод бўлса? Қизни ноқулай вазиятда ўпиб олдим. У қаршилиқ қилмади. Унга бир дақиқадан кейин келаман, дея ўрнимдан турдим. \*Қаёққа кетяпсиз?\* – пичирлади у. Мен ер тепиниб қолдим. Бу ҳаётимдаги энг ёмон дақиқалардан бири эди. Лекин асло чидаб туролмасдим ва югурганча шоир қабрининг нариги томонига ўтиб кетдим. Қайтиб келганимда қиз худусиз ва ёввойи коинотда шу қадар ёлғиздай ўтирардики, уни бу бўм-бўш мангу тундан ҳимоя қилган кўйи бирдан сўрадим: сизнинг ҳам ташқарига чиққингиз келяптими? Бу маҳаллий тилда ҳожатга чиқиш деб тушуниларди. Бундай дейиш жуда қўполлик саналарди, лекин имоним комилки, бу гап менинг унга яқинлигимни исботлади. У йўқ, дея юзини кўксимга яширди. Умримда биринчи бор аёл кишини хирс билан эмас, дўстларча ўпдим.

Гарчи бу қиз билан бошқа ҳеч учрашмаслигимни, мен унга ва у менга керак бўлмаслигимизни билсам ҳам, ўша тун бизни Худо билади қаерда учраштирди, лекин, бироқ, барибир, алаалоқибат биз уят бўладиган ишни қилдик. Қандай бойлик ва қанақа бегуноҳликни йўқотдим мен унда... худди табаррук киши олдидаги айбдор шоир мисоли... 42.

На йўлбошчимиз ва на унинг севгилисидан олдида ўзимни айбдор санадим, чунки эртасига эрталаб улар билан бутунлай хайрлашиб кетдим. Лекин номаълум Фионанинг (аслида Лукнинг номаълум Фионаси) олдида ўзимни айбдор ҳис этдим. Ҳақиқий гуноҳлар... мен уларнинг ичига ботиб кетдим. *Тибетлик Булен бинафшаранг куйлагини уйида киярди. У китобларида ёзилган ўтмиши ҳикояларидан бирини айтиб беришга қарор қилди. Бу воқеа тибетликларнинг маймун ва ўрмон арвоҳидан, туркларнинг эса ўн ёшли Хунну шаҳзодаси ва дашт бўрисининг никоҳидан туғилганидан кейин содир бўлган. Тибетлик руҳонийлар — шаминлар бутпарастликни турк шаҳзодаси Ашина подшолигига келтиришди. Ўша кўчманчи халқнинг бир неча шаҳзодаси дарҳол у динни қабул қилишидики, бунга уларнинг азобга муҳаббатлари эмас, балки бутпараст роҳибаларга уйланганлари сабаб бўлди. Наҳот роҳибалар ўз динларини ёйиш учун уларга эрга тегишган бўлса? Бу жуда чигал масала бўлиб, Булен ундан қандай қилиб қутулиши устида ўйларди. Ёши шомон аёллардан бири Шаҳзоданинг қароргоҳида яшар, унинг исми Дохун-девон бўлиб, эртақлардаги парилардай гўзал эди. У азоб чекаётган шаҳзода ва маликларни аждодлар руҳи билан даволашга одат қилганди. Лекин кўпчилик шаҳзодалар худосиз роҳиб аёлларга уйланиб олгач, аждодлар руҳи галаён қилиб, уни нафақат миждозларидан, балки мўъжизали кучидан ҳам маҳрум қилди. Бу гўзалнинг барча уринишлари беҳуда кетди: рақсга тушиди, бақирди, дўмбира чертди, қилмаганнарсаси қолмади, мгар руҳлар қайтиб келмади. Шаҳзоданинг роҳибаси кўзи ёриётганда Дохун-девон бир неча тибетлик шомин ва роҳиб аёллар билан тезда унинг чодирига таклиф қилинади. Шоминлар чодирга кираверишда ибодат қилиб туришарди: \*Ишқисиз ва ҳиссиз юрак заҳарга ўхшайди. Бироқ кимки нафсидан енгса ва нафсидан ҳаёт қурса, у покиза ернинг тишланган, лекин заҳарланмаган подшоҳига ўхшайди..\* Дохун-девон чодирга бир неча роҳиб аёллар билан бирга кириб келди. Шаҳзода ҳам у ерда, волидаи муҳтарамасининг олдида ўтирарди. Унинг хотини ўлаётганди. Атрофдаги аёллар безовталаниб туришарди. Нафратнинг кучсизлиги Дохун-девоннинг юз қиёфасини ўзгартириб юборди ва гўёки овози ҳайвонларникидай бўғиқ юз ёшли жодугар кампирга ўхшаб қолди. Бўғиздан чиққан товушни эшитиб, ҳамма бирдан ялт этиб унга қаради ва яна бир ёши ва гўзал Дохун-девонни кўрди. Ҳеч қутулмаганда унинг ўхшаши, акси, руҳи туғайтган аёл устига тушиди. Аёлга яқинлашар экан, бирдан ҳалиги гўзал ва ёши қиздан кучли ургочи бўрига айланиб қолди. Оғзини катта очаркан, у чақалоқ бошини тутиб туришни тўхтатди ва унинг қичқириги ўтовдаги ларнинг йигиси билан қўшилиб етди. Чақалоқ ўлик эди. Дохун-девон терга ботган ва қалтираган кўйи четда турар, чиройли чехрасини тўзгиган қора сочлари беркитиб турарди. Бошқа бир Дево-дохун ўтовни ташлаб чиқар экан, осмон билан ўтовни боғлаб турган \*тешик\* томонга қийналиб чиқиб борарди. Эртасига уни ўлимга маҳкум қилишади. Гарчи Шаҳзода бунга қарши бўлса-да, онаси Дохун-девонни заҳарлаб ўлдирди. Ана шундан кейин мамлакатда галаён авж олди. Шаҳзоданинг онаси уни жужанларга қарши курашга Чўрлади. Шаҳзода жангу жадалда юраркан, онаси кичик ўғлини шох қилиб кўтаришга қарор қилди, лекин Шаҳзоданинг тарафдорлари ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, аёлни а унинг ўғлини ўлдиришади. Қолганлар қочиб қутулди ва Хитойга сотилиб, душман қўшинини ўз одамларига устига олиб борди. Гарчи турклар Дохун-девонни ўлдирилгани боис аждодлар руҳи безовталаниб қолди, дея ишонилса-да, Буленнинг тибетча китоблари янги туғилган чақалоқнинг шафқатсиз ўлими билан боғлиқ воқеаларни тушуинтириб бера оларди. Шундай қилиб, Булен бинафшаранг кийимида ўтирар экан, бу ҳикояни Билга-хоқонга қандай етказиши тўғрисида ўйларди. 43. Телегуруҳ ҳам жонимга тегиб кетди, чунки Марказий Осиёдаги энг катта шаҳар саналмиш Тошкентга келар эканмиз, мавристонлик продюсер хонимнинг фикри бирдан бир юзу саксон градусга ўзгариб, қишлоқ ва подачилар ҳақидаги фильмни олмасликка қарор қилди, фақат қаерда денг, аъло*

континентнинг қоқ ўртасидаги аъло шаҳарларга етганда. У ўша маҳаллар Тошкентга келиши кутилаётган Money-M деган поп-гуруҳдан бошлаган эди. Гуруҳ номи Money-B миди ё? Хай майли, нима бўлганда ҳам гуруҳ пул (money) ҳақида эди, пул бўлганда ҳам B (big) катта пул тўғрисида. Ҳар ҳолда мен уларни кутиб олгандан сўнг, продюсерим билан кўришгач, у гуруҳнинг маъмури мени Марказий Осиё ва Россия бўйлаб гастроль сафарларида кўмак беришимни таклиф этди ва катта ойлик ваъда қилди. Албатта, у мавристонлик продюсеримга \*ўтказиш ҳақи\*ни ҳам тўлади. Улар билан продюсерим бераётган ҳақдан уч баробардан ҳам зиёдроқ ҳаққа джентельменларча шартнома тузган ҳолда, бундан кейин шу гуруҳга ишлай бошладим. Гуруҳ ичида қандай вазифа бажаришимни яхши тушунмаганим аниқ: барча сафар тадбирлари, яъни концертлар, пул, таклиф, президентлар ва машҳур кишилар билан учрашувлар аввал бошдан тайёргарлик кўрилган ҳолда юқори даражада уюштирилди. Менинг вазифам, маъмурга кўра, уни ва унинг икки солистини жононлар (суюқоёқлар билан эмас) билан таъминлашдан иборат эди. У бундай жононларни ўзлари сафар қилаётган барча мамлакатда йиғишган. Унинг тушунтиришича, бу мамлакатларда қандайдир қатъий удумлар бор деб эшитган ва шу боис мен уларга керак бўлган эканман. Аста-секин ўзимни кўшмачи сифатида сотиб олишганини англаб, юзим буриша бошлаганда, у дархол гапини \*бу улар билан алоқа қилиш учун эмас, фақат кўнгилхушлик учун\* дея тўғирлади. Лекин Худо ёрлақаб, концертдан кейин кўрдимки, сон-саноксиз жононлар атрофда айланиб юришар, мен эса ваъда қилинган катта пулни уларни жалб қилганим эмас, балки тарқатганим учун куртдай санаб олдим. Жононларга бўлса эстрада юлдузлари сизлар билан эртага учрашади дея ваъда бердим. Бироқ беЧўралар юлдузлар фақат тунда чиқади-ку, дея таажжубланишарди... 44. Кузнинг бошларида кимдир ахири бизни ҳам эсга олди. Аниқроғи бизни эмас (Ли ва мени), чунки кўшни дарада юқори манабли асирларнинг бошқа бир гуруҳи борлиги аён бўлди. Юлдузлар бодраб чиққан тунларнинг бирида кўмондонимиз бир кишини бошлаб кирди. Хира керосин лампа ёниб турган бошпанамизда йўқолиб қолган бу кишининг кўзларини ишқалаётганини кўрдик, у ён атрофга жовдираб, кимга ва қандай қилиб мурожаат этишни билмай талмовсирарди. Мен қўлда ручка билан метеорологик курилма устида ўтирардим, у мен томонга яқинлашди. Чиновникларга ўхшаб ўтирганим учун менга томон юрди шекил, бироқ унинг мурожаатидан бурун мен унинг орқасида турган кўмондонга ишора қилдим. Бегона киши жуда уялиб кетди. Кўмондонимиз ўзини аранг кулгидан ушлаб туриб, унга даммини олишини ва эрталаб гаплашишини айтди. Лекин у бошқаларни намозга Чўрлаганда, меҳмон иккиланиб кўмондондан бошқаларга қўшилиш учун рухсат сўради. Кўмондон эс аяна аранг ўзини кулгидан тийиб, қаторга туришга рухсат берди. Тонгда бу киши ҳаммадан эрта уйғониб, навбатчи зобит бошқаларни уйғотгунича, таҳоратини олиб тайёр турди. Музокаралар нима ҳақида бўлганидан хабарим йўқ, лекин у бизни асирлар қаторида кўрмагани, умуман, бошқалардан мутлақо ажратолмаганидан таажжубландим. Очиғи, у бу шафқатсиз ҳақиқатдан беҳаёар эдики, шахсан менинг ўим ҳаётимни унга ишонмаган бўлардим. Ли ҳам шундай қилармикин? 45.

Энг охирги воқеалар жараёни Лига бўлган яқинлигимни янада мустаҳкамлади. Негалигини биласизми? Бир тасаввур қилиб кўринг, бир ярим йил аввал у ўзининг Хитойида, Шинжон-Уйғуристонда асирга тушганини айтиб берди. Хитойликлар бошқа шарқликларга ўхшаб, жуда сирли бўлишади, шунинг учун мен аввал бошда унга ишонмайгина қарадим, лекин Ли Янги Худудларни (Шинжоннинг таржимаси шундай) ўрганишга келган кишиларга таржимонлик қилганини сўзлаганда, ишонмай турулмадим. Айниқса, Франциядан келган Фарраҳ исмли мавристонлик продюсер хоним бошчилигидаги телегуруҳ билан ҳам бирга бўлганми йўқми эканини сўраганимда, у бошини қимирлатиб маъқуллади. Тасаввур қиляпсизми, Ли айни мен таржима қилган гуруҳ билан ишлаган. Лекин бу ҳаммаси эмас, чунки \*қўпоровчилик мақсади\*да юрган гуруҳ билан ҳамкорлиги учун қамалган Ли турмадалигида бир америкалик диний пешво билан учрашади, унинг исми... топинг-чи, нима эди унинг исми, – ҳа, албатта, Лук! Бошида гарчи Ли инглизчани билишини тан олмаса-да, у қудаликларимни ўқиган деб ўйладим. Бироқ, Ли ўзи ҳақида мен била олмаган баъзи тафсилотларни гапириб берганда, унга ишонишга қарор қилдим. Аввало, Лук

мансабдорлар ундан хитойликларга қарши қўлэзма топиб олишганида қўлга олишганини Лига айтиб берган. Гарчи у қўлэзманинг қадимийлиги ва бугунги Хитойга мутлақо тегишли эмаслигини исботласа ҳам, уни тарихий ва диний тадқиқот ниқоб остида аксил-Хитой ғояларни тарғиб қилишда айблашади. Лукнинг ҳафсаласи анча пир бўлган чамаси, у қўлэзманинг замонавий Хитой билан алоқаси йўқлигига Лани ишонтиришга уринган. Унга кўра, қўлэзма Хитой Хукмдори кўплаб совға-саломлар билан бир турк шахзодасининг жанозасига юборган уч киши тўғрисида бўлган. Улардан иккитаси моҳир уста бўлиб, шахзода учун мақбара қуриш ва ва хитойча ҳамда туркча ёзувлар билан безаш иши шуларга топширилган. Лекин уччалови ҳам Турк Хони томонидан қўлга олиниб, Хукмдор номига ёзилган мактубларини уйғур тилига ўгиришади, қўлэзмада Хитой ҳамда дашт алоқалари билан боғлиқ масалалар баён этилмишди. Шуларни ҳаяжонда эшитар эканман, воқеаларнинг ажойиб бир тарзда бир-бирига мос тушаётганидан яна қайта шубҳа гирдоби ичида қолдим, бироқ Ли бирдан ҳикоясини тўхтатди, чунки икки кундан бери қораси ўринмаётган тунов кунги киши қўмондонимиз билан бошпанамизга кириб келди. У билан бирга яна бир бошқа йигит бор эди, элчи уни ўзининг жангари эмас, балки ҳақиқий вакил эканининг исботи сифатида келтирганди. Йигитнинг жангари бўлишни истагини, шу мақсадда тинч-тотувликдаги ҳаётини қўйиб, қурашиш учун бу ёққа келганини айтишди. Бироқ жангарилар қўмондони уни яна бир асир каби бизга қўшиб қўйди. Ростимни айтсам, у биздек бўлишга даъвогар эканидан қўнглим хижил бўлди ва \*ҳақиқий\* асир каби унга қарши юрагимда ғалаён уйғонди. БеЧўра йигит бўлса, на бизга ва на жангариларга қўшилолмайд, аросатда қолди ҳамда элчига бошқа ишонмай қўйди. 46. Ҳозир у биз билан дўстларча суҳбат қуради. Мен жангарилар ва Ли учун таржима қиларканман, тўғриси, терга ботиб кетардим, йўқ, фақат Лининг оғзидан чиққан баъзи қалтис гапларни таржима қилиш жараёнида эмас, балки шугина оддий хизматимни деб эътибордан маҳрум бўлишни ўйласам шундай бўларди. Ҳатто зийрак жангариларнинг шубҳасини бир четга қўйиб турганда ҳам. Тасаввур қилинг, Ли французчада айтган \*Улар менинг бошимга сумка қўйиб қўйишса кўргани кўзим қолмайди. Нафасим қисилиб кетаётганга ўхшайман. Ҳар лаҳза улар мени дўппослаб қолишлари мумкин дея ўйлайман. Кейин эса муз қоплаган лойга тикиб қўйишади ва намлик суяк-суягингга ўтиб кетгач, бақириб-чақириб хўрлашади...\* Мен буни шундай таржим қиламан: \*Хукумат кучлари устимизга бомба ёғдирганда, ундан ҳимоя қилиш учун исёнчилар бошимиз устига чидаб бўлмайдиган сумкаларни қўйишга мажбурлар...\* ва ҳоказо. Бунда айтадиган сўзларимни тарозига соламан, Лидан нимани назарда тутаётганини қайта-қайта сўрайман... Қисқа қилиб айтганда, бу мамлакатларда шундай гап бор: сих ҳам, кабоб ҳам куймасин... 47.

Худди товламачига ўхшаб қолгандайман. Бу ҳикояни икки дақиқада ҳам айтиб берсам бўларди. Лекин бу каби бўлак-бўлак, баён кетидан баён қилиб ёзишдан нима тутиб турибди мени? Бу билан ҳаётимни сақлаб, вақтни қолдирмоқдаманми ё? Музокарачи элчи кетиб, унинг ўрни бўш қолди. Ҳикоям Билга-Хоқоннинг суюкли биродари Кул-Тегин ҳаётининг баҳоси учун асирга олинган кишилар хусусида эди. Хўш, қўққисдан тушган тош каби нечун самодаги бургут мисоли ўлжа учун ташланмасдан фақат қанот қоқиб айланиб юрибман? Нега сизга Билга-Хоқоннинг ўзи шоҳона уйда ўтириб, нима қилиб қўйгани ҳақида хавотир олиб ўтирганини айтиб бермаяпман? Балки у ҳам айни пайтда мен тушган аҳволда қолгандир? Ё бунга бошқа сабаблар ҳам бормиди? Билга-Хоқон шоҳона ўтовидида ажиб бир кайфиятда ўтирарди. Суюкли биродари Кул-Тегиннинг ўлимига мана бир ой тўлди, бу орада гарчи ғаму ғашликдан деярли фориг бўлган бўлса-да, қандайдир бўшлиқ унинг ўрнини эгаллаб олиб, юрагини нурли иплар ва майин оғриқлар билан оҳиста тортар ва қитиқларди. Мақбаранинг қурилиши битай деб қолган, тошга ўйиб ёзилган, дунёнинг тўрт бурчидан келган меҳмонлар барча ақлу заковатни бирлаштириш мақсадида куйиб пишишар, лекин англаш қийин бўлган бир нима жангчининг хувиллаган ва безовта қўнглини қийнаб турар эди. Бу жангу жадалларнинг йўқлиги ва тинчликдан қўрқувмиди? Тонгюкуннинг маъқулласлиги ёки ўғли Шаҳзода Йўлликнинг хитой Ичи Лянгнинг жанговор санъатидан завқ олишимми? Даштликнинг кузги ҳаракати ва унинг устидаги само ва ё фурсатнинг

вақинчалик тўхтаб қолишимиди? Нима эди йўқса? У мақсадсизликни тушунишга ҳаракат қилди, сўзлар бўшлиққа тўсқинлик қилолмади: шу боис у бўшлиқдир ва ҳеч ким уни жиловлай билмас. Ҳа, унинг барча меҳмонлари ўз эътиқод ва ишончларининг қаймоғини намоёиш этиш билан банд эди, бироқ қандай тасаввур қилиш мумкинки, унинг ягона ўғли Шаҳзода Йўллик худосиз хитойлик генерал Ичи Лянгнинг санъатига ошуфта бўлиб қолса. Ҳақиқатда ҳам бу унчалик аҳамиятга эга бўлмаган факт, яъни болакайнинг кеча-ю кундуз душманнинг ҳайвоний ўйинлари билан овора бўлиши бошқа нарсаларнинг очилишига олиб келди: бирдан Билга-Хоқон ҳаёт ҳеч нарсага парво қилмай давом этишини англаб етди. Гарчи бир ой аввал биродарининг ғамида адойи тамом бўлганида энди вақт тўхтаб қолади, кунлар ниҳоясига етади ва ҳаёт тугаб битади дея ўйлаганди... Ҳеч бундай эмас... 48.

Негалигини билмайману, лекин тунлари киши ҳаммадан узр сўрагиси келаверади. Мен ҳам шундай. Музокарачи кетгач, узоқ вақт ухлай олмадим. У бизни ташлаб кетганидан афсусланмайман, гарчи у кетиб, биз яна қолганимиз оғриқли ҳис уйғотса ҳам. Кутилмаганда телегуруҳимга ачиниб кетдим, чунки ўша тун Фарраҳ ва унинг жамоаси мамлакатни тарк этиш олдидан хайрлашув кечаси ўтказганди. Улар чиндан ҳам доимгидай сохта кишиларга ўхшашмас, Фарраҳнинг кўзлари бошқача порларди. Журналистлардан бири менга бир ҳикоя айтиб бергандики, унинг ҳақиқий маъносини шу асирликдаги тунда англаб етдим. У яқиндагина оиласи билан ажрашган ва уч изи ҳам онаси билан кетганини айтганди. Мен на Эйнштейн ва на Эйсенштейнман, балки оддий бир журналистман ва бир кун умрим тугаса, ҳеч ким мени эсига ҳам олмайди, – деганди у. – Лекин бир қобилиятим бўларди: қизларим билан ўтирганимизда, шишадаги сувни стаканларга қуйишни одат қилгандим ва автоматик равишда тўртта стаканни ҳам бир хил миқдордаги сув билан тўлдиришнинг уддасидан чиқардим. Қизларим бундан катта завқ олиб, қийқириб юборишарди ва мен яна ўша ишни такрорлардим. Энди бўлса улар оналари билан мени ташлаб кетишди, бу қобилиятимнинг нечоғли аҳамияти қолди энди? Шундай дея у чиндан ҳам бир хил миқдордаги ароқни тўртта стаканимизга қуйганди. Уни нима деб юпатганимиз эсимда йўқ, лекин айти пайтда шуни тушуниб етдимки, уни юпатишнинг ҳеч бир йўли йўқ экан, оғриқларини кетказиш ва ёлғизлигини тўлдиришнинг имкони қийин экан... Ҳар томондан бизни ўраб олган бўм-бўш ва чексиз тун қўйнида унга жуда ачининиб кетдим. Ёлғизликдаги соқов садоларимиз худди чексиз коинот бағридаги митти юлдузларга ўхшаб кетарди... 49.

Аввал айтганимдай, баъзан ҳаётдаги барча воқеалар бир ё икки кунгагина жамланади. Бу борада турклар шундай дейишади: \*Йилнинг етти жумаси бир келди\*. Руслар: \*Бу ер бўш, лекин бу ер зич\*. Эронийлар ва яҳудийлар бу ҳақда нима дейишганидан хабарим йўқ, лекин Тошкентдаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида мен юқоридаги икки мамлакатдан иккита факс олдим. Бири Ноамдан бўлиб, у нафақат мени эътиқодлараро анжуманга таклиф қилган, балки у ерда синхрон таржима қилиб мўмайгина пул ишлаб олишимим мумкинлигини ҳам айтганди. Иккинчи факс Олмониядан жўнатилганди, унда бир футбол жамоасинининг бошлиғи Эронга норасмий сафар қилмоқчи экани-ю, мен тражимон ва йўлбошловчи сифатида жуда керак бўлиб қолганимни ёзибди. Гарчи тўсқинлик бўлмаса-да, бу икки мамлакатга боришга ҳам уриниш айёрлик бўлур эди. Қолаверса, шуни яхши билардимки, агар паспортингизга Исроил визасини олсангиз, Эронга бориш учун ҳеч қачон рухсат ололмайсиз ва аксинча. Лекин яҳудийлар анча мослашувчан бўлишади, шундай эмасми? Исроил консуллигида шароитимни тушунтирганимда, консулнинг ўзи шундай деди: \*Қонунлар унларга амал қилиш учун эмас, балки четлаб ўтиш учун ишлаб чиқилади\*. Бу мингйиллик фалсафий гапдан кейин у менга паспортимга ёпиштиришимнинг ҳожати бўлмаган алоҳида виза қилиб берди. Эрон визасини олиш ҳамирдан қил суғургандай осон бўлди. Бироқ, шундан сўнг мен яна учинчи бир факс ҳам олдим. Унда қуйидаги ёзувлар бор эди: \*Сенинг қаерга жўнамоқчи бўлганингни биламиз, лекин қаерда бўлсанг ҳам топиб оламиз\*. Негалигини билмайман-у, лекин бу хатарни шаҳардаги портлашлар билан боғлаганим рост. 50.

Яна бир бор тўлиқ айланиб чиқдим. Гарчи қаердан бошлаган бўлсам, худди ўша жойнинг ўзига келган бўлсам ҳам, вазият у қадар аниқ эмасди. Менга

хавф солаётган ким эди ва нега? Исроилликлар Эронга боришим эҳтимolini деб ва ёки аксинча ҳол учун мени хавотирга қўйишлари мумкинми? Яна нима бўлиши мумкин? Ё бўлмаса бир неча кишилар, жумладан, Лук ва Зевнинг ҳаётини ўрганганим учунми? Валаамов, Ат-Тоҳарий ёхуд бошқаларнинг юз йиллар аввал ўлиб кетгани энди менга таъсир қилиши мумкинми? Ўзимни жиноят содир қилган жойига қайтиб келишни кўзлаган жиноятчи сифатида ҳис қиларканман, шуни тушуниб етдимки, гарчи Исроилга ҳам, Эронга ҳам кетаётган бўлсам-да, ундан кейин Шинжон-Уйғуристонга қайтаман. Хавотирнинг сабабини аниқлай оламанми-йўқми, лекин аллақачон қатъий қарор қабул қилиб қўйгандим.

51. Қуддусдаги тайёрагоҳда мени террористларни текширгандай кўздан кечиришди. Қайсидир маънода бу менинг ишончимга ишонч қўшди. Улар барча борар манзилимни обдон суриштиришди ва мен агар шубҳали инсон сифатида мени назоратга олишса, ақалли шуларнинг ҳимоясида бўламан-ку деб ўйладим ва анжуман ўтадиган жойларни ҳам, Ноамнинг уй манзилини ҳам қўшиб бердим. Хавфсизликка жавобгар қувгина хоним Исроилга киришимга рухсат бериши ҳамоно Ноам мени кучоқ отиб кутиб олди. Биринчи саволи нима бўлганини топинг-чи? \*Фиона қани?\* Ўзимнинг хавотир остида эканим етмаганидай, у ўтмишдаги оғриқларни ҳам кавлаштира бошлади. Шахсий ҳимоямни ўйлаб эҳтиётлик билан қурганим кейинги икки ойдаги воқеаларнинг барча қатлами бир уринишда сидириб ташланди. Яна қайта кучли шамол супуриб ташлашга уринаётган яланғоч ва ҳимоясиз ўсимликдай ҳис қилдим... Анжуманда Фиона кўринмади. Лекин анжуман бошқа халқаро учрашувлар каби комедия бўлди. Инсоний беҳудалик ярмаркаси. Таржимон сифатида мен нокерак шараф билан шухратни тортадиган тарози палласидай эдим. Иброҳим динларининг вакиллари учрашишди. Православ поплар қора ва бинафшарангли кийимда, Аҳмадия муллалари саллаларда, яҳудий олим ва раввинлар қора цилиндрларда, камтар католик ва ўзига бино қўйган миссионерлар бир ҳафта давомида Муқаддас Шаҳарнинг турли бурчакларида учрашув ўтказишди. Анжуман барча динлар учун муҳим бўлган асосий масалалар, хусусан, замонавий дунёдаги СПИДга, маънавий инқирозга қарши кураш, глобаллашув жараёнидаги масалалар устида иш олиб борди. Анжуман дастури шуларни ўз ичига оларди. Лекин аслида уларнинг яхшилари ягона Оллоҳга шу кунларга, муқаддас жойларга зиёрат учун еткизгани учун шукрона айтишса, ёмонлари меҳмонхоналарнинг бар ва ресторанларида бўлажак эътиқодлараро ва халқаро алоқалар учун ўтиришди. Ҳатто бир гал ўзим таржима қилганим фоҳишабозлик ҳақида маъруза ўқиган руҳоний мени ўз хонасига ёш ва келишган официант билан беодоб суҳбатларини таржима қилишга чақирганида ҳайрон қолдим, тез орада бу суҳбат бемаъни ва арзимас гапларга айланиб кетдики, мен улар орасида тўғаноқ бўлишни истамай, ёлғиз қолдириб чиқиб кетдим. Қолаверса, мен ким бўлман уларга ҳукм ўқийдиган?

52. *Ўн-ўқ қабиласидан бўлган Макрач Оллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга туширган ўнта буйруғининг тошга ўйилган парчасини кўчириб олди. Булар Тангрининг ягоналигига имон келтириши, бутларга хизмат қилмаслик, Тангри номини беҳуда қўлламаслик, шанба кунлари ишламаслик, ота-онани ҳурмат қилиш, қон тўкмаслик, ўғирлик қилмаслик, зино қилмаслик, ёлгон гувоҳлик бермаслик, хотин ёки яқинларнинг мулкига зулм қилмаслик. У ушбу парчани Ўғуз-Билгага кўрсатди. Ўғуз-Билга дудуқ эди, шунинг учун у ёзувларни ўқишни бошлаганида, Макрач кулиб юборди. Тасаввур қилинг: Т-т-тан-н-г-г-г-ри, я-гг-ооо-ннн-аа... бе-бе-бе (қўйга ўхшамай қол) дея ўқийётган эди, уни тўхтатиб, ёзувни қайтиб олди. Гарчи Ўғуз-Билга дудуқ бўлса ҳам, ўнта буйруқни тўғри тартибда эслаб қололди. Макрач бўлса шанба кунни ҳақидагисини эслаб қолди, унга қолса, шу буйруқлар ҳаққи ҳар кунини шанба деб эълон қилган бўларди, чунки барибир саналар тартибини унутиб қўйишганди. Тош ёзувнинг қолган қисмига келсак, Макрач уни содда қилиб саҳродаги дарёга ўхшаш ҳаётга менгадидики, бу дарё унинг қуриб қолишини ҳисобга олмаганда, баъзан қирғоқдан чиқмай сокин оқади, баъзан қирғоқдан тошиб кетади, баъзида эса бутунлай оқимини ўзгартиради. Макрачнинг Ўғуз-Билга билан бир ўтовдаги ҳаётига назар солинг. У кўп нарсани билгани учун ҳам Билга — оқил деган лақаб олган. Бироқ айни пайтда унинг оқиллигидан ёрдам кутса бўладими? Аслида бу унинг аҳволини бирор телбаникидан ҳам баттарроқ қилади. У ақлининг*

кўплигидан ақлдан озади. Бошқа бир тунда у Макрачнинг кўрпаси остига биқиниб олиб, кимдир уни доимо таъқиб қилаётганидан кўрқайганини айтади. Макрач бўлса ён-атрофга қараб, ўтовнинг тешигидан тўлин ой ва биргина юлдуздан бўлак ҳеч нимани кўрмайди. Ўғуз-Билга эса баттар қалтираб, Макрачнинг елкасига тирмашади. Кейинроқ, Макрач орқасида, белининг пастроғида нимадир катталашаётганини ҳис қилади ва гарчи дастлаб газаб отига минган бўлса-да, юзини Ўғуз-Билгага қаратиб, унинг ширин уйқуга кетганини кўради. Макрач дўстини нариги томонга қаратиб, қўлларини Ўғуз-Билганинг елкасига қўяди. Охирги марта ўйлаган нарсаси шу эди: «Бу тун шанба тун эмас...»

Бу ҳикояни Ноам ўзининг Қуддусдаги арманилар кварталдаги уйига таклиф қилганда гапириб берувди. Мен унинг ягона меҳмони бўлганим учун (Фионасиз) ҳам икки нарсдан хавотирга тушардим. Бири — доим гомосексуал таҳқир ёки шунга ишорадан кўрқим бўлса, иккинчиси — у мени Фионасиз таклиф қилган ва ишончим комил эдики, фақатгина Фиона ҳаққи менга ғамхўрлик қилаётган эди. Бу икки ноаниқликдан ҳам қочиш мақсадида суҳбатимизни унинг марҳум биродари Зев томонга буришга қарор қилдим. 53.

Ли бизнинг жангарилар томонидан бошқа бир жойда қўлга олинган япон ёки хитой асирларини озод қилиш бўйича кечган музокара муваффақиятли бўлганини менга яширин тарзда айтиб берди. Навбатдаги умидли музокара бизники бўлиши мумкин. Бу ерларга ўрганиб қолганимга қарамай, тунлари совуқ шундай забтига олардики, гарчи Лининг серсуяк танасига қапишиб олсам-да, бизнинг эҳтиёткорона яқинлигимиздан совуқ устун келаварди. Шунинг учун Лига қулоқ соларканман, бунинг қандайдир олдини оладиган энгиликни ҳис қилдим. Кун бўйи мавзуга жуда эрк бермаганим ҳолда Лук ҳақида суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Лининг айтишича, у Лукни учратган жой қамоқхона эмас, балки қандайдир бир ҳарбий бошпана бўлиб, у ерда Лукни кечаю кундуз сўроқ қилишарди. Сайр пайтида улар бир-бири билан уч-тўрт марта кўришишган ва Лук ўша қонли қўлзма тўғрисида гапириб берган. Лининг бошқа ҳеч нарса айтиб бера олмаслигини сезгач, эҳтиёткорлик билан ундан Зев ҳақида сўрадим. «Бу ақлдан озган бир бесоқолбоз ўн йил аввал ўлдирган ўша яҳудий йигитми?» — овозини кўтарди у. Гарчи воқеанинг иккинчи қисмидан ғоят таажжубга тушган бўлсам ҳам, бошимни кимирлатиб маъқулладим. «Ҳа, бир фоҳиша уни ўз акаси учун уйига таклиф қилганда, ўша телба уни рашқдан ўлдириб қўйган. Қолаверса, сенинг Лукинг унга эслатганки...» «Нима деган у?» «У йигит — оти нимаиди — Зивми, Зевмиди, Лукнинг бу ерга келишига сабабчи бўлган ва қўлга тушган». 54.

Бу Билга-Хоқоннинг Кул-Тегин вафотидан сўнг иккинчи бор барча меҳмонларни ўзининг шоҳона чодирда йиғиши эди. Ўтган тун у галати бир туш кўрганди. Оқ самовий қушлар унинг устида чарх урар ва аста-секин пастлар экан темир тумшуқли қушларга айланиб, ён атрофдаги ҳамма нарсани чўқий ва бирдан Билга-хоқоннинг ўтовини майда-майда бўлақларга ажрата бошлади. Қушларнинг бири унинг ўғли Йўллик-Тегинга чанг солди, Билга эса унга томон отилган эди, шу пайтнинг ўзида бошқа бир қуш унинг хотини Побекага ташланди, Билга ўзини йўқотиб қўйди, лекин устига бостириб келаятган темир панжали қушга кўзи тушар экан, унинг чангалига тушмасдан аввал даҳшатдан уйғониб кетади...

У ана шу кўрқинчли тушининг таъбирини билишини истарди. Меҳмонлар бир-бири билан пичирлашиб туришарди. Билга уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида сўроққа тутта бошлади. Несториалик генерал Удар-сенгун ҳалиям армани роҳибни кутар (Кул-Тегиннинг хотини Кўрк-хотин ваъда қилган), ўзи туш таъбирини айтишида нўноқроқ эди, бироқ ҳарбий бўлгани учун биринчи ҳамланинг маъносини англагандай шундай деди: \*Менинг назаримда ҳарбий қўшин сизнинг устингизга бостириб келаяпти ва сиз уч жабҳадан туриб жангга киришасиз... \* Ўн-ўқ қабиласидан бўлган Макрач Удар-сенгуннинг фикрига қўшилмади ва бунга насронийларнинг учлик билан боғланиб қолганларини сабаб қилиб кўрсатди. У Билга-Хоқон устида неча қуш учиб юрганини сўраган эди, Хўжайин \*тўққиз-ўнта\* деб жавоб берди ва Макрач ҳаяжонини яшира олмади. У: \*Ўнта қуш Тангрининг ўн буйруғи ва уларнинг баъзисини Билганинг хотини, ўғли ва ўзи амалга ошириши керак\* деди. Лекин унинг сўзини Қирғиз Хонининг элчиси Тардуш Инончи Чўр бўлиб қўйди. У дўмбирасини олиб қўйлай бошлади:

Бири иккинчисин қўшиқларига

Қулоқ

тутган қушдай тинглайман сени  
қушдай  
аҳлининг боши

Ҳақиқатдан ҳамла бор менда.

Ўзгалар устига ташланган

Чанг солинган қаҳрамон ва

Само учун жуда катта ўлжа бўлгуси...

Сўғд Шаҳзодаси

шоҳона кадр-қимматсиз ўз Манихеан кўринишини очмоқчи бўлганида у ҳали қўшигини тугатмаган эди. У овозини чиқариб ўқиди: \*Яралмишининг беш турига тааллуқли — биринчидан, икки оёқли одамлар, иккинчидан тўрт оёқли ҳайвонлар, учинчидан, учиб юривчи жониворлар, тўртинчидан, сув остидаги барча нарсалар, бешинчидан, судралиб юривчилар; биз, ер юзида гуноҳларимизга ўралашиб юрганлар, эй Худойим, биз уларни кўрқитиб юрдик, биз уларни саросимага солдик, тўнтариб ташладик, дўппослаб ўлдирдик; биз шу қадар гуноҳкор ва айблизмизки, ҳозир бир уринишида ўзимизни гуноҳнинг чангалидан қутқазииш учун сендан ўтиниб сўраймиз: гуноҳларимизни мағфират қил, Оллоҳим... Унинг орага кириши аввалги Тардуш Инончи Чўр каби шу қадар кучли бўлдики, ҳамма жим қолди: баъзилар илҳомбахш зоядан, баъзилар кучли таъсирдан, бошқалар нафаси ичига тушиб кетганидан. Бир лаҳза ўтиб, Билга Хоқон бу тинчликни бузиб, тибетлик Буленга мурожаат қилди... 55. \*Бир бор экан, бир йўқ экан, бир шаҳар ва унинг собиқ қотил ҳукмдори бўлган экан, — деди Булен халқ услубида. Лекин у ўзини ўзгартирган бўлиб, кунларнинг бирида қизининг балогатга етганлиги муносабати билан зиёфат беради. Бунинг учун кўплаб мол, қўй, чўчқа, товуқ ва ўрдак сўйдиради. Зиёфатдан ўн кун ўтгач, ҳукмдор бирдан ҳолсизланиб, аста-секин сўла бошлади. Алал-оқбат унинг умри ўз ниҳоясига етади. Эшитган киши борки, кўз ёши қилиб, қаттиқ изтиробга тушади. Бироқ кўмиши маросимида ҳукмдор бирдан тобутдан кўзгалиб, ўрнидан туради ва ейиш учун овқат сўрайди. Йиғилганлар даҳшат ичра қолишади ва қочишга тушадилар, лекин ҳукмдор уларни кўрқмасликка ва унга қулоқ солишга чақириб, шундай дейди: \*Мендан кўрқмангиз, мен нариги дунёга бориб қайтиб келдим холос ва энди сизга ўша ёқдаги саргузаитларимни айтиб бераман\*. Шундан сўнг одамлар ортга қайтишади. У гап бошлайди: Қачонки умрим тугаб ўла бошлаганимда, тўрт шайтон олдимга келди. Бирининг қўлида қамчи, иккинчисида арқон, учинчисида қисқич бўлиб, тўртинчиси отда ўтирган қўмондон эди. Шайтонлар мени қўмондон айтган жойга келтиришди. Унга яқинлашганимда бир ҳужжатни ўқиб эшиттирди. Бу зиёфат кунини сўйдирганим ҳайвонларнинг шикоятини эди. Уларнинг айтишича, аввалги ҳаётларида инсон бўлиб туғилишган, лекин гуноҳлари сабабли ҳайвон каби қайта дунёга келишган. Улар ҳайвон бўлиб ўз гуноҳларини юваётган пайтларида мен уларни сўйишига буюриб, инсон каби яна қайта туғилишларига эмас, балки ўлимга маҳкум этганман. \*Шуларнинг шикоятини сабабли биз сени олдик\*, — деди қўмондон ва қолган уч шайтонни ҳам ҳузурига чақирди. Бири бўйнимга арқон солди, иккинчиси бўғиб, нафасимни қисди, учинчиси бўлса қўлига қамчи ушлаб, таъқиб қилаверди. Улар: \*Кун, ой ва йилларинг ҳали тугамай туриб, нима учун сени олганимизни биласанми?\* деб сўрашди. Мен дедим: \*Эй ҳурматли жаноблар, нечун энди келиб-келиб мени, ахир атрофимда қанчадан-қанча киши ҳайвонларни сўйиб, қурбонлик қилаётганлиги учун ҳеч бир жазо олмаяпти-ку? Содда ва беғуноҳ табиатимни кечиргайсиз! \* Шуларни эшитаркан, шайтонлар шундай дейишди: \*Шоҳимизнинг саройида сени ўттиз турли яралмиш кутмоқда. Улар сени темир кўз ва темир юз билан кутиб олгай. Қочиб қутулишининг ҳеч имкони йўқ. \* Улар мени уриб-ниқтаб таъқиб қилишига тушдилар. Кўрқувдан ялиниб ёлвора бошладим: \*Эй, меҳрибонлар, модомики, қутулишининг иложини йўқ экан, бояги айтганингиз яралмишларсиз шоҳнинг ўзини қандай кўрсам бўлади? \* Улар дейишди: \*Эй инсон фарзанди, агар сен уларнинг қотили сифатида афсус чексанг ва шу надомат ва покиза қалбинг билан Буддамизнинг коинот рўпарасида турган ялтироқ, дунёларга нур таратиб турган шоҳона китобини тўлалигича қайта ёзиб чиқишига ваъда берсанг, бу азо-уқубатлардан қутулишинг мумкин. \* Бу сўзларни эшитган заҳотим қилган хатоларимга афсус-надомат чекдим ва дарҳол ҳамма нарсанинг олдида турган нурли китобга амал қилишга ваъда бердим. Мен бу ишим билан ўлдирган ҳайвонларимнинг кейинги ҳаётларини сақлаб қолишимга қаттиқ ишондим. Мен баланд овозда хизматимни ўташига тайёрлигимни билдирдим ва шундан сўнг биз шаҳарга кирдик. У ерда ҳамма нарсдан юқорида Озодлик Қиролига кўзим тушди. Унинг қаршисидаги ялангликда беҳисоб тутқунлар



худди мендай қилган гуноҳлари учун бақириб-чақириб туришар, водийни безовталиқ ва уруш-жанжал тутиб кетганди. Шайтонларим мени келтиришиганини Шоҳга билдиришиди. Озодлик Қироли шундай деди: \*Унинг айби гоҳят катта, у буюқ гуноҳкордир. Нега уни бунча кеч олиб келдингиз? Ҳозироқ бориб унинг ўртачисини келтиринг!\* Шайтонларим ташқарига чиқиб менинг ҳимоячиларимни ахтариб бақира бошлашиди. Ҳеч кимдан садо бўлмади. Улар Шоҳнинг олдига қайтиб келиб, мени ҳимоя қила оладиган ҳеч ким йўқлигини айтишиди. Озодлик Қироли уларни иккинчи ва учинчи бор ортларига жўнатди. Лекин улар бир кишини ҳам топилмади. Мен энг ёмон нарсага ҳам тайёр турганимда, Беш Йўлнинг Эгаси Шоҳга нома йўллади. Унда менинг айбимга иқрор бўлиб, тавба-тазарру қилганим, сўйилган ва азобланган ҳайвонларни асраб қолиш ва ҳаётга қайтариш мақсадида нурли китобга амал қилишга ваъда берганим баён этилганди. Озодлик Қироли уни ўқиб чиққач, баланд овоз билан деди: \*Гарчи шу қадар кўп ҳаётга зомин бўлган эсанг-да, уларни асраб қолиш ва озод этиш воситасини удалай олдинг. Майли, сени қўйиб юбораман, лекин бундан буён ер юзиде ўлдириши, зулм қилиши, бузғунчиликлар қилиши сенга ёт бўлсин ва фақат савобли ишлар билан шуғуллан!\* Шу тариқа янги ҳаёт қуриш учун уйғониб, ўрнимдан туриб кетдим, – деди ҳукмдор\*. Бу гаройиб ҳикояни эшитгач, жанозада ҳозир бўлганларнинг барчаси Нурли Шоҳна Китобнинг қўлёзмасини излашга тушишиди ва у эски бир ибодатхонадан топилди. Шундан сўнг бу китобдан нусхалар кўчириб, кўнгилларини тозартиришга ва руҳларини асрашга киришдилар.

56. Мутлақо кутилмаганда оғайниларимдан бири — Ли биланми, Лук ё Зев биланми ёхуд бошқа биров биланми юрганим тушимга кирибди. Бир тўда шайтонлар олдимизга келганда ҳар кунги ишимизни қилаётган эканмиз. Тушимнинг биринчи қисмини эслолмасам-да, иккинчисини аниқ-тиниқ эслайман. Мен чигитнинг фарқига бора оламан. Оғайним мендан шуни сўраганди, уни одамлар уруғларни вагонларга ортаётган омбор томонга темир йўл ёқалаб бошлаб бордим. У ерга келганимизда машина қўзғалишга тайёр турган эди, ҳайдовчи эса саволимизга жавоб ҳам бермай ўзи билан бирга юришимизни таклиф қилди ва у билан далаларни оралаб елиб кетдик. Машина тезликни оширганида, ё қарши томондан келаётган шамолни ё тезликни деб унинг қисмлари ошқовокнинг пўсти каби бир-бир ерга тушиб қола бошлади. Бу жуда қўрқинчли ҳол эди, бироқ темир йўл ёқасидаги пахта даласига етиб келганимизда бир аёл йиғлаб чиқиб, ҳаётидан нолий бошлади, у оиласининг кунни чигитдан ҳам баттар бўлган кунжугга қолгани ҳақида сўзларди. Аёлдан узоқлашиб, пиёда ортдаги станцияга қайтарканмиз, бирдан ер қимирлаб, темир йўлларда каттиқ портлашга ўхшаш нимадир гумбуради, келаётган аниқ Шайтон эди. Унинг одамлари аллақачон бизнинг орамизда бўлиб, уларнинг биридан келаётган чиндан ҳам Иблисми деб сўрагандим, у ҳа дея тасдиқлади. У ўрта ёшлардаги қора сочли, сузик қоракўзли, гаройиб юзли ва қоп-қора кийимдаги киши экан. У бизга бир қараб қўйди. Ўша ерда бу кишининг Иблис эканини биладиган бошқа бир йигит ҳам бор эдики, ҳайратланарли томони, у қўрқиб турган иккинчи груҳга қўшилиб кетди. Биз ўша томонга қарай-қарай, хайрлашмасдан кўча, маҳалла ва шаҳарни ташлаб тез-тез юриб кетдик. Сўнгги текширув жойи — бозордан ўтганимизда, қовун сотаётгандай ўтирган тарозибонга кўзимиз тушди ва улар ортимиздан таъкиб қилиб келаётгандай яна темир йўл тарафга қоча бошладик. Тилла жингалак сочли йигит боя Иблисми йўқми деб сўраганим киши эканини сезиб қолдим, ё тавба, турган жойини ва ишини шунчалик тез ўзгартирадим-я улар, дея таажжубга тушдим... Темир йўл бўйлаб қочиб бордик. Иблис тарозисини ташлаб ортимиздан қува бошлади. Икки юз метрдан кейин у бизга яқинлашиб келди, лекин биз урушишга тайёр турдик. Гарчи Иблиснинг энгилмаслигини билса ҳам, унга қарата ўқ уздик, бу ўзимизни кенг бўшлиққа чиқиб олишимизга етарли фурсат берди. Бу осмон билан ер орасидаги бир жой эди. Мен Аллоҳдан ёрдам беришини сўраб ёлвордим, икки-уч сония ичида булутли осмон кўринди. Илтижо қилар эканман, бирдан осмон тўнтарилиб, чакалокзорга тушиб қолганимни англадим. Улра орасидаги сўқмоқ трубазимон бўлиб, темир йўл уфққа томон торайиб кетгани учун, сўқмоқ ҳам тор ва қоронғилашиб борарди. Иблис бошлиқ гуруҳ ортимиздан бир қияликка қадар таъкиб қилиб келди. Улар шундоқ кетимизда ўтиришарди. Тиканаклар

кўкрак қафасимизни қисиб келаверди. Йўл қоронғилашгандан қоронғилашаверди ва чангалзор бутунлай ўтишга йўл бермай қўйди. Мен аранг инқиллаб-синқиллаб уларни четлаб ўтишга уринар, олдинда жиндай бўлса-да ёрдам кўлини чўзадиган бирор нарсадан умидвор интилардим. Қоронғилик ва кўрқинч, умидсизлик ва тушкунлик ичра бир жойда қотиб қолганимда, бирдан олдимдаги эшик ёруғ бир кунга очилганини сезиб қолдим... мен уйғониб кетгандим... 57.

*Шундай қилиб тибетлик Бюлен ўз шарҳини тугатди ва тасбеҳ ўгира бошлади. Аслида Билга-Хоқон аллақачон Табгач-хондан келган Ичи Лянга қараб турарди. Ўғли Йўллуқ-Тегин ёнида шогирд ўз устози билан ўтиргандай ўтирарди. Хитойлик генерал ўз шарҳини шунчалик паст товушда бошладикки, шундоққина ўтов ёнида отнинг кишинаши унинг овозини босиб тушди. \*Хитойлар қандай қилиб ўзларига эътибор қаратишини яхши билишади\* – ўйлади Тонгюқуқ жаҳлини ичига ютиб. Ичи Лянг туш таъбирлаш ўрнига соддагина қилиб марҳум акасида ҳокимиятни мерос қилиб олган Хитой Императорининг ҳоли не кечганини айтиб берди. Темир қушлар ёхуд аждодлар руҳи — \*шанлар\* унга ҳамла қилгани келган ва у ҳокимиятни бошқаришдан аввал Фалак билан муносабатини аниқлаштириб олиши лозимлигини англаб етган. У ерда бир генерал бўлиб, гарчи у тирик бўлса ҳам, \*шанлар\* даражасига етган ва бу каби руҳий нарсаларни яхши биларди. Шунинг учун Императорга акасининг хотирасидан қутулиш учун бир гулхан ёқишни ва шундан кейин яшаётганлар ва руҳлар ўртасида янги қонун ва тартиблар ишлаб чиқишни айтади. Олов саройни ва у билан бирга марҳум аканинг хотирасини ўчириб ташлагач, Император ўз генералини тириклар ва ўликлар учун ёзилган қонунларнинг икки китобини сақлаётган адирдаги бир устоз олдига юборади. Маълум бир кунда махсус маросимдан кейин Император китобларнинг биринчисини очиб ўқийди. Одамларнинг бахтига барча қонунлар бир хил эди. Шундан кейин у иккинчи китобни олиб, кўрқинч ичра Императорлигини ўз ўғлига қолдиришини ўқийди ва шу тариқа \*шанлар\* иерархиясини бошқариб боради... Мана шу нарса Фалак қонуни эди... Ичи Лянг жим қолди, лекин от яна бир кишинади-ю Тонгюқуқ сокинликни бузиб юборди... 58.*

Ноам гапимни бўлиб юборди ва уялмасдан акаси унга ғамхўрлик қилмаётганини айтди. У менга қараб кулди ва мен бу қарашдан титраб кетдим. Ростимни айтсам, мен бу каби ака-укаларни жуда яхши биламан, уларнинг марҳумларни кўрарга кўзи йўқ, жанозага эса қалин китобларни кўтариб келиб, маросим давомида жамоатчилик ичида кўзбўямачилик қилиб баландпарвоз парчаларни ўқиб ўтиришади. Бундайлар тобут ичида ётган марҳум биродарларидан кўра уларнинг сояларига кўпроқ марҳамат кўрсатишади. 59.

Барча динлар анжумани бир текисда давом этаётганди. Бироқ, бир сафар Олтой Шомон анъанасининг асосан \*чуқур томоқ овози\* билан куйлаётган ва қолган вақтда беўхшов гапларни гапирадиган ғалати бир вакилига таржима қилиб турганимда, Лама сектаси ноиблари намойишкорона анжуман залини тарк этишди. Сессияни бошқариб турган яхудий раввин куйлашни ва таржимани тўхтатиб, поплар, муллалар, епископлар, пресвитерианлар, квакерлар ва бошқа мормон ва руҳонийлар орасидаги қизил кийимли \*биродарлар\* сектасига мурожаат қилди. Лекин улар эътибор бермай чиқиб кетаверишди, ваҳоланки уларнинг таржимони президиум томонга юриб, менга уларнинг баёнотномасини топширди, бу бизга ўхшаган интеллектуал пролетарлар бирлигининг белгиси эди. Мен баёнотни очиб, ундаги \*...нинг Муқаддас Номи билан... — Норозилик номаси\* деган сарлавҳани кўришим билан дарҳол уни раис жанобларига узатдим. Ўртамиздаги Шомон эса куйлашдан тўхтаб, жимгина кутиб турарди. Раввин қоғозни дуо каби очиб ўқиди ва ҳеч бир иккиланмасдан танаффус эълон қилди. Кейин нима бўлганини билиб олдим. Лама сектасининг аниқлашича, православ бўлмаган мустақил руҳонийлардан бири бу ерда Будда роҳибларидан бирининг қиёфаси хунук ва ҳақоратли тарзда тасвирланган китобни тарқатиб юрган ва гўёки у кунига икки марта Шайтонга ибодат қилармиш. Бу китобни ҳеч ким ўқимади, чуни у нидерланд ё дат тилида эди, лекин бирдан бу масала эътиқодлар ўртасидаги қайноқ тортишувга сабаб бўлди, фақат кимнинг қайси томондалигини ҳеч ким билмасди.

Раис жаноблари махсус транс-этикодий комисся тузди ва мен тилмочлик қилиб анча пул ишлаб олдим. Ушбу комисся барча иштирокчилар ва қизиқувчиларнинг далилларига кулок тутиб, уларни таҳлил қилиш билан шуғулланди. Гарчи православ бўлмаган мустақил руҳоний ҳалиги китоби ва ҳақоратланган сектанинг катта-кичик роҳиблари билан кўринмай қолган бўлса ҳам, қолганлар улардан жуда хафа бўлишди. Анжуманда Салмон Рушдий ва Усома бин Ладен ҳақида ҳам гапирилди. Раис жаноблари фатво Пайғамбар (с.а.в.) ни деб бўлмаганлигини, балки чет элда яшаётган Имомнинг ўз тасвири туфайли бўлганини зиммасига олди. Деобандилар комиссияни ҳам, анжуманни ҳам тарк этишди. Раис жаноблари дархол ўз раислик лавозимидан бўшабини эълон қилди. Тарафдорлари унга ва унинг бўшанглигига қарши чиқишди. Православие уларни анжуманга қарши чиқишда айблади ва ҳоказо ва ҳоказо. Ҳеч ким, ҳатто ғойиб бўлган Ноам ҳам бу тўқнашув ва жанжални, глобал этикодлараро муносабатнинг синишини бостира олмади, алаалоқибат, қолган қутган маблағ олийжаноблик билан ҳалиям шу ерда қолган ташкилотчилар билан менинг ўртамда тақсимланди. 60.

Ҳа айтганча, бир гал мен оддий Ламани (Монголия ва Тибетдаги буддист роҳиблар) эмас, балки буюк Далай-Ламани учратганман. Бу Москвада рўй берган бўлиб, мен таржимон ва бошловчи сифатида Болтикбўйи ёзувчилари делегациясини бу ерга олиб келгандим. Ўшанда қайта қуриш даври эди. Гарчи Далай-Лама тибет тилида гапираётган бўлса ҳам, мен унинг гапларини тушуниб турардим: \*қуролсизланиш\*, \*зулм қилмаслик\*, \*янги эра\* ва \*янги глобал тартиб\* кабилар. Кулгили одам. Мен уни гипноз қилишга урингандим, ақалли сирли алоқа ўрнатишга интилдим, йўқ, бари бефойда бўлди, у хаддан ортик сиёсий тус берганди ўзига. Ҳафсалам пир бўлганди ўшанда. Маърузадан сўнг, мезбонлар ўзларини ақллироқ кўрсатишга уринишганда, Далай-Лама бунинг аксини қилган ва ёзувчилар уни тавоф қилишга тушишганди. Ҳануз эсимда, динни янги қабул қилган Болтикбўйи делегациямиздаги хонимлардан бири Ҳазратнинг олдида яқинлашган, бир қадам — жилмайиш, яна бир қадам — яна жилмайиш, учинчи қадам — жилмайиш ва эгилиш, шу тариқа муқаддас қўлга етгунча аёлнинг ичидан сув келиб бўлари бўлиб бўлганди... Ўша учрашувдан қолган хотира мана шундан иборат. 61.

Мен Ленинг аслида жуда кўп нарсадан хабардорлигига шубҳа қилардим. Миол учун, ушбу бобга келганимда, у қалин дафтаримга ишора қилиб \*Мана энди бу мустаҳкамроқ бўла бошлади\* деди. Бу билан нимани назарда тутган? Олтмиш биринчи бўлақда жангариларимиз ҳаракатининг тайёр баёнидан қочган бўлармидик? Ҳа, чиндан ҳам \*таржима\* деб аталувчи икки-уч турдаги олтмиш баёндан сўнг, энди янги баёндни таржима қиляпман дея олмайман, чунки бошқа янгисинининг ўзи йўқ. Хўш, нима қилмоқчиман? Аввалги бобга сайқал беряпман деб ўтиришим керакми? Ё шахсий масалаларни ёзаяпман дейинми? Улар мени ўлдиришган бўларди. Лекин агар ёзишни тугатсам, шу мени ўлдиради. Шу ўйлар билан чалғиб ўтирганимда, Ли таклиф киритиб қолди: \*Менга инглизча ўргатсанг бўлмайдими, мен эса сенга хитойчани.....\* Бу бир баҳона бўлиши мумкин эди... Аслида Ли охириги гапни баланд овозда айтгани йўқ, мен буни сездим ва бу гап айтилмаган деб ҳисобладим.

62. Бир ҳафта ичида ҳаётимизда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Жангарилар тоғни кесиб ўтиб Афғонистоннинг Бадахшон вилоятига ўтишга қарор қилишди. Назаримда бу узок йўл эди. Ли уларнинг япон асирлари учун катта ўлпон олганликларини айтди, бироқ биз билан ҳеч кимнинг қизиқмаётганини кўрган қўмондон водийга бориб маҳаллий ҳукуматга сотиламизми ё шу бошпанамизда қолиб, қишни ўтказамизми ва ёинки Бадахшонга борамизми, шу ҳақда биздан сўради. Бу менга эртақдаги уч йўлни, яъни борса келар, борса ё келар, ё келмас ва борса келмасни эслатди. Афсуски айни ҳолатимизда қайси йўл қанақа эканини билолмасдим. Ли бўлса ақалли ўз Ватанига яқинроқ бўлишни ўйлаб, улар билан бирга боришга қарор қилди ва шу билан танлаш имкониятини ҳам йўққа чиқарди. Агар водийга борсам, ёки шу ернинг ўзида қолсам, улар мени кераксиз гувоҳ дея ўлдириб юбормасликларига ким кафолат беради. Шунинг учун ҳам уларга қўшилишга маҳкум эдим... 63.

Тоғли Бадахшонга кетишимиздан аввал қўмондон қаердадир охириги марта эски элчи

билан учрашди ва биз билан бирга қолдирилган йигитга хат олиб келди. Қўмондонга содик қолиш учун у мактубни ўзи очмади, шунга қарамай, мен унинг хат мазмунидан шубҳаланаётганини сездим. Балки у мана бундай ўйлаётганди: \*Сенинг вазифанг тугади, базага қайт\*. Сабримиз чидамасди, лекин мактуб мазмунини билгач... Йигит хатни ўқир экан, кўкариб кетди ва кутилмаганда телбаларча кула бошлади ёки хиқиллаб қолди... Мактубни унинг холаси ёзган бўлиб, унда йигитнинг ота-онаси у кетгандан бир ҳафта ўтиб ўзларини осиб қўйишгани ёзилганди. Йигит ақлдан озиб қолди, лекин харбий қисм уни ўзи билан олиб кетди ва шундан бери у биз билан бирга турадиган бўлди. 64. *Оқил ва кекса Тонгюқуқ \*Билга уларнинг бари бизнинг душманамиз бўлгани, ҳозирда шундай экани ва келгусида ҳам душман бўлишини ёдда тутармикин?\* дея ўйларди. Билга Хитой Императори, Ўн-ўқ қабиласи ва Қирғиз хоннинг ёғийимиз эканини унутгани йўқми? Улар бирлашиб бизга қарши уруш очишган эди-ку. Улар шундай дейишган: \*Агар биз уларга қарши жанг қилмасак, уларнинг жасур хоқонлари ва доно вазирлари бор экан, бизга ҳеч омонлик йўқ ва бир кунмас бир кун албатта барчамизни қириб ташлайдилар\*. Шу гапларни билганимдан сўнг, тунлари на кўзимга уйқу келди, кунлари на бир завқ олишни истадим. Ахири қарор қилдимки: \*Агар биз биринчи бўлиб қирғизларга қарши юриш бошласак, тўсатдан уларни эсанкиратиб қўйишимиз ва қўлга олишимиз мумкин\*. Юриш учун Когман орқали ўтадиган биргина тор йўл бор эди, у ҳам бўлса буткул қор билан қопланган. Агар шу йўлдан борганимизда яхшиликка олиб келмаслиги аниқ эди. Мен бу ерларни яхши биладиган бирор кишини ахтариб, уни аз қабиласи орасидан топдим. У шундай деди: \*Ани дарёси ёқасида бир сўқмоқ йўл бор, кенглиги битта от сиққулик холос\*. У бир гал шу ердан юрганини айтди. Агар бу чавандоз ўша жойларда бўлган бўлса, биз ҳам ундан ўта оламиз, дея қарор қилдим. Билга бу ҳақда эшитганми йўқми, билмадим, лекин бобоси Элтариш-хоқондан изн олиб, қўшинимга юриш бошлашини буюрдим. \*Дарёга отда тушаверинг\*, дедим уларга ва Оқ-Термел дарёсини кечиб ўтдик. Шундан сўнг от устида турган ҳолда қорни ёриб киришга буюрдим. Мен ва бошқалар отларимизни олдинроққа қўйиб юбориб, ўзимиз дарахтларга тирмайдик. Олдиндаги қўшин қорни суриб, йўлни очиб борди ва шу тариқа тоғдан ўтиб олдик ҳамда пастга аста сирғалиб туша бошладик. Ўн кеча кундуз пиеда қор ичида йўл босдик. Йўлбошловчимиз йўлдан адашди ва бошидан жудо бўлди. Шунинг учун Хоқон шундай деди: \*Шошилингиз! Ани дарёси ёқалаб юрамиз!\* Шундай қилиб дарё бўйлаб юрдик ва отларимиздан тушиб, неча киши қолганимизни ҳисобладик. Отларимизни дарахтларга боғлаб, куну тунни унутиб, қирғизлар ичига юрдик. Уларнинг устига ухлаб ётган пайтларида ҳужум қилдик. Қуролларимиз билан сўқмоқ йўлни очдик. Уларнинг Хони ва қўшини тўпланишди. Биз уларга ўқ отиб, илма-тешик қилдик ва хонларини ўлдирдик. Қирғизлар тор-мор этилди ва бўйсундирилди. Шундан сўнг Когман йўли орқали ортимизга қайтдик\*. Кўринадик, ҳеч ким бу ҳақда эсламайди. Бугун яшаётган ҳар бир киши мудраётган дунёда яшайди ва биргина етим от доно Тонгюқуқнинг хаёлини бўлиб, ўтмишдаги урушларни эслаб кишнайдди холос... 65.*

Агар шу ерда саргардон бўлишимни билганимда, бир боғ сомон ғамлаб қўйган бўлардим. Ўн кечаю ўн кундуз Худо урган Тоғли Бадахшонга қараб сафарга чиқишимизни ким билибди дейсиз. Кундузи ҳужумлардан ҳимоя қилади дея ғор ва тоғ ёриқларида яшириндик, тунлар санғиб юрган оч тулкидай йўл юрдик. Ҳамма бир-бирига боғланган эди, фақат биз — мен, Ли ва телба йигит бошқа занжирда эдик, арқоннинг учи бўлса кўриқчимизнинг қўлида. Телба тихирлик қилиб, осилишга тушган эди, кўриқчи уни арқоннинг учи билан савалаб ташлади ва бола пақир инграб, ўз қилиғидан пушаймон бўлди... Инсон қалби энг охири музлайдиган нарса ва бошқа ҳеч нарса қолмаганда уни ичингда олиб юриш шу қадар азобки... Оёқларга кунда икки бора арақ суртасан, лекин арақни ҳам, босган қалдамингни ҳам ҳис қилмайсан, бармоқларингдаги тирноқлар оғриққа михланган тирноққа ўхшайди, шамолда қовурилган юзинг энди сеники эмас, аммо қалб... У асло музламайди, у борган сайин совуқдан қисилиб боради, ким билади нега, шунинг учун уни ташқарига тортиб чиқаролмайсан ва у ўртаниб, азоб чекаверади... Барча воқеаларни кунма кун эслаб қолмаганман, бу бир озгина ёрқин доғли эсда турмайдиган

бемаъни нарса холос ўзи. Бу ёркин бўшлиқ қоронғи ва қовоғи солиқ: қор тун қўйнига осмондан тушиб келади, қўмондоннинг ҳўл қор тагида йўқолган чироғи: ҳеч ким хавфсизроқ жой ёки жарликнинг қаердалигини билмайди, фақат арқонни бўшроқ ушлаган ҳолда хавфсираб юришдан ўзга илож йўқ, мабодо бирор киши қулаб, ҳалок бўлса, зум ўтмай сенинг ҳам бор-йўқлигингга қафолат йўқ...

Юмшаётган тонна-тонна қорга, музнинг металсимон қатламларига қарамай дарёнинг шовқини бир зум ҳам тўхтамайдиганга ўхшайди. Ё бу шунчаки бошдан охиригача бизни таъқиб қилиб келган саробмикин? Ё бошқа нарсами?

Мен юришимизнинг энг сўнгги кунини яхши эслайман, лекин охириги кун бўлмаганда, эслаб қолган бўлармидим-йўқми, ишончим комил эмас. Тунда кетар эканмиз, бирдан тоғ тугаб, қорлар ўрнига олдимизда узун кенглик кўринди ва ҳаммамизнинг кўзимиз яқиндагина изиллатиб турган шамолдан кейинги иссиқ ҳавонинг уфуришига ўхшаган шайтоний оловларга тушди. Қўмондон тўхташимизни ва йўл сумкаларимизни қўйишни буюрди. Биз арқонларимиздан бўшалгандик, телба йигит ҳалиги оловга қараб зорлана бошлади. Кўриқчи унга эътибор бермади, балки унинг ҳам кўнглида худди шундай ҳис ғимирлагандир. Қўмондон бизни санаб чиқди ва охириги марта олов ёқиб, сўнгги картошкаларни пиширишимизни айтди. Арақларимизнинг аксари ичимиз ва ташимизни кизитиш ўрнига олов ёқиш учун сарфланди. Оловни таналаримиз билан ўраб олиб, охириги бурдани еб тугатганимизда, қўмондон шундай деди: *\*Биз уларни ухлаб ётган пайтларида қўлга туширамиз!\**

Тоғ қишлоғини эрта азонда ишғол қилдик. Ҳатто Ли билан менга ҳам пулемёт бериб, кўриқчимиз билан бирга тоғ четига энг кичик уйни олишга жўнатишганди. Гарчи отиш ҳақида огоҳлантиришган бўлса ҳам, ҳаяжон ва кўрқувдан қуролимни у ёқ бу ёққа буриб, сўқинардим холос. Уйга кирганимизда, унда қари бир кампир ўтирар, бизни чақирилмаган ажинага ўхшатиб, бир ёндан иккинчи ёнга ўгирилиб олди. Кампирнинг юзи кўпиб ачиб кетган хамирга ўхшарди... 66.

*\*Худди шунақа нарса табғачлар, ўн-ўқ қабиласи, Қитанлар ва бошқаларда ҳам содир бўлди. Тонгюқуқ ва Элтириш-хоннинг донолиги, кейинроқ Кул-Тегиннинг кучи уларнинг попугини насайтирмаганда, Кўк Турклари бундан-да баттар, бундан-да паст ва кучсиз бўлган бўлур эдилар. Ҳозир Билга-Ҳоқон уларнинг ўз туши ҳақидаги таъбирига гўёки дунёдаги бор ақлу заковатни айтиб беришаётгандай қулоқ тутарди. Ишдан бўшаганидан бери ичишига муккасидан кетган шу ерлик шомон Удеганинг ўзини таклиф қилса етмасмиди? У ўзимизнинг Башорат Китобидан қуйидагиларни ўқиган бўларди:*

*\*Мен олтин қанотли қора йиртқич қушман. Танамдаги рангларнинг саноғи ҳам йўқ. Денгиз узра учар эканман, кўнглим тусаган нарсани тутаман ва хоҳлаган нарсамни ейман. Ана шунақа кучлиман мен! Билинги, бу яхши аломатдир!*

*Мен ола-була ва учқур лочинман! Дарахт устида ўтирганимдан беҳад мамнунман. Эшитяпсизми? Лекин \*Қуён!\* дея қичқириб, лочин осмондан ўқдай учиб тушди ва қуённи тутиб олди. У ўткир тирноқларини кўрсатди ва яна яшириб олди. Лочин қуённи чангаллаб юқорига кўтарилди. Қуённинг териси тушиб қолди.*

*Билинги, бу ёмонлик аломатидир! \*Ўзимизнинг Башорат Китобида ана шундай дейилади, – дея ўйлади доно Тонгюқуқ, – агар ўзингни қуёнга ўхшаб тутсанг, истаган қушга ўлжа бўлишига маҳкумсан ва айниқса, агар бу қушлар бизнинг темир тумшукли қушлардай бўлса!\**

*Лекин у буни эшиттириб айтгани йўқ, биринчидан, ундан ҳеч ким сўрамади, иккинчидан, Билга-Ҳоқоннинг элчилар билан учрашувини яна бошқа бир нарса бузиб юборди.* 67.

Исроилни тарк этиш Эронга киришдай гап бўлди. Ҳар икки шароитда ҳам мана бундай саволларга дуч келдим: ким эдим, қаерликман, нима қилдим, қандай иш қиляпман, бу ерда нима қилишни ният қилгандим, нимадан хабарим бор, ким билан учрашдим, ким билан учрашмоқчиман, келгуси режаларим қанақа ва ҳоказо. Ҳозир бу саволларга юзаки ва ўйламасдан жавоб берганлигимни ўйлапман, йўқса, метафизикага берилиб кетиб, ким билсин, балки ҳозирда йўлиққанам баъзи жавобсиз саволларни ечиш имкониятидан фойдаланган бўлармидим? Англаганим шу бўлдики, биз кутилмаган воқеаларни аччиқ хотиралар ҳаққи қўлдан бой берар эканмиз. Мен фақат иккита мисол айтаман. Ёшлигимда бутунлай турлича бўлган икки қиз бола дўстим бўларди. Яқинда уларнинг фамилиялари турли тилда бир хил маънони англатишини аниқладим. Бу шунчаки

уйғунлик ва тушунтириб бўлмайдиган ҳодисами эди? Дорилфунундаги ўртоқларимдан бири улардан бирига ошиқу беқарор бўлиб қолганди, шунга қарамай, натижада ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. У бошқа кишига турмушга чиқди. Ўшандан бери унинг қорасини кўрмадим. Лекин икки йил аввал бу аёл ўзи севишиб юрган кишининг исми билан бир хил бўлган ҳамкасбим орқали мен билан топишди. Ё бу ҳам тасодифми? Балки сиз энди нима учун Исроил ва Эронни биргаликда эсга олганимни тушунгандирсиз?

68. Биз америкалик иккинчи лига клубининг командаси билан Техрон стадионида ўйин бошладик. Бизга қарши ким ўйнаётганини билмасдим, уларнинг тайёргарлиги жуда сирли кечди, лекин бу каби футболни умримда кўрмаганман: у маҳоратга қарши маҳорат эмас, аксинча, кўполликка қарши кўполлик ўйини бўлди. Бу кимнинг маҳоратсизлиги яхшироқ ё ёмонроқ, ким ўзининг қобилиятсизлиги устидан ғалаба қилади деган сўроқ гап бўлди. Тасаввур қилинг, ўз оёғига қоқилиб юрган ўйинчилар, етим тўпнинг улардан бири етиб келгунча кутиб тургани ва шу бечора тўпни ёғоч оёқ билан тепилганию бошга оширилгани ва ҳоказо. Бу шамоллатилган бўм-бўш хонадаги шиширилган шарга ўхшар ва дарвозабонлар содир бўлиши мумкин бўлган хавфни бефойда кутишдан чарчаб кетишганди. Ёдимга саксончи йилларда шўро командасини Жаҳон Чемпионатида кузатганим ва украиналик футболчининг барча эркин зарбаларни тепгани ёдимга тушди. Одатда, у тўпни грузин ўйиндошининг калласига мўлжаллаб оширарди. Грузиннинг вазифаси эса ҳаракат қилишмас, балки бир жойда туришдан иборат бўларди. Натижада тўп учиб келиб унинг бошига тегарди-да дарвозага кириб кетарди. Бахтга қарши бизнинг ўйинимизда ўшанақа моҳир ўйинчилар йўқ эди-да. Охир оқибат дарвозабонимиз бор умидсизлигини тўплаб тўпни бир тепганди, у ўқдай учиб бориб эронлик ҳужумчининг боши орқасига келиб урилди, табиий, у буни ҳеч кутмаганди, сўнгра тўп худди ўша машҳур грузин ҳужумчисининг бошидан учган каби орқага қайтиб, дарвоза устунига тегди ва дарвозабонимиз елкасини ялаб ўтиб, охири дарвозага кириб кетди. Ўша маҳал майдонда, нафақат майдонда, балки, шаҳарда ва бутун мамлакатда нима содир бўлганини хаёлингизга келтириб кўринг-а! Худди янги бир инқилоб рўй берди: оломон ибодат қилишни ҳам унутиб, кеча-ю кундуз кўшиқ айтишар, биз масҳара ва ачиниш сабабчисига айлангандик. Ўйинда ютқазиб қўйиб, шу қадар катта шуҳратга эришдикки, биздан кейинги учда ўйин ғолиблари ҳам машҳурлигимизга тўсиқ бўла олмади. 69. Нега Эрондаги футболни эсга олдим? Йўқ, фақат эълон қилинган ўлимимни кутиб ётганим, унинг Исроилда содир бўлмагани учун эмас. Эрондаги воқеаларни эшлагга уринганимга сабаб, уч кун аввал Тоғли Бадахшондаги қор билан қопланган қияликда футбол ўйнаганимиз ва тўп ўрнида пайтава тиқиб тўлдирилган мўйнали телпақдан фойдаланганимиз эди. Қишлоқни забт этган командамиз, қилган душманлигимизга қарамай, яхши қабул қилган маҳаллий аҳолига қарши тўп сурди. Дарҳақиқат, кейинроқ Эрондаги немис командасига ўхшаб, уларни зериктирдан сақлаб турган катта янгиликка айландик, лекин бизнинг ўйинимиз нўноқликка қарши нўноқлик ўйини бўлмади. Маҳаллий аҳоли ўзларининг майдондаги қобилиятларини ва қишлоқларини тунда ишғол қилган биз кўрқоқлардан-да кучли эканларини исботлаш учун курашишди. Биз ҳам бўш келмадик. Лекин ҳаёт учинчи бир нарсани исботлади. Сирпаниб, сурилиб музлаб қолган оёқларимиз билан тўпни тепишга чираниб турганимиз маҳалда, бизга овқат тайёрлашга уннаймиз деган уч жангари йўқолиб қолса бўладими. Биз ўйинда ютқазиб қўйдик, бунинг устига, ўлганнинг устига тепгандай қилиб, бутун лагерь тревогадан оёқа турди. Ўлгудай очуққан ва чарчаган бошқа жангарилар қочоқларни излашга юборилди. Тўрттамыз — мен, Ли, телба йигит ва кўриқчимиз эса овқат тайёрлашга қолдик. Ҳали ўлганнинг устига тепки деган иборани эслатдим, бу эса мурданинг устида рақс тушганга ўхшади. Жангарилар қишлоқни тарк этишлари ҳамоно, саккиз киши қуроқ кўтариб ошхонамизга киришди ва ҳеч бир иккиланмай қўл-оёғимизни боғлашди. Бир асирликдан иккинчисига тушдик. Бу биз ўйлаганчалик эмасди, мен чиндан ҳам кўрқиб кетган, қишлоқни ишғол қилаётиб қари кампирга қандай қилиб бақирганимни эсга олардим. Буниси энди сўнгиси дея ўйладим. Агар авалги асирлигимда ҳар қалай тушунишларига ва кечиришларига умид қилган айбсиз бўлган бўлсам, бу гал анча айбли ва нафратга лойик

эдим. Энди булар ҳам бошимизга қоп кийгизишади, деб кўрқиб турувдим, йўқ, ундай бўлмади, бахтимизга улар бизни қоронғи ертўлага ташлаб, бир нечта ун ва гурунчли қопларни унинг қопқаси устига бостириб, тезда ғойиб бўлишди. Бир-биримизга қапишган ҳолда зимистон ва ноаниқ кўркув ичра қолавердик...

70. Улар бизни ўзларини ҳақоратлаганларга қарши урушиш мақсадида шу ҳолда ташлаб кетишди. Афсуски буни ёза олмайман...

71.

72. Агар Бамбергни яхши билсангиз, демак, Отто-Фридрих Гимназияси орқасида торгина йўл борлигидан ҳам хабарингиз бор. Бу йўл аввал кенг далаларга, ундан кейин эса адирларга олиб боради. У Алтенберг қасри ёнигача турли-туман дарахтлар билан қопланган. Бир гал Фиона иккимиз илонизи йўллардан биргаликда борарканмиз, у Лук билан муносабатлари тўғрисида ғамгин бир ҳикоя айтиб берганди. Очиғи, бу ҳикояни аниқ эслолмасам-да, лекин Фионанинг синиқ овози, мунгли кўзлари ва кузнинг бошланиши каби ҳорғин нафас олиши ҳануз эсимда. Балки бу барча узун бўйли ва ихчам кишиларга хос одатий хислатдир, лекин мен унинг титраётгани, шу боисдан кўлини чўнтакка яшириб олганини сездим. Балки у бизниниг бирга қилган энг ажойиб сайримиз бўлгандир, чунки иккимиз ёлғиз эдик, унинг ғамгин сўзлари альпинистларнинг аркони сингари иккаламизни ҳам бирлаштириб турарди. Ўшанда Фиона ажрашгани ва Лук муаммолар дастидан Хитойга қочиб кетганлигини айтганди. Энди бўлса, у ўз вазифасини бажариб юрибди, бироқ унинг жимлигида бу сўзлардан ҳам ғамгинроқ нимадир бор эди. Биз Алтенбергга келдик ва кечани \*Либерфромилч\*да ўтказдик. Оддий ҳаётимизнинг оддий тафсилотлари.. Тавба, нега бу нарсаларни эслаяпман ўзи?.. 73.

*Маҳаллий шомон Удеге Башорат Китобини эмас, балки Тонгюққунинг жаҳлини кўзитган сеҳрли қора печда яқиндагина куйдирилган икки елка суягини келтирди. У суякларни Билга-Ҳоқонга узатди ва Император уларга келажagini тасаввур қилаётгандай тикилиб қаради. Суяклар бир неча жойидан узунасига эмас, энига ёрилганди. Яқинроқ келиб Тонгюққу сездики, қора сеҳрнинг янги турига кўра Императорнинг нияти амалга ошмайди, қайтанга уни муваффақиятсизлик кутиб турарди. Билга-Ҳоқон аввал Удегега ва кейин бошқа меҳмонларга қаради. Удеге суяклардаги бахтсизликнинг сабабчиси каби бошини куйи солиб турар, лаблари ниманидир эшитилар-шитилмас пичирларди. Бирдан Император гезариб ваҳшат ичра ўрнидан турди ва икки қадамда Удегега яқинлашиб, унинг сийрак соқолидан ушлаб кўлидаги елка суяги билан кекирдагини кесиб ташлади. Суяк ёрилиб, бўлакларга ажралиб кетди. Суякдан булганган қоп-қора қон Билга-Ҳоқоннинг оппоқ юзига сачради. Атрофдагилар ҳайратдан оғзини очиб қолди. Удеге турган жойида гир айланиб, аста-секин ўз Ҳукмдори қаршисида тиз чўкди. Янги қондан ҳосил бўлган кўлмак унинг атрофида айлана ҳосил қилиб, фақатгина қора елка суягини қоплаб олди...*

74. Ўлдирилган кишилар қандай ўлишини биласизми? Йўқ дейсизми? Тўғри, нимага ҳам билишингиз керак-а? Минг йиллардан буён ўлимнинг сири ҳақида гапиримиз, ўзимизни унинг келишига тайёрлаймиз, лекин у шу қадар қадар одатий ва бехосдан содир бўладики, гўёки суҳбат чоғида, ҳожатхонада ёхуд қассобхонада гўштни қиймалаётиб гирибонингиздан олади. Ҳа, барчамиз бир тану бир жонмиз, на бировимиз оқилроқ, на яхшироқ ва ҳатто покизароқмиз. Қисқа отишувдан кейин жангарилар бояги кишлоқдаги барча эркакларни ўлдириб юборишди. Бизни эса ертўладан соғ-омон ҳолда топишди, у ердан чиққач, ўлдирилган одамлар қандай бўлишини кўрдим. Ғалати ҳолда ҳар ер-ҳар ерда чўзилиб ётганларга кўзинг тушса... Агар ўлик ҳайвонни кўриб қолсак, ҳа ўлибди-да, деб кетамиз, лекин инсон зотининг кўча-кўйда ўлиб ётганини хаёлга келтирилмайди: унинг кийим-кечаги бор, оёғида этиги, соати ҳануз чиқиллаб турибди, у гўёки бошқа бир нарса учун мавжуддай, худди чидаб бўлмайдиган бир қоп гўштан ҳам бошқа нарса каби. Ҳатто бўйин атрофида қотиб қолган қонда ҳам недир хатолик бордай ва бу сенинг шундоққина олдинда турса, ҳаммаси нечоғли оддий эканига ҳам ишонгинг

келмайди. Осмон узилиб ерга тушмас, ер портлаб ҳам кетмагай, йўқ, ҳеч нарса содир бўлмайди. Икки соатгина аввал исми, хотираси бор бу таналар энди ахлат уюмига айланди-қолди. Фақатгина уларнинг сочлари шамолда тирикликдан дарак бергандай хилпиради...

Қўмондон уларни тўплаб, ўрага ташлашни буюради. Жангчилар ер чизиб бораётган ўликларни судраб кетишади, улардан фақат ана шу излар қолади. Кимдир айтганди: \*О инсон, оппоқ қор устида ҳимоясиз бўл!\* 75.

Исфаҳонда Регистон аталмиш мўъжизали майдоннинг орқасида бир неча боши берк кўча бор. Унда қадимги, лойдан қурилган уйлар орасидан учиб чиқадиган ғалати қарғалар сизга ҳамроқ бўлиб олиши умкин. Ёки тўсатдан олдингизда пайдо бўлган қоп-қора матога ўралган аёл сиздан ўзини яшириб ўтиб қолади. Ахлат уюми ёнида ўтирар экансиз, ўзингизнинг қанчалик кераксиз эканингизни англаб қоласиз: агарки бу дунёда ўзинг ўзингга юк экансан, яна кимга ҳам керак бўла олардинг? Бу каби ўлим шарпасини келтирадиган барча даҳшатлар бир қарашда кулгили туюлади, шу сабаб бирдан улар кутку соладигандай: гўёки ўша қора қарға сизни мудом таъкиб қилиб келган, қора кийимдаги аёл эса сизни ўлдириш учун юборилгандай. Ҳамма нарсани унутган ҳолда, кераксизлигинг боисидан бари кўрқув ва безовталиқни бир-бир таҳлил қилишга киришасан киши. 76.

Футболчилар ҳам турлича бўлишади-да. Гап тренернинг кўзини шамғалат қилиб, бирор шаҳар кўчасига сайрга чиқиш устида бормоқда. Бу Шерозми, Карман ва ё Исфаҳонми, фарқи йўқ. Улар ҳар гал бирор нарсани, масалан, гемморойларининг газак отиб кетаётгани ва ё шахсий гувоҳномаларининг машғулотдан қайтаётиб тушиб қолганини баҳона қилиб, мени ҳам бирга олиб кетишга одатланишганди. Гарчи бу ишларидан айтарли фойда чикмаса ҳам, барибир кўчага ошиқаверардилар. Ҳай майли. Пойабзал магазини яқинида шу ерлик икки бола ажнабийлигимизни сезиб, кимлигимиз, нимани излаётганимиз, ким бизни олб келгани тўғрисида саволга тута бошлади. Гап гапга қовушиб улар биздан АҚШ да бир шиша виски қанча туриши, кўчада енгилтак аёлларни топиш қанчалик осонлиги, наша ва марихуана ҳақида сўрашди. Бу одатий ҳол эди.

Ўткинчи йўловчилардан бири менга шубҳаланиб кулоқ тутди, мен форсча ва инглизча ўртасида сарсон эдим. Сўнг бу ўйинни тугатишга қарор қилдим. Лекин футболчилар ортга қайтишни исташмасди. Улар ён атрофда ҳаёт қизиётганини сезган ва биз Исфаҳоннинг бошқа дўконларини айланишга кетдик. Гаров ўйнашим мукмин, истаган футбол жамоасида албатта битта бўлса ҳам ҳаммани орқасидан диққатга сазовор жойлар, музей ёки китоб дўконларига бошлаб юрадиган интеллигент бўлади. Шунга ўхшаб бизда ҳам бир йигит бўлиб, у форсчани ўрганаётган ва Румийнинг китобини ахтариб юрарди. Шунинг учун китоб дўконини кўриши билан ўзини ичкарига урди, қолганлар тўдалашиб кўчада кутиб турдик. Лекин у узоқ вақт кўринмади ва яна икки киши бирин-кетин уни излаб дўконга кириб кетди, бироқ улар ҳам зим бўлди-қолди. Бу сафар ўзим хонага кирдим ва узоқроқдаги бурчакда китоб сотувчисига кўзим тушди, футболчилар унинг қаршисида туришарди. Сотувчи қўлини кўксига уриб ниманидир зўр бериб тушунтираётганди. Уларга яқинлашарканман, сотувчининг муқаддас сўзларни такрорлаётгани ва унинг маъносини инглизчада тушунтиришга уринаётганини эшитдим: Ла илаҳа иллаллоҳ – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. — Илоҳ йўқ, дерди у ва қўллари билан ишора қиларди, на қўлида, на жавондан олган китобнинг тагида, ҳеч қаерда, – фақат Аллоҳдан бошқа. У бошқа илоҳлар каби мавжуд эмас, бироқ у ягона Аллоқ каби мавжуддир...

Мен унинг ўз билгича тушунтираётганини сездим, лекин футболчилар бу каби номавжуд мавжудликдан ҳайрон қолиб туришарди. — Мен буларга урфон ўргатапман, деди у менинг форсча тушунишимни англаб. У қийшиқ юзли ва бадбашара ғалати бир йигит бўлиб, маънавити юксак кишилардай бир кечада мистик оқимни бизга ўргата олишини айтди. Очиги бундай хунук юзлиларга ишонгим келмайди, гарчи мистицизмнинг бу каби билафонларини биринчи марта кўриб турмаган бўлсам ҳам. Инсоф билан айтганда, баъзан уларнинг қоши кулоғи билан мослигининг фарқи йўқ деб ўйлайман, шунга қарамай, менинг эстетикам адолатимдан кучлироқдир.

Шундай қилиб у бизни ўша кеч бир жойга таклиф этди ва интеллигентимиз бу таклифга жон деб рози бўлди. Бу унинг шахсий таржимони сифатида менинг ҳам бирга боришимни билдирарди, бироқ ушбу иш тренернинг режаси ва умуман,



команда тартиб-итизомига қанчалик мос эди? Устунлик ҳамиша номувофиклик ҳақида бўладими, бу ҳаёт оқимидан орқада олиб кетиш деганими ё, худди ҳозир мен мавзудан адашиб кетганимга ўхшаб-а? 77. Йўқ. Бу чиндан ҳам ҳаётимдаги энг ажойиб тунлардан бири бўлди, десам адашмаган бўламан. Кечкурун тренерга ўзимизни ухлаш учун ётишга кетгандай кўрсатиб, унинг хуррак отишини кутиб ётдик, сўнгра қоровулга бизни тушунгани учун чойчақа бериб ҳалокат чиқишидан суқилиб ўтдик ва меҳмонхонанинг орқасида кўришиб, таксига ўтирдик. Ярим соатда манзилга етиб келдик. Ҳозир мен бу нарсаларнинг биронтасини ҳам қилмаган бўлардим, чунки булар Эронда қатъиян таъқиқлаб қўйилганди. Лекин очигини айтсам, ўша тун интеллигент футболчимизни деб эмас, балки ўзимнинг қизиққонлигим боис келдим у ерга. Билмадим, нега мистикага бу қадар қизиқар эканмиз, бироқ, мен ҳеч бир шубҳасиз бу муносабатларнинг асл муддаосини биламан. Биз китоб сотувчисининг уйига келдик, у бизни турли катта-кичик эшиклар, лойсувоқ уйлар ва деворлар орқали каттакон бир уйга етаклаб келди. У ерда йигирмадан зиёд киши ўтирган ҳолда Пайғамбарни шарафлаб наът ўқишарди. Йўлбошловчимиз бизни маъқулроқ жойга бошлади ва ёнига ўтиришимизни айтди. Футболчилар-ку доим шуғулланиб туришади, лекин менинг чордона қуриб ўтиришим жуда ноқулайлик туғдирдики. Бу ерда ҳеч ким бизга эътибор бергани йўқ, кимдир Румийдан ўқишни бошлади, қолганлар ундан завқ олиб, оҳиста тебраниб ўтиришди. Чорак соатлар чамаси ўтгач, орқа тарафимиздаги эшик очилиб, уларнинг Пири бир неча киши кузатувида ичкарига кириб келди. Ҳамма қатори биз ҳам ўрнимиздан турдик ва биздан ташқари, турганларнинг барчаси махсус мақтов гимнини кўйлай кетишди. Бир пайтнинг ўзида ҳар бир киши қаторлар орасидан ўтаётган Пирнинг кўлини ўпишга интиларди. Бир ғаройиб туйғу ичра Пирнинг бармоқлари бўғинларини қисган ҳолда очик кўлини ўпиш учун эгилган эдим, бу ҳаракатим шунақа беўхшов чиқдики, Пир менга ғалати қараб ўтиб кетди. Ўзимга ҳам жуда кулгили туюлган ушбу ҳолни ҳисобга олмаганда, қолгани анча кўнгилдагидек кечди, ҳеч ким бизни ажнабийга йўймади ва зикр ва тафаккур машқи бошлаб юборилди. Келинг, батафсилроқ айта қолай: Устоз қоронғи бурчакда биргина шам ёруғида Қуръондан оятлар ўқиди, қолган жамоат эса уни жўр бўлиб қайтарди. Кейин Пир ўқишини тезлаштирди ва биз ҳам баъзи оятлар, муқаддас сўзлар ва охирида ёлғиз Аллоҳнинг номини такрорлаб турдик. Худонинг 99 исмини зикр қилишни тугатгач, Устоз фақат \*Аллоҳ\* калимасини айтишни буюрди. Кейин у \*У\* деган маънони берувчи \*Ху\* сўзига ўтди ва биз чуқур-чуқур нафас олиб \*Ху-ху-ху\* дейишга киришдик. Сиз уни бошдан кечиришингиз керак. Тушунтириб беришга сўз ожизлик қилади. Фақат бир қиёс: болалигимизда бувим турфа байрамлар арафасида пудаб шиширилган шарларни сотувчи эди ва биз у шарларни пудаб бериб турардик. Агар бирданига йигирмата шарни пудалса, ўзингизни шундай ҳис қиласизки, худди ўша шарлар каби енгил ва бўм-бўш бўлиб қоласиз ва бирор киши шунчаки бармоғини тегизиб қўйса, осмону фалакка учиб кетгудай бўласиз. Ўша тун ҳам шундай кечинмани туйдик.

78. Мажлис ниҳоясида нима бўлганини биласизми? Биз уни намоз бошлангач тарк этдик, китоб сотувчимиз бизни ташқарига кузатиб чиқаркан, футболчимизнинг ғойиб бўлганини сездим. Сотувчи форсчада шундай деди: \*Хўтик думини ахтаргани чиқиб, икки қулоғини йўқотиб қайтди\*. У бизни тунги автобус бекатига ташлаб уйига қайтаркан, ирфон нури энди бизнинг ҳам ичимизга кирганига ишонтирди. Кўчадаги бошқа одамлар орасида жимгина турарканмиз, бурчакда автобус кўринди ва қайрилаётиб чироқ устунига урилиб кетди. Натижада электр симлари узилиб, ҳар томонга учкун отилди. Яқинроқда турган киши бошини чангаллаб бақира бошлади. Биз бекатдан узоқроққа қочишга уриндик. Кимдир: \*Ушланг уларни!\* дея бақирди ва икки кишининг қораси кўринди. Гарчи у ерда бўлмасликни афзал кўрсам ҳам, барибир энди воқеанинг гувоҳига айлангандим. Ўйлаганим тўғри чиқди. Бирдан худди ўша бурчакда фургон машина кўринди ва икки дақиқа аввал бекатда қичқирган одам икки полицияга қўшилди. Улар қочиб кетганларни эмас, балки бизни қўлга олишди ва машинага ўтиришга ишора қилишди. Мен ажнабий эканлигимиз, бўлиб ўтган воқеа билан ҳеч қандай алоқамиз йўқлиги, кечки ибодатдан келаётган футболчилар эканлигимизни исботлашга уриндим. Темирни қизиғита босишга уриниб, нафақат

полицияга, балки машинадаги жиноятчиларга ҳам мурожаат қила кетибман. Ҳарқалай, улар бизнинг жиноятчи эмаслигимизга кафил бўлишди. Улар бошларини қимирлатишди. Энди хурсанд бўлиб, ёнимизни оладиганлар ҳам бор экан-ку деб турганимда, жиноятчи деб ўйлаган кишиларимиз фуқаро кийимини ечишган эди, барчалари полиция экани аён бўлиб қолди. Уларнинг барчаси бошини қимирлатиб, баттар устимиздан хахолаб қулишди. Мен эса ўзимни тутиб туrolмасдан, худди кинофильмлардагидай: \*Адвокатим билан кўришишга рухсат беринглар!\* дея бақира бошладим. Полициячилар эса кулгидан аранг тийилиб туришарди. 79. Ўзининг тарихий рисоласида Ат-Тоҳарий шундай ёзганди:

*Ҳамма жойда ҳам одамлар асир бўлишининг аввал ўйланганидан кўра жиддийроқ ва хавфлироқ эканини тушуниб етишган. Ҳамманинг ичида кўрқув пайдо бўлди. Биргина ислом динининг билимдони бухоролик Шаҳзода Ниян-Сианг ҳамма нарса Аллоҳ қўлида эканини биларди. У устози ибн Қусамнинг сўзига қулоқ солиб, кундалик ибодати сонини ўн тўққизтага кўпайтирди. Унинг вафодорлигини нафақат Тўғлук тилмоч, балки тулки овчиси Тонгюқуқ ҳам айтиб ўтган. Шундан сўнг Ат-Тоҳарий мавзуни бутунлай ўзгартиради, лекин Зев келтириб ўтган рус роҳиб Ефрем Валаамов аввалги хатлардан бирида дейдики: Несториялик роҳиблар Турк ҳоқонлари саройида катта роль ўйнаган ва бу Кўк Турклари Салтанатининг инқирозида муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг меросхўрлари бўлмиш уйғурлар бу таъсир даражасини билишган, ҳақиқатда уларнинг давлати Несторияликлар давлати бўлиб қолди. Шу ўринда Шаҳзода Кул-Тегин вафотидан сўнг Билга Ҳоқон саройига келган арманистонлик роҳиб ҳақида эслатиб ўтмасам бўлмас. У марҳум Кул-Тегиннинг хотини назарида гоаят аҳамиятли киши эди (шу боис армия назарида ҳам), чунки кунларнинг бирида Кул-Тегин қайд қилиши учун унга ўсимликдан тайёрланган дори берган ва ҳаётини сақлаб қолганди. Кейинроқ Валаамов дўсти Тензиг роҳиб ҳақида яна бошқа бир парчани келтиради:*

*Бир гал у менга одатий мажлисларнинг бирида Булен билан баъзи диний масалаларборасида тортишиб қолган хитойлик генерал ва қурувчи ҳақида ўқиб берган. Мақбара қурувчи ўзининг нафақат жисмини, балки руҳни ҳам сақлаб қолганини исботлаган, шунга қарамай Булен аввало руҳни уни озод қилишдан ва кейин қайта мужассамлашдан сақалашини айтган. Шунда Генерал уларнинг сўзини бўлиб, Булендан ўз назариясини исбот қилиб беришини таклиф этган. Булен эса бу асосда ўлишдан бош тортган, бунга бир вақтнинг ўзида ҳам объект ва субъект бўлмаслигини сабаб қилиб кўрсатган, лекин агар Генерал озод бўлиш ва қайта кириш объекти бўлишига рози бўлганда, у назариясини исботлай олган бўларди. Генерал бу таклифни дарҳол қабул қиларкан, олдиндан бир неча шарт қўяди. Мени бунга боғланиб қолмаслигим учун Тензиг роҳиб бошқа ҳеч нарса демаган. Лекин Зевнинг ўзи бу нарсани шарҳлаб дейдики: «Бу менга католик руҳоний билан тортишган раввин тўғрисидаги аскияни эслатади. Раввин руҳонийдан улардаги энг олий мақомни сўраганда, руҳоний «Поп» дея жавоб беради. Раввин эса қулиб шундай дейди: «Лекин бизнинг ўғил сизларнинг Худойингиз бўлиб қолишда муваффақият қозонди». Генералнинг кайфиятини ҳис қила олсам ҳам Ефрем Роҳиб мактуби билан анекдот орасидаги боғлиқликни тушунмадим. Қуйида Фиона айтиб берган, лекин Лукка тегишли яна бир парча:*

*Сиз у ёки бу воқеанинг қандай ривожланишини ҳеч қачон билолмайсиз. Бир ният билан бошлаган ишингиз охир оқибат мутлақо тесқари натижа билан тугаши мумкин. Билга-Ҳоқон ўзининг машҳур ишини тафаккур қаймоғидан тотииш учун жанозага айтилган меҳмонлар билан бошлаганди. Лекин оқибатда бутун Салтанатни барбод қилди, ўғлидан айрилди, энг яқин маслаҳатчисини ўлдирди, никоҳини бекор қилди ва нопок ҳолатларда вафот этди. Тафаккур қаймоғи-чи, у нима бўлди? Алалхусус ким уни ниҳоясига етказди? Ё ҳаёти нурсиз зиндондаги қурт-қумурсқалар ичида ниҳоя топган Ёруғлик Шаҳзодаси Манихейми? Озод табиатнинг озод куйчиси бўлмиш Тардуш Инончи Чўрнинг мисолими? Унинг чексиз қўшиқлари аввал қозоғга, сўнгра тошга ўйиб ёзилганида ва энг ёмони — ўзига сўзма-сўз қайтирилганда — у икки кўзгу ўртасидаги йиртқич каби телбага айланиб қолганди... Бечора яралмиш... Буларнинг барчаси бир хил нарса хусусида*

эдими, йўқми, ана шуни билмасдим.

80. Қоронғи ертўлада ўтирарканман, ҳаётимнинг қайси қисмида турганимдан хабарим йўқ эди. Бу ҳозир содир бўляптими ё келажакдами? Бу гўёки турмушнинг вақтинчалик ҳолатидай эди. Гўё мен унга одатий ҳол сифатида қарашга кўникиб қолгандайман. Бу ердан қутулиб кетиш учун нима қилиш кералигини ўйламаяпман ҳам. Ўзини ботқоқликдан сочидан тортиб чиқарган Барон Мюнхаузен эмасман, вақтимни тартибга солаётганим-да йўқ. Шунчаки зим-зиё ертўлада ўтирибман холос. Ҳеч нарса рўй бермади, бермаяпти, бермайди ҳам. Мана шу менинг ҳаётим. Ҳеч ким менга ўзимчалик яқин эмас. Ўзимга бек, ўзимга хонман. Кучли, давомий, мангу, ҳар нарса бўлиб бораётирман. 81. Кундалик турмушда инсон ниманидир ўзгартиришга интилади: кичик ҳаёт кичик ўзгаришларни талаб этади, магар қарама-қарши нарса ростга айланса, бугун қотил ё ўлик бўлсангиз, ҳаётингизнинг қандай кечиши бутунлай олдиндан айтиб бўлмаганда, Худодан ўзингизни олис зерикарли кунларга қайтишини ўтиниб сўрай бошлайсиз. Сизга кулфат эмас, тинчлик керак. Ўтган кунларингизни соғиниб-соғиниб кетасиз. Ҳозир мен ҳаттоки Фонтенблода яшаган кунларимда қатнашишга кўникканим давраларни нақадар азиз бўлганини ҳис қилмоқдаман. Уч католик, бир жуфт мусулмон, бир яҳудий хоним, атеист негр қиз, буддист роҳиб, менга ўхшаган бир неча нотаниш кишилар — барчамиз яҳудий қизнинг ҳинд йигитига муҳаббати каби динлараро масалаларни муҳокама қилишга одатлангандик. Ромео ва Жульеттадан асло кам бўлмаган. Ота-оналар ўз болаларига қарши, ошиқлар эса ўз ота-оналарига, биз бўлсак ўртада чой билан бисквит еб ўз фикрини билдирувчи қози. Мен узр сўраганим ҳолда узумни турли миллат вакиллари: араб, турк, грек ва форсларнинг турлича номлагани хусусидаги Румий ҳикоятини айтиб бераман. Улар ҳикоятнинг мағзини чакқунларича, айтаманки, ҳар бир боғ турфа гулларга эга бўлсагина чиройлидир ва ундаги ҳар ким ўзини турфа гулларнинг бири деб ўйлагани ҳолда бахтиёрлик туяди. Ҳозир мен бор ҳақиқатни очяпман.

Бир кун Россия Президентлигига сайловдан қайтдим. У ерда ўзим каби Ғарбий турмушдан зериккан халқаро кузатувчиларга тилмочлик қилгандим. Ғалати аломат. Ўзингизни Россиядаги миллиардер ёки кўчадаги гадо сифатида тасаавур қилиб кўринг. Аҳамиятсизлар Президент бўлишади. Хонананинг бир бурчида \*алкоголик\*ка ўхшаб ётган Президентлар, пайғамбарликка даъвогар ёзувчилар, масхарабозлик кўрсатаётган пайғамбарлар, Облонский уйининг аралаш-қуралашлари, ароқ, икра... Ва бирдан ўлчаб кўйилган Ғарб ҳаётининг томчиси. Эсимда, русча турмуш чизиғида бўлганлар аввало ғарбликлар эди. Мехмонхонадаги исталган фоҳиша уларни ёввойига айлантира оларди. Улар таксиларга ўтириб Москва ташқарисидаги дала ҳовлиларга йўл олишганда турмушнинг янги бир мазасини туйишди. Мен уларнинг қутилмаган учрашувларида таржимонлик қилиш учун бордим. Бир рус таржимони менга ёрдам берди, у ярим татар бўлиб, кузатувчилар хонимлари билан саунага кириб кетишганда, у билан дала ҳовлининг айвонида жуда мазза қилдик. Ирма исмли бу ҳамкасб қиз ишқий саргузаштларда устаси фаранг бўлиб, ҳар бир қовушишдан кейин ювиниш хонасига борар, унда қўшиқ куйлар ва сув сачратиб яна бир бор ҳузурингизга келарди. Биринчи бор чўмилиш хонасида унга яқинлашганимда, \*Суяқларим остигача яйраб кетди\* – деди у. Сув менга мусобақадош бўлди. Москвадан қайтар эканман, ўша ғарбликларни кўриб, нега яна ғазаб отига миндим. Нечун йўкотилган кадр-қиммат ва Ғарбни бўралаб сўқдим? Бу балки улар фоҳишалар учун пул тўлашгани ва мен Ирмани бепул мазза қилганим учундир? 82. *Тонгюқуқ бир нарсани аниқ биларди: душман устидан галаба қилишнинг ягона йўли ёв йўлидан, у ишлатаётган қуролдан биринчи бўлиб фойдаланиши эди. Душмандан олдинроққа ўтиб кетиш керак. Бу аввал ҳам синалган, нега энди ҳозир ишончни оқламасин? \*Тонг текканлар\* ёки \*Тулки овчилари\* ҳозир аини ҳаракат пайти эканини тушуниш мақсадида Билга-Ҳоқон тузган тафаккур комедиясини етарлича кўришганди. У ҳалақит беришга қарор қилганди, бироқ жуда кечикди. Югураётган одам тезроқ югуришга интилиб, юзтубан йиқилади, қаттиқроқ бақиринишга кучанган киши томогини йиртади. Тафаккур ҳам шунга ўхшайди, – ўйлади Тонгюқуқ. Агар улар энг яқинлирига*

муҳаббатдан дарс беришса, севишга изн бер, лекин тез орада улар ўзини кўрарга кўзлари қолмаслигини англайсан. Улар қонга қон сўрашса, марҳаматингни дариг тутма ва яна ва яна талаб қилишларини кўр: нафақат кўз, балки қулоқ ва бурунни ҳам. Агар улар мангу бепарволикни тарғиб қилишса, ялангоч ва бепарво аёл билан қолдир, вассалом... Шу тариқа уларнинг қуролларини ўзларига қариши ишлат. *Энг аввал миясига Побека — қизи ва Билга-Ҳоқоннинг хотини келди. Қатъиятли ва интилувчан Побека нимани тўғри деб билса, шуни қила оларди. Бошқа оналар каби у ҳам ўгли Йўллуғни ўзидан ҳам ортиқ кўрар, Тонгюққунинг ўзи ҳам уни севарди. Побека занжирдаги чиқариб ташиланиши керак бўлган биринчи ҳалқа эди... Ён атрофдаги дашт — шу қип-қизил ва куйиб ётган замин сезилтримасдан қуриган майсани кўтарди, гўё у бунга розидай. Кўринмас тулки шундоққина ёнидан югуриб ўтди, қари Тонгюққунинг ҳидини сезди ва сийрак мўйловини силаб кулимсиради...*

83. Ҳаётга қизиқишим қолмади. Агар эртага умринг тугайди дейишса, иккиланиб ўтирмасдим. Ҳа, олам аро айланиб юришимни тугатдим. Менга нима бўлган бўлса ҳам, ҳеч нарсам ўзгармади; қалбим, кайфим, туйғум қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Бу кунба-кун сақланиш, юриш ва тирмашишдан, узрхоҳ бўлишдан осонроқ. Шундай бўлақолсин! Ҳа, агар барча буюк туйғуларимизни бир қўшиқнинг сатрларига жо қилиш имкони бор экан, нафсимиз билан ишқий муносабатларга киришишдан на фойда? Тўхтанг! Эй, кимда-ким мени ўлдирмоқчи бўлса, қани, келсин! Мен тайёрман! Жимлик Менга исм беринг! Шу хайқириқ деб Деразалар чил-чил, синди эшиклар... Очик осмон остида битта Жанозадан қолган оина. Бу оина фақат бир лаҳза Ғамни ўз аксига яширди ёки Кимнингдир саволин садоси: Эй, исмсиз, ким бақирди менга? 84.

85. Айни пайтдаги кайфиятим сабабли бир муддат ёзганим йўқ. Яна бир бор, ҳа яна бир қайта бунга нега ёзганимни ўйлаётгандим. Одатдагидай мияга ҳар хил нарсалар келади, лекин тузукроқ нарсага учрамайсан. Шу тариқа ҳозирнинг ўзида тугатиб қўяқоласан. Айниқса, менинг ҳолатим каби жисмонан ҳеч қаерда бўлмаган онларда шундай бўлади. Давом эттиришим кераклиги ва охирига етказишим лозимлигини ҳисобга олмаганда, ҳозир ҳеч қандай бошқа сабаб кўрмайман. Баъзан бунинг нечоғли қийин иш эканини ҳис қиламан: \*А\* дедингми, \*Б\* ҳам дейишинг керак, лекин сўнгги \*Х\* га етгунга қадар тўхтатиб қўёлмайсан. Бир гап тугамасидан бурун бошқаси эргашиб туради ва гапни охирига етказишга мажбур бўласан, шу тариқа ҳикоянинг асирга айланаман. Қолаверса, ҳар томонга отиб юборганим тошларни тўплайдиган ҳам ўзимман-ку. 86. Сиз балки ишонмасиз, лекин Ли, менинг иккинчи қисмим бўлган Ли ҳам уларнинг бири бўлиб чиқди! Шунча пайтдан бери мен жосусманми-йўқми, шуни билиш учун ўзини асир қилиб кўрсатган ва мендақа яшаган экан. Нақадар жиннилик ва сотқинлик! Қандай телбавор сотқинлик ва сотқинона телбалик! Ё нотўғри тушунганим бирор нарса борми? Чунки кеча тунда кўмондон уни уйғотиб, бошқа хонага олиб чиққани ва мени нимадир қилиш ҳақида муҳокама қилишганини сезиб қолдим. Ўрнимдан секин туриб, бир неча бор ўз исмимни ва Ленинг инглизча бир нималар деганини эшитдим. Кейин Ли ёнимга қайтиб келди, бироқ сира ухлагим келмади. Тонгга қадар шеригимнинг шунчалик айёрлик қилиб юрганини ўйладим ва эрталаб турибоқ унинг юзига тупураман дея режа туздим. Афсуски, эрталаб қотиб ухлаб қолибман, улар мени уйғотишганда, Ли ғойиб бўлганди...

87. Ҳозир унинг менга айтган ҳар бир сўзи, талаффузи, овозидаги ўзгаришни, нигоҳи ва кайфиятини эслашга ҳаракат қилиман. Охиргиси биринчи келади, дейдилар. Мана унинг исёнкор бадахшонликларнинг ертўласида асир бўлиб ўтирганимизда французчада айтиб берган сўнгги ҳикояси ёдимга келди: \*Эслайсанми, бир гал сенга Лукнинг асир тушишига сабаб бўлган қўлёзма ҳақида айтиб берувдим? Аслида бу сенинг Зевинг Шиангнинг акасидан излатган қўлёманинг ўзгинасидир. Ундаги ғайритабиий ҳикояни билишни истайсанми? Ё кўпроқ бу ҳикоя атрофидаги ҳолатга қизиқасанми?\* Гарчи Лига ҳар иккиси ҳам мен учун қизиқ деган бўлсам ҳам, у қуйидагини айтиб берган эди: \*Сен Ичи Лянг деб айтадиган киши аслида битта одам эмас, қўлёзмага кўра, бу исмининг ортида икки киши

яширинган: Чян Куй ва Лю Сян. Улар эгизак эдилар, бироқ Ичи Лянг Билга-Ҳоқоннинг ўгли Йўллуғга яқин бўлгунига қадар ҳеч ким буни билмаган эди. Чян Куй унга ҳарб санъатини ўргатган ва кунларнинг бирида Турк Шаҳзодасини ўтовига таклиф қилган. У ерда ҳеч бир шубҳа тугдирмаган ҳолда унинг эгизаги пайдо бўлади. Гарчи Шаҳзода Йўллуғ сирни очмасликка қасам ичгна бўлса ҳам, тез орада унинг онаси Побека бундан воқиф бўлиб қолади. Ўша пайт унинг отаси Доно Тонгюқуқ барча асирларга, энг аввало, абадий душмани вакили, келажакда Даит Ҳукмдори бўлмиш набирасини ҳарб санъатига ўқитаётган Ичи Лянгга қарши яширин кураш бошлаганди. Бир гал Тонгюқуқ тафаккурга чўмиб ўтирган маҳал унинг олдига онаси билан бирга набираси келади. \*Афсонавий ўтмишидан сўзлаб беринг\*, – дея сўрайди Шаҳзода Йўллуғ. Кекса Тонгюқуқ унга туркларнинг келиб чиқиши, Шаҳзоданинг тўнғич ўгли ургочи бўридан туғилишидан бошлаб то Йўллуқнинг тоғаси Кул-Тегин вафотигача бўлган даврдаги барча билганини сўзлаб беради. Даит руҳлари уйғонган ва уларнинг ҳаракати увлаётган шоқоллар ва пишқираётган отларда акс этган гўё. \*Биз Она Бўрининг авлодларимиз\* – деди Тонгюқуқ. Биз ҳеч қачон ўзимизни йўлбарс ролини ўйнаётган мугомбир ва айёр тулкидай тутмаслигимиз керак. Эртагимни эшит: бўрилар галасида бошиқаларидан кучлироқ бўлган бир бўри бор экан, у ҳатто гала бошлиги — қари ота-онасидан ҳам кучли экан. Шу яқин атрофда унга душман бўлган бир тулки бор экан ва бир кунмас бир кун бояги ёш бўри якка ов қилаётганда учратаман-ку, гарчи йўлбарс тўқайнинг хўжайини бўлса ҳам, бунда даитдагидан қўйруқ кўп ахир, деб юраркан. Бироқ, – дебди тулки, – у менинг дўстим, яхшиси уни йўлбарс билан таништириб қўяй ва у ҳам хотиржам ов қилаверади у ерда. Кейинги сафар айёр тулки бўрини даит чеккасида қолдириб, ўзи тўқайга кириб кетибди ва бошқа бир тулкини учратибди. Лекин у ердаги тулкиларнинг бари йўлбарсга ўхшаркан. Шундай қилиб, тулки қайтиб чиқиб, ҳамма нарса ҳал қилингани ва бўрининг ов қилиши мумкинлигини айтади. Содда бўри тўқайга ов қилгани киради, лекин тез орада йўлбарслар оиласининг ўлжасига айланади. Гарчи бўри кучли ва жасур бўлса-да, кучлар нисбати тенг эмасди ва йўлбарслар уни нимта-нимта қилиб ташлайди. Гўшитини эса тулкилар еб кетади. Қани айт-чи, бўрининг асосий хатоси нимада эди? – сўради Тонгюқуқ набирасидан ва боланинг тараддудланиб қолганини кўриб, ўзи жавоб беради. Гарчи кечириб бўлмайдиган бўлса ҳам, тулкининг сўзига лаққа тушгани ҳам, галасини ташлаб келгани ҳам асосий хато эмас. Унинг асосий хатоси уни бўри қилиб турган Даитни ташлаб кетгани эди, шундай қилмаганда, йўлбарсларнинг чангалига тушмаган бўлмаган бўларди... 88.

Ли нега кўлёманинг бу қисмини айнан ўша маҳал айтиб берганикин? Бу қандайдир мақсадга қаратилганмиди ё у шунчаки узундан-узок асирликдаги соатларни қискартириш учун шундай қилганми? Бу унинг охирги ишига қанчалик мос тушади? У бўриларнинг менга ўхшаб соддалигидан кулаётган тулкиларнинг бирига ўхшамаётими? Ё у ҳикояни бошқа бир сабаб билан айтдимикин? Агар шундай бўлса, қанақа сабаб эди у? Биз ҳамини мана шунақа саволлар билан ўзимизни қийнашимизни сезяпсизми? Нечун дунёда ўзимизга содир бўлган ёки содир бўлаётган нарсаларга мурожаат қиламиз? Қайси нафс буни мумкин ёки маъқул қилиб кўяди? Ўша кўлёмадан Ли бошқа ҳикоя ҳам сўйлаб берганди:

Билга-Ҳоқон галати бир кайфиятда эди. Аввал ҳеч бундай шубҳали кўринмаганди. У шу қадар хаёлга берилгандики: дунёнинг бутун ақлу заковатини аниқлаш учун жамики Муқаддас Китоблар таржима қилиниб, юзлаб бугу терисидан тайёрланган саҳифалар унинг ҳузурига келтирилганди. Баъзан тилмочлар тилмочи, дунёдаги барча тилларни яхши биладиган оқ бошли Ярил улардан парчалар ўқиб берар, Билга-Ҳоқон буни аранг тушунар, лекин улардаги ноаниқлик ақлу заковатнинг исботи каби эди. Билга ҳеч қачон Яридан уларнинг барчасини ўқиб беришни сўрамасди, чунки у бошқа юмуш — парчаларнинг барини энг катта тошга ўйиб ёзишни амалга ошириш учун сақлаб турилганди. Бундай тошнинг абадул абад Билга-Ҳоқон номи билан ўрнатилиши ҳақидаги гоя унинг юрагини қизитарди. Иккинчи томондан эса ақлу заковатни таржима қилган кишиларни кузатаркан, Билга улардаги номукамалликка эътибор қаратарди. Биргина Қитан ва Татабудан келган Удар Сенгунни олайлик. Бу несториалик генерал армани роҳибни марҳумнинг хотини Кўрк

хотин кўмагида келтириб катта муваффақият қозонганди. Кул-Тегин аввал ундан Муқаддас Китобни таржима қилишда фойдаланган, кейин эса беғуноҳ бева хотинни зўрлашда айблаган. Шундай қилиб Билга арманини қатл этиши керак эди. Армани қачонлардир қутқариб қолган Кўрк хотин ўша кўрқинчли воқеани лаънатлаб юрди. Удар, Билга-Ҳоқон ва генерал буни унинг ҳақлиги ва беванинг жиноятини исботлаш учун фойдаланишга уринишди. Қолаверса, уларнинг Муқаддас Китобида шундай дейилган: «Ёнингиздаги кишиларни севинг...» Ё Парсдан келган зардушт руҳоний Фармуздни олинг. Унинг черков қўшиқларига бир қулоқ тутинг-а: «Қуёш осмонга кўтарилган замон Ерга раҳмат ёғилади ва ундаги оқаятган, бир жойда турган ва денгиз сувларига-да раҳмат ёғилгай. Муқаддас Руҳнинг барча яратилганлари ёрлақаланмиш. Магар Қуёш кўкка кўтарилмаса, шайтонлар Ерда бузғунчилик қила бошлайди ва самовий ҳеч нарса тирик қолмас. Мен баланд овозда дуо қилиб Қуёшга ибодат қиламан, ҳа, ўлмас ва абадий Қуёшга сажда қиламан, фикру хаёлим, ишу аъмолим ва тўғри сўзим билан илтижо қиламан. Мен Қуёшга ибодат қиламан!» Билга-Ҳоқон юрагининг туб-тубига ҳис этадиган бундай сўзларни айтар экан, қуёшга ибодат қилишга руҳсат берилган тонларнинг бирида у тилмочни чалғитиб, унинг отини ўғирлаган ва қочишга уринган, лекин Билганинг абжир йигитларидан бири уни тутиб, ортига қайтарганди. Билга-Ҳоқон бу иши учун уни жазоламаган, бироқ Қуёшга ибодат қилишига чек қўйганди. Хўш, ҳозир у қоронги бошпанада Ахура-Мазданинг қизи илоҳий Ашига ибодат қилаётиб қандай пинҳоний нарса тайёрлаётган экан? Ашининг мана бундай сўзлари бор: «Учқур отли турклар мени таъқиб қилганда, ўзимни кучли ҳўкиз туёқлари остига яширдим; лекин у ердан ёш йигитлар ва эр кўрмаган қизлар мени топиб олишди. Яна бир бор учқур отли турклар таъқибига учрадим ва ўзимни қўйнинг бўйни остига яширдим. Бу сафар ҳам ёш йигитлар ва эр кўрмаган қизлар мени топиб олишди. Яна мени учқур отли турклар таъқиб этишди. Аввал бошда Аши дув-дув ёш тўкиб бир боласиз урғочига зорланди: «Унга яқинлашма, у билан бирга ётма; лекин мен улар билан нима қилишим керак? Осмонга учмогим даркорми ва ё ерга қайтмогим?» Кейин Аши дув-дув ёш тўкиб ўз боласини эрига келтириб берган бошқа бирдан ҳомиладор урғочига шикоят қилди: «Улар билан нима қилмогим керак: осмонга учайми ва ё ерга қайтайми?» Сўнгида илоҳий Аши ёшини оқизиб зорланди: «Бокира қизларни олиб кетиб, уларни боласиз аёлдай қайтариб келадиганлар мудҳиш жиноятга қўл урадилар. Улар билан нима ҳам қилардим? Осмонгами учай ё ерга тушайми?»

89. Ҳа, эронликларнинг ҳибсидан дарҳол қутулиб чиқдим. Гарчи мендаги кўркув ҳақиқатдагидан кўра кучлироқ бўлса ҳам, воқеанинг нима билан тугагини ҳеч қачон билиб бўлмас экан. Инсон ҳаёти шу қадар ўзгарувчан, шу қадар кимнингдир кайфияти, маълумоти ва ё бошқа нарсаларга боғлиқ эканки, лекин фақатгина таназул онларида кайфият ё ғафлатдан кучлироқ бўлган ҳақиқат мавжудлигини англай бошлайсиз. Шундан кейин имконият деб аталувчи нарсаларнинг бари саробга айланади. Айни пайтда мен ўтган кунларимни сарҳисоб қиларканман, қанчалик ҳақ эканимни ўрганияпман. Ҳаётим ва йўлим қанчалик тўғри кечди. Эрон Инқилобининг мени ўлдириб юборишга қодир ёки чиркин зиндонга ташлаши мумкин қуюқ соқолли кўриқчиси борлигидан хабарим бормиди? Ўйлаганим шу эди: «Ҳаммаси тугади, у ҳар нарсани билади! Аслида у (балки У) мени қотиллик билан кўрқитган ва ҳозир Исроилга сафаримдан сўнг бундан ҳам ёмони бошланади». Лекин биринчисидан каттароқ бошқа бир кўриқчи борлигини ўйламаган эканман. Вазифам унга ундан ҳам йирикроғи борлигини унутишига йўл қўймасликдан иборат. Аслида мен буни беҳосдан билиб қолдим. Чунки кичик ва ҳал қилувчи кўриқчи мени нима қилиш ҳақида бир қарорга келмасдан бурун ҳужжатларимни титкилаётганда Оятуллоҳ Ҳомайнийнинг сурати паспортим ичидан тушиб кетди. Шу кичик сурат сўроқчимнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборганини сездим. Бу ўринда менинг ушлаб турилишим кейинги кунни — Президент учун эмас, унинг келгуси ҳукмронлиги учун — барбод қилиши мумкинлигини айтиб ўтиш етарли бўлди. Бир мақол бор: Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди, деган. Шунга ўхшаб, кичик кўриқчи ўқрайиб туриб менга бақирди, бироқ у телефон орқали кўмондонини топишга тушди. Шундан кейингина Катта Тренерим ишга

аралашди... 90. Нега буни худди муҳим нарсадай сизга айтяпман? Нега тартибсиз тилмочлик ҳаётимнинг аҳамиятини аниқлашга уринмоқдаман? Агар ўша маънисиз кунлардан қанчалик уялганимни билсангиз эди. Бир кун бу ёқда, бир кун у ёқда, фақат берилган вақтни замонавий ҳаёт деб аталувчи юзакиликка сарфлаш. Ботаётган қуёш ортидаги сояни таъқиб қилиш. Буларнинг бари нима ҳақида? Воситачи сифатида хизмат қилганим ҳамма тадқиқотчи, продюсер, руҳоний, қўшиқчи, футболчи, ҳарбий полициячи, топ-модель, барча юлдузлару замонавий жамият қаймоғи бошқа дунё билан кўприк ўрнатиш мақсадида эдимиз? Ёки бу каби ўйлашим билан уларнинг эмас, менинг ҳаётим ғайритабиий тус олди дея қибрга берилдимми? Яъни бу бошқаларникига ўхшамайдиган, ўша бошқалар бўлишадиган айқаш-уйқашликми? Бир нарса аниқ: рўй берган барча нарса ҳақиқат, яғона, ёлғиз, яққа ҳақиқат. Балки мен ақллироқ бўлишим ва юлдузлар ва ишқибозларнинг эмас, ўтмиш ва келажакнинг икки тегирмон тоши орасида янчилаётган шу ғаройиб саробдан воз кечмоғим керакдир?

91. Яна зардуштийларнинг қўшиқлари ҳақида. Москвадаги саргузаштим бўлган Ирма эри тўғрисида бир ҳикоя айтиб берди. (Бошида уни Фионага ўхшатдим, бошқа барча рус хонимларига ўхшаб, яқинликдан кейин у ҳам эри ҳақида гапирди). Улар Москвадан анча узоқда жойлашган қишлоқда яшашга одатланишган экан, лекин икковлари ҳам Шўролар пойтахтида ишлашган. Одатда ярим соат автобусда, сўнгра Қозон станциясига қадар поездда ва охири метрога тушишаркан. Бир гал Ирманинг қандайдир иши чиқиб қолиб шаҳарда қолишига тўғри келади ва қишлоқда ширакайф бўлиб ўтирган эрига сим қоқади. \*Эшит, – дейди у эрига, – Эртага Большойга кундузги томошага тушмоқчимиз, соат ўнда у ерда бўлишинг керак, отлар турган устун тагида. Қаерлигини уқдингми?\* \*- Албатта! Большойни ким билмайди? Қизил Майдон яқинида-ку!\* \*Бўпти, ухлаб қолма!\* Унинг эри ўша захоти ухлашга ётади ва радиони ўчирмай қолдиради. Шўролар гимни янги кунни эълон қилган пайтда ирғиб ўрнидан туради, чиройли кийиниб, автобус бекатига чопади. Кўча негадир қоронғи эди. \*Кеча жуда кўп ичворибман\*, – тушунтиради у ўзига ўзи ва қишлоқ четидаги бекат томон тез-тез қадам ташлаб кетади. У ерга етиб келса, автобус йўқ эмиш. Бир соат кутса ҳамки ҳеч нарсанинг дараги бўлмабди. \*Бугун байрамми?\* – ўйлайди у, – лекин нимага қўнғироқлар чалинмаяпти? Яна ярим соат кутгач, бир маст ўткинчига кўзи тушади. \*Оғайни, нега автобус йўқ?\* – сўрайди у. \*Жинни-пиннимасмисан, ярим тунда қанақа автобус сенга?\* У қайтиб соатига қарайди. Соат тунги икки. Бувисини уйғотади: \*Қаранг, нимага гимн айтишди?\* \*Тентак бола-я, – дейди у, – соат тунги ўн иккида фақат сўзсиз чолғу чалинади, эрталабки олтида эса гимнни қўшиқ қилиб айтишади. Буларнинг фарқи бор!\*

\* Шундай қилиб, соат олтида Шўролар гимни айтилгач, эр яна автобус бекатига боради. Соат ўнда у каттакон устун тагида турар, лекин Ирмадан дарак йўқмиш. У бирдан атрофга қараб томошага келмаётган фақат Ирма эканлигини ўйлабди ва текшириб кўриш учун устуннинг юқорисига қарабди. Не кўз билан кўрсинки, мрамор отлардан нишон йўқ эмиш. У чиндан ҳам кўрқиб кетибди: жин урсин қаердайди ахир улар? У бошқа бир маст йўловчидан отлар қаерда деб сўрабди. \*Жинни-пиннимасмисан, Манежнинг устида отлар нима қилсин? Улар Қизил Майдоннинг худди шунақа нариги томонидаги Большойнинг устида!\*

92. Эронда эканман, гуруҳимиз охириги ўйинга тайёргарлик кўргунича ҳамма нарсани унутишга ва диққатга сазовор жойларни томоша қилишга қарор қилдим. Шероз автобус бекатида келиб-кетиш вақти кўрсатилган жадвалдан узоқлашаётганимда бир такси ҳайдовчи олдимга келиб, истаган еримга олиб бориб қўйишини таклиф қилди. У деди, бу деди, қисқаси, мен уни эмас, у мени ёллади. Шу аснода унга 100 минг риёл, яъни тахминан 30 доллар пулга келишдик ва у мени шаҳар бўйлаб олиб юрадиган бўлди. Чиндан ҳам такси ҳайдовчи ҳамма ёқни кўрсатди. Биз кунни биргаликда ўтказдик, ҳатто саёҳатимиз сўнггида у мени уйига таклиф қилди. Унда аёли билан қизлари исломий қонун-қоидаларга мутлақо қарши бўлган савооларни устимга ёғдиришди. Бу футболчилар, менинг сайру саёҳатим ва ҳаётимга оид савоолар эди асосан. Бир сўз билан айтганда, биз ака-укадай бўлиб қолдик гўё. Ахири ҳайдовчи қайтиб ўша Шероз бекатига мени элтиб қўяркан, келишганимиз 100 минг риёлни чиқариб унга узатдим. Лекин у пулни олмади, бундан буён унга қариндош эканим ва

бирор кун азиз меҳмоним бўлишдан боши осмонга етишини айтди. Мен ҳам худди унга ўхшаб куюқ меҳмондорчилик қилишга сўз бериб, пулни олишини ўтиндим. Бироқ у яна рад этди. Мен қайта қистагандим, у бирдан «Яхши, – деди, – модомики мажбурлаётган эансиз, у ҳолда менга 110 минг риёл беришингиз керак, чунки ташриф буюрганингиз ҳамма музейларга ҳам билетни ўзим сотиб олиб бердим...» 93. Бир сафар Фионанинг Тоғли олтойлик жияни замонавий саккиз яшар турк ўғли билан уни кўргани Индианага келишди. Болакай кеча-ю кундуз телевизор кўришдан чарчамасди. Онаси унга рухсат бермайдиган биргина нарса – ишқий сахналарни кўрмаслиги керак эди. Бир гал онаси қараса, қўли билан бир кўзини беркитган ҳолда у ҳалиям телевизор кўриб ўтирган экан. \*Нимага ҳалиям бу ердасан?\*, – тутоқибди она. Бола эса шундай жавоб қилибди: \*Мен фақат эркакка қараяпман\* 94.

Кибру ҳаводан йироқ бўлган ҳолда, бу кулгили ҳикояларни кўплаб янги ҳислар топиш учун эсладим. Бу қандай туйғулар эканини кейинроқ айтиб бераман. Лекин ҳозир Лининг менга бўлган муносабатини ва ўзимнинг унга муносабатим замирида қандай маъно ётганини чақишга ҳаракат қилмоқдаман. Бир куни метеорологик бошпанамизда у асирдошларининг биридан эшитган ҳикояни сўзлаб берганди. Ўша маҳал бу ҳикояга у қадар эътибор бермаган эканман, бироқ энди ундаги ҳар бир тафсилотни икир-чикиригача эшлашга уриняпман, чунки бу кўп нарсани тушунишга ёрдам беради. Ҳикоя жангариларимиздан бир нечаси жалб қилинган портлаш хусусида эди. Ҳозир англадимки, бу мен Урумчи ва Лукни ташлаб қочганимда содир бўлган портлаш экан. \*Портлашлар маҳаллий террорчи кучларга тўнкалган ва ҳукумат улардан исталган норозиликни барбод қилишда фойдаланган. Жангарилар устидан катта суд бўлиб, уларнинг бари жиноятни бўйинга олишганди, шунга қарамай, кўплари ўлимга маҳкум этилган. Қизиғи шундаки, бир кишидан ташқари, маҳкумларнинг бирортаси портлаш жойида бўлмаган. Ҳақиқий жиноятчилар эса қочиб кетишга улгурган. Ундан-да қизиғи: ўша ҳаракатнинг етакчиларидан бири портлашдан уч ой аввал қўлга олинган. У хавфсизлик хизматида иккига ажралган экстремист гуруҳ борлиги, улар ташвиш туғдириш мумкинлиги ҳақида гапириб, у гуруҳнинг бошлиғи исмини айтиб берган. Алалхусус, портлашларга унинг ўзини айбдор деб топишган. Ўша йигит турмада ўзини ўзи ўлдирди. Шундан сўнг Ли бу етакчи жуда илмли экани ва ундан кўплаб янги нарсаларни ўрганганини айтади. Охир оқибат улар ҳарбий асирлар лагерида маълум бир қўлёмани бирга ўқишади. Ли яна кўшимча қилдики, бирор кимнинг яхши нияти уларни тўғридан-тўғри дўзахга элтиши мумкин эди. Унутилган ўлим даҳшати дарҳол бошимда қанот қоқа бошлади, лекин айна пайтда кўпроқ Ли ҳақида ўйлаяпман. Агар ўша портлашларни ҳукумат ташвиқ қилган ёки режалаштирган бўлса, Ли бу хусусда қаердан билиши мумкин? Ва агар у буни ва менинг ҳаётимни яхши билса, у давлатга ишлаётган бўлиб чиқадими? Лекин бир сония тўхтаг – йигирма дақиқа бурун уни жангари дея мени кузатиб юрганидан шубҳаландим. Ким ўзи у? Ҳозир қаерда юрибди? 95.

*Салтанат хавф остида қолганди. Тонгюқуқ буни даиштдаги ноякдиллик исидан сезди, шунга қарамай Билга-Ҳоқон умумжаҳон ақлу заковат дафтари устида гурурланиб ўтирарди. Бошинг ақлсиз бўлгани ҳолда дунё заковатининг маънисини не бўлди? Бу заковатни келтирган кишилар асал берувчи найзали асаларига ўхшашади. Иккиюзламачи хитойлик жосус ва шу томонда даиштнинг келгуси ҳукмдори. Тибетлик Булен расмий дини Ламаизмниунутиб юборди ва норасмий Бон динини ўқитиб юрди. Удар-Сенгун Кул-Тегин бевасининг севгилисига айланди; тамғачи Макрач ва Ўн-ўқ қабиласидан келган Ўғуз-билга янги шарҳларини шаҳвониятнинг объекти сифатида ишлатишади... Ва бу бузуклик чўзилгандан чўзилаверади. Жанубда, Хитой ҳукмдори уйғур қабиласи бошлиғи Шансуни қувгин қилади. Уйғурлар ҳозир хитойликлар ва Кўк Туркларни зулмидан безор. Шансунинг ўғли Ҳошу галаён кўтариб, Хитой-Отукен карвон йўлини тўсиб қўяди. Шарқда Қитан Катуган бошлиғи Хитой элчисини ўлдириб, унинг бошқа генералларини туркларга юборади. Лекин турклар ўралашиб ўтирмайди ва хитойлик юборган жосус Катуган ва унинг оиласини калласидан жудо этади. Қитанлар гарчи сотқинни чопиб ташлаган ва яна*



бир бор кўк туркларга мурожаат қилган бўлса-да, Билга-Ҳоқон айни пайтда Салтанатдан айрилиб қолишга алоқадор ўзининг мангу ишлари билан банд эди... Тонгюқуқ алақачон Ҳукмдорга таъсир қилишга уринган, хавфни кенгайтиришга кўмаклашган ва буни Ҳукмдорга кўрсатгани ҳолда Билга-Ҳоқонни ўглидан айирган, шунга қарамай Тонгюқуқнинг қизи хануз ишининг боришига таъсир кўрсатиб турарди. Ҳоқон бекордан-бекорга Макон устидан галаба қилгани каби Вақтни ҳам енгаман деб уриниб юрибди. Доно тулки овчиси келажакка бориши керакми ва яна ўзи келажак ҳақида қайғурсинми? Наҳот Тангри самовий жавобгарликни унинг чўкиб бораётган серсуяк елкасига юклаётган бўлса? 96. Баъзи ўринларда Кўк Турклари тарихи хусусида жуда кўп кишилар тадқиқот олиб борганини англайман: Радлов ва Малов, Клаусон ва Чаваннес, Банг ва Ота Малик Жувоний, Бичурин ва Гумилев, Гроусет ва Пелиот, Лиу Мау-тасаи ва Жульен. Фақат номлар, номлар, номлар. Баъзи нуқталарда мен улар ҳаёти билан қизиқдим ва аввал Лук ва Зев, Валаамов ва Тензиг, Ат-Тоҳарий ва исмсиз дарвиш каби уларнинг ҳаётига шўнғиб кетишим мумкинлигини англадим. Иккинчи томондан ўзим ҳам уларнинг бирига айландим ва ҳаётим ўрганишга арзигулик мисол бўлиб қолди. Иш шунини тақозо этди. Бу қачон содир бўлганини сезмаган эсам-да, лекин ҳозир уни аниқ биламан. Шунинг учун юқорида келтирганим тасодифий ажнабийлар (ишончим комилки, уларни эслай олмайсиз) орасидан ўзим томонга янги йўл қуриб олдим. Кимман ўзи? Ўша йўловчилар, ажнабийлар ва қаҳрамонларнинг шунчаки соясими, ёки арзийдиган сифатли нарсами ва ё озод устихонлик кимдир бировми? Ёхуд ҳақиқат замонавийлик учун турган мана шу кўпчилик ўртасидами? Ёхуд ҳатто ҳеч бир ерда: мен уни уларнинг орасидан топишга уринарканман, шу ишни қилаётганимни унутаман, бироқ буни билсам, улар орасидан ахтараётганимга эътибор бермайман...

97. Албатта Тулки Овчиси тулкилар ўзини алдаида деярли муваффақиятга эришганини яхши биларди. Салтанат қулаб борар, лекин буни ҳали ҳеч ким билмасди. Қанақа давлат бу? Бу – ирода, узундан-узоқ ирода. Бутун даишт каби чўзилган ирода. Заковат ва куч-қудратни келтирган ирода. Кекса Тонгюқуқ доно эди, бироқ кучли эмасди у қадар. Кул-Тегин ўлганди. Бўрилар кучсиз бўлса, тулкилар, шоқоллар ва қаргалар ҳукмронликка ўтади. Сарик тулкилар ҳам уларни чув туширди. Лекин даиштда ов қилишининг жуда қадимги йўли бор: чавандозлар тулкиларни уфқ чегарасигача тўхтамай қувиб боришади ва бирдан улар ўнг тарафдан келиб, яна уларни уфқнинг бошқа чегарасигача қувишади. Сўнгра чавандозлар яна бошдан ўнг тарафдан келишади ва тулкиларни қайта-қайта уфқнинг учинчи чегарасига қадар қувишади. Бу бир фитнадир. Лекин охири чавандозлар катта эгри чизиқ тортиб тулки билан юзма-юз келишади. Тулки эса чап бериш ўрнига ерга қулаб ўлади. Улар даишт зоясига тоқат қилолмайди. Буни Буюк Қайтарув деб аталади. Доно ва Кекса Тонгюқуқ ана шу Буюк Қайтарувга тайёр турарди. 98. Бу йилги қиш меннинг узун ўйларимдан ҳам чўзилиб кетди. Бу тоғли ўлкага баҳор келишига ҳам шубҳаланиб қолдим. Ҳозир ўша кар-соқов аёл билан яшайпман. Баъзан уни бўм-бўш пулемётим билан кўрқитиб кўяман. Мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Тавба, дунёнинг ярмини кезиб чиққан, ер юзидаги энг гўзал жойларни кўрган мендай бир киши кимсасиз ва лаънати қишлоғидан нари чиқмаган қари жодугар ёхуд бокира аёл олдида ўлаётган бўлсам, шу тобда ўлим олдида қай биримиз бойроқ ва бечора ҳол эканмиз? Бир сўфий шоир ёзганидек:

Руҳоний илми-ла фаҳр этар, камбағаллар кўтарар исён, Жазо куни кимнинг тоши оғир келар, ким ҳам биларди? Қишлоққа жангарилар хужум қилганда, у аёл уйининг тош девори вайронага айланганди. Ҳар куни у тош териб келиб, битта-битталаб деворини тиклайди. Узун ҳаётнинг икир-чикирлари... Балки мен учун ҳам дунёнинг ярмига отиб юборилган тошларимни териш фурсати етгандир? 99. Билга-Ҳоқон газаб отига минганди. Лаънати ақлдан озган қари чол нима қилиб ўтирибди? Тўғри, у Салтанатни оёққа турғизишда катта фойда берган, бироқ энди унинг ақли бошидан учиб, мамлакатни хароб қилмоқда. У қокимиятга қизи Малика Побекани жалб қилди, худди Ҳукмдорга ўғли Шаҳзода Йўллуқдан маҳрум бўлгани етмагандай. Улар барча муқаддас китобларнинг нусхасини олиб,

нафақат уларни ўқишига, балки турфа китобларни уларни таржима қилган кишилар билан бирга турли туркий қабилаларга юборишига қарор қилишди. Агар бу иш бошида тилмочлар тилмочи турмаганда, Хукмдор ҳеч нарсани билмаган бўларди. *Билга-Ҳоқон биродари Кул-Тегиндан айрилди, ўгли Шаҳзода Йўлукни йўқотди ўз хотини Побека сотқинлик қилди, фолбини Удегени қатл этди, лекин бу унинг сўнги забт этган нарсаси – Дунё Ақлу заковатини бир четга йиғиштириб қўйди дегани эмасди. Бу ақлдан озган тиши тушган чол уни бутун даштга ёйишни истади. Худди шамол учираётган тупроқ каби... Уни ўлдиринг!*

100. Ниятларимнинг бирортасини рўёбга чиқаролмадим. Ҳаммаси ярим йўлда чала қолиб кетди. Лук, Зев, Фиона, Ноам, роҳиб Валаамов, Тензиг, Ат-Тоҳарий. Кеча Ли қайтиб келганда уни ўлдирганим йўқ, ҳатто қаерга борганини, нима қилганини-да сўраб-суриштирамадим. Уни на шубҳали жосуликда ва на сотқинликда айбладим. Сўроққа тутадиган судьямидим? Ахир гуноҳи кабирларни қилиб юрган, Худога ишонмайдиган (гарчи беҳудага Унинг Исмини эслатиб юрсам ҳам), шайтонга қўл берган, ота-онасини унутган, зинокор ва қасамхўр, деярли қари хотинни ўлдирган, қадимий кўлёмани ўғирлаган бир нотавон бўлсам... Бу дунёдаги хом сут эмган бандалар ичида нима қилиб юрибман ўзи?.. Ли ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутди. Мен ҳам. Кечкурун кампир ўзининг қоплон териси тўшалган тош ётоғига кетганда, Ли шамчирокни ёқиб, қўйнидан бир неча турли хил варақларни чиқариб менга узатди. Бу хитойча ва уйғурча муқаддас ёзувлар эди. Мен уларнинг нима ҳақида эканини жуда яхши билардим. Ли аввал хитойчасини ўқиди ва таржима қила бошлади: *\*Тан сулоласининг асосчиси хитойсифат турк Ли Юан бўлган. Шу боис сулола икки маъноли бўлиб қолган. Таотзун хукмронлиги вақтида кўпгина турклар унинг атрофига тўпланишган: Киби Ҳели, Ашина Шени, Тонгюқуқ... Бу вақт оралиғида Таотзуннинг ўгли Гаотзун ўз отаси ҳарамидидаги Ю деган гўзал аёлни севиб қолади. Лекин кўп ўтмай Хукмдор вафот этиб, унинг барча хотинлари ибодатхонага жўнатилади. Кунларнинг бирида янги хукмдор Гаотзун ибодатхонага бориб, севгилиси Ю билан кўришади. Чунки унинг хотини фарзандсиз бўлиб, хукмдор ҳарамига роҳиба олишига розилик берганди. Гаотзун Юни ўзидан ҳам ортиқ кўрар ва тез орада ўз ўрнини унга бўшатиб беради. Хукмдор аёл эса имкониятдан фойдаланиб энг аввал ўз рақибини шаробга гарқ қилади, сўнг барча ажнабийларни қувғин ёки сургун қилади. У жудаям ҳаддидан ошиб кетади. Тез фурсатда у сулолани деярли барбод этиб, эрининг вафотидан кейинроқ ҳокимият тепасига келадиган ўглини қатл этади. Шу тариқа Ю Тан сулоласининг номини бутунлай ҳаёт саҳнасидан олиб ташлайди. Буддист роҳибларнинг ёзишича, бу Будданинг қизи бўлган экан. Ўшанда турклар энди-энди юзага келаятган пайтлар эди...\** Шундан сўнг Ли кейинги қозғоғни ўқишига ўтди:

*\*Ўрта Салтанатнинг пойтахти Чанъан сарой фитналарининг марказига айланди. Хукмдор Тэжун-Цуннинг хотини Вей Шей ажсоди бўлмиши Юнинг кирдикорларини қайтаришига уринди. Мавқеидан фойдаланиб, бу аёл ўз эрининг тарафдорларини қатл эттиради ва охири эрини ҳам заҳарлайди. Малика Ан-ло билан биргаликда Хукмдорнинг ўлимини яширган ҳолда унинг ҳокимиятдан ўз хошиши билан бўшагани хусусидаги сохта фармонга имзо чекишади. Шундай қилиб, унинг ўгли янги Хукмдор дея эълон қилинади. Лекин ҳукуматни олишига уриниш иш бермайди. Хукмдорнинг жияни Ли ўз қўшини билан саройга ҳужум қилиб, исёнкорларнинг бошини танидан жудо қилади. Тез орада у сулоланинг янги Хукмдори ва Суантзюн номи остида Кўк Ўғлига айланади. Туркларнинг Хукмдори Билга-Ҳоқон Кўк Ўғлига ўз отасидай ҳурмат кўрсатишига сўз беради. Кейинроқ Кўк Ўғли Билга, Кул-Тегин ва Тонгюқуқни Тайшан тоғи остидидаги қурбонлик маросимига таклиф этади, бироқ ўз элчилари Мейлужжони юборгани ҳолда уларнинг бирортаси ҳам маросимга келмайди...\** Кейинги қозғоғ уйғур тилида бўлиб, Ли уни менга узатди, Мен ўқий бошладим: *\*Сўздан келган Манихей Шаҳзода эътиқоди кучлироқ бўлган ўз тилмочи Берке билан мунозара қилиб турарди. Берке Шаҳзодага тегишли барча нарсани, хусусан \*Ном\*нинг таржимасини ҳам олиб, бир жойга тўплади ва устидан ўт қўйди. Олов тиллари*

юқорига ўрлаганда, Берке унинг атрофида пичирлаб ҳар хил сўзлар айтиб, қўнғироқ ва дўмбира чалиб, ўйинга туша бошлади. Бирдан у ақлу ҳушини йўқотиб, галати овозлар чиқара бошлади ва ногоҳ ерга юмалаб тушиди-ю, ўлиб қолди. Китоб ўт ичида қолди, саҳифалари гуриллаб ёна бошлади. Шаҳзода ҳеч қачон бу каби ажойиб манзарани кўрмаган эди. Ерда Беркенинг ўлиги ётарди... \* Ли бошқа бир хитойча қоғозни тортиб чиқарди ва бетартиб ўқий кетди: \*Кўк Ўғли Сунтзюн ўзининг иккиюзламачи содиқ хизматчилари Чжан Куй ва Лю Сян туфайли Билга-Ҳоқоннинг Отукендаги саройида нималар содир бўлаётганини жуда яхши биларди. У уларнинг асирга олаётганларидан жаҳли чиқарди. Бу уларнинг аввалги ваъдаларига қарши бўлиб, ўзига нисбатан ўта ҳурматсизлик ҳам эди. Вазиятнинг биргина афзал томони уларнинг ҳалиям у ерда туриб, ўз ишларини давом эттиришаётгани бўлиб, бу Суантзюн асосий душмани ҳақида кўпроқ нарса билиши мумкилигини англатарди. Шунга қарамай, хизматкорлар уруш очиб фурсати етгани ҳақида хабар жўнатишганди. Кўк Ўғли исёнчиларга қарши қандай курашни кераклигини биларди. У туркларнинг элчиси Мейлужжони Отукен ўрмонига юборади. Мейлужжо ўз ишини ва уни амалга оширгач, эвазига нима олишидан яхши хабардор эди... \*

101. \*Тонгюқуқ уларнинг элчиси Мейлужжо ортига қайтиб келгани ва энг аввал Ҳукмдор билан кўришганини эшитган заҳоти ҳаммасини тушунди. Аввал унинг ўзи Хитой ҳукумати томонидан худди шунақа иш учун юборилган, лекин ўз одамларини сотган эмасди. Аксинча, у ҳамма нарсани даштнинг асосий душманларига қарши кўтарган ва ҳозир кўк иурклар салтанати денгиз оша кенгайиб бормоқда. Унинг ҳаётдаги вазифаси тулкиларни излаб топши, таъқиб этиши ва овлашдан эди, айни пайтда у тулкиларнинг яна қайта бўрилар мулкида эканини ҳис этди. Ҳар дақиқа у Мейлужжонинг ҳузурига келишини интиқиб кутар, чунки салтанат бир қўлсиз ҳам салтанат, ҳатто иккинчи қўли йўқ бўлса ҳам салтанат, лекин бошсиз салтанат салтанат эмасдир. Мейлужжо Чанъандалигида бунга ўқитилганди. Бироқ, Доно Тонгюқуқ Ҳукмдорнинг аҳволини билиш учун одам юбориб, Панкул бошлиқ сараланган қўшинни исталган қўққисдан бошланадиган ҳужумга тайёр туришини буюрди. Доно Тонгюқуқ ўзининг Буюк Қайтарувни бошлаб нечоғли тўғри иш қилганини яна бир карра ҳис этди. Хонасида ўтираркан, эшик оғаси ичкари кириб Кўк Ўғли жаноби олийларининг элчиси кутиб турганини айтди. Шанъанда илдиз ёзган барча гаплар Тонгюқуқнинг газабини қўзғитганди, бироқ у Мейлужжога киришга изн берди. Лекин у ичкарига кирмасидан бурун Тонгюқуқнинг Ҳукмдорга элчилари ва Билга-Ҳоқоннинг жаллодлари ўтовга бостириб киришди ва Тонгюқуқнинг ҳақ бўлиб чиқди. Дашт Ҳукмдори заҳарланганди. У ҳаёт учун курашар экан, зудлик билан Мейлужжони тутишини ва бутун уруғи билан қириб ташлашни буюрди. Кекса Тонгюқуқ кўзлари ёниб турган лаънати шоқолга тикилиб қаради, лекин сотқин бу сокин шармандаликка чидай билмади... Салтанат хавф остида қолди... \* 102.

Одатда ўзинг биладиган нарсалардан бошқалар ҳам хабардор деб ўйлайсан киши, шунинг учун ҳам уларга ҳар тмонлама эътибор қаратмайсан, масалан, ўз қайдларингга. Баъзи ўринларда мен ҳам шундай қилганимни англадим: сўнгги икки йил ичида ҳаётимда рўй берган воқеаларни ҳамма билиши керак деб ўйладим ва шундан буён қайдларимдаги мантиқ ёки батафсилликка у қадар эътибор қаратмайдиган бўлдим: улар маълум бир вақтдаги кайфиятимнинг инъикоси эди холос. Лекин ҳаётнинг мантиқ билан иши йўқ, у ўз йўлида давом этаверади. Шундан бўлса керак, салтанатларнинг барбод бўлиши, цивилизациялараро тўқнашув каби йирик масалалар қолиб, арзимас шахсий воқеалар, ҳатто воқеадан ҳам кичкина нарсалар тўғрисида гап бошланади. Бу менга \*Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр\* деагн мақолни эслатади. Фионадан айрилганим кўнглимни қаттиқ оғритиб юрган кунларнинг бирида бирор жойга саёҳатга чиқишга қарор қилдим. Сайёҳлик агентлиги Венага боришни таклиф қилди. Ҳа, адо бўлган салтанатлардан бирининг пойтахтига. Ҳар кимнинг тасавури турлича бўлгани каби, мен ҳам Венани мусулмончасига тасаввур қилардим. Лекин ҳамманинг хоҳиш-истаги ҳар хил. Сиз бу комплекс саёҳат нима эканини биласиз: автобусимиздагилар унга ўтиргандан бошлаб бир-бири билан танишишга тушиб кетишади, оқибатда бу танишув бир шиша ўрта сифатли немис виносидан отиб олгач, аллақандай хира дўстликка айланади ва оқибатда маст-

аластларнинг \*Доктор Геслер, Постгас, 14\* пансионида битта ўринга ётиб ухлаб қолиш билан якунланади. Буни тан олиш қийин, лекин ундан ҳам қийини уларни айблаётганинг ва ўзинг ҳам худди шундай эканлигингга. Якка ўзим Венанинг дабдабали ва кенг бўлмаган тош кўчаларидан Ҳукмдор уйлари, боғ, фавворалар, Опера театрини томоша қилиб борарканман, Домен-Плацга келиб қолдим, у ерда ёшлар брэйк тушаётган ва бошларида айланиб ўйнашаётганди. Яқин атрофдаги ибодатхонада қўнғироқлар чалина бошланди, лекин ҳеч ким унга кулоқ тутмасди. Ваҳимали мусиқа уни босиб тушар ва ёшлар \*Оле, оле!\* дея қичқиришарди. Боб Марли бўлиб, у \*Сен билан қисилиб қолишни истайман\* қўшиғини куйлар, тўпланганлар орасида японлар ва ҳиндлар, турклар ва австрияликлар, британиялик ва кариблик, мексикалик ва словен, хитой ва рус, яҳудий ва лўлилар бор эди. Тилларнинг янги босқини...

Мен ибодатхонага кирдим. Пасха байрамига бағишланган маросим бошланиш арафасида эди. Аслида мен бу маросимда қатнашишга эмас, бу жойларни томоша қилишга келгандим, лекин эшик оғаси мендан маросимга келдингизми деб сўраганида, \*ҳа\* деб юборибман. Мен ёлғон гапиргандим, лекин энди ичкарига кириб бўлгандим. Соборда нималар бўлганини сизга айтмоқчи эмасман. Бу жуда китобий ва маънавий бир нарсага ўхшаб қоларди. Аксинча, епископ бу дунёни тарк этган Ўғил ҳақида куйиниб гапириб турганда, ўртачилик қилиб юрган ҳаётимдан сўйлайдиган арзимас, яроқсиз бир ҳикоя эсимга тушиб кетди. Бир куни, бу ҳикоя бошланмасидан бурун, тилмочлик бюромизнинг раҳбари мндан муҳим бир ишни тугатишни сўради. Иш юзасидан жуда кўп кишилар билан алоқа қилишимга тўғри келар, улар орасида театр олийгоҳининг ректори ҳам бор бўлиб, у билан муносабатимиз яхши эди. Бошлиғимнинг пойтахтимиз атрофидаги тоғларда юрган жияни бўлиб, бир кун у ана шу жиянининг ажойиб актёр эканини айтиб қолди. У қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва кичик сахна асарлари ижро этишда устаси фаранглигидан театр олийгоҳига ўқишга киришни орзу қиларкан. Мендан ректор билан гаплаша оламанми-йўқми деб сўради у, чунки имтиҳон топшириш муддати ўтиб кетганди. Мен ҳаракат қилиб кўришимни айтдим. Шундай ҳам қилдим. Танишимга ўша йигит ҳақида илиқ гаплар айтдим, унинг истеъдодли йигит экани, ҳинд фильмлари учун таппа-тайёр юлдуз бўлишини сўзладим. Ректор имтиҳон вақти ўтганини эслатиб, лекин менинг ҳам сўзимни ерда қолдирмаслик мақсадида ёрдам беришга сўз берди. Биз шунга келишдик: мен ёш иқтидорли юлдузни олиб келаман ва ректор бошқарувнинг навбатдан ташқари кенгашини ташкил этадиган бўлди. Шундай қилиб бошлиғимни хурсанд қилдим ва жиянини душанба куни олиб келишини сўрадим. Айтилган кун келди. Мен ўзи баланд бўйли киши эмасман, лекин \*ўсиб келаётган юлдуз\*ни биринчи бор кўрганимда ўз бўйимдан уялиб кетдим. Бундан ташқари, у қандайдир рангсиз, туссиз бир бола эдики, альбинос эканига шубҳалана бошладим. Бу унинг фақат ташқи кифоаси эди. Ундан жасорат қилиб исмини сўраганимда, кучли бир акцент билан ярим товушни ютиб юборган ҳолда бир нима деганди, мени ҳиққа тутиб қолди. \*Суяги бизники, эти сизники\* деди бошлиғим ва бизни ҳоли қолдирди. Ваъдага вафо дея бу яралмишни олийгоҳга олиб келдим. Гарчи ректорнинг гавдаси меникидай бўлса ҳам, лекин юраги икки марта катта эди. Чунки у мен билан менинг бемаъни илтимосим ва ғалати мақсадли мана бу ғайритабиий яралмиш ўртасида қолганди. Бизни кўриб, камзулининг чўнтагига қўлини тикқанича, жаҳл отига минмай, болани кенгашга олиб чиқиш олдидан хонанинг у ёғидан бу ёғига Гулливерга ўхшаб катта-катта қадам ташлаб юра бошлади. У \*актёр сахнада кўриниб туриши керак\*, деди холос. \*Ҳатто энг орқа қатордаги томошабин ҳам уни кўриши шарт. Ҳозир сизга кўрсатаман\* дея нариги хонадан кимнидир бошлаб чикди. Бир актёр момқалди роқ овозидай гумбурлаб хонага кириб келди. \*Биласанми, – деди ректор, – келгуси йил кўғирчоқ театри учун курслар очамиз, ўшанда келсанг, ҳеч қандай имтиҳонсиз ўқишга оламиз, бўптими? \* Жиян келаси йил ўқишга бордими-йўқми, хабарим йўғу, лекин сездимки, ваъда берилган жой ўртачилик қилиб юрган мендек кўғирчоқбозга қарата айтилганди. Шу оддийгина ҳикояда ҳам аввалгиларидагидай бир неча хулосалар ва қарорлар борлигини кўраман. Улар биз ўйлаганчалик содда эмас-ов. Аслида ҳар бир ҳикоя маълум бир руҳидан ташқари ўзининг суяк ва этларига эга бўлади. Лекин мен уларни шарҳлаб ўтиришим ниятим йўқ. Мен фақат Венада пасха байрами муносабати билан уюштирилган маросимда эсладим буларни.

Бор-йўғи шу.

103. Яна бир қўлдан берилган салтанат бу шўъролар салтанатидир. Исроил ва Эрондан қайтганимдан сўнг кўп ўтмай, Европа ташкилотларидан бири Грузияга боришни мўлжаллаётган нозик делегация учун таржимонликка ёллади. Аниқроғи мен ана шу делегациянинг сафар аҳамияти ёритиб берадиган журналистлари учун тилмочликка ёлландим. Биз Европадаги ббир пойтахт шаҳардан шахсий самолётда учиб кетдик. Бу раҳбарлар ҳар куни баҳраманд бўладиган баъзи нарсалар: энг яхши винолар ва икра, ширин табассумлар ва бепул хизматдан биз ҳам бебаҳра қолганимиз йўқ. Улар сафар кундалигини ўзгартиришганида эса, завқимиз янада ошиб кетди: грузинлар меҳмоннавозликда жуда машхур бўлиб, имкониятдан фойдаланиб, нимага қодир эканликларини намоеън этишди: расмий нонушталар, шоҳона тушликлар, ташрифлар, ташрифлар... Лекин менга ўхшаган четдагилар бу кун тартиби фақат раис ва унинг кузатувчилари шарафига тузилганини унутибмиз. Биз буни тайёрағоҳда билдик: делегация бир томонга, биз иккинчи томонга кетиб, қоронғи ҳаётимиз бошланди. Расмий сафарларда юрадиган журналист – бунинг маъносини биласизми? Бу ҳалақит берадиган, лекин ақалли пашшани қўриб турадиган бир дум дегани. Таржимон эса ана шу думнинг думи дегани. Матбуот котиби сизни навбатдаги воқеанинг зўр бўлишига қизиқтириб, меҳмонхонадан олиб чиқади, сиз дейлик, Ташқи Ишлар Вазирлигига келасиз, у ерда чавандозлар қуршовида зирҳли автомобилда келадиган раисингизни бир соат кутасиз, шундан кейин гуллар, ялтир-юлтурлар, табассумлар, текин хизматлар, лекин сизга ҳеч нарса йўқ. Шундан сўнг хизматчилар тўпига шўнғиб кетасиз ва ўзингизнинг нечоғли кераксиз ва қатордан тушиб қолганингизни ҳис этасиз. Кечроқ улар дабдабали безатилган столлар ортида ғойиб бўлишади, эшиклар тақа-тақ беркитилади ва матбуот котиби яна сизни бир оз кутишингизни илтимос қилиб, ажойиб матбуот анжумани бўлади дея қизиқтиради. Сиз на мрамар зиналарда ва на форсий гиламларда ўтиришга ҳаддингиз сиғмай, айтилганча кутасиз. Анчадан кейин хушчақчақ ҳолда уларнинг қип-қизил юзлари кўринади: ялтир-юлтурлар, табассумлар, қарсақ-тарсақлар ва раис қоровуллар қуршовида яна бир бошқа жойга кетади. БеЧўра матбуот котиби эса у ерда саволлар бериш имкони туғилади дея ишонтиришга тушади. Очқаган, чанқоқ ва нафратланган ҳолда мамлакат Президентини кутиб олиш учун жўнайсиз. У ерга ҳар галгидай хавфсизлик юзасидан бир соат илгари келиб турасиз. Жиддий ва қатъий тан соқчилари (тавба, кимнинг танини сақлар экан улар? Бошқа томондан қараганда улар ўз танасини шу қалар яхши қўриқлайдики, сиз ўзингизнинг танангизни ҳам қўриқлашлари ёки тинтишларига ишонасиз) куйлагингизнинг ҳар бир тугмасини текшириб чиқишади, лекин аслида сиз жиҳоз тўла пиджагингизни детекторнинг нариги томонига ташлаб қўясиз ва уни эсон-омон қўлга оласиз. Кейин Президент раисни қабул қиладиган ўн биринчи қаватга кўтариласиз. Юқорида яна бир қўриқчилар гуруҳи сизни кутиб туради ва текширув ўтказади, энди тугатай деганларида, бир зийракроғи протокол бўлими исмингизни ёзишда хато қилганини сезиб қолади. Улар тингув бошлашади ва бир тўхтама келгунларича Президент ва раис ёпик эшиклар ортида юзма-юз суҳбатни бошлаб юборган бўлади. Энди Протокол бошлиғи ярим-соат бир соат ичида уларнинг иккиси ҳам биринчи қаватда матбуот анжумани ўтказади дея руҳлантиради. Сиз пастга тушасиз ва маҳаллий журналистлар орасида яна аллақанча вақт кутасиз, журналистлар сизни Президент ҳеч қачон пастга тушмаслигига ишонтиришади. Улар биринчи қаватни назарда тутишяптими ва ё умуман, ерними – бу тилшуносликнинг сири бўла қолсин. Мана энди билгандирсиз расмий сафарларни ёритиб борадиган журналист бўлиш қанақалигини? Бир сўз билан айтганда, у асирдир. У ҳолда асирнинг таржимони бўлган сиз ким бўлдингиз? НоЧўр хаёлларга берилиб тураркансиз, лифт ичида осмондан тушган фариштадай бўлиб раиснинг қораси кўринади. У шу қадар бахтиёрки, бу ҳолида ғамгинлар билан суҳбатлашиб ўтиради дейсизми? Шунга қарамай, биз ҳар куни ўнлаб, балки юзлаб учрашувлар бўлаётганини кўрамиз, ўқиймиз ва эшитамиз. Ўша ерда ва фақат ўшандан кейин журналист ва дипломат орасидаги фарқни тушуниб етдим. Журналист йўқдан бор қилганда, дипломат ҳатто борни ҳам йўққа чиқарар экан. 104.

Мени маъзур тутгайсиз, лекин сиз ўйлагандан ақллироқман дейишга ҳақлиман. Нега сизга буларни – турли мамлакат ва жойлардан бир қарашда тасодифий бўлган лирик чекинишларни келтирияман? Конус қонунини биласизми? Аввал ҳаммаси ноаниқ бошланади, сўнгра қизиллик, яна ва яна, босим кўтарилади ва охири бир нуқтага зарба беради. Шундан кейин зарбанинг кучини тасаввур қила оласиз. Агар шу ўринда сизга макон устидан ғалаб қилган, лекин вақтни енголмаган Дунёнинг Тўрт Бурчи Ҳукмдори Билга-Ҳоконга ўхшаш томонимни айтиб берсам, балки бу тартибсиз ҳикояларимга бир оз ҳис берган бўлармиди? Ҳа, ниманидир сақлаб қолишга интилиб, мен у ердан бу ерга кўчиб юрдим: турли одамлар ўртасида рўй берган бу ҳикоялар Сахро Ҳукмдори бошидан кечирганқўшимча ақлу заковат топишга уринишнинг айна ўзидир. Шуни тушуниб етганимда, бу дунёдан узоқлашишнинг йўлини топдим. Буни сизга тушунтириб бераман: мисол учун сиз Лондонга учмочисиз ва ҳамма бундан хабардор. Сиз қариндошларингиз, ҳамкасбларингиз ва дўстларингизга нима қилмоқчилигингиз, қаерга кетаётганингиз, ким билан учрашмоқчилигингиз ва қачон қайтиб келишингизни айтасиз. Атрофингизга боқинг, сиз ҳар доим пиллага ўхшаб муносабатларингизнинг кумуш иплари билан ўраб олингансиз. Лекин яхшиси, уларни чақиринг-да иш юзасидан бир кечага Худо билади алоқа қилиш мумкин бўлмаган қайсидир бир қирғинга кетаётганингизни айтинг, бироқ барибир эртага тунда орқага учиб келаман-ку денг. Ҳақиқатда эса поездга ўтириб, дейлик, сиз бировни ва ҳеч ким сизни билмайдиган Эдинбургга жўнайсиз. Бу қочиш қанчалик ғамгин ва ширин ва сиз ҳеч ким учун мавжуд бўлмайсиз, ўзингиздан бўлак ҳеч кимники бўлмай қоласиз... Фақат мангу тошлар ва совуқ ўтирғичлар сизнинг шу ердалигингиз, одамлар орасида йўқолиб қолганингизга гувоҳ холос. Бу ёлғиз қолишнинг ягона хили: сиз одамлар орасида қордай эриб кетасиз ёки эртақлардагидай ғорда ё саҳрода ўлиб кетган бўласиз. Балки ҳозир пилладан учиб чиққан капалак биринчи бор ипак қанотларини бошқа капалаклар орасида қоққан замон ўзини худди шундай сезаётгандир. Буюк шоир айтганидай: \*Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...\* 105. Сўнги воқеалар бўрони мени бу ерга олиб келган сабаблар ва қадамларни давом эттиришга вақт бермаяпти. Қолаверса, бу бўрон нафақат бадиий баён, балки ҳақиқат ҳамдир. Ли менга ўша ҳикояни айтиб берганди. Ўтган ҳафта телба дўстимиз билан ўнта жангари тоғли қишлоқдан қочишга ва ҳукуматга таслим бўлишга қарор қилишди, чунки баъзи чопарлар ҳукумат ўзи бош эгиб келган истаган кишини афв этиши ҳақидаги янгиликни олиб келишганди. Шунинг учун ўн-ўн икки киши қочишга келишган. Қўмондонлар буни ярим кечаси сезиб қолиб, орқаларидан дарҳол одам юборган. Бу гуруҳ қочоқларни торгина тоғ йўлининг пастида музликларни кесиб ўтаётган ҳолда топишган. Лекин уларни тутиб олиш йўли йўқ эди ва гуруҳ ўт очишга киришади. Исёнчилар ҳам қараб турмай, жанг қилишган ва натижада баҳорги эришга шайланаётган қорлар кўчиб, икки гуруҳни ҳам жарга улоқтириб юборади. Тирик қолган биргина киши бу бизнинг телба оғайнимиз эди. У уст-бошига қараб бўлмайдиган бир ҳолда ўзи орқага қайтиб келиб, овоз чиқармай юм-юм йиғлади, гўё ёшлари телбалигини ювиб тушаётгандай эди. У ғамгин ва жимгина ҳамманинг кўзига боқар, лекин ҳеч ким бу қараш кечирим сўрашми, уятми ва ё афеус-надоматми эканини билолмасди. Шу ўринда бутунлай бошқа бир манзара хаёлимга келди. Бир йил аввал халқаро ёрдам гуруҳига таржимонлик қилиш учун Мўғулистонга боргандим. Балки сиз аллақачон бундай халқаро гуруҳларга шубҳа билан қарашимни сезгандирсиз – менинг қатъий фикримга кўра, уларнинг кўпчилиги қаллоблик билан шуғулланади, ё қайсидир йўл билан пул топишга интилишади ва ё бошқаларнинг қашшоқлиги ҳамда оғриқлари устидан кулишни билади, бироқ мен айтаётган жамоа ундай эмасди. Сиз бу мамлакатга ҳалокатли таъсир кўрсатган ҳайвонлар вабосини эслайсиз албатта. Қутқарувчилар гуруҳи мол дўхтирлари, зоологлар, экологлар ва бошқа мутахассислардан иборат бўлиб, улар табиийки, одамлар билан шуғулланишмайди. Ҳаётимда ҳеч қачон бунчалик катта фожиага гувоҳ бўлмагандим: Мўғулистоннинг оппоқ қорли кенгликлари қорамолларнинг ўлик танаси билан тўлиб кетганди: улар орасида энг кучлиси бўлган отлар ўрнидан туришга интилиб, оғриқдан тўлғонар, юнглари музли қорларга ёпишиб қолган ювошгина қўйлар эса кучсиз овозда оппоқ ва қар осмонга қараб маърашарди.

Изғирин им шарпасини олиб келар ёхуд Ўлим қанотлари ҳалокатли шамолни суриб келаётгандай эди гўё. Ва ё Чингизхон руҳи ана шу кенгликлар сари кезиб юриб, дунёвий қарзларини қайтараётгандай. Ҳар ҳолда ўта ваҳимали манзара... Парламент аъзоси бўлган инглизча гапирувчи хоним бизни кутиб олиб, кишлоқ жойларига бошлаб борди. У Кэмбриджада таҳсил олган ва шу боис кўп нарсадан хабардор эди. Шу билан бирга Орхон вилоятига вертолоётда учиб бораканмиз, бу хонимдан Билга-Ҳоқон ва Тонгюкуннинг машҳур тош ёзувлари ҳануз борми дея сўраган эдим, у нафаат бошини қимирлатиб кўйди, балки уларни менга кўрсатишга ваъда ҳам берди. Албатта биринчи галда яйловларга бордик. Сизга манзаранинг нақадар ноЧўрлигини айтдим: нормал ҳаётимизда бу дунёда қанча ҳайвон яшаши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз, биз фақат ўзимизни ҳисобга оламиз холос, лекин аслида барча ҳайвонлар, кушлар ва ҳашаротлар яшаётганимиз заминга биздай ҳақлидир. Улар камтаргина бўлиб туғилиш ва ўлимларини билдиришмайди, на туғруқхоналари ва на қабристонлари бор. Лекин агар мол совуқдан ва очликдан ўлса, бу инсоннинг бошига тушган кулфатга гувоҳ бўлгандан ҳам баттар. Ҳорғин чўпонлар очдан ўлаётган кўйларга музлаб ётган смолани синдиради, кўйлар эса йўқ ҳашакка талпиниб музлаган тумшукларини дам-бадам охурга тиқишарди. Билмадим, бу қутқарувчилар ҳайвонларга озуқа бўлмаган бир шароитда қандай ёрдам кўрсата оларкин, лекин мана улар нима қилишди: чўпонлар умидсизликка тушиб, ўлиб қолмасидан бурун кўпроқ кўйларни сўйиб юборишга уринишарди. Мўғуллар ўлимтик истеъмол қилишмайди, фақат сўйилган ҳайвонни ейишади, шу боис улар ақалли ўзлари учун гўшт бўлади дея ҳайвонларни сўйишарди. Гуруҳ бир четда сўйиш хонаси ташкил этди. Худо билади қаердан, лекин улар бир қочоқ эчкини топиб олишганди ва бу айёр ва тўқ жонивор кўйларнинг биринчи гуруҳини овқат ва илиқлик ваъда қилиб сўйиш жойига бошлаб келади. Унда оддий сўйиш машинаси бўлиб, эчки маҳсул тешиқдан ичкарига киргач, беЧўра оч кўй овқатга талпиниб бошини суқади ва шу заҳоти кескич уни бошидан жудо қилади, танаси эса ўлим талвасасида бир томонга гурсиллаб йиқилади... 106.

*\*Ўлим талвасаси\** Афғонистонда рўй берган ундан-да мудҳиш манзарани ёдимга солади. Нега у ерда бўлганимни айтишдан аввал ўшандан бери унута олмаганим ғаройиб маросимни тасвирлаб берсам. Бу Мозир Шариф ва Қошғар оралиғида жойлашган тоғлар бағридаги бир кишлоқда рўй берганди. Кишлоқ оралиб кетиб борарканмиз, бир қуролланган кўрикчи бизни тўхтатиб, қатл маросимига қўшилишимизни буюрди. Мен, мижозим (у ҳақда кейинроқ гапириб бераман) ва ҳайдовчимиз оломонга қўшилдик ва айтилган жойга келдик. У ерда биз бошига қоп кийгизилган, қўли боғлиқ бир кишини кўрдик. Жарчилар баланд овозда бақирган эди, бошқа бир киши нарироқда турган қозон тагига олов ёқди. Улар жамоатчиликка ош пиширяптиларми деб таажубландим. Лекин нега? Қатл дегани ўйин-кулги эмас-ку, бунинг устига ошнинг масаллиқлари ҳам йўқ. Қозон ичи қайнаб турган ёғга тўла эди: унинг ҳиди атрофга таралиб турарди. Барибир, кўп нарса ўйлолмадим. Бирдан жаллод ҳалиги кишини орқасига бир туртганди, гандираклаб ерга кулаб тушгунга қадар жаллод уни калласидан жудо қилди. Бошни оломон орасида айлантириб чиқишдан аввал жаллод танани маҳкам қисиб, унинг кесилган томоғи томонини қизиб турган ёққа солди. Қон ҳамма ёққа фавворадай отилгунча ёғ уни жизғанак қилди, шундан сўнг жаллод танани ерга ирғитиб юборди. Бошсиз тана бужмайиб одамлар ва чанг ўртасида тўлғона бошлади. *\*Ўлим талвасаси\**, пичирлади ҳайдовчимиз... 107.

*Билга-Ҳоқон ўлим олди талвасасида ётарди. \*Агар продшоҳ онангга тегажожлик қилса, дардингни кимга айтасан?\*, – энг сўнги кучини тўплаб бақирди у. На хотини Побека ва на ўғли Йўллуқ бу сўзларнинг асл маъносини тушунди: Ҳукмдор бу билан Кўк Ўғлини назарда тутдимми ё салтанатнинг кўзу қулоғи бўлиши учун юборгани Мейлужжоними? Балки Билга-Ҳоқон уни ҳамма нарсадан маҳрум қилган Ҳукмдорлар Ҳукмдори – Тангрининг Ўзи ҳақида шикоят қилдимми? Бошқа кимдан шикоят қилиши мумкин? Нимагаям Кул-Тегиннинг жанозасига келганларни атрофида тўплашга қарор берди? Демак, уларни ўзининг жанозасида қатнашиши учун тутиб турган экан-да. Улардан нима кутган эди – ақлу-*

заковат китобиними ва ё инсонийликними? Ўзлари қилган ишга мос келмайдиган сўзлариними? Бутун умр билгани, сўзи билан эмас, фақат қилич кучи билан ўзига бўйсундиргани нокомил инсон зотидан нима кутган эди? Нима сабабдан ўзини ўзи сотди, нечун сароб ортидан эргашиди? Мана энди эккан ҳосилини ўряпти: тарафдорлари уни йўлдан оздирди, душманлари янада кучлироқ бўлиб кетди, мамлакат эса қум, балки майда-майда тупроқ заррачаларига айланди. Ҳатто ўз оиласи барбод бўлди: Побека кўчманчи аравасини бир томонга тортади, Кул-Тегиннинг хотини ўзини бошиқа томонга ташлайди, ўғли Йўлдук осмонларда учиб юради ва Доно Тонгюқуқ уларнинг барчасини бир жойга йиғолмай ҳалак... Билга-Ҳоқоннинг ўзи нима истаганди? Биладими ўзи? Бу дунёда аскарининг бевафолигию саргардон одамларининг заҳарлаб қўйишларини биларми эди? Ақлдан озиб бўлганинга дунёнинг ақлу заковати нимага керак энди? Ўлаётганиндаги куч-қудратингдан не фойда? Не... 108. Икки сафар ҳам орқамда турган одамлардан юзимни ўгириб олиб, безбетларча қайд қилдим. Мўғулситонда Оюн (йўлбошичимизнинг исми шундай эди) менга ёрдамга келди, юзим ва оғзимни муздек, таъмсиз қор билан ювиб олганимдан кейин, у келтирган аччиқ ҳинд чойини обиҳаёт каби ҳис қилдим. Мўғул аёллари бошиқа барча кўчманчи аёллар сингари руҳан жуда кучли бўлишади, улар эркаклар билар баб-баравар, балки улардан ҳам кучли ва ақлироқдирлар. Балки бунга уларнинг тилларида женский роднинг йўқлиги сабабдир. Оюн ҳам ана шунақалар хилидан эди: камгап ва ҳаяжонга тез берилмайдиган, лекин дилкаш ва ишончли. Бунинг устига у жудаям гўзал аёл эди, лекин умримда биринчи марта шаҳват туймадим. Ҳаётимда илк бор яқинликка ўхшаши бир ҳис туйдимки, у шаҳватдан кўра ширинроқ эди. Маҳаллий чўпонлар ва таклиф этилган мутахассисларга ҳамма нарса таржима қилиб бўлингач, Оюн энди бирор жойга бора олишимизни айтди. У қолганларга менинг докторга учрашим кераклигини тушунтирди ва биз \*Жип\* га ўтирганча саҳрога қараб кетдик. У мени Ўрхун ёзувларини кўришига олиб келди. Гарчи бу вақтга келиб улар тўғрисида деяри ҳамма нарсдан хабардор бўлсам-да, лекин бу оддий ва каттакон тошларнинг қандай қилиб саҳродан осмонга отилиб чиққанини ҳеч тасавурга сиздира олмасдим. Қор уларнинг тусини ўзгартиролмади, шамол неча асрлар аввал ўйиб ёзилган ҳарфларини учуриб кетолмади, ҳатто одамлар ўз эҳтиёлари учун уларни судраб кетишига ботинишигани йўқ. Мен бир тошга теккан эдим, бармоқларимни ток урди. Бу нима эди? Об-ҳавонинг совуқлигимни ё юрак оғригимнинг иссиқлиги? Билмадим, лекин Оюн енгчамдан тортиб, бармогини лабларига босди... 109.

Тонгюқуқ Ичи Лянг деган бир одам остида яширинган ўша хитойлик эгизаклар – Чжан Куй ва Лю Сян ҳақида хабардор эди. Лекин у ўз душманининг кучини ўзига оғдириб олишини яхши биларди: икки бор жойда уч ҳам бўлиши керак. У Татаббу қабиласидан ўша икки хитойликка икки томчи сувдай ўхшайдиган одамни топди. Бунинг устига бу жангчи хитой тилининг мандарин диалектида жуда яхши гапирарди. Тонгюқуқнинг ўзи унга сабоқ берди ва у тайёр бўлгач, тулки овловчилар қизи Побека ва набираси Йўлдукни таклиф қилди. Бу Билга-Ҳоқоннинг ўлими арафасида содир бўлди. Ҳар иккилари Ичи Лянг каби учинчи одамга мурожаат қилишиди. Кюле Ҳукмдорни заҳарлаган кун ва Чжан Куй Ҳукмдорнинг чодир атропофида унинг ўқувчиси Шаҳзода Йўлдукни ахтараётган кўйи тентираб юганида, учинчи одам чодирга юборилади ҳамда махсус сигналдан сўнг Лю Сян бурчакдан чиқади ва Чжан Куй деб чақиради. Лю Сян уч-одамдан ҳаммаси режага асосан кетяптими йўқми дея сўрайди, яъни Саҳро Ҳукмдори ўлдими ёки улар фкрсатни қўлдан бермай ҳаракат қилишинми? Шундан сўнг улар батафсил режа тузиб олишиди ва бунинг натижасида хитойлик эгиз Тонгюқуқ одамлари томонидан қўлга туширлади. Кейинроқ, Чжан Куй чодирга келади ва махсус сигналдан сўнг учинчи одам бурчакда кўринади ҳамда Чжан Куй унга Лю Сян дея мурожаат қилади. У Саҳро Ҳукмдори заҳарлангани ва Кўк Ўғли тузган режага кўра уларнинг ўқувчиси Шаҳзода Йўлдук тахтни қабул қилиб олишига тайёргарлик кўраётгани, шу боис зудлик билан барча режаларни ҳал қилиб олиш лозимлигини айтади... Уни ҳам қўлга олишади. Эгизаклар ўрнига келгуси режаларга тўлиқ биргина турк Ичи Лянг қолдирилганди... 110. Оюн Кўк Туркларитарихини яхши биларди, бу менга галати туюлди, чунки мўғуллар одатда



Чингизхон тарихидан ўзларини йироқ тутушади. Лекин у менга мутлақо нотаниши бўлган бир неча манбаларни келтирди ва ҳатто мўғуллар ва Кўк Туркларитарихи ўртасидаги мутаносибликни кўрсатиб берди. У Чингизхон бўлишидан аввал Темучин ва Жамуҳа ўртасидаги сирли биродарлик тўғрисида сўзлади. Натижада мен \*Мўғулларнинг сирли тарихи\* китобини ўқидим ва кунларнинг бирида Саҳронинг қоқ ўртасида юзма-юз кўришган ва қондош ака-укага айланган икки рақобатчи ҳақида билиб олдим. Улар бир-бирларига содиқ қолишга ва ўлгунча ёрдам беришга сўз беришади. Бироқ уларнинг қондошлиги кўплаб сотқинликдан иборат бўлади: бир-бирларига қарши кураш, очиқдан очиқ душманлик, бунинг натижасида Темучиннинг Жамуҳани қатл этиши. Шу воқеадан кейин Темучин буюк Чингизхонга айланади ва мўғул дашти ва ўрдани бирлаштиради. Лекин Оюн менга уларнинг муносабати – бирлишиган ва кучли дашт ҳаққи жентлменларча тузилган шартноманинг яширин тарихини айтиб берди. Жамуҳа чиндан ҳам ўла-ўлгунча Темучинга содиқ қолади ва бунинг Темучин жаллодиннинг тиги остидаги ўлими билан исбот этади. Лекин аввал ўзини ўз қондош биродарининг душмани каби тутуди. У ҳақиқий душманлар билан иттифоқ тузади ва Темучин уларнинг барини яксон қилади. Аслида у Жамуҳа Чингизхоннинг келажаги ҳаққи жосусликка қўл урган ва Чингизхон ҳар доим Жамуҳасиз даштнинг буюк Хукмдориға айла олмаслигини яхши биларди. Оюн бу аниқ ва сирли биродарлик ҳикоясини айтиб берар экан, шунга ўхшаган муносабат менинг ҳам бошимдан ўтганини ҳис этдим... 111.

Ли бу ҳикояни эшитиб шундай деди: \*Биз ҳам шундай вазиятда эмасми?\* Мен бир оз тарадудланиб қолдим ва уялиб кетдим, чунки бунинг асло ҳаёлимга келтирмагандим. \*Нима демокчисан?\*- сўрадим ундан. \*Шунчаки бир гап\* – жавоб берди у ва гапни бошқа томонга бурди. \*Биласанми, улар сени ҳалиям жосус деб ўйлашяпти\*, – дея эшик томонга ишора қилди у жангариларни назарда тутиб. \*Нима?! Нима дединг?\* – сўрадим мен жаҳлим чиқиб. Лекин тезда ўзимни босиб олдим, эсимга кўрккан олдин мушт кўтарар, деган гап тушиб кетди. Мен Лининг ўзини назарда тутяпман, чунки у биринчи бўлиб ҳужумга ўтди: \*Сен жуда кўп мамлакатлард бўлгансан, қанчадан-қанча одамлар билан кўришгансан, ўндаб алоқаларинг мавжуд, шунинг ўзи ғалати эмасми?\*- сўради у. \*Сен бунинг қайдан биласан?\* \*Бас қил, бу дунёда яширин бирон нарсанинг ўзи йўқ. Бир кишига маълум нарса ҳаммага аён бўлади! Шунинг билмасмидинг?\* Мен ҳеч нима демедим. Нима ҳам дердим? Уни жосус дея шубҳаландимми? Шу билан бирор нарса ўзгариб қоладими? Мен, у ва ё жангарилар учун? Билмадим нимага, лекин кейин унга шундай дедим: \*Биламан, ҳозир одамлар ўз қарашлари ва ҳаётларини ўзгартирмақдалар\*, – ва бирдан унга қуйидаги ҳикояни айта бошладим: \*Мўғулистонда бўлганимда, Оюн шундай деганди: \*Биласизми, Улан-Баторга махсус иш билан келган бир тилмоч аёл сизни билар экан... \* Миямга биринчи келган сўз \*Фиона!\* бўлди. Ҳа, Фиона! \*У узн бўйлими?\*-сўрадим. Бу бемаъни савол эди, худдики мен уни Оюннинг ўзи билан солиштираётганга ўхшадим, лекин Оюн тезда жавоб берди: \*Йўқ, ўртача бўйли\*. \*Унинг исми Ирмами?\* – сўради Оюн паст овозда. \*Ҳа, Ирмами... \* – юзимда ҳафсалам пир бўлгани яққол сезилди, чунки Оюн яна қайта мени руғлантиришга интилди: \*У жудаям чиройли экан!\* Мен одатда аёлларга хос масалаларни бошқа аёллар билан муҳокама қилишни ёқтираман: уларни билиб олишнинг энг мақбул йўли шу. Биринчидан, бунда вайсақилик керакмас, чунки бу бошқа бир аёл ҳақида, иккинчидан, ўзингиз суҳбатлашаётган аёлда яхши таассурот қолдиришга интиласиз, учинчидан, суҳбат асосига қараб, ўзингизни ўзгартира оласиз, тўртинчидан, у аёл у ёки бу шароитда ўзини қандай тутуши ҳақида гапириб, барча сирларини ошкор қилиб қўяди, бешинчидан, олтинчидан ва ҳоказо. Лекин мен мен Оюн билан ҳеч кимни муҳокама қилмоқни истамадим. Балки бунга унинг сирлилиги сабаб бўлгандир. Икки кун ичида қўйларни оммавий сўйиб туришгунча, биз Улан-Баторга кетдик. Мен қочоқ эчкига ўхшаб кўзичоғим билан ажойиб тунларни ўтказишни орзиқиб борардим. Шовқинли вертолётимизда унга қандай қилиб тегишим, оппоқ, совуқ елкалари, бошқа жойларини силашимни ҳаёлимга келтирдим, нафасим иллюминаторни хиралаштирди ва ҳеч қаерга қарамасдан ўтирдим...

Оюн ҳолатимни сездими-йўқми, билмайман, лекин баъзан жавобгарлик ҳиссини йўқотиб қўяман. У мени марказдаги меҳмонхонанинг қаршисида қолдириб, \*Ёрдам керак

бўлса, кўнғироқ қиларсиз\*, дея телефон рақамларини берди. Лекин у пайт бир нарсадан бўлак ҳеч нарсани ўйламасдим. Унга нимадир дея пичирладим, балки бу унинг камтарин ёрдами учун миннатдорчилик эдим, эсимда йўқ. Сўнг меҳмонхонага кириб кетдим. Қанчалик ғалати бўлмасин, котиба қиз хонимнинг кўчага чиқиб кетгани ва уч кундан кейин бўлади деб айтмади, балки дарҳол Ирма билан боғлаб берди ва менинг асалимнинг овози эшитилди: \*Эшитаман...\* Аёлни аёл қиладиган нарса нима эканини биласизми? Унинг овози. Сиз юзингизга упа-элик суртиб, гўзаллаштирингиз, қоматингизни ўзгартиришингиз, кўкрақларингизни катталаштирингиз мумкин, лекин ҳеч қачон овозингизни сохталаштира олмайсиз. Ирманинг овози майин ва ром қиларли даражада ширин эди. У ўз хонасида бўлиб, бетоқатлигимни кўрсатмаган ҳолда уни пастки қаватдаги қаҳвахонага таклиф этдим. У завқимга хавқ кўшиб, суҳбатга жон деб рози бўлди. \*Айтадиган гап кўп\*, -деди у ва мен у нимани назарда тутганини тасаввур қилдим. Шундай қилиб, ўн дақиқадан кейин пастда кўришишга келишдик. Шу дақиқалар ичида турли позаларни ўйлаган ҳолда нафсимни тинчлантириб турдим. Қисқаси ўн дақиқа ўн йил ўн асрга чўзилгандай бўлди. Ахири Ирма ортимда пайдо бўлди: аввал унинг кўнғироқдай овози эшитилди, сўнг унга қараган эдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у роҳибаларнинг кийимида кулиб турарди. \*Буниси янада қизиқ\*, деб ўйладим мен. Биз қаҳвахонага кириб ўтирдик, мен унинг рўмолига қараб: \*Тишингизга бирор нима бўлдими?\* деб сўрадим. \*Йўқ\*. Мен жинни бўлиб қолай дедим, чунки у: \*Биз бу ерга умумжаҳон универсал дини делегациясининг бир қисми сифатида келдик\*, деди. \*Сен уларнинг таржимонимисан?\*- умид билан сўрадим мен. \*Йўқ, мен делегация раҳбариман. Биз... аниқлаяпмиз... ўз мақсадларимиз бор... универсал ишонч... эътиқодимизга кўра... мўлжаллаёпмиз...\*, қисқаси шунга ўхшаган гаплар. Мен унинг сўзларини бўлмасдан, диққатини жаъм қилган ўқувчидай берилиб эшитдим, у эса бундан завқланиб сўзларди. Ўша ерда ва ўша пайт кўп нарсага чидай олишимни англадим. Аслида бу на Блавацкизм, на Гуржизм ё Ошоизм ва ёхуд бошқа \*изм\*лар, балки ҳаддан ортиқ нотабиий аёллар таълимотизми ҳақида эдики, барча бошқа нарсаларни кўшиб ҳисоблаганда ҳам менинг учун кўрқинчлироқ эди. 112. Нафсиламрини айтганда, бу мен кўрсатишга уринганимчалик кескин эмасди. Баъзи ўринларда унинг насихатомуз гапларига чек қўйиб, суҳбатимизни яқунлагим, юмшоқ ўринда эмас, масалан, қаҳвахона ҳожатхонасида бўлса-да, мазза қилгим келди. Бироқ, унинг ғазабланиши эмас, балки қандайдир бир ҳорғинлик ҳайвоний ва шаҳвоний истагимни тийиб туришга сабр ва куч берди. Аввал унинг даъватлари кўнглимга хуш ёқаётгани, у юз йиллар аввал бўлагн босқичда турганимни билдиришга тиришдим, лекин айтишларича, Худо ҳеч қачон тасаввури бўлмаган кишининг саробини лаънатлайди. Ёки менинг тоғам одамларни ўлчаганидай: \*Унинг отасининг қўли асло пул кўрмаган\*... Барибир, Худо Ирмдан рози бўлсин, лекин бу жуда оғир бир ҳол эди. Ҳарқалай бу ишлардан оёғимни узганимдан хурсандман... 113. Мен Афғонистондаги машҳур толибонлар ҳам беЧўра Ирма билан солиштирганда объектив ва эркин ўйлайдиган кишилар бўлганини эсладим.

Охирги гап Лини қизиқтириб қўйди. Ирма ҳақидаги ҳикоямнинг маънисини сўрамади, гарчи мен уни хулоса ўрнида айтгандим, у фақат менинг бунчалик ғазабнок эканимни билмагани айтиб, толибонлар тўғрисида гапириб беришимни қаттиқ талаб қилди. Баъзан нега икки йилдан бери шулар билан сизнинг устингизга бомба ёғдириб юрганимдан таажжубга тушаман. Давом эттиришга нима тўсқинлик қилади? Бу ёлғизликни четлаб ўтишнинг ягона йўлими ёки ўлим кўркуви билан шуғулланишми? Биласиз: мен ҳам сиз каби маънисиз ҳаётни яшаб ўтдим, лекин энди унинг маънисизлиги қайсидир бир кун келадиган ўлимнинг мумкинлиги билан кўпайтирилди. Йўқ, ундай эмас, аниқроғи, ўлимнинг ҳар кун келиши мумкинлиги унинг ҳар доим биз билан ва бизнинг атрофимизда эканида, лекин мен бошқача вазиятдаман, чунки мен Худонинг эмас, балки одамларнинг қўлидаман. Ўзимни жангарилар қўлида деб ҳисоблайман. Хўрозлардан кўрққан телба ҳақидаги ҳазилни биласизми? Хўрозлар гўёки телбани донга ўхшатиб, уни кўрқитаётганга ўхшайди. Физиотерапевт уни даволаб, дон эмаслигига ишонтиради ва касалхонадан чиқариб юборади. Беш дақиқадан кейин у кўрқув ичра орқасига қайтиб келади ва \*Хув анави ерда бир хўроз

бор экан, у мен чўқиб еб қўйиши мумкин\*. \*Лекин сен дон эмассан-ку, шундайми?\* – \*Тўғри, лекин хўроз буни қаёқдан билсин?\*

Мен ҳам шунақа: жангариларга тегишли ва уларнинг яхши-ёмон хоҳиш-истагига боғлиқ эдим. Ва қўққисдан келадиган ва қаттиқ ўлим туйғусининг нечоғли кўрқинчли эканини яхши билардим. Мен ўлишни истамайман, чунки кимдир тақдиримни ҳал қилиб қўйди ва ҳар замон Ўлим Фариштаси мени дунёдаги нима биландир чалғитиб тураркан, ғазабланганим ва вайсақи бўлганим жойда яна мўралаб туради, лекин ўша чидаб бўлмас кўрқув... 114.

Баъзан ўлимдан кўрқиб юришдан чарчаб кетаман ва нега бунчалик чўзилмаса дея ўйлайман. Мард бўлсанг кел ва бу ғамларни кўтар... Лекин Венецияга ўхшаган жойлар бор экан, нега одамлар ўлади? Кўчалар ўрнида денгзи мавж уриб оқадиган шаҳар, шундай шаҳарки, санъат деган тушунча маънисиз, чунки ундаги ҳамма нарса санъат, замонавийликни қувиб ўтган шаҳар, чунки у мангу... Мен учун ҳамма нарса қайта бошланган шаҳардир бу. Ҳаётда тасаввур ва ҳаққонийлик мавжуд. Мен уларнинг ўртасида бўлмоқ истамайман. Ҳаққонийлик ҳеч қачон тасаввурга тенг бўлмайди, аввал исталган маркага қаранг, сўнгра Венециянинг ўзига. Ялтироқ кам, кўпроқ ҳаққоният: деворларнинг тўкилиб тушаётган оҳаклари, шўрхок ва зах ерларЮ тор йўлаклар ва миллион-миллион туристлар ичида инсон зоти ўзини ҳам йўқотиб қўядиган боши берк кўчалар... Ёлғизлигингиз Қирол Саройида ҳам сизни тарк этмайди. Галереянинг чап қанотига ўтинг ёки хоҳласангиз ўнг томонига – ўзингизни қамоқхонанинг бирор хонасига яширинг...

Ҳозир Тоғли Бадахшондаги телба қариянинг тош қафасида шундай ҳисга берилдим. У гоҳ ичкарига киради, гоҳ ташқарига чиқади, Ли қаршимда михланган, лекин мен ўзимни янада ёлғиз сезмоқдаманки. Тасаввур ва ҳаққонийлик билан бўлган ўйинларим ўз ҳосилини берди: Мен ўзимдан ҳам фарқли эдим, ҳеч ким ҳақиқатда ким эканимни билмасди. Ли мени жосус дея шубҳаланади, қария боскинчи деб, ўзим эса бир қурбон дея санайман ўзни. Хўш, ким ҳақу ким ноҳақ?

Умримнинг кўп қисмини таржимонлик қилиб беҳуда ўтказдим: икки тентаклик ўртасидаги кўприк бўлганинг ва уларга ўзингни кпайтирганинг замон бундан-да бўшроқ касб бўлиши мумкинми? Бир бўшлиқдан иккинчи вакуумга қуйиласан, ҳеч нарса ҳаққи ўзингнинг барча сифатинг ва мавжудлигингни унутасан. Замонавий дея аталувчи ҳаётнинг деярли барча томонларини кўрдим. Уларнинг бари менга талабгор эди: саргарошлар оғзаки тасаввурларини ўз илгичдай орик кўғирчоқларига ифодалаб беришимни сўрашди, тиш дўхтирлари тишдаги мураккабликларни беЧўра мижозларига тушунтириб беришим учун таклиф қилишди; кема изидан тушган лентгизчиларга, ўзларини биринчи дуч келган чуқурга кўмишга тайёр шоирларга, бесоқолбозлар билан гаплашган коммунистларга, наркотик билан шуғулланувчиларга, опера кўшиқчиларига, бир гал ҳатто биринчи телевидение орқали гинекологга, роҳиба ва космонавтга ва яна аллақимларга тилмочлик қилдим. Амаким айтганидай: \*Бу мамлакатдаги энг машҳур қизлар билан бирга бўлдим, лекин уларнинг бирортаси битта сичқон бўлсин туғиб бермади.\* Мен ҳам шундай... *Берке тилмоч Сўғднинг Манихеан Шаҳодаси билан шунча кўп вақт бирга яшадими, натижада унинг барча урф ва одатларини қабул қилди. Эндиликда у кунни Ёруғлик Худосига ибодат қилиш билан бошлайди, сўнг Буюк Хабарчининг Муқаддас Китобини ўқийди, кейин пешонасидан чиқадиган ички бир нур ичра тафакурга чўмади, ундан кейин кундузги ибодатга ўтиради, сўнг...*

Уларга ҳеч ким ҳалақит бермайди, чунки улар барча Манихеан китобларини таржима қилишган ва эндиликда бу иш ниҳоясига етиб, уни Ҳукмдорга узатилгач, Берке тилмоч таржима жараёнида ташлаб кетган баъзи тушунмовчиликларнинг асл маъносини англай бошлайди, лекин уларни тўғрилашининг имкони йўқ. Ҳақиқатда ҳеч ким уни очиб беролмаган, чунки матнни ўқиш бошқа, унинг ҳаётга тадбиқ этиш бошқа бир ишдир.

У ҳозир Сўғд Шаҳодасига ўхшаб қолган: жуфтликлар ҳаётларининг сўнгида бир хил бўлиб қолишади – умумий иш, умумий эҳтиёж, умумий фарзандлар уларни бир хил қилиб қўяди. У нурга тўлган кўйи ўзининг Берке тилмочлигини ҳам унутиб қўяди баъзан, ўзини ибтидоий одамлар орасидаги нотаниш Шаҳода каби кўради. Фақат Ҳукмдори – Доно Тонгюқуқ бу туйғуларни қўллаб қувватлаб, унга завқ бағишлайди... \*Ҳамма нарса Тангрининг иродаси билан бўлади\*, дейди

у. 115. Мен буни хали ҳаммаси бошланмасидан бурун Венециядалигимда \*Quaderni di Studi Euroasiatici\* да ўқигандим. У касбимнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам ҳисобга олиб қўйгандим. Ўша пайтда гап нима ҳақда эканини билганимда эди! Афсус, у бир бокира кунлар бўлган, ўшанда мен Марказий Осиёни тадқиқ этиш бўйича Европа Семинарида таржимонлик қилар, шу орада бундай йиғинларга бажонидил қатнашиб турадиган ёш ва келишган бир олимани (*e chiaro che per divertissement*) ахтарардим. Бироқ ширингина юзнинг ўрнига мени Шинжон сафарига ишга таклиф этган Лук билан кўришдим. У глобал геополитикага ёхуд маҳаллий чегара муаммоларига оид зерикарли маърузаларни тинглагани эмас, балки Венециядаги шахсий кутубхоналарда маълум ва номаълум венециялик сайёҳларнинг Даштга боғлиқ қадимий қўлёзмаларини ўрганиш мақсадида келганди. Шарққа оид бирор иловага дуч келган чоғларда мendan таржима қилишда ёрдам сўрарди. Бу муносабатларимизнинг муқаддимаси бўлди. Афсуски, ўша иловаларнинг мазмунини аниқ-тиниқ эслолмайман, чунки уларнинг кўпчилигида Мўғул хонларини кўкларга кўтариб мақталган ва уларнинг сайёҳ руҳонийларини ва аксинча руҳоний сайёҳларини хафа қилдириб қўймасликлари тўғрисидаги ваъдалари битилганди. Бироқ улардан бири миямга қаттиқ ўрнашиб қолган ва эндиликда бунинг маънисини тушуниб етгандайман.

Бу қадимги уйғур тилидаги бир мактуб бўлиб, саҳифанинг тўртдан бирида эгри ҳарфлар юқоридан пастга қараб тизилган, гўёки ҳарфлар осмондан ерга учиб тушаётганга ўхшарди. 13-асрда дараксиз кетган дея саналган венециялик сайёҳ бу мактубни уйғур қамокхонасидан ёзган ва 18-асрнинг ўрталарида яна бир италиялик сайёҳ уни бошқа қўлёзмалар билан бирга Хўтан бозоридан сотиб олган. Асирга тушган сайёҳ маҳаллий халқ ҳақида ёзиб қолдирганди: *\*Ҳаётимда биринчи бўлиб дунёдаги барча маълум динларга эътиқод қиладиган халқни кўрдим. Бунда манихеан ва сарақинларни, оловга сизинувчилар ва несторианларни, буддист ва ламаистларни, шомон ва иудаистларни учратиши мумкин. Уларнинг бари бир хил тилда сўзлашади, бир хил турмуш тарзига эга, фақат эътиқоди бўлак. Бунга қандай қилиб эришилди? Умуман, бу мумкинми? Мен бу ҳодисанинг илдизларини ўрганишига киришдим: бу ҳаддан ташқари чидамлилик, беътиборлиликми ё адашган сир-синаотми? Уларнинг фикрлаш йўсинига кириб бориш учун бу халқнинг тилини ўргана бошладим ва тез орада унинг сўз ўзагига ўхшаган бир неча асосий элементлардан иборатлиги ва бир қанча функционал қўшимчалар ёрдамида биргина асосий элементдан кўплаб турли маъноларни ясаб олиш мумкинлигини аниқладим. Бу мантиқ ва тартиб мени қўрқитиб юборди. У Даштдаги ягона қора доғдан катталашиб-катталашиб пайдо бўлган минглаб кишилар ўрдасига ўхшарди. Бу сизга отилаётган сонсиз ўқ-ёйлар демакдир. Бу Даштнинг ўзи каби миллиард қум зарраларининг бу дунёнинг ишончсиз боғларига томон сурилишига ўхшарди... Гўёки кўк жангчилари бошимизга ёғилиб тушаётгандай. Мен буни бир лаҳзалик сирли тушдай кўрдим ва шу совуқ зиндонда нега ҳаётим якун топганини яхши билардим. Гарчи бу халқ орасида ўттиз ёилдан ортиқ умр кечирган эсам-да, бундан ортиқ ҳеч нарса деёлмайман. Бир нарсани аниқ биламан: бу анча аввал бошланган, лекин жуда узоқ давом этажак. Айтадилар-ку: \*Ҳамма нарса Тангрининг иродасига боғлиқ. Омин!\** Май кунларининг бирида, кечкурун Понте Риалто яқинида Лук билан ғаройиб ширинликни \*Muscato Siciliano\* билан кўшиб еб ўтирарканмиз, ўша асирга тушган сайёҳнинг аниқ нимани назарда тутганини муҳокама қилардик. Унинг ҳар бир сўзига урғу беришга интилсак-да, лекин улар \*бетартиб йўлакчи боққа\* ўхшар, бу эса икки йил асирликда ёлғиз яшашни ва ўша қадимги уйғур тилида ёзилган венециялик мактубининг асл маъносини билиб олишни талаб этди... 116.

Йўқ, адашмадим, бугун асирлигимнинг роппа-роса бир юзу ўн олтинчи куни. Ли кишлоққа қайтганидан кейин жангарилар сони ортганини сездим. Улар ўртасида нима содир бўлганди? Шунга айтишим керакки ишончсизлик асирликдаги энг ёмон нарсадир. Ўз шубҳаларингга ғарқ бўларкансан, кейинги лаҳзада юқорига сузиб чиқасанми йўқми билолмайсан. Бу мен учун хавфлими ё хавфсиз? Лига нисбатан қандай муносабатда

бўлмоғим керак? Аввалги куни у толибонлар ҳақида сўраганида, уларнинг большевикларга ўхшаб бир кечада ўз жамиятларини ўзгартиришни истаганини айтганимда, хахолаб кулиб юборганди. Бундан руҳланиб, айтдимки, афғон жамияти қашшоқлашиб боряпти, бу қаймоғи олинган сутга ўшайдики, у қаймоқнинг ҳам юпқалигига шубҳа йўқ. Ли бу фикрни ҳам маъқуллади. Мен гапимни давом эттириб, толибонларнинг ўзларига ишончлари ҳаминқадарлиги сабабли алданганликларини айтдим. Лекин улар ёш бўлиб, шунинг учун ҳам а) радикал, ҳатто эронлик Оятуллоҳлар улар олдида тиш-тирноқсиз шерга ўзшайди; б) янги келганлар, улар келгуси йигирма йилда ҳукмронлик қилишлари мумкин; в) ноанъанавий тарзда ҳамма нарсага қизиқувчан ва руҳонийлик нуқтаи назаридан исталган муаммони муҳокама қилишга тайёр; г) интилувчан ва шу боис ишонтириш қийин ва ҳоказо...

Мундай олиб қараса, бу сифатларнинг аралашмаси қайсидир даражада Лида ҳам акс этганди. Чунки охири у юз қиёфасини ўзгартирмасдан \*Биласанми, Толибон худудларида уларнинг тайёрлов базалари мавжуд\*, деди ва давом этди: \*Лекин сен қайдларингда ўз кузатишларингдан фойдалансанг бўларди\*. Бу нима дегани: кўркувми ё шунчаки бир маслаҳат? Бунга ўхшаш арзимас баёнотни ўнлаб бошқа миллат ва жамиятлар тўғрисида айта олган бўлардим. Масалан: бўлмоқдан кўра туюлмоқ муҳимроқ бўлган французларнинг ичи бўшлиги, ҳеч қачон кўрсатмайдиган, лекин қиладиган немисларнинг мустаҳкам ички дунёси, ўнта имкониятдан бири таваккалли бўлса ҳам ҳеч нарса қилмайдиган инглизларнинг эҳтиёткорлиги, Эллин илоҳиётини Семитик православиега айлантирган греклар, арабларнинг такаббурлиги, жанжалкаш руслар, ўзини камтар озчиликдай кўрсатадиган бир рим миллиард хитойликлар... Бас! Етар энди. Лекин уларнинг бирортасини ўз ўрнимда кўришни истардим, ҳа менга ғамхўрлик қилмайдиган, аксинча ўша адашган Ли ва унинг шайкаси билан бир юзу ўн олти куним устидан босим ўтказадиган ақалли бирортасини... 117.

Ниҳоят Венецияда (кўнглимнинг ёлғиз юпанчи!) ўзимнинг bella ragazza мни топдим. У провинциялик италян қиз бўлиб, даврлар ва йўллар туташган Чўрраҳа – Иосиф Бродский қатнашган Халқаро анжуман иштирокчиси эди. Гарчи шеъриятнинг катта шайдоси бўлмасам ҳам, аёл кўнглининг нозик торларини чертиш йўлида ундан қандай фойдаланишни биламан. Қолаверса, бир гал Бродскийга Нью-Йоркдаги адабий симпозиумда таржимонлик ҳам қилганман.

Мен ўзимни илҳом оғушига олган дамларда жуда ёқтираман. Дабдабали қайиқда ўтирарканман, бу дунёда ҳар ким ўз исмининг сеҳрли меросини кўтариб юришга маҳкум дея бадий ўқишга берилиб кетаман, шунга ўхшаб, Бродскийнинг ҳаётида ўз Ватанининг турмасидаги қудуққа ташланган Соҳибжамол Иосифнинг аксини кўриш мумкин, кейинчалик у ўз мамлакатидан ташқарида шуҳрат топди ва аввал душман бўлган биродарлари унинг куч-қудратини тан олишга келишди. Герцоглар саройи ва турма ўртасидаги Чуқур Нафас Кўпригидан ўтганимизда, айтганимдай, денгиз юзасига чиқдик. Мен Салтанатлар мавзусига батафсил тўхтала бошладим ва қолган бошқа барча империяларга қарши ўлароқ, совет империяси бўш ҳокимият устига қурилган мафкуравий ва курук империя эканини айтдим. Бу ҳаёлий бир империя эди. Шунинг учун ҳам ёзувчиларнинг роли унда ғоят буюк эди. Ўша буюк куч устидан ғалаба қилишнинг кўпгина йўллари бор эди ва уларнинг бирини Бродский топган: унинг эркин ҳаёллари рус шеъриятининг анъанавий шаклига қарши қўйилган. \*Ўз хоҳишига қарши бориш\*дан холилиқ унинг шеъриятига хос асосий қоида эди.

Булар чиндан ҳам мен Нью-Йоркда таржима қилганим Бродскийнинг ғоялари эди, лекин Марселлам учун улар қандайдир янгилик бўлди. У буларнинг барини халқаро анжуманда ҳамкасблари билан ўртоқлашиш учун ёзиб олди. Қайиқчи бизни суратга тушишга таклиф қилганида, у жон деб тезроқ ундан кутулиш учун фотоаппаратини тутказди ва ДНК тузилиши ҳақидаги сўзларимни бошлаганча, Гранд Канал томонга бурилиб кетдик. Биласиз, касбим туфайли кераксиз билимларга тўлиб тошганман: масалан, ДНК чизиғи тўрт унсурдан ташкил топганлигини биламан, булар ДНК занжирини юзага келтирадиган сульфонатлар, спираль ҳосил қиладиган иккита бир-бири билан боғланган занжир ва бу спираллар бўзаро боғланиб ҳаёт асоси учун тўртинчи босқични ташкил қилади. Бродский шеърияти ҳам шунга ўхшайди...

Марселла мендан ДНК тузилишини чизиб беришни сўради. Мен унинг расмини ҳеч қачон

кўрмагандим, чунки фақат сўзларни таржима қиламан холос, шу боис олдиндан тайёргарликсиз, Венеция дарё ва каналлари схемасини чиза бошладим, бироқ Марселла бундан беҳабар, нақадар ўзини бахтиёр сезарди... Шу орада майин шабада суҳбатимизга кўшилишни истаган кўйи сочларимизни тортқилай бошлади. Қайта эслаётганим учун маъзур тутгайсиз, хуллас ўша куни гапларимиз бир-бирига уланиб-уланиб, балки суюклигим Венецияда ҳозир ҳам сув узра учиб бораётган қайикдаги ажойиб ҳаётимиздан эсдалик суратларни ва фотоаппаратни унутиб қолдиргандик... Сўзлар, сўзлар, сўзлар...

118. Билга-Ҳоқон ўлди, лекин қўшни ҳукмдорларнинг биронтаси ҳам ўз элчиларини унинг жанозасига юбормади. Аслида унинг ўлими ҳатто очиқ эълон ҳам қилинмаганди ва ҳокимият тўғридан-тўғри Побека бошчилигидаги ўғил Йўллуқ қўлига ўтган, шунга қарамай Доно Тонгюқуқ салтанатда содир бўладиган ҳамма нарсага жавобгар эди. Салтанат чўкиб борар, Тонгюқуқ буни билса-да, лекин тўхтатолмасди: бош бўлмаган жойда ҳеч нарсани бошқариб бўлмайди... Неча кунки чодирда ўтириб, Катта Қайтишнинг стратегияси ҳақида ҳаёл қилар, аслида буни аллақачон бошлаб қўйганди: бошқа бир кун Берке-тилмоч Сўғднинг манихеан шахзодаси билан бўлган баҳснинг ўртасида ўлади, ҳақиқатда эса ўлган киши Берке эмас, балки Шахзоданинг ўзи эди ва Тонгюқуқ ва Беркедан бошқа ҳеч ким буни билмасди. Энди, Ёруғлик Шахзодаси зиндонга ташланди, унда ўз эътиқодини ўзгартириши мумкин, динни янги қабул қилаётганларга оддий оғриқ ва азобдан-да кучлироқ бошқа нарса даъват қилмайди. Берке ўзини бағишлаганларнинг ички жамосини тузиш кераклигини яхши биларди ва унга бўйсунганларнинг барчаси ўзларининг беш кишилик ибодатхоналарини ташкил этишга киришишади ва уларнинг ҳам ҳар бири бошқа бештани ўз қўл остига олган бўларди. Фақат юқори қисмигани пастигача бўлган ҳамма нарсани биладиган пирамида... Биргина Ичи Лянг Салтанат юз тутаётган тартибсизликка қарши мажбурий фан сифатида яқинда эълон қилинган ҳарбий санъатлар билан машғул эди... Собик Салтанатнинг ҳар бир собик асири буни қўллаб-қувватлаши керак эди...

119. Балки сиз Кўк Туркларитўғрисида батафсил маълумотни қаердан олганлигимни ўйлаётгандирсиз? Асосан шу ерда ва мана шу душманлик ҳолатимда. Шинжонга қилган биринчи сафаримдан кейинги икки йил давомида ўқиганларимни эслапман холосми? Қисман, ҳа, лекин бу фақат шундан иборат эмас. Ли билан бўлган узундан-узоқ суҳбатлар ва унинг хитой манбалари билан танишлиги менг акўшимча билим берди. Лекин сизга ҳали энг асосий нарсани айтганим йўқ: тўрт ярим ойча бурун ахири Шинжонга қайтиб келдим ва агар эсингизда бўлса, Ўлик Шаҳардаги тошларнинг нафақат суратини олдим, балки яна бошқа нарсаларга ҳам эга бўлдим. Ва бу ҳозир ёнимда турибди... 120.

Тугалланмаганлик белгиси ҳар қаерда бўлади: ҳаёт рамкага солинган расмга мос келадиган адабиёт эмас. Ҳақиқий ҳаётни гапириб берсанг, у мойбўёқ билан ишланган суратдаги ҳайкал бўлагига ўхшаб қолади: ё оёқ юзадан суғуриб олинади, ё мрамор бўлаги рамкага келиб урилади. Лекин аслида ҳаёт бундан ҳам баттар: у қаҳрамонлар сонини ҳисоблаб ўтирмайди, ёхуд уйғун ҳолатларни пойлаб юрмайди, ҳеч нарсага эътибор қилмай давом этаверади: Лук қамокхона осудалигида ғойиб бўлади, Фиона ишқий ҳикоямнинг қоқ ўртасида йўқолиб қолади, Зев ўзининг Шиа Чангига етишолмай ҳалак, сиз билан менинг атрофимдаги яна қанчадан-қанча исмли ва исмсиз одамларни ҳисобга олсакми... Ҳатто Ли сўнгги бир неча кун ичида мени ташлаб кетди ва фақат ёғ босган қария яқинлашиб келаётган ўлим қиёфасида кибру ҳаво билан кезинаркан, ўз деворини тиклай боради: тош устига тош... Эски ҳаётимга қайтармиканман ва ё бу кампир билан қоронғиликка қамалиб қолиб кетаманми? Ҳаётим ҳамма нарса ва ҳар кимники каби дунёдаги энг бўлмагур жойда яқун топадими? 121. Ҳаётнинг ўзи ҳаққи ҳеч қачон яшолмаган бўлардим. Ҳатто Венециядан кейин, Марселла она юрти Лидо ди Жессолога таклиф қилганда ва вақтимизни Адриатика денгизининг қирғоқларида хуш ўтқизган онларимизда ҳам ҳаётимда нимадир етишмаётгандай туюлаверди. Аввалига буни қўлимнинг калталигига йўйдим, лекин баъзан чўнтакда пулнинг йўқлигига умуман эътибор бермай қўярсанки киши ва Ремарк

айтганидай, қарзга яшайверасан. Бу турмуш тарзингга айланади. Бу ҳали пулнинг йўқлиги ҳақида эмас. Ундан-да чуқурроқ. Тасаввур қилинг, қирғоқда денгиз тўлқинлари қуршовида аста юриб кетяпсиз, лекин негадир ўзингизни шу учун бахтиёр сезмайсиз. Ҳеч нарса учун бахт бўларми? Ахир сиз бахт нимадир учун бўлишига ўрганиб қолгансиз: кўпроқ пул, яхши иш, яхши бошқариладиган юмуш ва бу боғлиқлик иккинчи ўзингизга айланади, ўзингиздан ҳам кучлироғига. Шунга ўхшаб мен ҳам ўзимдаги ҳокимлардан қутула олмадим. Ҳа айтганча, айна ўша кунларда Венецияда ўтадиган *\*Қай бир инсониятга қайси Худо?\** дея номаланувчи яна бир йирик анжумандан қолдим. Унга асосий таржимонлардан бири сифатида таклиф қилингандим. Ўзим кўздан кечириб чиқишим лозим бўлган мавзулар ҳануз эсимда: *\*Динлар ва диндорлик\**, *\*Дин ва инсоният\**, *\*Дин ва бошқа эътиқодлар\** ва яна бир бор мабодо мавзулар икки ярим йил ичида назарий йўлдан-да ортиқроқ бир йўсинда ортимдан эргашиб юришини билганимда, Жессолодаги уруш-жанжални минг қарра афзал билган бўлардим.

Лекин бу сафар ҳам ноҳақ эканман. Ҳозир буни эслар эканман, ўзимни бахтиёр ҳис этяпман. Худди ҳаётингиз сизга берухсат ёки ўзингизнинг беҳабарлигингиз сабабли берилгани каби, бахтсизлик ҳам шундай, ҳеч қутилмаганда қаршингиздан чиқиб туради. Шунда ўсиб кетган соқолингиз жангарилар ҳарбий форма ўрнига берган ўқув кийимига ишқаланишига, исланиб кетган тўзғин сочларингизга, умуман, ҳеч нарсага эътибор бермай давом этаётган ҳаётдан миннатдор бўлиб кетасиз... Нега ўтмиш хотирада бу қадар илиқ ва ширин ҳолда сақланиб қоларкин? Сиз уни яшаб ўтгансиз, лекин ўша маҳал унинг ширинлигини мутлақо сезган эмассиз, тўғрими? Ҳатто ҳозир яшаётган ҳаётингизнинг нечоғли ширин эканини-да сезмаяпсиз. Балки қоронғида ёлғиз ўтирганингиз, қари ўргимчак тошдан тўр тўқиётган, ҳаётингиз ва ўзингиз ўртасида ҳеч нарса мавжуд бўлмаган ушбу дақиқалар ўтмиш-бугун-эртангиздаги энг яхши кечган фурсатдир ва сиз уни ҳозирнинг ўзида қадрига етмаётгандирсиз балки? Бу фақат тўрнинг навбатдаги уяси каби кейинги тошдир ва ё аввалгисининг ҳақиқий қимматини кўрсатиб берадиган қаёдларнинг навбатдаги боби бўлса не ажаб? Лекин келаётган кунда яна қандай кўргуликлар бизни кутиб турибди экан?

122. Бугун мажбурий байрам ибодатидан кейин хонамга қайтиб келсам, қайдлар дафтаримнинг охири саҳифасига Ли англиз тилида бир парча ёпиштириб кетибди: *\*Қирғиз оқини Тардуш Инончи Чўр тулки оловчилар тегмаган ягона хабарчи эди. Уни телбага чиқариб қўйишган, сабаби у ўз сўзларини тошга ўйиб ёзишларига тоқат қилолмаган ва шундан буён қайтиб бирорта сўз ёзмаган эди. Доно Тонгюқуқ ўзининг Катта Қайтишини бажарар экан, яхшироқ жосуслик қилиш учун ўзини телбагаликка солиб юрибдимми-йўқми, шуни аниқлаш учун Тардушини ҳузурига чақиради. Инончи Чўр ҳар галгидай жим ва гамгин эди. У ўз аксини қария орқасида кўрганча Тонгюқуқнинг қаршисида турарди. \*Мунча катта ойна\* дея ўйлади у, тушимми-ўнгими? Лекин бирдан унинг акси Бахши дуосини қуйлашга тушиди:*

*\*Бизнинг Хонимиз Қизил Тоғнинг устида! Муқаддас Биби Марям Хўкиз Тоғнинг устида! Муқаддас Хўкиз Қўчқор Тоғнинг устида! Муқаддас Инсон, кел, Катта Бугудан чиқиб кел, Ердан чиққан Аждаҳодан чиқиб кел! Агар \*Ўлик!\* десам, \*Ўлик!\* де! Агар \*Тирик!\* десам, \*Тирик!\* де... БеЧўра Тардуш Инончи Чўр аждаҳо қаршисидаги қўзичоқдай қалтиради ва акси қуйлашни тўхтатган заҳоти кўрқувини ичига ютиб, бўғиқ овозда қичқира бошлади, чунки узоқ муддат овозини чиқармай юрганди. \*Осмон Шоҳининг ўғли бир кун Ерга тушиди. У дунёнинг икки қисмида ҳам назорат ўрнатишини истаганди. У ер остидаги етти қатлам орқали ўтиб, уларни ва уларнинг қўриқчиларини истило қилди. Лекин Ер ости Шоҳининг Қизи Қора Тулкига айланиб, ёш йигитларни Ер остига олиб тушиди ва отасининг жамғармасини кўпайтириб, уларни ўлдирди. У Осмон Шоҳининг Ўғлини товланувчи рангин терисига ошuftа айлаб, ўзига оғдириб олди. Ўғил ҳам унга ошиқу беқарор бўлди. Лекин қиз севгиси учун унинг жонини сўраган эди, ўғилнинг оти тишиқриб, сакраб юборди. Шунда қиз жоннинг ўрнига унинг отини сўраганда, Осмон Шоҳининг ўғли шундай деди: \*Бир йигитда бир жон, бир севги ва бир от бўлади, агар у бир*

учун иккени берса, ўзида бор ҳамма нарсдан айрилади!\* Шу сўзлар билан ўз севгисига яқун ясади ва отини бўш қўйиб, тубсиз жарликка қулади ва унда ўлим топди. Шундан буён Қуёш от чоптириб, Тун эса Қора Тулкидай момик юлдузларнинг ранглари билан ўйнашиб юради, бироқ улар ҳеч қачон бир-бири билан кўришмайди... \*Нақадар чиройли, шундай эмасми?\* – деб ёзганди Ли сўнггида, лекин мен ҳикоянинг гўзаллиги ҳақида эмас, кўпроқ унинг тағ маънолари тўғрисида ўйлаётгандим ва улар сероб эди...

123. а) Ли қайд дафтаримни қаердан топиб олди? б) ундаги ҳамма нарсани ўқиб чиқдимми? в) агар буни инглизча ёзишнинг урдасидан чиққан экан, хўш, нимани даъво қилади, нега? г) нимага у билан ҳануз сичқон-мушук бўлиб юрибман? Бошқа нима қила оламан? д) яна бирор нарса ёзишим керакми ва ё шу ерда ҳаммасини тўхтатишим? е) агар Ли ва кейинроқ уларнинг барчаси ҳаммасини билган бўлса, нега давом эттиришимга изн беряпти, нега эртароқ ўлдириб юборишмади? Уларга нима учун керак бўлиб қолдим? ж) мени ўзларининг йилномачилари сифатида тутиб туришибдими, бошқа қанақа тушуниш мумкин, бир хил овқат еб, бир хил хавф остида туриб, бир хил ҳаёт кечириб, уч ойдан ошиқ вақтни ўтказдим, ҳали уларнинг бири эканимни ҳис қилганимча йўқ, улар ҳам меин ўзларининг бири эканини сезишмайди... Ли мени жосус дейди, шундай экан нега мени ўлдиришмайди? з) Ли менга маълум ҳамма нарсдан хабардорми? У мени кузатган ҳолда мен билан бир хил турмуш кечирди, бирга ухлади, бирга овқатланди, бирга гаплашди, мана энди ҳатто ёзганларимни ҳам ўқиб юргани аён бўлди... и) ... Бас, агар бу Поличино сири бўлса, у ҳолда яшириниб, хитойчани инглизчага аралаштириб, бузук инглизчада ёзганларимнинг маънисини қайда қолди? Бу бемаъни нарсани ёзишни тўхтатишим керакми? 124.

Мана энди аввал менга маънисиз туюлган нарсани тушунтириш фурсати етди. Ўша маҳал \*Нима бало бу!\* деб ўйлагандим. Лекин ҳозир бутунлай бошқача фикрдаман. Сиз Ноам Шатский ва унинг марҳум биродари Зевни унутмагандирсиз? Гарчи Ноамнинг биродари ҳаётидаги роли нечоғли аҳамиятга эгаллигини билмасам-да, кунларнинг бирида Қуддусда Ноам менга хориждан Зевнинг жасади солинган тобутни олганда, бу унинг биродари жасади бўлмаганини айтганди... \*Жасадни олгандан сўнг, уни ювиб, оқ кафанга ўраётганимизда, кўзларини матога ўрашдан аввал бирдан унинг атрофида жуда майда кесиклар блорлигини сезиб қолдим, худди кўзларини косметик жарроҳлик қилинганга ўхшарди. Аслида унинг одатга кўра дарҳол кўмилмагани ҳам мени шубҳалантирганди... Ҳақиқий яхудий ҳеч қачон ўлимидан етти кун кейин кўмилиши керакмас!\* Ўша маҳал мен унинг томоғи ва бўйни атрофида ҳам кесиклар бўлиши мумкинлигига қизиқдим, лекин Ноам жавоб бериш ўрнига кўзини олиб қочди. Ўшанда нечоғли тўпори ва содда бўлганимни энди тушундим... 125.

Ҳақиқатда мен бу ҳикоядан хабарим бор эди, чунки уни аллақачон учратгандим! Зев ўз кундалигида Роҳиб Валаамовнинг Дандан Уйлиг исмли уйғурнинг номаълум манбасидан келтирган иқтибосини эслатиб ўтади., Тўртбурчак яхудий ёзувида қандайдир \*Аҳбар\* томонидан ёзилган ўша манбага кўра, Валаамов ва Зев бир яхудий руҳоний билан муносабатда бўлган – яхудий Ўн-Ўқ қабиласининг Кўк Туркларимаҳкамасига юборилган икки элчиларининг бири иккинчисининг тобутини кўтариб, ортига қайтиб келган. \*Ўғуз-Билге тамғачи Макрач солинган тобутни елкасига олиб, Ўн Хушхабарнинг кўплаб билимдонлари билан ортга қайтиб келди. Ўғуз-Билгенинг ўзи жуда азоб чекканди: унинг юзига чуқур чандиқ тушган, тили кесилганди ва динни янги қабул қилганлар даштнинг ўртасидаги зиндондан қандай қилиб қочиб қочибгани тўғрисидаги фожеий ҳикояни айтиб беришди. Лекин тамғачи Макрачнинг жасади ювилганда, унинг хотини бу эри эмаслигини билиб, йиғлай бошлади. Катталар жасадни тезроқ кўмишига буюриб, хотиннинг қилигини ғам ва узоқ жудоликнинг натижасига йўйишди, лекин бу воқеа барибир шубҳа тугдирди. Афсуски тили кесик Билге-Ўғуз ўзича бир нималар деб гапирмоқчи ва тушунтирмоқчи бўлар, лекин уни ҳеч ким тушунмасди. \*Элчиға ўлим йўқ\* – бу ҳатто душманлар ўртасида ҳам мангу қоида эди, бироқ ана шу қоида



*бузилди, шундай қилиб, Ўн-Ўқ қабиласи Илоҳ номи билан кўк туркларга қарши уруш эълон қилди...* Лекин на Зев, на Валаамов ва на номаълум манба дашт ўртасидан келган Ўн-Ўқ қабиласига келган динни янги қабул қилганлар тўғрисида ҳеч нима демаган. 126.

Афғонистондаги Мозори Шарифга етиб келганимда бу кўркинчи туш бошланган жойга борган сари яқинлашиб келаётганимни тасаввур қилолмасдим. Машхур зиёратгоҳ яқинидаги бозор ёнида БМТ ходими бўлган маҳаллий йигитни учратиб қолдик, у бу ердан Шинжондаги энг машхур шаҳар – Қошғарга бормоқчи эканликларини айтди. Румийнинг тақдир ҳақидаги ривоятини биласизми? Унинг айтишича, кунларнинг бирида бойнинг хизматкори бозордан ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келади. \*Сенга нима бўлди\*, – сўрайди ундан хўжайин. \*Мен бозорда Ажални кўрдим, у мени кўрқитди. Мен ундан қочиб, тўғри уйга келдим. Шунча йил чин дилдан хизматингизда бўлдим, агар мумкин бўлса, отингизни бериб турсангиз, мен Ҳиндистонга қочиб кетсам.\* – \*Албатта!\*, деган жавоб бўлади. Шундан кейин хизматкор отни олиб, у мамлакатдан чиқиб кетади. Кейинроқ, хўжайин бозорга бориб, у ҳам Ажални кўради. \*Нега менниг хўжайинимни кўрқитдинг? Сал мулойимроқ бўлсанг бўлмайдимми?\*, – сўрабди Ажалдан. \*Биласанми, – дебди Ажал, – бугун кечаси унинг жонини Ҳиндистонда олишим керак эди, у бўлса хануз шунда...\* Бу ривоятни БМТ ходими бўлган ўша йигит билан учрашувни ўйлаганимда эсга оламан. Буни ҳеч кимга, ҳатто Афғонистонда таржимонликка ёллаган нодавлат ташкилотининг вакилига ҳам айтмадим. Эрта азонда маҳаллий координаторга икки юз доллар тўладим ва у бир фожеий ҳикоя ўйлаб топди, унга кўра, у Қашғарга бора олмади, лекин ўз ўрнига хўжайинига менинг боришимни таклиф қилди ва у учинчи йўловчи сифатида оқ-кўкиш Тойота жипида мени олиб кетди. 127. Сизга кўркинчи йўллар ҳақида айтиб ўтирмайман, уларни \*ўлим талвасаси\* да айтиб ўтганман, лекин чиндан ҳам бутун йўл дабдала эди. Бунақа йўлларда сиз ўзингизники бўлмай қоласиз, ҳатто яшаётганингизга шубҳаланасиз, чунки истаган киши ҳеч бир сабабсиз сизни тўхтатиши, тинтув ўтказиши, уриши ва ўлдириб юбориши мумкин. Тоғ довлари ундан ҳам баттар: аранг турган тор йўлақлар, тўсатдан ёғадиган қор ва туманлик, на юқорида ва на жардалигингни билмаслигинг, текис ерга чикаманми-йўқми дея умидсизликка тушиш... Бунақа йўллар одатда фақат эртақларда акс эттирилади. Лекин бу бўш юпанчдир, чунки ҳақиқатда у яқун эмас, балки кўркинчи тушнинг бошланишидир. Лекин улар йўл тугади дейишса ҳам, саёҳат хануз давом этарди. Биз Қошғарда аввал Россия элчихонаси бўлган, бир кечалик тунаш баҳоси 500 долларлик (БМТ нинг чўнтагидан кетади-ку) меҳмонхонада тўхтадик. Бу дабдабали бинода \*Йирик Ўлжа\*, полковник МкКартни, жосуслар ари уяси, романтизм хануз сақланиб қолганди. Ажойиб суратлар, ғаройиб мебел ва ипак деворлар... Менинг бу мамлакатга кириш учун визам йўқ эди, хўжайин буни билар, дам-бадам \*Биз БМТ ҳимоясидамиз\* деб кўярди. Чиндан ҳам хўжайин меҳмонхонага тўлаган баҳони кўздан кечираркан, ҳеч ким мандан бу ҳақда сўрамасди. Хўжайин эса паспортини умуман кўрсатмас, унинг ўрнига ҳамма жойда БМТ гувоҳномасини кўрсатар, фақат бир гал канадалик қизининг расмини паспортининг ичидан олиб кўрсатганда унга кўзим тушди. У паспортни бошқа қоғозларининг устига ташлаб, келгуси редаларни муҳокама қилишга тушди. Мен эса режамни аллақачон пишитиб қўйгандим... 128.

Жан-Пьер Балпенинг сохта паспорти билан Қошғардан Урумчига йўлга чиққан дабдала автобусда икки кун вақт ўтказдим. Бу мен чиққан автобуслар ичида энг ғалатиси эди. Аввал ҳайдовчи кўзгалиш вақти ўтиб кетса ҳам, одам тўлгунча кутиб ўтирди. Сўнг у автобусни Қошғарнинг нариги бир четдаги гараж томонга ҳайдаб, механик билан нимадир тўғрисида гаплашди, кейин яқинроқдаги қассобхона томонга бурилди, у ерда баланд овозда чақирганди, бир болакай икки килоча гўшт келтириб берди. У гўштни уйига ташлагандан сўнггина Урумчига қараб йўлга тушишимизни эълон қилди. Бу шунчаки гап экан, чунки автобус Қошғардан чиқиши ҳамоно турли одамлар у ёққа-буёққа олиб бориб қўйинг, дея сўрай бошлашди. Шу тарика автобус гоҳ ўннга, гоҳ чапга, ҳатто бир йўловчи ухлаб қолган экан, уни орқага ҳам ташлаб келди. Сиз нечоғли ғазаб ва хавотирга тўлганимни тасаввур

қиялпсизми? Чунки биринчи қайрилишдаёқ ҳайдовчи мени полицияга топширади ва унда мени қаттиқ жазолашади деб ўйлагандим. Лекин энг шармандалиси ҳар тун учун 500 доллар тўлаган Жан-Пьер менга худди майда ўғрига тикиладиган кўз билан қараган бўларди!.. Автобуслар орқасидан келаётган ҳаракатдаги куч қайрилиб кетаётганини кўргач, анча хотиржам бўлдим, гарчи БМТ вакили жаноб Балпе барча полиция кучлари ва назорат пунктларини оёққа турғизиши мумкин эди. Лекин агар шундай қилса, визасиз шубҳали бир кишига бошпана бергани унинг баъзи қоидалрин бузганини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйган бўларди. Ҳар ҳолда у бундай қилмади, БМТ ҳақида ижобий фикрим яна бир карра оқланди. Лекин саҳронинг ўртасига келганда ният-мақсадим хотиримдан кўтарилди – қаёққа бунча шошилиб кетаётган эдим? Нега? Қачон? Ниманинг ортидан? Ниҳоят икки (балки ч) кундан кейин Урумчига етиб келдим. 129.

*Доно Тонгюқуқ ҳалиям чодирда якка ўзи Билга-Ҳоқон тўплаган Универсал Ақлу-заковатни варақлаб ўтирарди. Мана молхонада бир юлдуз остида мўъжиза туфайли отасиз тугилган бола ҳақидаги ҳикоя. Маги мўъжизани кўришга келди, лекин подшоҳ она ва болани ўлдиршига буйрёқ берди... Ёки Хоннинг дарё ёқасида еттита бола тугиб, ўлим талвасасида ётган урғочи шерни учратган уч ўғли ҳақидаги ҳикоя бор унда. Энг кичик шаҳзода она шерни ҳаётга қайтариши учун озроқ гўшит ва қон керак деб ўйлайди ва шу онда янги тугилган болалар ва она шер учун ўзини қурбон қилишга қарор қилади. Узоқ тафаккурга чўмгач, ўзини она шерга едиради. Ҳикоянинг давоми унинг акалари ва ота-онасининг бу воқеадан ғам-андуҳга ботганлиги тўғрисида... Бундай ҳикоялар одамни кучсиз ва бўш-баёв, таъсирчан ва вайрон қилиб кўрсатади. Тонгюқуқ бир гал Билга-Ҳоқонга шунга ўхшаш гап айтган, лекин у эътиборга олинмаган. Энди нима бўлди? Билга-Ҳоқон охирги васиятини қолдирди: \*Эй, турк қўмондонлари ва халқи, қулоқ тутинг! Устингиздаги осмон қулаб тушиб, остингиздаги ер ўпирилиб кетмаса, эй турклар, ким сизнинг Салтанатингизни ва ҳаётингизни барбод қила оларди? Эй турклар, афсус ва надомат чекинг! Қатъиятсизлигингиз учун доимо ошқозонингизни ва миянги тўйдириб турган ўз доно Ҳоқонингизни сотиб қўйдингиз, ўзингиз дунёнинг Тўрт Бурчига қадар чўзилган давлатга хоинлик қилдингиз ва ўзингиз галаён кўтарилишига сабабчи бўлдингиз. Мана энди қонингиз дарё бўлиб оқади, суякларингиз уюмидан тоғлар барпо этилади ва ўзи қул бўлган хўжайинлар ўғил фарзанд кўрадилар...\** Ҳукмдор ўлди, Қаҳрамон энди йўқ, биргина Тонгюқуқ дунё ақлу заковатини англаган, лекин ўз йўлидан адашган халқи ҳақида қайғуриши лозим... Ана шу ўзим кўлда кўчириб ёзган ва кундалигимдан йиртиб олганим парчани атайин ўтирғичим устига Ли кўрсин деб ташлаб кетдим. 130.

Урумчи вокзалига етмай туриб, атрофни кузатганим ҳолда, бу вокзалдан олдинги охирги бекатми-йўқми, аниқ билмасдан автобусдан тушиб олдим. Урумчига қилган бу сафарим аввалгисидан катта фарқ қиларди. Таржимоннинг кўчманчи ҳаётини яшаб ўтиб, бир кун жосусликда қўл келадиган ажойиб техникаларни ўрганиб олганман. Масалан, сиз Робия Қодир супермаркети қаерда жойлашганини жуда яхши биласиз, лекин ўша томонга қараб кетаётган йўловчидан \*Кечирасиз, Робия Қодир супермаркети қаерда жойлашган?\* дея сўрайсиз. У сизга тушунтира бошлайди ва \*Мен ҳам ўша ёққа кетяпман, албатта кўрсатиб қўяман\*, дейди. Шу нуқтадан ўзаро суҳбатингиз бошланади. Агар яхши ният қилсангиз, суҳбатингиз натижасида дўстлашиб қолишингиз мумкин. Аёлнинг исми Марям бўлиб, ёлғиз она эди. Унинг ўғлига супермаркетдан телепузикми ва ё дангасополвоннингми расми туширилган футболка сотиб олгандим. Аёл мени уйғурча лағмонга таклиф этди. Икки кунни унинг Урумчи атрофидаги лойшувок уйида ўтказдим. Марям икки кун \*Хангиан Бингуа\* меҳмонхонаси қаршисидаги суратхонадан менинг чиқариб қўйилган расмларимни олиб келиш учун югурди. Ахири у уларни келтириб берди – икки ёшли расмлар: саҳро ўртасидаги эшак, машхур сўфи Офок-хўжа зиёратгоҳи, \*Икки от бир-бирини тепган маҳал уларнинг орасидаги эшак ўлади\* деган буюк шоир Юсуф Ҳос Ҳожиб зиёратгоҳи, Урумчи тепалигидаги Хитой ибодатхонаси, бир жуфт Манихеан қўлэзма ва ... ва... юрагим Урумчидан Турфонга қадар қаттиқ уриб турганди... бир, икки, уч, тўрт... бир неча мутлақо оппоқ суратлар. Йўқ, улар тамоман оқ эмасди: бир неча овалсимон нур тўрт томондаги чанг

бурчакдан таралиб турарди... Ўлик Шаҳардаги тош... 131.

Ли икки ярим йил аввал Турфонда мени кузатиб юрган одамнинг айнаи ўзи эди. Ли ё Жон деб аталади ё Жонни Ли. Бу тушунча миямни тешиб ўтиб, мени кўрқитиб юборди. Нега олдинроқ буни сезмадим-а? Бу шунчалик аниқ эдики! Майин соқолини қЕртишлаб, катта қора кўзойнак тақиб, инглизча гапиртириб қўйсангиз бас, қаршингиздаги ё орқангиздаги Лидан кўра, устингиздаги Жонни ясайси-қўясиз. Бу унинг хавфсизлик кучлари ходими эканини билдирадими? Шунга қарамай, у жангарилар орасида уларнинг ишончини қозониб юрибдими? Қандай қилиб? Қачон? Қаерда? Нега? Вой Худо, жинни бўлиб қоляпманми?

Катта қора кўзойнак таққан ҳолда Турфонга кетаётган автобус орқасида ўтириб кетардим, бу кўзойнақлар қиёфамни ўзгартириш учун тақилган, қолавреса, бу ўлкаларда кўзга яққол ташланадиган биринчи белги бўлиб, менинг туристлигимга ишора эди. Айниқса, менинг икки йилдан зиёд вақтдан бери қидирувдаги портлатгич сифатидаги ҳар бир назорат пунктига осиглиқ турган суратимни хаёлга келтирсам... Ҳарқалай хавфсизлик ходимининг қўлига тушмаслигим керак эди, ҳаётимнинг биргина ипи – Жан-Пьернинг паспортини кўрқув ичра олиб юрардим. Шукурки, манзилга етиб келдим. Дунёнинг энг чуқур инкирози.

Ҳаммаси тескари тартибда қайтарилаётган эди. Тер босган қўйиндаги қоғоз парчаси, катта қора кўзойнақли Жон-Зиангнинг зуғуми остида махфий агентлар тўғрисидаги хаёллар, Ўлик Шаҳарнинг ўзидан аввал келаётган чанг иси. Жаннат деб ўйлаганим жаҳаннам қуршовига қайтапманми? Шундай хаёллар мени янада эҳтиёткор қилиб қўйди, биринчи дуч келган уйғур дорихонасидан кўзойнақлар сотиб олдим ва уни таққандан кейингина бир оз хавфсизроқ сездим ўзимни, гарчи бу кўзойнақларда атрофни аранг кўриб турардим. Шу ерликларнинг айтишича: қассобдан сотиб олиб, баққолга пулини тўлайди. Бу иккинчи ҳалқа бўлиб, мен замонавий цивилизациянинг марказида эмас, балки учинчи дунё мамлакатларида умргузаронлик қилардим. Дунёнинг хануз одам кун кечираётган нокерак ўлкаси. Шундай қилиб, қовушмаган кўзойнақларим туфайли юзага келган бош оғриғимни босган кўк чойдан ичиб, тоқзордаги узумлар остида куним ўтди. Кечга яқин айланма йўл орқали Ўлик Шаҳарга томон йўлга тушдим. Аввалдан ҳисобга олмаган бўлсам-да, ўша тун ой тўлиб турган эди. Бирдан, Хитой манбаларида ёзилишича, кўк туркларнинг ойдин кечада ҳужумга ўтишлари эсимга тушиб кетди. 132.

Бугун эрталаб, яна бир бор, яшаб яшагим келмай қолди. Кеча ярим тунда кўмондон телба биродаримизни ўз қўли билан отиб ўлдирди. У бу сафар ҳам қочиб кетмоқчи эди, лекин қўриқи уни топиб олди. Улар: \*Беркинган жойингдан чиқ, сенга тегмаймиз, пулемётимиз ҳам ўқланмаган!\* дея бақирди. Телба йигит оёғини қайириб олган чамаси кимирлай олмасд, лекин аввал патруль, кейин кўмондон унга яқинлашиб келди ва телбани оёққа турғизмоқчи бўлди. У эса икки қадам юрибоқ юмалаб тушди. Кўмондон уни яна турғазиб қўйди, лекин телба ожиз мушукчадай зўрға судралди ва қорга йиқилди. Кўмондон уни яна бир бор ўрнидан кўтарди ва олдинга томон итарди. Йигит бир қадам қўйди-ю, чалқанчасига кулади... Кўмондон нарироққа бориб, унга қарата ўт очди. Тана бир неча бор тўлғонди-ю, ер тишлади қолди. Бу мудҳиш воқеа ойдин кечада рўй берди...

133. Мен Антрактиканинг қоқ ўртасида ўлмоқ истайман. У ерда ҳеч ким мени тополмайди ва ўлик танамни кўриб ғамга ҳам ботмайди. Нима деб валдираётганимни биламан. Мен унда бир марта бўлганман. Бу 8ам халқаро анжуманлардан бири эди, ҳомийлар чегарани бузиб, Антарктикада йиғилиш ўтказишга келишишганди. Мен доимо бу минтақага боришни орзу қилардим. Шунининг учун бу Атланта афсонасига ўхшаган бир нарса бўлдики, қорли тоғлардаги ишониш қийин бўлган ғаройиботлар ичида ўз йўқотган жаннатингни топиб олгандай бўлсан киши: узун папоротниклар, динозаврлар ва болаликдаги рангли, тасаввурларга бой хаёлий ҳаётдаги яна минглаб бошқа нарсалар... Афсуски, бунинг ўрнига хунукдан-хунук бир қаватли метал уйларни кўрдимки, уларнинг бирида халқаро анжуман ҳомийлари \*разминка\* қилишни бошлашди. Биринчи кун ичкилик билан ўтди-кетди, лекин Қозоғистон чўлларида келган Донобек деган бир ёш совет йигити билан танишдим. У ён атрофни айлантиришга ваъда берди ва мижозларимиз жўрликда хуррак отишни бошлаб юборишганда чиқишни назорат қиладиган ҳужжатларимизни стол устига

қўйиб, бошпанамиздан чиқиб кетдик. Барча йўл сигнал байроқлари ўрнатилган симлар билан белгилаб қўйилган, Донобекнинг тушунтиришча, энг хавfli нарса қор остидаги муз ёриқлари экан. Шамол қайсидир томондан яна бир қайсидир ёққа эсар, тиканли қор учқунлари чироғимизнинг ёруғида нурланиб, нақ кўзимизни мўлжалга оларди. Донобек қор устида юрадиган чана олишни таклиф қилганди, мен осудаликни бузмасликни ёқтирмаслигимни айтиб рози бўлмагандим. Биз икки жуфт чанғи олдик. Донобек олдинда, мен орқада кетдик. Биз оппоқ қоронғиликда етим учоқ шумшайиб турган учиш майдони томонга қараб кетдик. Унинг охирида кичик тепалик бор эди. Мен чанғи учиш учун у ерга боришни таклиф қилдим. Донобек хоҳламайгина таклифимга кўнди ва биринчи бўлиб тепаликнинг устига чиқиб, учиш майдонига томон елиб кетди. Унинг қизил қор костюми қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳам ўша тепаликка чиқиб, бир зум атрофга боқдим ва ажойиб манзарани кўрдим – шамол булутларни қор учқунларидан ҳам тезроқ олдинга сураб ва баъзан қоронғи осмонда ойнаб қораси кўришиб қоларди. Бу лаҳзаларда бутун водий сеҳрли нурга чўмилган, менинг завқим ошиб-тошиб кетиб, бирдан тепаликнинг нариги тарафига сирпаниб кетдим. Бу шунчалик кутилмаганда рўй бердики, мен асло тўхтаб олмас ва бунинг нақадар хавfli эканини тушуна бошлагандим, чунки у томонда тутиш учун арқонлар йўқ эди. Худо билди олдинда нима кутиб турганини, қайси лаънати ёриқ ҳаётимга яқин ясайди ва ё тезлашиб бораётган ҳаракатимга қайси қоя чек қўяди... Ҳатто ҳозир ҳам ўша танамни музлатиб юборадиган пойгани яхши эслайман. Лекин ўлганим йўқ. Бир соатча ўтиб, Донобек икки қутқарувчи билан қор устида юрадиган чанада келиб, мени тутиб қолишди. Лекин умрим бини бўлиб Ернинг стида-ю осмон остида унчалик кўрқувга, шунинг билан бирга у қадар завқу шавққа тўлган эмасман.. 134.

Бу воқеани яри тунда Ўлик Шаҳарнинг бошқа еи ва бошқа осмони остида эсга олдим. Буни ўзимга далда бериш учун эсладим, чунки ҳатто энг йирик минтақасининг ўртасида (Ернинг қоқ киндигида) ҳам ёлғизлигимдан даҳшатга тушаётгандим. Шеригим тўлин ой қоп-қора осмонга безбетларча кириб кета бошлаган, унинг қарашидан юлдузлар ҳам эриб кетаётганга ўхшарди. Томирларимда қон ўрнига кўрқув оқаётган эди гўё. Мен сирли ёзувлар ўйиб ёзилган тошни кўрсатган ўша қарияни кўрмоқни истардим. Ундан Зевнинг тақдири тўғрисида сўрамоқчийдим. Негадир менга шундай туюлардики, агар шу ишни қилсам, ўтган икки йил ичидаги воқеаларнинг тагига ета оламан деб ўйлардим. Аслида бу бемаъни бир фикр эди. Лекин у Билга-Ҳоқоннинг фикричалик маънисиз эмасди. Ҳақиқатда эса, ҳамма телбалик ўзимда эди, чунки ўша қария тунда мени кутиб ўтирган дея ишонардим. Бироқ, кўпинча аниқ нарсалар ноаниқ нарсаларни келтириб чиқаради. Барибир! Мен Ўлик Шаҳарнинг бўм-бўш лой шакллари, ҳатто вайрон қилинган ярим шакллари орасидан олдинга юриб борардим. Ер остидаги ҳар бир илоннинг вишиллашию, қуриган ўт орасидаги ҳар битта чигиртканинг овозига диққат билан қулоқ тутардим. Ахири мудҳиш тунда Ўлик Шаҳарни кесиб ўтдим, лекин шуни сездимки, тўхтаган заҳотинг, атрофинга боқиб, тунинг қатнашчиларидан бирига айланар экансан, масалан, қабрга ўхшаган бир нарсанин устига кичик ёзилиш қилишга тўхтайсан ва шу онда кўрқинчдан асар ҳам қолмайди. Ҳаракат қилишинг билан ҳаммаси яна бошланади. Ҳатто тунда ҳам ўзингни асирга олишлари, зуғум ўтказишлари ёки хужум қилишларидан кўрқиб турасан. Шу хаёллар билан ўтган сафар сирли дарвиш билан учрашган жойимга келдим. У ерда ерга қоқилган бир таёқ ва унинг учида бир неча муқаддас латталар билан отнинг ёллари ҳилпираб турарди. Лекин ҳеч ким йўқ эди. Атрофга қараб, ҳаёт асарини кўрмадим, лекин яқинроқда силлиқ бир нимадир турганига кўзим тушди. Юрак ютиб унга яқинлашдим: бу дарвиш менга кўрсатган тошнинг ўзи эди. Ўша пайт не аҳволга тушганимни тасаввур қилиб кўринг: истаган еримни топгандим! Тош тупроққа кўмилиб кетган, шу боис унинг атрофини тозалашга тушдим, бироқ унинг юзаси теп-текис эди. Шунда тошни ағдариш учун ерни кавлай бошладим. Қизишганимдан бирор асбобим йўқлигини ҳам унутиб, ерни эртақлардаги жодугарлар сингари қўлимда кавлай кетибман. Юзу баданим қора терга ботиб кетди. Бир соатдан ошиқ вақт қаттиқ ишлаб, тошни ўгирдим, лекин не кўз билан кўрайки, унинг бошқа томони ғадир-будир ва тишли бўлиб, унда ҳеч қандай ёзув кўринмасди... 135. Эндиликда вақтини асосан жангарилар

штабида ўтказаетган Ли стол устида қолдирганим ёзувни ўқиганди. У буни мен ухлаб ётганимда ўқиган ва жавобини ёзиб, стол устида қолдирганди: *\*Бухоролик шаҳзода Нян Сянг (Ат-Тоҳарийнинг ёзишча, ҳақиқий исми Ниҳон Санг – Яширин Тош) ахири ноаниқликка барҳам бериб, Ислом динида эканини тан олди. Аслида, ҳар бир эътиқодли инсон мусулмондир, деди у, чунки бу фақат Аллоҳга бўйсунмоқ дегани. \*Нега сен эътиқодингни бизнинг тилимизга ўғирмадинг? Нечун Хитойча эътиқоддаман деб даъво қилиб юрдинг?\*, дея сўради ундан Тонгюқуқ. – \*Қоронғи хонада қора мушукни топши жуда мушкул иш, айниқса, мушук у хонада бўлмаса... \* – жавоб берди шаҳзода.*

*\*Унга кейин нима бўлганини биласанми? – сўраганди Ли жавобида. Бирдан унинг хушхабарлари ҳар томонга тарқаб кетди. – Лекин мен мушуклар ҳақидаги бошқа бир ривоятни биламан – давом эттирганди Ли. – Кунларнинг бирида эр уйига бир кило гўшт сотиб олиб келибди. Кечроқ уйга меҳмон келади, буни пишириб берасан, – дебди у хотинига. Хотини гўштни яхшилаб қовурибди, лекин у пишгунича битта-битта олиб, еб қўйибди. Эри уйга келгач, унга қовурилган гўштни мушук еб қўйди, деб шикоят қилибди. Жаҳли чиққан эри дарҳол мушукни олиб тарозига солиб тортибди ва мушук роппа-роса бир кило чиқибди. Агар гўштни еган мушук бўлса, гўшт қани ва агар гўшт унинг ичида бўлса, мушук қани? – деган экан қизиққон эр...\** 136. Ушбу жавоб мазмунининг икки маънолиги ўз йўлига, лекин ундаги мантиқ юрагимда турли хил туйғуларни уйғотиб юборди. Ўқувчилик йилларимда бир куни сиёҳдон тагидаги чуқурчада бир ёзув борлигини сезиб қолдим. Буни қиз бола ёзгани билиниб турарди: *\*Мен сени севаман ва жавобингни интизорлик билан кутаман\**. Ўша маҳал қанақа аҳволга тушганимни бир тасаввур қилинг. Ўшанда жавоб ёзиб, унда бу гапни ким ёзганини сўрагандим. Лекин на унда ва на ундан кейин гапни ёзган қиз ўзини кўрсатмади, шунга қарамай, ҳаётим мактублардаги сирли муҳаббат ҳаяжонларига тўлиқ кечди. Ҳозир Линнинг қисқача хатини ўқиб, негадир ўша туйғуни бошимдан кечирдим, гарчи у севги ҳақида эмас, балки менинг ҳаётим ва ўлимим хусусида эди. Мен шарқ шеърятидан таржима қилиб турардим. Бир гал қайсидир китобга ёзилган сўзбошида шоирнинг бир сатрини шарҳлаш анъанаси мавжуд эканини ўқиганман. Сўзбоши муаллифи гапида давом этар экан, агар бирор киши шу шоирнинг бир сатрини 39 йўлда шарҳлаган ва бу сатр ортида бошқа нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилган бўлса, бошқа бир мутахассис бу шарҳга яна 47 та қўшимча шарҳ ёзганини айтганди. Шуни назарда тутган ҳолда Линнинг мушук ва гўшт тўғрисидаги сўзларини биргина туйғу билан шарҳлашга юрагим бетламаган бўларди: *\*Ли жосусми ё жангари?\** ёки: *\*У Жон эмасми, агар шундай бўлса, бу ерда нима қилиб юрибди?\** Ҳатто: *\*Ли менинг қиёфадодимми ёхуд ўзим Ли эмасманми?\** деб ҳам сўрай олмасдим. Ҳозир ўша 47 та қўшимча шарҳ ёзган иккинчи билимдонга ўхшаб, ёзишмада батамом бошқа қатлам ҳам мавжудлигини кўра олдимки, уни сизларга тушунтиришга ҳаракат қиламан.

137. Ҳафсалаи пир бўлганди. Хонавайрон бўлгандим ҳатто. На расм ва на қари дарвиш бор, бунинг устига Шинжонда ҳар хил бош оғриқларга йўлиқардим. Эртасига куннинг қоқ ярмида, бирор жозот инидан чиқмай яширинб ётадиган маҳал яна ўша жойга бордим. Яхшики, ўйинқароқ болаларни учратиш қолдим ва улар дарвишнинг икки-уч йил олдин кетиб қолганини айтишди. Мени Турфонга боғлаб турган биргина ришта бу Зевнинг кундалиги эди. Болалар ҳамма нарсадан хабардо бўлиб, уларнинг бири Урумчида яшайдиган Шиа Чанг холанинг исмини билар, унинг бу ерда укаси ҳам борлигини айтиб берди. Холанинг укаси яқинда қамокдан қайтди, деди болакай ва ҳатто менга унинг қаерда яшашини кўрсатиб қўйишгача рози бўлди. Гарчи у Кариз деган жой ёки ер ости ўралари яқинида бир манзилни кўрсатиб қўйган эса-да, лекин ҳали Шиа Чангнинг укаси билан учрашишга ҳали тайёр эмасдим. Ахир унга нима ҳам дердим: *\*Салом, Мен Зевнинг кундалигини ўқиб чиқдим...?\** дейманми? Хўш, нима бўпти? Мен нима қилишни ўйлаб, ўша ўраларни кўришга бордим. Аслида Зевнинг қотили билан кўришиш учун йўлга чиққандимки, албатта, у мени кўришдан хурсанд бўлади дея ўйлаш телбалик бўлур эди. Ундан нима олишим мумкин? Умуман, нега бу ерга келдим? Яхшиси, ортимга қайтиб, жаноб Жан-Пьер Балпега ўзимни

топширганим маъқулмасми? Шу хаёллар билан бир соатча тентираб юрдим ва бирор яхшироқ қарорга келолмай, ахири ер ости каналида тинмай оқиб турадиган сувга ўхшаб, таваккалига у билан кўришиш учун кетдим. 138. Ҳаддан ташқари кўркам юзли, ўрта ёшлардаги мулойим бир киши эшикни очди ва ўзимни таништирмасимдан бурун ичкарига таклиф қилди. Очиғи, узун ҳовлида унинг ортидан эргашиб боришдан кўрқаётгандим, худди у қочоқ эчки-ю мен қурбонликка сўйиладиган қўй кабиман. Бунниг устига у уйда ёлғиз яшайдигандай туюларди. Мени атиргул соя солиб турган тахта супага ўтиришга таклиф қилди. Ўн ёшлар чамаси қизалоқ дархол дастурхон келтириб ёзди ва нон-чай келтирди. Тўғриси, уни кўргач, сал ўзимга келдим. \*Биз сизни кутаётган эдик\* – деди у. Мен кўркиб кетдим, келишимни қаёқдан билдийкин? \*Замин тўла ғийбат\* – деди у ва жилмайди. Билишимча, Шиа Чанг ярим хитой, ярим уйғур эди, унинг укасини эса кўпроқ хитойга тортган бўлса керак деб ўйлардим., лекин қаршимда турган кишида хитойликка хос ҳеч бир аломат сезилмасди. Қаерга келиб қолдим, дея иккиланишга тушдим. \*Сиз Шиа Чангни қоралаб келгансиз, мана мен унинг укасиман\* – деди у киши худди фикримни ўқиётгандай. Лолу ҳайрон бўлиб, ўзим, кейинги икки йилда кечган ҳаётим, Лук, кекса дарвиш, Зевнинг кундалиги, бу ерга қайтишим ҳақида деярли ҳамма нарсани гапириб бердим... У диққат билан қулоқ солди ва биргина гап айтди, лекин ўша гап мени эсанкиратиб қўйди. У: \*Ўша қария менинг отам бўлади\* деганди.

139. *Хитой Ҳукмдори қон ҳидини сезди. Биринчи майса ерни ёриб чиққан ва Билга-Ҳоқоннинг кулини ерга топшириши фурсати етганда, у элчиси князь Тсуанни ҳамдардлик билдириши ва қурбонлик қилиши учун юборди. Тонгюқуқ унинг таширифидан кўзланган асосий мақсадни яхши биларди, лекин Ичи Лянгни Ўрта Қиролликка қайтишига қарор қилмасдан бурун князь делегациясига қўшиб юбориши лозим эди. Тонгюқуқ ҳисобидаги вақт камайгандан камайиб борарди. Ўзининг йирик юришида ҳатто кўтарилиб-тушиб турган сарой аҳлини-да унутиб қўйганди: Побека ўгли Йўллуқни ўзига оғдириб олган, лекин унинг икки амакиси – Салтанатнинг ўнг ва чап қанот шаҳзодалари ҳукуматни бошқаришида тўсқинлик қилар, шу боис Побека ўз ўғлини гарбий шаҳзодани қатл этиб, унинг армисига эга бўлишига кўндирди. Лекин айтмишларки, кўрқоқ олдин мушт кўтарар. Фарб шаҳзодаси Ҳоқон саройига ҳужум қилиб, Йўллуқни ўлдирди. Лекин кўп ўтмай унинг ўзи ҳам Муқаддас Дугин тоғига қилган сўнгги зиёратидан қайтаётганида Тонгюқуқ одамлари томонидан ўлдирилди. Унда Ҳалҳа деган жойда Аллоҳнинг инояти билан шаҳзода Ашина ва Она Бўридан Кўк Туркларидунёга келди. Бешинчи ойнинг ўртасида Тонгюқуқ дарахт, ўсимлик ва ўт-ўлан ўсмайдиган дарё ёқсидаги муқаддас Бодун-инли тепалигига келиб, Тангри номи билан бир оқ қўйни қурбонлик қилди. У ерда, тепаликнинг устидан туриб кўрдикки, турли қабилаларнинг турфа вакиллари ҳар хил йўлдан кетиб боришар, лекин сўнгги борар манзиллари бир экан. Гарчи у буни бутун ҳаёти давомида кўрган бўлса ҳам, биринчи марта унинг яширин маъносини тушуниб етди. Одамлар Тангридан худди шу ерда Тонгюқуққа хабар келган дейишади, улар муқаддас тоғнинг тепасидан дарё қирғоғига тушиб турган бир нурни кўришган, лекин тулки оловчилар ҳеч кимга бирор нарсани очиқ айтишмаган...* 140.

Тушимга бир уй кирибди, бу уй Эмма Бовари ёки Анна Каренинага каби машҳур адабий қаҳрамонга қарашли эмиш. Ҳар 8ил одамлар менинг у билан муносабатимдан даҳшатга тушишяпти. Ичкарига кириб, қулоқ тутаман. Залда диний қўшиқ айтаётган болалар хори. Уларга ҳалақит бермаслик учун юқорига чиқишим керак, лекин зинага кўтарилмоқчи эдим, унинг ўрнида нур таратиб турган йирик айиқполвон турганини сезаман. Тахтадан фойдаланиб, юқорига тирмашаман, лекин у шунчалик силлиқки, орқага сирпаниб тушавераман. Қаҳрамоннинг ўзи олдимга келиб, мен билан жиддий бир нарса хусусида суҳбатлашади, лекин фикру хаёлим бошқа нарсада. Қасрнинг юқорисига қараб югураман ва бирдан довул бошланади. Қора, кўрғошин булутлар компьютердагидай сузади, шамол унинг занжирларини бузиб юборади. Лекин мен аллақачон қасрнинг юқорисидаман. Ундан пастга қарайман, тошқин ҳамма нарсани бузиб юбмоқда. Энг сўнгги ҳаракат – қаршидаги эшикни очишим ва хона ичкарисига киришим керак, лекин довул бундай қилишга йўл бермайди... Бирдан шундай туйғу билан уйғониб кетдимки, энди

нима қилишни аниқ билардим. Қоронғиликдаги Лининг ўриндиғига қарадим. У йўқ эди, сўнг яна ухлаб қолдим ва бояги тушнинг давомини кўрдим (қизик!). Биринчи эпизодда юқоридаги кутубхонага чиқаман, унинг эшиги ўрнида бир тешик бор, пластик рамкага тегишим ҳамони у сурила бошлайди. Уни суриб, биринчи қаватдаги пластик томда кўрганамга ўхшаш кутубхонага кирман. Унда на девор, на шифт бор., фақат эгилувчан том. Аввал чой тўла пиёламни тушириб юбораман, сўнг пастга сакрайман ва гарчи тап этиб томга тушмасам ҳам, у билан баб-баравар туравераман, худди учаётгандай.. Иккинчи эпизод исик ёмғир ҳақида эди. Ёмғир остида яланғоч турардим, осмондан қуйилаётган кучли оқим бутун баданимни ювиб тушарди. Мен уйга томон юрар, ювиниб олишни ўйлардим, ким билсин, қанақа ёмғир ёғяпти экан ҳозир...

Гарчи кейинги икки эпизод ҳам анча ёқимли бўлса-да, уларнинг нима билан тугаганини билолмай ўйғониб кетдим. Ниҳояси қандай бўлди экан? 141.        Ҳаётда баъзан биз ўйлаган нарсаларнинг акси содир бўлади. Шиа Чангнинг укаси Зевни ўлдирмаганди. Унинг исми Камол бўлиб, Зевнинг қотили сифатида ўн икки йил қамоқда ўтириб чиққан, лекин аслида ҳаммаси бошқача рўй берганди.        Ҳа, Зев уларникига келгани рост. \*Қора Тулки ҳақидаги қадимги эртаси эслайсизми?\* – сўради мендан Камол. Бошимни қимирлатган эдим, у \*Шундай қилиб Шиа Чанг уни бу ерга олиб келди\* – деди. Лекин Зев унинг отаси билан танишгач, қизни унутди. Улар тули хил тарихий масалалар хусусида суҳбат бошлашган, эртасига Шиа Чанг Урумчидаги ишига кетганида ҳам, Зев у ерда қолиб, ҳикоя кетидан ҳикоя ёзиб ўтирарди. (Шу пайт у менга Зевнинг ўша ҳикоялар ёзилган кундалик дафтари унутди, уларнинг кўпини аввал келтириб ўтганман...)        \*Отам: \*Ҳамма шохлар бир танадан ўсиб чиқади\* дея кўп такрорларди, шу боис у хитой миллатига мансуб бўлган онамизга уйланган, шунинг учун Зев ундан суфизм билан шуғулланишни сўраганида, у қаршилиқ қилмаганди. Кейинчалик, отам мендан Зевни лғизликдаги қирқ кун – чилла пайтида Гансудаги машҳур буддистлар ғорига олиб боришимни илтимос қилган. У улар муқаддас ёзувларга тўла экани ва мен уларни Зевга ўқиб беришим керак эди. У менга ҳатто уларни қаерда, қанақа тошнинг ортида топишимиз мумкинлигини айтганди. Эртасига Зев билан Сучжуга йўл олдик. Автобусда деярли икки кун юрдик ва ахири манзилга етиб келдик ва биринчи ғорга киришимиз билан, у ерда ўқ товуши эшитилди ва мени ҳибсга олишди. Зевга нима бўлгани ҳақида хабарим йўқ, лекин мени қамоққа тиқиб, унинг қотили сифатида жазога тортишди...        Айтганча, ҳозир отам Шиа Чанг билан ўша ерда...\* 142.

Орқага чекинишга йўл йўқ эди. Мен ундан ўша ёққа олиб боришини сўрагандим, Камол қатъиян рад этди. Доимий назорат остида юрган айни ҳолатида у фақат Гансудаги ғорларга бориш йўлини тушунтириб бера олишини айтди. Унинг қўлбола картаси ва схемасини олиб, ярим тунда орқа томондаги кичик эшикдан чиқиб кетдим. Лекин жосусона туйғулар ўрнига бирдан шўролар гуруҳи билан биринчи марта Хитойга қилган сафарим эсимга тушиб кетди. Ана шуни ҳикоя деса бўлади!        ... Мен Юрмаладаги курортда Ирмани кутиб олиш учун етиб келдим ва биз унда арчазорларқайноқ, совуқ ва романтик денгиз қирғоғида мацца қилиб икки кун қолиб кетдик. Унга шунчалик ўрганиб қолгандимки, у Узоқ Шарққа кетиши лозимлигини айтганда, у билан боришга қарор қилдим. Тасаввур қилинг – энг йирик қитъани у бетидан бу бетига кесиб ўтиш... Аввал Москвага учдик, кейин поездга ўтириб, Новосибирскка, сўнг яна учоқда Владивостокка учдик. Бу порт делегация аъзолари йиғиладиган ва сўнг биргаликда Хитойнинг Сан-Фан-Ҳи шаҳрига жўнайдиган марказ экан. Ирманинг тушунтиришича Сан-Фан-Ҳи русчада хитойчадаги каби эмас бўлиб, энди билишимча, у инглизчада ҳам ундай эмас экан. Маъноси – мирикаётган аъзо... Ирма буни айтишга уялган, ундан ҳам мени делегация билан бирга олиб кетишга ийманган эди, гарчи Сан-Фан-Ҳи Ирмани нега ташлаб кетмаганимнинг асосий мазмунини ташкил қиларди. Мен уни ўзи билан олиб кетишга кўндирдим. У виза масалаларини ҳал қилди ва эртасига Владивостокдаги меҳмонхонадан номаълум Сан-Фан-Ҳига томон қараб кетдик. Поездда мен сан-фан-хийимиз учун аранг вақт ажратишимиз мумкинлигини тушундим, шунингдек, Ирма нега мени ўзи билан бирга олиб кетишдан уялганини ҳам англадим. Турист

гуруҳимиз \*мешочники\* деб аталган савдо-сотик учун чиққан гуруҳ экан. Ҳар беш минутда улар эшигимизни қоқишар ва хитойлар билан суҳбатлашиш учун ёрдам беришимизни сўрашарди. Ҳар беш минутда Ирма иккимиз таржима қилишга чиқар, аллақандай шинелнинг қанча туриши ёки сассик бир этикнинг нарҳини сўраб берардик. Ҳарбий кийим-кечакдан ташқари советлар икки хил бошқа нарсани – эркак метал ханжарлар, аёл эса эркак аъзоси ичида куритилган айикнинг сафросини Хитойга олиб кетишаётганди. Аниқлашимизга кўра, бу икки товар ҳам ноқонуний эди, шунинг учун вагонимиздаги икки ажойиб хитойлик нима қилиш кераклигини айтди. Аёл эгилган ханжарларни сонига боғлаб олиши, эркак эса куритилган айик сафросини эркаклик матоҳининг ёнига осиб олиши лозим эди. Ҳа, худди шундай, бу ҳазил гап эмасди.

Аниқлаганим шу бўлдики, бундай саёҳатларда нудистларнинг пляжидаги каби шарму ҳаёни йиғиштириб қўйишга тўғри келаркан. Эсимда, купейимиздаги қўшнилар менга айикнинг ҳалигинака нарсасини беришган ва сонларига ханжарларни яшираётган Ирманинг қаршисида туриб, уни шимимнинг ичига киргизгандим. Аёлларга қийин бўлганди ўшанда, чунки улар ё туриб кетиши, ё фақат ётиб кетиши лозим эди, ҳар қалай икки ё уч ханжарни сонга осволиб кетишнинг ўзи бўлмайдик-ку! Сан-Фан-Ҳига жинсиларимиз ва ханжар ва қиличларимиз билан ҳарбий шинелларимизни кийиб етиб келганимизда, хитой мулозимлари бизни шахтёрлар меҳмонхонасига жойлаштиришганди. Ҳар куни эрталаб бутун шаҳар барабан овозидан уйғониб кетар, қовоғи уйилган шахтёрлар Таи-чиларини машқ қилиш учун меҳмонхонамиз олдидаги марказий хиёбонга келишарди. Кунлар сал ёришиб қолган, бизни бир сафга тизиб, бита-битталаб бозорга кирита бошлашганди. Ҳамма ўзи олиб келган нарсани чиқариб қўйганди. Семиз бир совет хотин футболка ва ички кийимлар сотиб, ориқ ва ўта жиддий хитой эркакларини аврай бошларди. У уларнинг олдида кийимларини ечар, хитойлик эркакларнинг катта очилган кўзлари учун марварид талаб қиларди. Гуруҳимиздаги бошқа бир эркак эса худди шу хотинни меҳмонхонага қайтишда аврашга тушган: улар шахтёрларга ҳам ўз товарларини сотишни исташганди. Икки коммунист салтанатнинг бозор иқтисодига ўтиш шароитидаги мангу дўстлиги... Бирдан ўша саёҳат эсимга тушиб кетиб, Хитойнинг ичкарироғига кириш иштиёғим ортди. 143. Балки нега бунака нарсаларни вайсаб ўтирибди деб ўйлаётгандирсиз? Лекин менинг ўрнимга бир ўтириб кўринг, телбага айланишингизни бир кўриб қўяй... Ёмон, жуда ёмон нарсларни олдиндан сезяпгандайман. Уч кундан бери Лининг қораси кўринмайди. Одамдан кўра унинг шарпасига ўхшаб қолган қария у ёқдан бу ёққа тентираб юрган бу тош ёрдан чиқишга икки ҳафтаки менга рухсат беришмади. Қўрқяпман, энг ёмонидан қўрқяпман, Ли учун... Чунки унда менинг ҳаётимга кириладиган калит бор...

144. Унинг сўнгги жавоби аввалги жойга қўйилганди, лекин кампир уни чопонинг ичидан чиқариб берди. Бу шошилиб ёзилган узун мактуб бўлиб, икки қайта ўқиб чиқдим. Унда сўзбоши йўқ, тўғридан-тўғри матн бошланганди: *\*Тонгюқунинг ўлими тарихини биласанми? У ҳамма нарсани ўз режасига кўра амалга ошириб бўлгач ёки ўзинг айтганингдек, Катта Қайтишни бажариб бўлгач, Шаҳзода Кул-Тегиннинг жанозасига келган барча асир элчилар ўзларининг эътиқодини ўзгартирган туркларнинг катта гуруҳи билан ўз мамлакатларига қайтгач, қизи Побека қолган-қутган турклар билан Герцогиня унвони ва йилига 200 000 гран оқ қўрғошин ваъда қилган Хитой саройига кўчиб ўтишга тайёр турганда, Тонгюқуқ кўк туркларнинг барча қолган жангчиларини тўплаб, Ҳукмдорнинг саройини ёқиб юборади. У шунингдек бошларга ўрнашиб олган универсал ақлу заковатнинг ҳам кулини кўкка совурди ва шундан сўнг хитой генерали Ван-Чжун-Ци қўшинларига қарши охирги урушга кирди. Кулранг тулпори устидда у кўп бор жангга кирган ва баҳодирлиги ва ақллилиги учун шуҳрат топган баҳайбат бургутга ўхшаб кетарди. Шу ҳолда душманга ҳамла қилиб, бир нечасини ер тишлатди. Дуч келганини яксон айлади, қолган Кўк Туркларибилан душман қўшинининг ичига ёриб кириб, жон жаҳди билан олишди. Бир маҳал душманлардан бири унинг тулпорини уриб йиқитди, лекин эски жангчи дарҳол ўзини ўнглаб, яна душман устига ёпирилди. У хитой генерали Ван-Чжун-Цини ўлдирди, лекин ўзининг ҳам ўлими ана шу жангда қарор топиши аниқ бўлиб қолди, чунки душман унга*



захарли ўқ отган эди, ўқ орқасини тешиб ўтди ва оппоқ тулпордан ерга гурсиллаб қулади. Танаси парча-парча бўлиб кетди ва душман отининг туюқлари уни сахро бўйлаб судраб кетди. Суяклари эса ер тупроқ билан бир бўлди... Қуёш осмонда қора тортди, сахро тупроғи кучли шамолдан юқорига кўтарилди, она дарё Энасойдан сув ўрнига қон оқди. Кучлар тенг бўлмаган ўша урушда кўк турк жангчилари битта қолдирмай қирилди. Ҳар йили баҳорда ана шу сахрода қип-қизил гиёҳлар бўй чўзади... \* 145.

\*Турклар учун жангда ҳалок бўлишдан шарафлироқ жасорат йўқ эди, – давом этди Ли. – Касаллик ё қариликдан ўлиш улар учун ор бўлди. Қандай қахрамонлик замони! Айниқса, миллионлаб одам ё очликдан ва ё тўқликдан ўлиб кетаётган бизнинг замонамиз билан солиштириганда... Бироқ сену мен бутунлай бошқача ҳолатдамиз, шундай эмасми? Хўш, нега сен Гансуга боришга қарор қилдинг? Кўп бор уни ўзим учун аниқлаб олишга уриндим: нега ўша буддистларнинг ғорига бордим? Биринчи галда, нима учун ўзимга ўлим жазоси тайинланган Шинжонга яна қайтиб келдим? Нечун бу йўлга туриб олдим? Ё аслида йўлнинг табиати шунақами, яъни танлаш имкони йўқ, тушдингми, бас, йўл сени истаган томонга олиб кетаверадими? Бошқа бир нарса: икки йиллик ҳаётимда жуда кўп уйғунлик, бир хиллик, мувофиқлик аломатлари кўринмаяптими? Уларни эслашга нима мажбур этди? Бу балки ўтган икки йилнинг шунчаки қарама-қаршиликлари ва ё фавқулодда ҳолатларимикин? Ё бу қандайдир бир бутун боғлиқликми? Турфонда ёллаганим сарик япон автомобилида Сучжоу томонга қараб кетаётканман худди шундай хаёллар менга ҳамроҳ эди. Шу хаёллар билан бўлиб, ўзимдаги кўркув ва огоҳлик ҳиссини йўқоитиб қўйдим ва бу менг анча ёрдам берди. Масалан, хайдовчи мени тўппа-тўғри милиция пунктига олиб кетаётганига ҳам эътибор бермапман, чунки бундай узоқ сафар учун у махсус рухсатнома олиши керак экан. Бироқ ўзимни БМТнинг маданият ишлари билан шуғулланадиган ходимиман, Сучжоу полициясининг бошлиғи мени кутиб турибди (балки ростдир!), дея у ердан осонлик билан қутулиб олдим. Лекин қўлёзмаларни деб ғорга кетаётганимни яшириб ўтирмадим. Маҳаллий полициячи рухсат қоғозимизга қизил муҳр босиб берди ва биз Хитойнинг бошқа вилоятига қараб кетдик. Ўз ишимнинг қахрамонлик эканига ишончим комил эмасди. Бу бутунлай шахсий масала эди. Агар мувофиқлик ҳақида сўрасангиз, бу Хитойда 200 000 гран оқ кўрғошинга бурканган Побека кабидир. Мен доим йирик жамоат сиқувидан кўрқар, газета ўқисам бошим оғрир, ўзимни эркин тутишга ўрганган эдимки, кутилмаганда бирор киши жамоат ишлари хусусидаги фикримни сўраб қолиши мумкин. Лекин Ли баъзан ҳақ бўлиб чиқарди. Ҳатто шу ерда ҳам бир неча марта Билга-Ҳоқон тутиб турган ўша элчиларнинг ҳолати билан ўзимники орасида мувофиқлик сезардим. Ўтган икки йилдаги воқеалар ва ўзим номини келтирган ва келтирмаган тадқиқотчилар орасидаги ўхшашликни ҳисобга олмаганда, бир неча бор ҳолатимнинг Ҳоқонникига ўхшаб кетишини ҳис қилдим. Икковимиз ҳам, масалан, турли усул билан маконни забт этдик. У ҳам, мен ҳам дунёдаги барча мавжуд ақлни бир жойга йиғишга интилдик, лекин вақт иккимизнинг ҳам попугимизни пасайтириб қўйди. У-ку Билга-Ҳоқон. Энди Ли Тонгюқуқни эслатапти. Хўш, навбатдагиси ҳалқанинг боши саналмиш марҳум шаҳзода Кул-Тегинми? Ва бу Линнинг ўзи ҳақида эмасмикин? \*Жангда ҳалок бўлишдан шарафлироқ иш йўқ... \* 146.

\*Бухоррлик шаҳзода Ниҳон-Санг Доно Тонгюқуқнинг энг охирги суҳбатдоши эди. Бир гал у пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломнинг Ҳизр алайҳиссалом билан учрашгани тўғрисидаги ҳикояни айтиб берганди. Ниҳон-Санг ушбу ҳикояни гўёки махфий бир манбадан айтиб бераётганга ўхшарди: \*Муса унга деди: Ўзингизга ўргатилган тўғри йўлни ўргатишингиз учун сизга эргашсам майлими? У айтди: Йўқ, сиз мендай бўломайсиз. Нега менга берилган илм сизга берилмаганини тушунишни истамайсиз? У деди: Худо шоҳид, сиз менга сабрни кўрсатгайсиз ва мен ҳеч бир нарсада сизга қаршилиқ қилмасман. У деди: Яхши, агар менга эргашимоқчи бўлсангиз, ўзим сизга сабабини айтмагунча, ҳеч нарса сўраманг. Хуллас икковлари дарё ёқасидаги бир кемани кўришди ва Ҳизр алайҳиссалом кеманинг бир жойини тешиб қўйди. Мусо деди: Бу тешиқни кемадаги одамлар чўкиб кетсин

деб қилдингизми? Сиз чиндан ҳам ёмон ишга қўл урдингиз. У деди: Сизга мн биладиган нарсани билмайсиз деб айтмаганмидим? Мусо деди: \*Мендан газабланманг, айтган сўзингизни унутибман, хатоимни кечиргайсиз. Шундай қилиб улар сафарни давом эттиришди ва йўлда бир болани учратишди. Ҳизр алайҳиссалом уни ўлдирди. Шунда Мусо сўради: Бу бегуноҳ болани нега ўлдирдингиз? Сиз чиндан ҳам жуда ёмон иш қилдингиз. У деди: Сизга мен билган нарсани билмайсиз деб айтмаганмидим? Мусо деди: Кечиринг, тагин унутибман, бу сафар сиздан бирон нима сўрасам, мени тарк этасиз. Улар йўлда давом этишди ва бир шаҳарчага келишди. Ундаги одамлардан овқат сўрашганди, улар меҳмон қилишни истамади. У ерда йиқилай-йиқилай деб турган деворни бир зумда тузатиб қўйди. Мусо деди: Агар истасангиз, бу ишингиз учун ҳақ олишингиз мумкин. У деди: Мана шу сиз билан менинг ажралишимизга сабаб! Мана энди сабр қилолмай сўраган нарсангизни шарҳлаб берсам бўлади. Ҳалиги кема дарёда ишлайдиган камбагал кишиники бўлиб, мен уни шу атрофда дарёдаги барча кемаларни зўрлик билан олиб қўяётган подшоҳдан асраб қўйдим.

Болага келсак, унинг ота-онаси имонли кишилар бўлиб, Биз бу фарзаннинг эътиқодсизлигидан, галаён кўтаришидан кўрқардик. Биз Аллоҳ уларга ўша боладан яхшироқ бир меҳрибон ва имонли фарзанд беришини истадик. Энди девор хусусида, у шаҳардаги икки етим болага қарашли бўлиб, тагида хазина бор эди. Уларнинг оталари ҳақгўй инсон бўлиб, Аллоҳ улар имонга келишлари ва хазинани Аллоҳнинг раҳмати сифатида олишларини истади. Бу ишларни ўз хоҳишим билан қилганим йўқ. Мана сиз тоқат қилолмаган ишларнинг шарҳи\*. 147. Кекса Тонгюқуқ буни китобдан ўқиб ўрганган эмас, балки ўз бошидан кечирган. Аввал кўрқинчли туюлган ҳаракатлар кейин унинг мутлақо аксига айланса, яхши иш деб аталган нарсалар ҳам ана шундай акс ўзгаришга юз тутиши мумкин эмасми? Яхши ният йўлни дўзахгача олиб келди, дейилади китобларда. Ўз фаолиятини бирорта Худога ҳам ишонмайдиган хитой фалсафасидан бошлаган Ниҳон-Сангнинг ўзи ҳам қарама-қарши томонга келиб қолмадими? Барча элчилар шу даражада вафодорлик қилишдики, аслида бу бутундай тескари натижаларга олиб келмадими? Маишхур буддист азоби тушунчаси бошқаларга нисбатан кўрқоқлик ва безътиборсизлик каби ниҳон топди, универсал насронийликка эътиқод гамгин ҳимоясизлик бўлиб қолди. Манихеан надомат ҳамма нарсага руҳсат беришга айланиб Фолди... Элчилар ҳаёти буни исботлаб турибди... Лекин Тонгюқуқ Ниҳон-Санг ҳикоясини берилиб эшитди, чунки у тулки овловчиларнинг сўнгги мақсад-гояларини тасдиқларди. Куннинг сўнггида унинг Катта Қайтиши ўша ҳақида эди... Лекин ўзимиз-чи?..

Шу ерда Ли ўз хатига якун ясаган ва мен нега Тонгюқуқ ўлими билан бошланган ҳикоя унинг Катта Қайтиши билан ниҳояланишини тушунишга ҳаракат қилдим. Худди Қайтиш унинг ўлиmidан ташқари юз беради деб ўйланган каби... 148. Тавба, нега энди Тонгюқуқ ҳаётини тушуниш ўз ҳаётимда ёрдам беради деб ўйлаяпман? Нега Турфон-Сучжоу йўлида тоғлар бағридаги дарё ёқасида жойлашган Кумуш қишлоғида тўхтаганимизда ҳам ана шу ҳаёлга бордим? Энди, Лининг хатини ўқиб бўлгач, нега у ҳақида ўйлаяпман ва бундан аввалги фикрни Тонгюқуқнинг сўнгги зиёратига мослаштиряпман? Ё охириги жанг тўғрисида ўйлаяпманми? Ким ҳақида? Тонгюқуқ? Балки ўзим ва Ли хусусидадир? Кумулда кўп миқдорда кимиз ичволиб, кўзим илинган экан, ғалати туш кўрдим: чўмилиш хавзаси олдида ўтирган эмишимиз ва пластик ё қоғоз оққуш сув юзасида бизни хушнуд қилиш учун сузиб келмокда экан. Бирдан у тупура бошлади ва мен унинг сўлаги захарланганини сездим. Агар қимирласам, у буни сезади, – ўйладим мен – лекин бу очик жойда ҳам ўтира олмайман. Шу боис секингина кўзгаоған эдим, оққуш ортимдан эргашди ва қочишжан ўзга Чўрам қолмади. Қочар эканман, ортимдан жодугар таъкиб этиб келарди. Нарироғдаги деворда чиқиш эшиги бор эди, уни итаркан эдим, нақадар оғирлигини ҳис этдим. Лекин ундан ҳам оғири эшик ортида ҳам девор борлиги ҳақида ўйлаш эди. Шу тарика эшик орқасига яшириндим – энди у захар тупуролмади. Лекин алвастининг энди ғишт девор ортидан келади деб кутаётганимда, бирданига пол шишиб, метал панжа ўт очаётганини кўрдим. Шунда метал устунлар пастга кулаб туша бошлади, мен уларнинг

устимга тушиб кетишидан кўрқиб, тумтара4ай қочардим. Ҳолливуд фильмидаги каби даҳшат. Қиёмат кўпган мисол. Ҳамма қутқарув учоғи томон югурган. Кимдир билет сотяпти. Барибир, ичкарига кириб олдим. Учоқ кўзғалади, уни ташқаридан нимадир тебратиб юборади. Кўмондон фильмлардаги сингари эълон қилганда, кинога тушаётгандай сезасан ўзингни: \*Биз икки бошқа учоқ номаълум кучлар томонидан гаровга олинган платформага қараб учамиз.\* Шунга қарамай, қанотларимиз остидаги шаҳар хануз биз билан эди, балки у тоғ томондалиги учун шундай кўрингандир ва ё бу шунчаки декорациядир, ҳарқалай, фарқига боролмадим. Барибир ўша айтилган платформага тушдик ва ҳамма учоқдан туша бошлади. Мен тушолмай четроқда турибман, чунки бейсбол шапка платформадаги шўх болалар кўлида турибди ва улар \*ким шапкасини унутди\* дея мени ташқаридан туриб жаҳлимга тегишяпти. Ниҳот нураган, вайрон бўлган деворли чексиз бир йўлакка тушиб олдим. Унда кўрқинчли лабиринтлар мавжуд, ёруғликда ғалати маҳлуқлар кўринади, номаълум кучнинг изи ё кўрқув юракни чертади. Одамлар қайга йўқолди? Бирдан кўрқув ичра бакирганча икки ўсмир қиз менга томон югуриб келади, уларни лабиринтнинг ёритилган томонидан келганини сезаман. Ён томондаги хонага кирамиз ва қизлар бакира кетади: \*У бизни бокира қизлардай зўрламоқчи. У момиққина қизларни коллекция қиламан, деб айтяпти!\* Даҳшат, мен уларнинг кетларидан қон оқаётганини кўраман. Шу маҳал бармоқларидан қон томаётган одам ичкарига киради. Мен унинг оёқлари орасига тепаман, лекин у ҳеч қандай оғриқ сезмайди ва устимга ёпирилади... 149.

Ярим тунда тоғ қишлоғимиздаги патрулдан бўлак ҳамма уйқудалигида, яшириниб ташқарига чиқдим. Агар патруль сезиб қолса, ҳаётимнинг тугаши аниқлигини билардим. Лекин жуда эҳтиёткорлик билан билдирмай ҳаракат қилдим. Сучжоу яқинидаги хитойларнинг Вунфигу қишлоғида ҳам шундай бўлди. Ярим кечада буддистларнинг ғорига ўтиш учун ташқарига отландим. Ўтган ҳафта бу ерга уйғурлар зиёратга келганини билардим, балки уларнинг баъзилари ҳали ҳам шу ердадир, худди кекса дарвиш сингари, лекин у буддист эмасди. Менда Камол берган режа бор эди. Унга кўра, иккинчи тепаликка тирмашиб чиқишим ва олти бўш ғорни ўтиб, еттинчисига кришим лозим эди. Ой ёритиб турар ва мен сомга эргашиб борардим. Қишлоқнинг нариги томонида итлар хура, оёқларим остидаги чирилдоқлар ўтлар ичига яширинар, мен эса тез-тез юриб биринчи тепаликка чиқардим. Лекин иккинчи тепалик тик қояга ўхшарди. Ой унинг орқасида кўринмай қолган, биринчи тепалик ҳаёт сасини ўчирган ва мен ёлғиз хансираган нафасим билан бирга қолгандим. Бир дақиқадан кейин ўзимни ўнглаб олдим-да, ярим метрча кенгликдаги сўқмоқ йўлни топиб, олдинга қараб кетдим. Бу сўқмоқдан фойда йўққа ўхшар, энг ёмони миямда \*Бу ерларда нима қилиб юрибман?\* деган савол айланарди. Лекин бахтимга олдимда бир ғорнинг оғзи кўринди. Бу биринчи ғорми-йўқми, билмасдим, ҳарқалалй тахминимга суянавердим. Қизиқ ҳаёт. Нафақат: \*Бу ерда нега тентираб юрибман?\* балки \*Мунча телба бўлмасам, тоғдаги ғор шунчаги гап эмаслигини тушунмадимми?\* ҳам қийнарди. Бу тамоман қоронғилик, мутлақо ёлғизлик ва даҳшатли кўрқинч эди. Мен унинг қирғоғига ўтириб, биринчи тепалик ортидаги милтиллаётган уфққа қарарканман, худди орқамдан қандайдир маҳлуқ таъқиб қилиб келаётганга ўхшарди. Орқага қайтишим керакми? Лекин қаерга? Шу ерда тонггача қолиб, сўнгра яна қидирувни давом эттирганим маъқулми эди? Бувим бир гапни тез-тез такрорлардилар: \*Бекор ўтиргандан кўра бекорчиликда банд бўлган яхши\*. Хуллас кўрқувни кувиш учун йўлимда давом этдим. Учинчи ғорга етганда шуни аниқ тушундимки, гарчи истасам ҳам, ортга йўл йўқ эди энди. Бу ерга чиқиш учун роса тер тўккандим. Яна бир бор уфқдаги ўзимники бўлмаган ҳаёт саробига қараб турдим-да, йўлда давом этдим. Бирор нарса тўғрисида ўйлаётганмидим? Айтиш қийин. Балки шунчаки хаёл учқунидир, яъни бу эртақдаги сўқмоқларга ўхшаркан, деганга ўзаш. Тўртинчи ё бешинчи ғор олдида ёнаётган арча ва қоғоз тутуни димоғимга урилди ва унинг қаердан келаётганини билишга интилиб, кетавердим, кетавердим... Тун ва кун ўз маъносини йўқотган, дунёдаги бошқа нарсалар ҳам маънисиз кўринган маҳал еттинчи ғорга етиб келдим... 150. Қишлоқнинг нариги томонида итнинг хуриши эшитилди. Қоровулимиз қишлоқдаги энг охирги итни ўзи билан олиб юришга одатланганди.

Кампирнинг тош қафасидан тўппа-тўғри штаб томонга қараб юрдим. Ўша қачонлардир ўзимиз панжара ортида ўтирган бино. Ичкарида чироқ ёниқ турарди. Бинога яқинлашиб, кулоқ тутдим: ит ҳуриши узоқлашиб борарди, деразадан сариқ шуъла тараларди. Эҳтиёткорлик билан орқа тарафдаги деразадан ичкарига назар ташладим. Ҳеч ким йўққа ўхшарди. Яна кулоқ тутдим. Юрагимнинг уришидан бўлак товуш эшитилмасди. Кейинги дераза томонга сурилаётиб, оёғимнинг тагидаги бўш пақирга қоқилиб кетдим ва у қоронғи бўёшлиқда ововз чиқариб қулдираб кетди. Ўзимни йўқотиб қўяёзим. Ҳозирок эшик очилиб, улар сокин тунни, унда менинг ўзимни чилпарчин қилиб юборишади, деб ўйладим. Бахтимга қишлоқнинг нариги томонида ит ҳурди ва унинг садоси қояларга урилиб жимиб қолди. Нафасимни ичимга ютиб, деразадан қарадим ва хона ўртасида кимдир полда ётганини кўрдим. Шу заҳоти тана қанор қопга ўралгани ва тананин юз қисми қонга беланганига кўзим тушди. Ит ҳуриб мен томонга яқинлашаётган замон ерда узала тушган тананинг оёқ тарафида икки таниш тренер ҳам борлигини сезиб қолди нигоҳим...

151. Ли ўлган эдими? Ё қанор тагида қотиб қолган эски қон билан ухлаб ётибдимикин? Лекин қонли қопга ким уни ўраб қўйиши мумкин? Чироқ нега ёниқ турибди? Қолганлар қаёққа кетди? Менга энди нима бўлади? Ана шу саволлар қуршовида кампирнинг тош қафаси ортида қалтираб турардим. Қўриқчи яқин атрофда тентираб юрар, қаттиқ ҳуриш уй ёнида эшитила бошлаганди. Улар мени таъқиб этишармикин? Атрофимда нима бўлаётганини билмай қолдим. Бу қачонлардир еттинчи ғорда асир бўлганим туйғуга жуда ўхшаб кетарди. У ерда, ўн беш-йигирма дақиқадан сўнг, осмон сарғая бошлагач, зим-зимистон ғор ичига кириб овоз бердим. Лекин ўз овозимнинг овозим садосидан бўлак товуш йўқ эди унда. Аста чуқурроқ киравердим. Балки кекса дарвиш тонгги ибодат билан машғулдир, деган хаёл ўтди миямдан. Бир оз кутиб туриб, яна қоронғиликка қараб салом бердим. Ҳеч кимдан садо чикмади. Янада ичкари кириб, гугурт чакдим. Ғира-ширликда тафаккурга чўмган ҳолда қимир этмай ўтирган ғалати шаклдаги одамларга кўзим тушди. Қўрқув ва қизиқиш ичра удлардан бирига яқинлашиб, қўлимни теккизиб кўрдим. У Будданинг тош ҳайкали эди. Ғорнинг чуқурроғида жилдираб оқаётган сувнинг товуши эшитилди ва ўша томонга қараб юрдим. Мана энди аввал ёдлаб олганим ғорда аниқ-тиник мўлжал олабилардим. Биринчи залниг юқорисида ўтирган еттинчи Будданинг орқасидаги маҳсус жойда қадимги уйғур қўлёмалари бўлиши керак. Уларнинг орасидан Кекса Дарвиш ёлғиз ўтириб тафаккурга чўмадиган ғорнинг энг муқаддас жойини кўрсатиб берадиган иккинчи режани топа олардим. Шундай қилиб, қўлимни тешикка тикиб, қоғозларни таталаб топгач, энди ташқарига тортиб чиқармоқчи бўлиб турганимда... қўлларимни орқага қайириб, бошимга дағал бир қоп кийгизишга улгуришганди. Каттакон қўл чанг латта остидан оғзимни ёпиб турарди... Кейин юзим Будданинг тош ҳайкалига урилиб, кўзларимда олов чакнаб кетди ва шу заҳоти ҳушимдан кетибман. Шу тариқа ана шу жойда асирга тушдим. 152.

Замон ва макон туйғусидан айрилдим. Беркитилган юзимнинг оғриғи шивалаб ёғаётган ёмғир остида тўхтаб-тўхтаб бораётган юк машинасининг ҳаракати билан қўшилиб кетганди... Ҳеч бир нарсани ўйлолмас, бунга мадорим ҳам йўқ эди. Нимага келгандиму, нима билан қайтыпман? Ҳозир ҳам худди шундай туйғу юрагимни ўртарди. Барча режаларим нотўғри бўлиб чикди, бари барбоб бўлди. Тартиб билан яратилган коинот тартибсиз бир нарсага айланди. Салтанатлар остин-устун, одамлар ҳалок бўлди. Ё бу шунчаки менинг бошимда қанот қоқаётган ўлим нафасимикин? Ҳуриш милтиқ товуши билан қўшилиб кетди. Ўзимни иккинчисини йўқотиб қўйган эгизакдай ҳис қилдим ўзимни. Ногирон кишининг ёлғиз оёғи каби. Лекин менинг иккинчим ким эди? Лими? Лук? Зев? Роҳиб Валаамов? Ат-Тоҳарий? Билга-Ҳоқон? Тонгюқуқ? Ва ё ўлиmidан олдин ўлган Кул-Тегинми? Балки уларнинг ҳаммасидир? Балки ўзим ўзимга эгизакдирман? Худди гросбухиди мижозлари бўлмаганда ўзига-ўзи тилмочлик қиладиган таржимон сингариманми? Балки бутун дунё ўзи ўзига эгиздир ва шу боис маънисиз, ҳиссиз ҳаётнинг юзада давом этишига тўсқинлик қилмас, бу юза сувнинг юзасига ўхшаб нурли, оппоқ, учиб юрган

булутларни ўзида акс эттиради, лекин кимда-ким бу саробга ишонса, уни ўз қаърига чўктириб, бир зумда асир олади. Мен доно тулки овловчи жангда ҳалок бўлиш учун кетмасидан бурун Тонгюкунинг бухоролик шаҳзода Ниҳон-Сангга айтган сўнги сўзларини ҳеч кимга айтмагандим. Бу сўзларни тақинчоқ каби бўйнимга осиб юрибман, уни ўз муҳаббатининг нишонаси сифатида ҳаётимнинг энг яхши ва энг ёмон лаҳзалари учун Фиона (о, менинг кулгили, ноқонуний, имконсиз ва ягона севгим!) берган эди менга. Бу унинг ота-боболари – Кўк Туркларидан ёдгор эди. *Тангри бизни курашиши ва галаба қозонишимиз учун куч-қудрат билан сийлади. Ҳатто душман саноқсиз ва биз камчиликни ташкил этишимизга қарамай, галаба биз томонда бўлди. Биз ундан-да улугроқ марҳамат истадик. Узун истаklarимизнинг асирига айландик. Бироқ ҳалокат остида яна бир янги галаба бор. Менким, Тангри ёрлақанг Доно Тонгюкүк, унутилган одамларимни кўк туркларнинг голибона шон-шухратини ёйиши ва абадийлаштириши учун дунёнинг тўрт бурчига юбордим. 21/06/00, Лондон*

Сўнгсўз Шу жойда Жаноб Ҳ. Исмоилов бериб юборган кўлөзма ўз ниҳоясига етади. Бироқ Жаноб Исмоиловдан икки бетли бошқа бир илова ҳам олгандик. Гарчи бу галгиси аввалгиси каби ҳуснихатда ёзилмаган эса-да, лекин синиқ инглизчада худди ўша мавзуда битилганди, шу боис уни ҳам Гроссбух матнига илова сифатида тақдим этиш фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйладик. Алалхусус, мана ўша матн. Мен ҳамма жойда бўлганман, бироқ ҳеч қачон дунёнинг энг баланд нуқтаси, масалан, Эверестда бўлган эмасман. Лекин тап-тақир қояда ўтираркансиз, пастдаги истаган томонга қараб, энг баланд тепаликда турибман, дея тасаввур қилишингиз мумкин. Ҳамма йўллар оёқларингиз остига келади, барча томонлар сизнинг кўриш нуқтангиздан тарқалади. Иссиқ шамолу қор кўчкинларига эътибор берманг, кўзни камаштирадиган ультрабинафша нурлар тўғрисида ўйламанг, фақат атрофингизу пастга назар ташланг. Умрингиз фақат табиатдан кўра бошқа масалалар хусусида. Ҳаётингиз бутун пасттекисликлар бўйлаб ёйилиб кетган. *Марко Поло ўзининг террористлар ҳақидаги ҳикоясига қистириб ўтган бир ҳикояни ўқигандим. Биринчидан, у ҳикояни ривожлантириб, ўз замонасига мослаштирган, иккинчидан, қаряга Оловуддин деб от қўйган, учинчидан, террористларнинг мақсадини анча осонлаштирган. Тўртинчидан... Минг йиллар аввал исми \*Тонгга туташ\*га ўхшаган бир чол ўтган экан. У тўрт денгиз бўйлаб ёйилган буюк давлат барпо этибди. Унинг қароргоҳи энг катта саҳронинг ўртасида, Қутлуғ Водийдаги Муқаддас Тоғ остида ва Табаррук дарё устида экан. Ана шу ерда қария бог яратибди, у бог гўзалликда жаннат билан тенглаша оларкан. Бу боққа ҳеч кимнинг киришига изн берилмаган экан. Чолнинг бир нечта қизи бўлгани ҳолда бирорта ҳам ўгли йўқ эди, шунинг учун ўз жияни жангда ҳалок бўлганида, унинг боласини асраб, ўзига ўғил қилиб олибди. Шу бола катта бўлиб, қаҳрамонга айланибди, етмиш етти жангга кириб, бирон марта енгилмабди. Бутун қитъа унинг қўл остида экан. Лекин кунларнинг бирида ёлланган бир сотқин душман унинг орқасидан писиб келиб, ўлдириб кетибди. Барча мамлакатларнинг элчилари марҳум Шаҳзодага яширин суиқасд уюштирганлар билан қўшилиб, унинг жанозасига келибдилар. Азадан кейин ҳамма чин дилдан ибодат қилиб бўлгач, қария уларнинг ҳаммаларини қаттиқ маст бўлгунча ичишларини буюради. Элчилар ухлаб қолишгач, уларни алоҳида-алоҳида ҳолда водийни ўраб турган тоғлардаги махсус зорлар орқали бояги сирли богнинг турли қисмларига олиб кетилади. Улар ана шу богда уйғониб, жаннатга тушидик, дея хаёл қилишади. Қирғогида асал томиб турган сутли дарёлар, нозик қўлларидан шароб тутган ялангоч ҳуру парилар – ҳамма нарса жозибали ва кишини ўзига тортарли эди... Улар қадаҳларни қайта-қайта кўтаришади... Улардан бири ҳатто Муқаддас Тоғнинг энг юқорисидagi осмон тоқига олиб чиқилади... Кейинги сафар уларнинг бари ўзларининг богларидаги ажойиб, лекин зерикарли маконларида таржимонлари олдига уйғонишади. Ва бўлган воқеани туш деб ўйлаб, жаннатда, ҳатто майин ҳаволи Муқаддас Тоғда бўлганликларини бир-бирларига айтиб беришади, уларни таржимонлар батафсил ёзиб оладилар. Қизиги шуки, ҳар бир элчи бундай мўъжизали маконда ёлғиз ўзим бўлдим, деб хаёл қилади. Гарчи уйга қайтиш фурсати етган бўлса ҳам, улар мўъжиза яна такрорланишига ишониб, интиқлик билан*

кутаверишади. Аста-секин уларнинг ҳар бири бу туйғуни бошидан ўтказгани аён бўлади. Шунда ҳамма ўзиникини маъқуллаб, бошқалар шунчаки уни такрорлашаётган ва ё тақли қилишаётганини исботлашга киришиб кетади. Айниқса, тоғ чўққисиди бўлган элчи ҳаммадан кўп ўз сўзини маъқуллади. Айтишича, унга борган жойида бир сирли кўзгу беришган ва бу кўзгу орқали нафақат Мовий Осмон қаршисидидаги ўз юзини, балки ўн саккиз минг оламнинг бор ақлу заковатини кўрган. Бироқ, унинг самимият ила сўзлашича, маст ҳолда қўллариди кўзгуни тутиб туролмаган. Ё балки бу инсонга хос ҳаяжон туйғули содир бўлган. Ҳарқалай, у кўзгуни қўлидан ерга тушириб юборган ва у чилпарчин бўлиб, бутун водийга тарқалиб кетган. Шунга ўхшаш ҳикояни айтиб берган элчилардан бири дарё асиди бўлган. У ҳам биринчи элчи гапларини айтган, лекин битта фарқи шуки, дарё уларни узоққа суғуриб ташилаган. Ҳарҳолди уларнинг барчалари орасиди кўр-кўрона душманлик пайди бўлган...

Кунларнинг бириди қария уларни яна бир жойга тўплайди ва тагин маст қилиб, ҳаммаларини аввалги боққа элтади. Бу сафар улар уйғониб, қаршилариди ўзларининг эгизлари турганини кўришади. У эгизлар, улардан қариши ўлароқ, синган ойнапарчалар бир жойга йиғилган кўйи ўтиришган ва тарқоқ элчиларни ўзларига қўшилишига таклиф қилишарди. \*Биз сизларнинг пок руҳларингиз бўламиз, – тушунтиришади улар, – сиз эса пасткаши дунёдаги жисмимизсиз.\* Ўз аксларига боқиб, элчилар йиғлашига тушишибди: \*Ҳаётимиздаги кирликлар нимадан иборат эди, дунёда нима гуноҳ қилибмиз?\* Шу тариқа улар ўзларининг комил руҳлари билан бирга ўз нуқсон ва гуноҳларига иқрор бўлиб, кун ва тунларни ўтказдилар, лекин бир покиза ҳур энди улар ўз дунёларига қайтишлари ва унда барча муқаддас билимларни тарқатишлари лозимлигини эълон қилганиди, барча элчилар ўша турган жойлариди қолишни, дунёга эса ўз руҳларини юборишни ўтиниб сўрайдилар. Шу нарсаларни бошқариб турган қариядан бўлак ҳеч ким Буюк Қайтарув учун ким танлаб олинганини билмас эди...

Ҳикоя ана шунақа ниҳояга эга. Марко Поло унинг сўнги вариантини ишлаб чиқди ва боққа юборилган кишиларни қария ҳаққи ҳурмати ҳукмдорлар, шоҳлар ва императорларни ўлдирган террористлар каби ифодалади. Улар салтанат ва қиролликларни вайрон қилади, оила ва уруғларни чилпарчин этади, ўлим ва қўрқув уругини экади... Улар дунёни зимдан олади... Кўпгина кишилар шу таржимага амал қилиб келишган, чунки ҳикоя орқали маълум бир нуқтага етган деярли барча одамлар ё қотилнинг ва ё бошқа бир турдаги қирғиннинг қурбонига айланган. Бундай қиссаларга бой китоблар тўлиб ётибди, уларни газеталарда ўқиш, ойнаи жаҳонда томоша қилиш, интернетда очии мумкин. Зомбилар, жангарилар, партизанлар, қотиллар... Улар ҳар жойди, ҳар бир ирқди, динди, миллатди мавжуд, улар ҳатто ораларингизди зирапчадай яшириниб юрган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас... Ва сиз яширин бир илмнинг қўли тегадиган навбатдаги ўлжаси бўлишингиз мумкин... Энди навбат сизга етди... Лекин бошқа бир шарҳ ҳам мавжуд. Энг баланд чўққиди атрофни томоша қилиб ўтирарканман, энди ҳеч бир суиқасд ё фитнадан қўрқмагайман. Мен бунди қўрқув ва ташивиш парча-парча қилиб юборган жисмини тарк этган жон каби яғонаман. Балки улар ўлдиришмас, балки шунчаки ишонч ҳосил қилишмоқчидирки, сиз бир-бирига елимланган синиқ ойна – ҳаво қисқарган, қуёш кўзни қамаштирадиган даражади ёрқин, осмон шундоққина елкангизди ўтирган ёлғиз тоғнинг чўққисиди кутиб турган ўзингизнинг эгизингиз ё соянгиз, руҳингиз ё жонингиз билан қовушгайсиз. Чунки кунинг сўнгида Кўк Турклари бор, шундай эмасми?

Шу жойди ҳаммаси тугайди.

**Ноуман Смайлз, Ҳартфордшир**